

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ**  
**ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**



**“Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият  
қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси**  
**“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва  
амалиёти” фанидан**

**МАЪРУЗА МАТНИ**



**ТОШКЕНТ-2016**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи**

\_\_\_\_\_ **У.Якубов**

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ **2016-йил**

**“Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш  
назарияси ва амалиёти” кафедраси**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Фалсафа ва ЎДЖҚНА” кафедраси мудири**

\_\_\_\_\_ **М.Примов**

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ **2016-йил**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА  
АМАЛИЁТИ” ФАНИДАН**

**МАЪРУЗА МАТНИ**



**ТОШКЕНТ-2016**

# МУНДАРИЖА

1.	КИРИШ.....	1
2.	СИЛЛАБУС.....	5
3.	Намунавий дастур	
4.	Ишчи укув дастури	
5.	1-дарс. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари ....	11
	Маъруза	
	Амалий машғулот	
	Мустақил таълим	
	Глоссарий	
	Тақдимот (электрон шаклда)	
6.	2-дарс. Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари .....	33
	Маъруза	
	Амалий машғулот	
	Мустақил таълим	
	Глоссарий	
	Тақдимот (электрон шаклда)	
7.	3-дарс. Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг «ўзбек модели».....	66
	Маъруза	
	Амалий машғулот	
	Мустақил таълим	
	Глоссарий	
	Тақдимот (электрон шаклда)	
8.	4-дарс. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ўтиш даврининг зарурлиги ва тараққиёт босқичлари.....	100
	Маъруза	
	Амалий машғулот	
	Мустақил таълим	
	Глоссарий	
	Тақдимот (электрон шаклда)	
9.	5-дарс. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий ва умумбашарий тамойиллари .....	126
	Маъруза	
	Амалий машғулот	
	Мустақил таълим	

Глоссарий

Тақдимот (электрон шаклда)

10. 6-дарс. Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти  
қуришнинг асоси .....151

Маъруза

Амалий машғулот

Мустақил таълим

Глоссарий

Тақдимот (электрон шаклда)

11. 7-дарс. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини  
демократлаштириш.....176

Маъруза

Амалий машғулот

Мустақил таълим

Глоссарий

Тақдимот (электрон шаклда)

12. 8-дарс. Фуқаро еркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини  
таъминлаш.....198

Маъруза

Амалий машғулот

Мустақил таълим

Глоссарий

Тақдимот (электрон шаклда)

13. 9-дарс. Демократик бозор ислохатлари ва иқтисодий  
лебираллаштириш.....225

Маъруза

Амалий машғулот

Мустақил таълим

Глоссарий

Тақдимот (электрон шаклда)

14. 10-дарс. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда кучли ижтимоий  
ҳимоя ва адолат тамойиллари.....249

Маъруза

Амалий машғулот

Мустақил таълим

Глоссарий

Тақдимот (электрон шаклда)

15. 11-дарс. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш институтларини демократлашуви .....281

Маъруза  
Амалий машғулот  
Мустақил таълим  
Глоссарий  
Тақдимот (электрон шаклда)

16. 12-дарс. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.....300

Маъруза  
Амалий машғулот  
Мустақил таълим  
Глоссарий  
Тақдимот (электрон шаклда)

17. 13-дарс. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз еркинлигини таъминлаш.....316

Маъруза.  
Амалий машғулот  
Мустақил таълим  
Глоссарий  
Тақдимот (электрон шаклда)

18. 14-дарс. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигида демократик тамойилларга асосланиши .....330

Маъруза  
Амалий машғулот  
Мустақил таълим  
Глоссарий  
Тақдимот (электрон шаклда)

**Тузувчилар: А.Абдуллаев**

## КИРИШ

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг асосий мақсади – жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳокимият ҳамда унинг таркибий қисмлари, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотлар уларнинг ўзаро муносабатларини чуқур таҳлилий ўрганиш. Шунингдек, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислохотлар уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти очиқ берилади.

Айниқса, Ўзбекистонда демократик жамият қуришда янги тарихий даврнинг бошланиши, Президент И.А.Каримов томонидан демократик фуқаролик жамият қуриш назарий асосларининг ишлаб чиқиши. Унинг ўрганилишини тақозо етувчи шарт-шароитлар ва омиллар талабаларга чуқур ўргатилади.

Ҳар бири мавзу якунида таълим технологиялари келтирилган бўлиб, уларни қўллаш бўйича аниқ тавсиялар берилган. Шунингдек, мазкур фандан ишлаб чиқилган ўқув – услубий мажмуа (ЎУМ) да баён етилган.

- Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларда фаол иштирок етиш.
- Президент И.А.Каримов асарларида баён етилган демократик ислохотлар билан боғлиқ билим ва малакаларини ошириш.
- Талабада Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишида, маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ҳақидаги тушунчаларни бериш.

Мазкур фанни урганиш учун бокалавр – иқтисодчи давлат таълим стандартларида кўзда тутилган барча ижтимоий – гуманитар фанлар билан бевосита алоқада бўлади. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг маъруза машғулотларида керакли маълумотлар кўргазмали равишда тақдим етилади ҳамда бошқа янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланилади.

Талабаларнинг мустақил ўқиши, маъруза тинглаши ва бошқа педтехнологиялардан унумли фойдаланиши, уларнинг олган тегишли маълумотларини, билим ва малакаларини яхлит тизимга келтиради.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**СИЛЛАБУС**

**Тошкент - 2016**

<b>Фаннинг қисқача мазмуни</b>			
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Тошкент молия институти		Амир Темур кўчаси, 60-А уй
Кафедра:	“Фалсафа ва ЎДЖҚНА”		Суғурта
Таълим соҳаси ва йўналиши:	5230200 – Менежмент (хизматлар соҳаси); 5230600 – Молия; 5230700 – Банк иши; 5230800 – Солиқлар ва солиққа тортиш; Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бо‘йича); 5231200 – Суғурта иши; 5231300 – Пенсия иши; 5231500 – Баҳолаш иши; 5232200–Давлат бюджетининг ғазна ижроси		
Фанни олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот	Доц И.Қўнғиров ўқитувчилар: К.Кушбаков, С.Умаров	е-маил	<a href="mailto:kurt@tphi.uz">kurt@tphi.uz</a>
Дарс жойи ва вақти	Молия- иқтисод, Кредит-иқтисод, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, Суғурта, Молиявий менежмент, Бюджет ҳисоби ва давлат жамғармалари факултетларининг ўқув биноси	фаннинг давомийлиги	

Индивидуал график асосида ишлаш вақти	душанба, чоршанба ва жума кунлари 14.00 дан 16.00 гача			
Фанга ажратилган соатлар	Аудитория соатлари			
	Маъруза	28	Амалиёт	28
Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги	<p>“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик, маънавий асослари, Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар, педагогика, психология каби ижтимоий-гуманитар фанлар билан бевосита алоқадор.</p> <p>“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани бакалавриятнинг биринчи ва семестрида ўқитилади.</p>			

### ФАННИНГ МАЗМУНИ

<b>Фаннинг долзарблиги ва қикача мазмуни:</b>	<p><b>“ Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти ”</b> фаннинг асосий мақсади – талабаларда Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда ижтимоий воқеликка мустақил муносабатини шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг назарий асосларини ва ижтимоий-сиёсий моҳиятини, демократик тамойилларнинг аҳамиятини сингдиришдан иборат.</p> <p><b>Фаннинг вазифаси</b> - ёшларнинг ижтимоий фаолиятида демократик жамият қуриш жараёнларига муносабатни; демократик жамият қуришнинг назарий асосларини англаб етиш малакасини; демократик жамият қуриш жараёнларини таҳлил қилиш ҳамда уларга мустақил ёндашувни шакллантиришдан иборатдир.</p>
---	---

<p><b>Талабалар учун талаблар</b></p>	<p>“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- демократик жамият қуришнинг мазмун-моҳиятини билиш ва улардан амалиётда фойдаланиш;</li> <li>- демократик жамият қуришнинг негизларини, фалсафий асосларини ўрганиш ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш; ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақидаги муқобил ғояларни қиёсий таҳлил қилиш ва уларга мустақил муносабат билдириш;</li> <li>-демократик жараёнларга доир назарий билимларни амалий ҳаётда қўллаш; ёшларда маънавий таҳдидларга қарши курашиш кўникмасини шакллантиришдан иборат</li> </ul>
<p><b>Электрон почта орқали муносабатлар тартиби</b></p>	<p>Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина институт ҳудудида, ажратилган хоналарда ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 15:00 дан 20:00 гача.</p>

**“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан  
ўтиладиган мавзулар ва уларнинг машғулот турларига ажратилган соатлар  
ҳажмининг тақсимоти  
(барча таълим йўналишлари бўйича)**

Т/р	Фани мавзуларининг номи	Жами соатлар	Шу жумладан		
			Мавзуза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
	<b>Кўзги семестр</b>				
<b>1</b>	“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг предмети, объекти, мақсади, ва вазифалари	<b>4</b>	2	-	2
<b>2</b>	Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари	<b>8</b>	2	2	4
<b>3</b>	Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели”	<b>8</b>	2	2	4
<b>4</b>	Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ўтиш даврининг зарурлиги ва тараққиёт босқичлари	<b>10</b>	2	2	6
<b>5</b>	Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий ва умуминсоний демократик тамойиллари	<b>8</b>	2	2	4
<b>6</b>	Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асоси	<b>8</b>	2	2	4
<b>7</b>	Давлат ҳокимията ва бошқарувини демократлаштириш	<b>8</b>	2	2	4
<b>8</b>	Фуқаро еркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш	<b>8</b>	2	2	4
<b>9</b>	Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодётни лебираллаштириш	<b>8</b>	2	2	4
<b>10</b>	Ўзбекистонда демократик жамият қуришда кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари	<b>8</b>	2	2	4
<b>11</b>	Маҳаллаий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларини демократлашуви	<b>8</b>	2	2	4
<b>12</b>	Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш	<b>10</b>	2	4	4
<b>13</b>	Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз еркинлигини таъминлаш	<b>8</b>	2	2	4
<b>14</b>	Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигида демократик тамойилларга асосланиши	<b>8</b>	2	2	4
	<b>ЖАМИ</b>	<b>112</b>	<b>28</b>	<b>28</b>	<b>56</b>

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Рахбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
2. «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил етилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. // “Халқ сўзи”, 2000 йил 4 апрел.
3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. // “Халқ сўзи”, 2002 йил 27 декабр.
4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни. // “Халқ сўзи”, 2002 йил 28 декабр.
5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // “Халқ сўзи”, 2003 йил 28 декабр.
6. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. // “Халқ сўзи”, 2004 йил 30 апрел.
7. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларацияси (1990 йил 20 июн). – Т.: “Ўзбекистон”, 1990. – 12. б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996.- 364 б.
9. Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида” – Т.16. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. -368 б.
10. Каримов И.А. “Юксак маънавият - енгилмас куч”. Т. “Маънавият”, 2008 йил. 176 б.
11. Каримов И.А. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мизонидир” – Т.19– Т.: Ўзбекистон, 2011.
12. Каримов И.А. “Ўзбекистон Мустақилликка еришиш оstonасида” – Т.: Ўзбекистон, 2012.
13. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация тараққиётларини изчил давом еттириш йўлидир – Т. 20– Т.: Ўзбекистон, 2012.
14. Каримов И.А. мамлакатимизни янада обод етиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом еттириш йўлида.– Т.21– Т.: Ўзбекистон, 2013.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган нутқи. Т.: Ўзбекистон, 2015.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Сенатининг қўшма Мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи”, 2015 йил 24 январ.
17. Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // “Халқ сўзи”, 2015 йил 11 апрел.
18. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буйик кйлажаги йўлида хизмат қилиш – енг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
19. Каримов И.А. Тинчлик ва осойишталик – барча ютуқларимиз асоси. Т.: “Ўзбекистон”, 2016
20. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2016
21. Каримов И.А. Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Т.: “Ўзбекистон”, 2016
22. Каримов И.А. Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир. Т.: “Ўзбекистон”, 2016

<p><b>Дарслик ва қўлланмалар:</b></p>	<p>23.Эргашев И. ва бошқалар.Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. (дарслик) Т.: «Академия», 2005.  24. Қирғизбоев М. ва бошқалар.Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Т.: «Наврўз », 2014. 398 б.  25.Нодавлат нотижорат ташкилотларини самарали ривожлантириш. (Услубий қўлланма) Т.:”Наврўз”,2015. 383 б.</p>
<p><b>Қўшимча адабиётлар</b></p>	<p>26. Темур тузуклари – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. 184 б.  27. Низомулмулк. Сиёсатнома – Т.: “Адолат”, 1997.-256 б.  28.Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.-Т.: Ўзбекистон,2001-368 б  29.Интернет сайтлари:  - www.мгимо.ру/филесервер  - www.пасадемй.еду.б  - www.рагс.ру/каф/фи...  - www.ссу.рунет.ру/...  - <a href="http://www.tfi.uz">www.tfi.uz</a>  - <a href="http://www.darvoza.uz">www.darvoza.uz</a>  - <a href="http://www.fgsn.rudn.ru">www.fgsn.rudn.ru</a>  - <a href="http://www.pxilosc.msu.ru">www.pxilosc.msu.ru</a>  - www.pxiloscopxj.py.py  - <a href="http://www.itc.py">www.itc.py</a>  - <a href="http://www.mirkin.py">www.mirkin.py</a>  - <a href="http://www.libertarium.py">www.libertarium.py</a>  - <a href="http://www.sepa.newschool.edu/het">www.sepa.newschool.edu/het</a></p>

### 3. РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

#### 3.1.Рейтинг назорати жадвали

Рейтинг назорат турлари	Семестр ҳафталиги																	18 Таътил	19 Таътил	20	21-22 Атгестация	Баллар	Саралаш бали
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17						
ЖН	3	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	2	18 Таътил	19 Таътил	20	21-22 Атгестация	Баллар	Саралаш бали	
ОН	0-35																			2	x	0-35	39
Σ (ЖН+ОН)	0-70																				x	0-35	
ЯН																					0-30	0-30	0
ЖАМИ	0-70																				0-30	0-100	55

Изоҳлар:

1. Рейтинг назорат тизими бўйича баллар электрон журналга белгиланган тартибда киритиб борилиши шарт
2. Семестр ҳафталари сони таълим йўналиши (мутахассислик)нинг ўқув режаси ва ўқув жараёни графигига мувофиқ белгиланади ва фарқланиши мумкин (18-19 ҳафталар қишки таътил даври ҳисобланади).

#### 3.1. ЖН бўйича баҳолаш мезони

ЖН амалий машғулотлар ўзлаштирилиши бўйича юқоридаги жадвалда келтирилган семестр ҳафталари кесимида ҳар бир машғулотда талабанинг ўзлаштиришига мос равишда мезон асосида жами 0-35 баллгача жамланиши белгиланган.

### 3.2.ОН бўйича баҳолаш мезонлари

ОН бўйича талаба жами 0-35 баллгача жамлаши мумкин. Фаннинг ўқитилган мавзулари бўйича ўзлаштириш назорати турли шаклларда ўтказилиши мумкин. Мазкур фандан ОН тест синови шаклида ўтказилганда тестлар сони ва уларга мос равишдаги мезон 0-35 балл кесимида кафедра томонидан алоҳида белгиланади.

### 3.3. $\Sigma$ (ЖН+ОН) бўйича баҳолаш мезонлари

$\Sigma$  (ЖН+ОН) 0-70 гача бўлган рейтинг баллари қуйидаги мезонларга мувофиқ умулаштирилиши белгиланган.

Талабаларнинг билим даражаси	Рейтинг баллари		$\Sigma$ (ЖН+ОН)
	ЖН	ОН	
<p>-талаба “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанини мустақил мушоҳада юрица;</p> <p>-фаннинг моҳияти ва мазмунини тушуниб, тарихий воқеликка ижодий ёндошса;</p> <p>-“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани ҳақида аниқ тасаввурга ега бўлса, уларнинг жамият ва инсон фаолиятига оид мисоллар орқали ифодалаб берса, уларни амалий фаолиятда қўллай олса;</p> <p>-ўтилган мавзулар бўйича танқидий-конструктив мулоҳаза юрица;</p> <p>-маъруза, амалий машғулот ва мустақил топшириқларни ўз вақтида бажарса ва тўпланган маъруза амалий машғулот топшириқларни ўз вақтида бажарса ва тўпланган маълумотларида биринчи манбаларга мурожаат етган бўлса.</p>	30-35	-70	-70

<p>-талаба “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани бўйича мустақил фикрлай олса, билдирилган фикрларининг моҳиятини тушунса;</p> <p>-фаннинг муҳим тушунчалари ҳақида тасаввурга ега бўлса, уни билса ва ва тушунтириб бера олса;</p> <p>-маъруза, семинар машғулотлар ва мустақил иш учун берилган топшириқларни бажарса.</p>	<b>25-29</b>	<b>50-69</b>	<b>50-69</b>
<p>-фаннинг асосий тушунчалари ва тамойилларини тушунса ва айтиб берса;</p> <p>- маъруза, семинар машғулотлар ва мустақил ишларни ёзган ва бажарган бўлса;</p> <p>-машғулотларда ўз мулоҳазаси билан иштирок етиб тувса.</p>	<b>19-24</b>	<b>39-49</b>	<b>39-49</b>
<p>-фан ҳақида тасаввурга ега бўлмаса, уларнинг моҳиятини тушунмаса;</p> <p>-ЖН ва ОН ларни ўз вақтида бажармаган бўлса;</p> <p>- маъруза, семинар машғулотлар ва мустақил топшириқларни ёзмаган ва бажармаган бўлса;</p> <p>-дарсларни сабабсиз қолдирган бўлса;</p> <p>-дарсда фаол бўлмасдан ва интизомсизлик қилса.</p>	<b>0-19</b>	<b>-38</b>	<b>-38</b>

### 3.4.ЯН ни баҳолаш мезонлари

Талабалар “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани бўйича якуний назоратни тест топшириқларни ёки “Ёзма иш” усулида топширадилар ва уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 0 дан 30 баллгача баҳоланади.

Фан бўйича якуний назоратнинг ёзма иш вариантлари 3 (учта) саволлардан иборат. Ҳар бир саволга берилган жавоби 0-10 баллгача баҳоланади.

<b>ЯН ни баҳолаш мезонлари</b>	<b>ЯН</b>
Берилган ҳар бир саволга тўғри ва тўлиқ жавоб ёзилса, фаннинг назарий ва услубий асослари тўғри қўлланилса, илмий тушунчалар ҳақида ўз мустақил фикрига ега бўлса ва уни ёзма шаклда баён эта олса, жавобда мантиқий яхлитликка еришилса	<b>8,6-10</b>
Берилган саволларга тўлиқ жавоб ёзилса, фанга оид ва жараёнларга таъсир етувчи омиллар тўлиқ ва тўғри аниқланса омиллар таъсирига ижодий ёндошга ҳолда хулоса ва фикрлар билдирилса	<b>7,1-8,5</b>
Берилган ҳар бир саволга фан ҳақида қисман тасаввурга ега бўлиш, фанининг назарий ва услубий асослари тўғри қўлланилса	<b>5,5-7,0</b>
Фан ҳақида аниқ тасаввурга ега бўлмаслик. Берилган ҳар бир саволга жавоб ёзилмаса, нотўғри жавоб ёзилса ёки ўқув адабиётидан сўзма-сўз кўчириб ёзилса	<b>0-5,4</b>

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**1-МАЪРУЗА**

**Тошкент - 2016**

## **1-мавзу. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанларининг предмети, объекти, мақсади вазифалари.**

### **РЕЖА:**

1. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг предмети ва тадқиқот объекти.

2. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг қонуниятлари ва категориялари.

3. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”нинг фан сифатида шаклланиши.

4. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги.

XX аср сўнггида дунё харитасида мустақил Ўзбекистон пайдо бўлди. Уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихимизда ўз мустақиллигининг навбатдаги истиқлол цивилизациясига қадам қўйилди. Қадамнинг тарихан туб сифат моҳияти 1991 йил 31 августда еълон қилинган мустақил Ўзбекистон давлатининг конституциявий мақомида аниқ шакл ва мундарижа касб етди. Мустақил Ўзбекистон халқи ўз олдига “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо етиш”дек, *конституциявий мақсадни* қўйди. Миллий давлатчилигимизнинг бой ва ибратли тарихида илк бор ана шундай мақомга ега цивилизациялашган давлат барпо етиш ва унинг негизида адолат, қонунийлик тамойилларига таянувчи замонавий демократик жамиятни шакллантиришдек, асрий орзу-умид имкони юзага келди ҳамда унинг конституциявий-ҳуқуқий асос-заминлари яратилди.

Миллий демократик тараққиётнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияси белгилаб берилган “*ўзбек модели*”нинг *маиҳур беш тамойили*, тамойилларнинг илмий-амалий яхлит мундарижаси миллий давлатчилигимизнинг янгидан тикланиш ва ривожланиш жараёнлари ҳамда босқичлари мазмунини, характерини, табиатини, яъни аниқ демократик мақомини тайин етди.

Хўш, ушбу жараёнлар ва босқичлар, умуман, яхлит, муштарак сиёсий-демократик пировард-мақсаднинг ибтидоси, йўли, амалиёти ҳамда аниқ самаралари қандай бўлди, бўлаяпти? Пировард - мақсаднинг назарий-услубий, ғоявий, илмий ва амалий, шунингдек, конституциявий-ҳуқуқий асос-базалари такомилни нималардан иборат? Ўзбекистон истиқлол ва тараққиёт андозаси негизида тўплаган миллий демократик ривожланишнинг ўзига хос тарихий тажрибаси хусусиятлари қанақа? Улар мазмун ва мақоми умумидемократик цивилизация талабларига тўла мос келяптими ёки йўқми? Агар танланган йўл умуминсоний қадриятларнинг цивилизациявий муштараклигидан иборат умумидемократик маданиятнинг талаб-еҳтиёжларига тўлиқ мос келаётган бўлса,

унинг сир-асрори нима ва сабаб-оқибатлари қандай? Мустақил давлатимизнинг жаҳон демократик ҳамжамиятида муносиб ўрин тутиши йўлидаги саъй-ҳаракатлари кутилган натижасини бeryаптими? Мустақилликни янада мустаҳкамлаш, миллий тикланиш жараёнларини демократик ғоялар ва улар амалиёти билан тўлиқ таъминлаш, туб ислохотлар ҳамда янгиланишларни демократик янада чуқурлаштириш орқали жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократик либераллаштириш, ижтимоий тараққиётнинг олий белгиси, кўриниши бўлмиш адолатли, очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ тақдирломон вазифалар кўламининг назарий-амалий истиқболлари қанақа? Замонавий жаҳоний тафаккур цивилизациясига асосланган миллий сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-ғоявий назарий фалсафанинг Президент Ислом Каримов демократик таълимоти билан узвий муштарақлигидан иборат яхлит квинтессенцияси мустақил Ўзбекистонда кечаётган қизгин демократик жараёнларда қандай амалий ижросини топмоқда? Умуман, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва демократик тараққиёт йўли ҳамда уни янада такомиллаштириш истиқболлари қандай? Ва ҳоказо...

Саволлар жиддий илмий-назарий ва амалий аниқ жавобларни талаб қилади. Уларни яхлит муштарақликда айнан “Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти” фани махсус ўрганади.

Фан юзага келишининг ижтимоий, сиёсий-маърифий еҳтиёжи, енг аввало, истиқлол ўлароқ, танланган миллий ривожланиш йўлининг демократик мақсад-мақомида, конституциявий мазмун-мундарижасидадир.

Мустақилликнинг илк кунлариданок, Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини демократик дунё цивилизацияси талаблари ҳамда тартиб-қоидалари, умумбашарий тамойиллари асосида белгилади. У ўз мақомини дунёвий давлат шаклида белгилаб, *инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга*, унинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини белгилашга киришди. Шу улў мақсад ёш мустақил давлатни бозор иқтисодиётига ўтишдек еркин демократик тараққиёт йўлини танлашга олиб келди. Бу йўл ҳалокати муҳаққак бўлмиш қонли инқилобий “сакраш”лар асосида емас, балки босқичма-босқич, узвий тадрижий ривожланиш бўлди. Ҳар қандай *“изм”лардан, мафкуравий тазйиқлардан холи* бу йўл демократик барқарор йўл сифатида иқтисодиётни Сиёсатдан устун қўйилишини тақозо етди. Маъмурий-бўйруқбозликдек тоталитар, ғайридемократик тузумдан демократик ҳуқуқий цивилизацияга асосланган тизимга ўтишдек, қисматнинг мураккаб чорраҳаларида бутун масъулият ва ташаббусни онгли равишда ўз зиммасига олган давлатнинг бош ислохотчилик мақоми аниқ белгилаб олинди. Бу ўтиш босқичидек оғир даврда жамиятда сиёсий-маънавий барқарорликни, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, муқаррар туб ислоҳий янгиланишларни босқичма-босқич амалга ошириш, одамлар онги ҳамда дунёқарашини ўзгартириш, уларда демократик қадриятлар маданиятини тарбиялаб, шакллантириш имконини юзага келтирди. Енг муҳими - *жамият ўтиш босқичига хос турли ижтимоий ларзалардан холи бўлди.*

Давлатнинг бош ислохотчилик мақоми давлат ва жамият курилиши тамойилларини конституциявий тўғри белгилаш орқали ҳокимият бўғинлари ҳар бирининг фаолият доирасини аниқ белгилаб, улар ўртасидаги

келишмовчиликларнинг олдини олишга кафил бўлди. Мустақил давлат Асосчиси ва Йўлбошчиси И.А.Каримовнинг ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат раиси сифатидаги конституциявий мақоми айнан ана шу мақсад - давлатнинг бош ислохотчилик вазифасига тўлиқ сафарбар этилди.

Демократиянинг бош талаби бўлмиш қонун устуворлигини таъминлаш, унга тўлиқ еришиш конституциявий мақсад қилиб белгиланди. Зотан, демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари ва еркинликлари, аввало, Конституция ҳамда қонун устунлиги билангина таъминланади. Қонун олдида ҳамма тенг. Бу демократиянинг оддий талаби.

Маълумки, *бозор - иқтисодиёт демократияси* ҳисобланади. Иқтисодий еркинлик, мулкнинг турли шаклларда мавжуд бўлиши ва рақобат асосида еркин ривожланиши иқтисодиёт демократиясининг асоси ҳисобланади. Мулкнинг шаклидан қатъи назар мулк егаси еркин ва озод. У ўз манфаатларидан келиб чиққани ҳолда, рақобат бозорида иштирок этади.

Иқтисодиёт демократияси бўлган бозорга босқичма-босқич ўтиш шароитида жамиятнинг муайян ижтимоий қатлами, шубҳасиз, аниқ йўналтирилган кучли ижтимоий ҳимояга табиий муҳтожлик сезади. *Демократик давлат ва демократик жамият ана шу муқаррар муҳтожлик ўлароқ, кам таъминланган одамларни, оилаларни, хусусан, кўп болали оилаларни, қарияларни, ногиронларни ўз ижтимоий ҳимоясига олади.* Бу ёлғиз демократик давлат ва унинг негизида демократик жамият барпо қилиш сари юз тутган ўтиш босқичидаги ривожланаётган мамлакатлар учунгина эмас, айти пайтда, ривожланган йирик демократик давлатлар, уларнинг батартиб ва барқарор ижтимоий Сиёсати учун ҳам аслида хос жиҳатдир.

Халқ ҳокимиятчилиги бўлган демократия Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яхлит мундарижасини ташкил етди. Асосий Қонуннинг Муқаддимасидан сўнгги 128-моддасигача давлатимизнинг демократик мақоми аниқ ҳуқуқий ифодасини топган. Конституция - миллий демократиянинг юридик кўзгуси. Унда умуминсоний демократик қадриятлар, халқаро ҳуқуқ нормалари, шунингдек, инсон ҳуқуқи давлат ҳуқуқидан устун қўйилган. Зотан, ҳақиқий демократик давлат ҳуқуқий тажрибасидагина инсон ҳуқуқлари, еркинликлари, инсон манфаатлари енг юксак ва енг устун қадрият ҳисобланади. Демократик давлат ва жамият, аваламбор, инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва еркинлиги унинг тинч-тотув ҳаёти, келажагини ташкил етиш, ҳимоя қилишдек, улуғвор инсонпарвар мақсадларга хизмат қилади. Ўзбекистон ўз Йўлбошчиси раҳбарлигида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт кўндаланг қўйган, қўяётган ана шу масалани демократиянинг фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилиги, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, халқнинг еркин хоҳиш-иродаси, ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши, уларнинг сайловларга бўйсиниши, ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги, умуминсоний қадриятлар ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги каби асл тамойилларига қараб, тўғри хал қилди, ҳал қилмоқда, кундалик фаолиятга омилона тадбиқ етмоқда.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда демократия қай даражада еканлигини белгиловчи принциплар (халқ ҳокимиятчилиги, қонун устуворлиги, Қонун

олдида барчанинг тенглиги, инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устунлиги ва б) қаторида камида учта мезон мавжуд. Улар:

а) халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан хабардорлиги, ушбу жараёнларда онгли фаол иштирок етиши;

б) ҳукумат қарорлари, қонунлар ижролари халқ томонидан назорат қилиниши (жумладан, жамоатчилик назорати);

в) оддий фуқароларнинг давлатни, жамиятни бошқаришда онгли фаол иштироки.

Ҳа, адолат ва демократияни тепадан туриб, махсус фармон ёхуд декрет билан ўрнатиб бўлмайди. Бу бутун халқнинг, ҳар бир фуқаронинг бирдек муштарак иштирокини тақозо этади. Ана шунга еришган давлат ва жамиятгина, ушбу ҳақиқатни теран англаган, демократик цивилизация кашф етган, асрлар синовидан ўтган, демократик дунёнинг бугунги талабларига хизмат қиладиган, танлаб-саралаб олинган миллий кадриятлар ва умуминсоний тажрибалар табиий уйғунлашган жамиятгина демократик мақом касб этади.

Конституциявий тамойилларга қатъий риоя етиш асосида юқоридаги универсал мезонларнинг демократик амалиёти Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида демократия талаблари ва принципларини тўла қарор топтириш, давлат, жамият ҳамда давлат идоралари ишини демократик тамойиллар негизида ташкил етиш имконини берди. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи (Олий Мажлис), ижро етувчи (Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари) ва суд тизимидан иборат уч мустақил бўғини бир-бирини тийиб туриш, назорат қилиш ва бир-бирининг ишига аралашмаслик мақомида конституциявий ташкил етилди.

Демократик давлат ва жамиятда ижтимоий ҳаёт кўп партиявийлик, фикрларнинг хилма-хиллиги, плюрализм (жумладан, сиёсий ва мафкуравий плюрализм) асосида ривожланади. Демократиянинг бу қоидаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида муҳрлаб қўйилган

Зотан, ҳар қандай демократия, аввало, ғоялар, қарашлар демократиясидан, демак, тафаккур, дунёқараш, онг демократиясидан бошланади. Бу демократиянинг маънавий талаби, айни пайтда, маънавиятнинг демократик талаби. Тафаккурни, дунёқарашни, онгни демократлаштирмай туриб, давлатни, жамиятни демократлаштириб бўлмайди. Қонун ва қонун талаблари камситилиб келинган муҳитда шаклланган жамият, тарбияланган инсон учун, шубҳасиз, демократик умуминсоний кадриятларга кўникиш, унинг қатъий талаблари, қонун-қоидаларига бўйсиниб, уларга риоя етиб яшаш ҳаддан ташқари оғир, мушкул. Кўникиш жараёни қийин кечмоқда. Демократияга ўтиш босқичида бу табиий ҳол. Бу ерда муқобил йўл йўқ. Акс ҳолда, умумбашарий тараққиётнинг цивилизациялашган умумдемократик йўлидан четга чиқиб, қисматнинг янада оғир муаммолари гирдобида қолиб кетиш, ҳатто, ғарқ бўлиш мумкин. Цивилизациялашган ягона нажот ёш мустақил давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт муаммоларини умумтан олинган демократик тамойилларга қараб тўғри, оқил белгилашда, кундалик ҳаётимизга ушбу тамойилларни онгли тадбиқ эта олиш санъатида. Шундай саодатга Ўзбекистонда еришилди, еришилмоқда.

Инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига, одамлар дунёқарашилини бошқаришдан уларнинг онги-тафаккурини демократик ўзгартириш, демократик бойитиш йўлига ўтган, соф демократ мазмун-мундарижа касб этиб, унга хизмат қилаётган жамият ҳаётини демократик янгилашга, жамияту халқни улуғ демократик мақсадлар йўлида яқдилу яқтан этиб, адолат муқаддаслигига ишонтириб, унга даъват қилувчи, руҳлантирувчи *миллий гоя* (Ўзбекистон - келажаги буюк давлат), маънавият демократия билан уйғунлаштирилди.

Ана шу тариқа янги инсонпарвар демократик ҳуқуқий ўзбек давлатчилиги юзага келди ва еркинлик, озодлик, адолат унинг демократик мезонига айланди.

Ўзбекистон демократик жамият барпо этиш жараёнларини янада тубдан ислоҳ қилишга қаратилган “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” *сиёсий қурилиш дастурини* ишлаб чиқиб, унинг амалий ижросини тўлиқ таъминлашга киришди. Жамиятни демократик янада ислоҳ қилиш мақсадида ҳаётнинг барча соҳаларини, жумладан, сиёсий ва иқтисодий жаҳдан, давлат ҳамда жамият қурилиши жараёнларини еркинлаштириш босқичига киришди. Бу - алоҳида мавзу.

Айни пайтда, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етгита мақсад-вазифалардан иборат *бош йўналишлари яхлит концепция - сиёсий дастур мақомида ишлаб чиқилди*. Улар ижроси бошлаб юборилди. Бу ҳақда дастуримизнинг сўнгги маърузасида махсус тўхталамиз.

Хулоса:

1. Ўзбекистон мустақилликка еришгач, ўз миллий давлатчилигининг янги демократик босқичига қадам қўйди.

2. Асосий Қонунда мустақил давлатнинг конституциявий мақоми аниқ белгиланди ва у Ўзбекистон халқининг бош мақсади, деб ҳисобланди (“инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш”).

3. Мустақил демократик давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари, жамиятда Конституция ва Қонун устунлиги, умуминсоний қадриятлар устуворлиги бош қоида, деб аниқ белгиланди.

4. Демократик цивилизациягагина хос бўлган бошқарувнинг Президентлик институти жорий этилди. Ҳокимият уч мустақил бўғинга ажратилди. Бошқарувнинг бўлак демократик институтлари ташкил этилди. Демократик сайлов ва одил судлов тизимлари шаклланди.

5. Инсон ҳуқуқ ва еркинликлари муқаддас, инсон ҳуқуқлари давлат ҳуқуқидан, халқаро ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ нормалари устидан устувор, деб топилди. Қонун олдида барча тенг бўлди. “*Куч - қонун адолатида*” тамойили кучга кирди.

6. Қонун устуворлиги, демократик тамойиллари қарор топиб, халқ учун еркин ҳаёт, фаровон турмуш шароитини яратиш - туб демократик ислохотларнинг тамал тошига айланди.

7. Одамлар дунёқараши ўзгарди. Демократия ва адолат, ҳақ-ҳуқуқ ва еркинлик халқнинг қарорлар, қонунлар қабул қилиш жараёнларига онгли фаол иштирок этиш, улар ижроларини амалиётда назорат қилиш, оддий одамларнинг давлатни, жамиятни бошқаришда қатнашиши одат тусига айланди.

8. Жамиятда демократик, сиёсий ва ҳуқуқий онгни юксалтириш, одамлар ижтимоий фаоллигини кучайтириш орқали халқ ҳокимиятчилиги институти фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган туб демократик ислоҳотлар қизғин давом еттирилмоқда ва қутилган аниқ самараларини бермоқда.

9. Демократик принциплар жамият ҳаётининг тақдириломон моҳиятига айланмоқда. Демократик жамият барпо етиш жараёнлари ва босқичларини миллий истиқлолнинг демократик мумтоз ғоялари билан мафкуравий-маънавий таъминлаш давом етмоқда.

10. Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар назарияси ва амалиёти Ислом Каримов сиёсий теран фалсафаси ўлароқ, мустақил миллий демократик таълимотни юзага келтирди. Ва у умумдемократик дунё сиёсий таълимотининг ажралмас узвий таркибига айланиб, уни бойитди, бойитмоқда.

11. Енг муҳими - Ўзбекистон ўзи учун демократик цивилизацияни кашф қилди ва шу цивилизация маконида яшашдек саодатга еришди ва ҳ.к.

Ана шу тарихий объектив омиллар ва яна бошқа қатор кадриятлар, қизғин демократик янгиланиш жараёнлари Ўзбекистонда ушбу фан юзага келишининг ижтимоий-сиёсий еҳтиёжга айланди. Еҳтиёж қондирилди. Башарият цивилизациясининг тарихан бой демократик тажрибаларига таянган, Ўзбекистоннинг ўз миллий хусусиятлари, анъаналари, менталитети, ўзига хос истиқлол йўли қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо етиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ конституциявий мақсаднинг назарий-амалий таҳлили, таҳлилий умумлашмаси, илмий-амалий хулосалари барча учун, шубҳасиз, ибратлидир.

Фаннинг предмети. Жаҳон демократик цивилизацияси ютуқлари, Президент Ислом Каримов сиёсий таълимоти силсиласида Ўзбекистон халқининг конституциявий мақсадларидан бири бўлган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо етиш, унинг негизида демократик фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ миллий тикланишнинг туб ислохий-стратегик жараёнлари ва босқичлари, Ўзбекистоннинг истиқлол ва ўзига хос демократик тараққиёт йўли концепцияси, унинг амалий тажриба ҳамда сабоқлари, тарихан ғоят қисқа даврда шаклланган миллий демократик кадриятлар, теран сиёсий қарашлар, реал демократик миллий маданият цивилизациясининг назарий-амалий асос-самаралари, яқунлари, жамиятда содир бўлган, бўлаётган қизғин ва изчил ижтимоий демократик ҳодиса ҳамда воқеалар, улар ўртасидаги сабаб-оқибат диалектикаси, ботиний мантиқий алоқалар узвийлиги *“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”* фанининг предмети ҳисобланади.

Фанни ўқитишнинг мақсади - дунёвий Ўзбекистонда демократик жамият қуриш ғояси, тарихий такомил босқичлари, истиқлол даври жараёнлари билан боғлиқ назарий-амалий муаммоларни тизимий-таҳлилий умумлаштириш орқали инсонпарвар дунёвий ҳуқуқий давлат барпо етиш негизида демократик адолатли, очиқ жамиятни қуришнинг, шакллантиришнинг назарий-амалий тажрибалари ва қонуниятларини очиб бериш.

Вазифаси - миллий кадриятларнинг умуминсоний кадриятлар билан бевосита узвийлиги, халқаро ҳуқуқнинг устунлиги негизида инсон ҳуқуқлари, еркинликлари ҳамда манфаатлари ҳимоясига хизмат қилувчи, Конституция ва

қонун устуворлиги таъминланган, халқ ҳокимиятчилиги тамойилига асосланган адолатли демократик жамият талабларининг мустақил Ўзбекистон давлатчилиги мақомига уйғунлиги ҳақиқати ўлароқ, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, унинг асосида очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари ҳамда босқичларининг Президент Ислон Каримов сиёсий фалсафасига таянган назарий концептуал ғоялари, уларнинг амалий аниқ ижролари тажрибаси ва сабоқларини теран ўрганиш, ижодий чуқур ўзлаштириш орқали талабаларда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб тақдирилмон демократик ислоҳий янгиланишлар, қизгин демократик ўзгаришлар, жамиятда асл демократик цивилизация маданиятининг шаклланиши жараёнларига онгли фаол иштирок этиш, жараённи янада серсамар бўлишига имкон қадар ҳисса қўшишга интилиш, унга еришиш кўникмасини тарбиялаш фаннинг асосий мақсади ҳисобланади.

Мазкур фан бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар каби ўз илмий-назарий ва амалий усулларига эга. Улар:

- таҳлилий, таҳлилий-умумлашма усул;
- тарихий усул;
- қиёсий-типологик усул;
- диалектик усул ва б.

Таҳлилий, таҳлилий-умумлашма усул Ўзбекистонда қизгин кечаётган демократик янгиланишлар жараёнлари ва босқичларининг умуммуштарак қонуниятларини, ҳар бир жараён, ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари, мақсад ҳамда вазифаларини, уларнинг илмий-назарий, яъни концептуал мазмун-мундарижасини, амалий ижролари самараларини, ғоя билан унинг амалиёти диалектикасини ўрганиш, англаш, ижодий умумлаштириш, илмий-амалий асосланган муайян хулосалар орқали жараён ёхуд босқичнинг янада серсамар бўлишини таъминловчи янги ғоялар заҳираси ҳамда уларни амалиётга аниқ жорий этиш усул ва воситаларини кашф этиш имконини беради. Натижада талабада ижтимоий-сиёсий мураккаб демократик жараёнларнинг ботиний моҳиятларини, ички узвий қонуниятларини мустақил англаш, мушоҳада қилиш, таҳлил этиш, умумлаштириш, тегишли илмий-амалий хулосалар чиқариш, керак бўлса, жараённи тезлаштириш, янада самарадор бўлишига хизмат қилувчи ташкилий-ижодий ташаббус кўрсатиш рағбати уйғонади.

Тарихий усул воситасида, талаба, аввало, демократия тушунчаси, унинг бой назарий-тарихий асослари, кўп минг йиллик амалиёти, ўтмиш мутафаккирларнинг демократия назарияси ва такомил билан боғлиқ ранг-баранг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, ғоялари, таълимотлари билан танишиш, назарий билим-савиясини ошириш имконига эга бўлади. Айни пайтда, талаба демократик жаҳон цивилизацияси тарихи, классик назарий тафаккурнинг ривожланиш ва такомил босқичлари, демократик цивилизациянинг замонавий қадриятлари, умуминсоний тамойиллари ҳамда талаблари, уларнинг амалий ижролари тажрибалари-ю сабоқлари билан чуқур танишади, уларни ҳурмат қилиш ва уларга риоя этиш, ҳаёти, фаолиятини демократик маданиятдек соғлом, муқаддас, одил қадрият асосида ташкил этиш, яшаш, ишлаш

кўникмасини ўзлаштиради. Зотан, жамият демократияси ва демократик жамият ҳар бир индивиднинг демократик цивилизацияси маҳсулидир.

Қиёсий-типологик усул орқали талаба демократик маданият ва цивилизация ривожланган давлатлар ҳамда жамиятларнинг шаклланиш ва тараққиёт тажрибаларини қиёсий чуқур ўрганиш, типологик умумлаштириш орқали уларнинг мустақил Ўзбекистон демократик ҳаётида, мақомида қай тарзда намоён бўлаётгани қонуниятларини, омилларини теран англаб олишга муваффақ бўлади. Умумтан олинган жаҳоний демократик қадриятлару тамойиллари талабларига Ўзбекистонда барпо етилаётган демократик давлат ва демократик жамият амалиёти қай тарзда жавоб беради, айти пайтда, шаклланаётган демократик жамиятнинг ўзига хосу ўзига мос миллий хусусиятлари нимада, деган саволларга айнан ана шу қиёсий-типологик усул аниқ илмий-амалий жавоблар беради. Хулосани еса талабанинг ўзи чиқариб олаверади.

Диалектик усул талабага демократик цивилизация ва унинг шаклланиш, ривожланиш, такомиллашиш қонуниятларини, ўрганишга, уларнинг амалдаги рўёблари хусусиятларини ижодий -таҳлилий ўзлаштиришга, жараёнга онгли фаол иштирок етиш, уни янада такомиллаштириш имкониятларини излаш, топиш амалиётига ёрдам беради ва ҳ.к.

Фанни ўқитишнинг назарий-методологик асослари бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар, И.А.Каримовнинг теран шаклланган сиёсий таълимоти, ўтмиш мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, жаҳон демократик цивилизациясининг қадим ва замонавий илмий-назарий ғоялари, муштарак амалий тажриба ҳамда сабоқлари хизмат қилади.

Мазкур фан Сиёсацхунослик, фалсафа, социолгия, тарих, иқтисод, ҳуқуқшунослик, маънавият асослари, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, мантиқ, диншунослик сингари ижтимоий-гуманитар фанлар билан бевосита алоқада Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнлари ҳамда босқичларининг, ёш мустақил давлат ва жамиятда демократик цивилизация шаклланишининг ўзига хос назарий-амалий муаммоларини инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти мақомларида тадқиқ етади, илмий-таҳлилий умумлаштиради, демократик янгиланишлар жараёнларини янада ривожлантириш, унинг назарий-амалий асосларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ янги-янги ғоялар заҳираларини кашф етади, уларни амалга ошириш механизмларини таклиф етади. Шу мақоми билан ушбу фан кўпроқ Сиёсацхунослик, социология ва ҳуқуқшунослик фанларига яқин туради.

Жумладан, Сиёсацхунослик фани демократик жамият қурилиши жараёнлари, аввало, сиёсий ҳодиса еканлиги ҳақиқатидан келиб чиққан ҳолда, сиёсий таълимотлар, сиёсий институтлар ва уларнинг функциялари, сиёсий тизим ва сиёсий режим, уларнинг такомил, таркибий қисмлари, сиёсий онг, сиёсий маданият, сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик, сиёсий ҳуқуқлар, сиёсий ҳокимият, сиёсий манфаатлар, сиёсий раҳнамо, сиёсий елита, шахс ва Сиёсат, сиёсий ижтимоийлашув сингари жамият сиёсий ҳаётининг турли жиҳатлари ҳамда соҳаларини ҳозирги истиқлолча сиёсий жараёнлар ва сиёсий соҳани еркинлаштириш қонуниятлари-силсиласида ўрганиш, ўргатиш асосида

Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ҳамда жамият тизимини шакллантиришнинг сиёсий хусусиятлари, омиллари, асос-манбаларини таҳлилий умумлаштиради. Сиёсий туб ислохотларнинг аниқ самараларини белгилаб, уларнинг такомиллашув истикболини башорат қилади.

Ҳуқуқшунослик фани давлат ва жамиятнинг конституциявий-ҳуқуқий тизимини, тизим назарияси ҳамда амалиётини ўрганади. Ҳуқуқий давлат, унинг юридик мақоми, асослари ва функциялари, давлатнинг конституциявий - ҳуқуқий ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ҳам шу фан вазифасига киради ва ҳ.к.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани билан Сиёсацҳунослик фани *ўртасидаги узвийлик*, аввало, *демократик жамиятнинг аслида сиёсий мақсад, сиёсий ҳодиса еканлигида*. Демак, демократик жамият қуришнинг назарияси ва амалиёти ҳам мамлакат сиёсий ҳаётининг узвий назарий-амалий воқелиги, объекти ва субъекти ҳисобланади. Сиёсий ҳаёт, сиёсий тизим, сиёсий режим, жамият ва давлатнинг барча сиёсий институтлари демократик мақом касб еца, уларнинг ҳуқуқий асослари демократия талаблари ва тамойиллари негизида ташкил етилса, жамиятда сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик, сиёсий еркинлик бўлса, демак, у жамият ва давлат моҳиятан демократик бўлади. Боз устига, Ўзбекистон халқининг демократик давлат барпо етиш, демократик очик фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдек конституциявий мақсади ҳам аслида давлат ва жамиятнинг бош сиёсий мақсадларидан ҳисобланади.

*Фаннинг* Социология фани билан узвийлиги, аввало, Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнларининг назарий, кўпроқ амалий жиҳатларини ижтимоий фикр чиғириғидан ўтказиб турилишида, жараёнларга жамоатчиликнинг онгли муносабати ва иштироки даражасини аниқлашда, жараёнга баҳо беришда, уни ё қўллаб-қувватлаш ёки инкор етишда, жараённи такомиллаштиришда бевосита намоён бўлади.

*Фаннинг* Ҳуқуқшунослик билан алоқаси, енг аввало, Ўзбекистонда шакллантирилаётган демократик жамиятнинг яратилган, яратилаётган теран конституциявий-ҳуқуқий асос-базасида. Айнан Конституция ўз яхлит мақом-мундарижаси билан ғирт демократик мазмун касб етиши шарт. Шундагина унинг асосида қабул қилинадиган қонунлар ҳам, улар ижроси ҳам соф демократик рух, соф демократик шакл, мазмун-мундарижа касб етади. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг шундай демократик ҳуқуқий асос-базаси мавжуд ва бу миллий демократик тараққиёт йўлининг умумтан олинган, барча қатъий риоя қиладиган сиёсий-ҳуқуқий кўникмасига айланди.

“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фани турдош ижтимоий-гуманитар фанлардан фарқли ўлароқ, инсоният демократик цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ҳолда, республикаимиз демократик ривожланиш йўлининг ўзига хос жиҳатлари ибратида Ўзбекистон халқининг одил фуқаролик жамияти қуриш йўлида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо етишдек конституциявий мақсад қай даражада босқичма-босқич амалий ижросини топаётганлиги ҳақиқатини, қонуниятлари, тажрибасини илмий-назарий жиҳатдан яхлит муштаракликда тадқиқий умумлаштиради.

Ушбу фан ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида айнан шу мақоми билан ажралиб туради. У жамиятда мавжуд ижтимоий ҳодисалар ва воқеалар, улар муносиблиги ҳамда узвийлиги билан алоқадор демократик жараёнларнинг яхлит тизимий ва таркибий муштарак мажмуидан иборат.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент - 2016**

**“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”  
фанидан**

**МУСТАКИЛ ТАЪЛИМ**

- 1.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети.
- 2.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг тадқиқот объекти.
- 3.** “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётининг фан сифатида шаклланиши.
- 4.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг мақсади.
- 5.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг вазифалари.
- 6.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг қонуниятлари ва категориялари.
- 7.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг усуллари.
- 8.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганишнинг аҳамияти.
- 9.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги.
- 10.** Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўрганиш самарадорлигини ошириш омиллари.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент - 2016**

# ГЛОССАРИЙ

1. **Фуқаролик** – инсонларни муайян давлат, давлатчилик билан боғлиқ ҳуқуқий ҳолатларини, муносабатларини ифода етувчи тушунчадир.
2. **Сиёсий онг** – сиёсий фан тушунчаларидан бири.
3. **Сиёсий қарашлар** – сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин етилган.
4. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуктаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
5. **Антик дунё** – сиёсий қарашлар соҳасидаги ёндошувларнинг ерамиздан олдинги даврларга тегишли қисми тушунилади.
6. **Ижтимоий** – сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётни ташкил қилади.
7. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
8. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
9. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода етади.
10. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
11. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
12. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
13. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳукумронлик.
14. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
15. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
16. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатади. "Партия" атамаси латинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
17. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
18. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.

19. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
20. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
21. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
22. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
23. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
24. **Демократия концепциялари** – “Ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини еркинлаштириш билан боғлиқ мумтоз стратегияси етти устувор мақсад вазифалар концепцияси.
25. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
26. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
27. **Менталитет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
28. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
29. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
30. **Иқтисодий плюрализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
31. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
32. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
33. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
34. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
35. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар қуришга тарафдорлик.
36. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
37. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент - 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**2-МАЪРУЗА**

**Тошкент - 2016**

## **2 – мавзу. Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари.**

### **РЕЖА:**

- 1.** Марказий Осиёдаги дастлабки ижтимоий-сиёсий қарашларнинг шаклланиши. Авестода “Одил жамият” тўғрисидаги қарашлар.
- 2.** IX-XVI асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий муҳит. “Одил жамият” тўғрисидаги қарашлар.
- 3.** Амир Темурнинг сиёсий ва одил жамият тўғрисидаги қарашлари.
- 4.** XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт.

Ижтимоий-сиёсий қарашларнинг умумий замирида Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод етган буюк мутафаккирларнинг хизматлари бениҳоя катта. Улар ўзларининг илмий, тарихий, бадиий асарларида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари масаласига доир қимматли фикрларни ёзиб қолдирганлар.

Буюк мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини улар яшаган давр билан боғлаб ўрганиш лозим. Чунки уларнинг дунёқараши ўша даврдаги сиёсий тартиблар, давлатни идора қилиш усуллари, ҳалқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар таъсирида шаклланган.

Марказий Осиё ҳудудида сиёсий қарашлар ерамиздан бир неча минг йиллар аввал вужудга келган бўлиб, у ўша даврда ҳукмрон бўлган сиёсий ғоялар, диний-сиёсий мифология шаклида ривожланди. Дастлабки диний таълимотлар оташпарастларнинг муқаддас китоби "Авесто"да мужассамлашган ҳолда ёритилган. У Марказий Осиё ҳалқларининг қадимги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий-фалсафий фикрларининг муҳим томонларини ўзида ифодалайди.

Феодализм жамияти ва давлатида зардуштийлик ғоялари ўрнини ислом ғоялари егаллайди. Бу даврда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт ислом дини таъсирида ривожланиб, турли ғоявий-сиёсий оқимлар, мактаблар келиб чиққан.

Марказий Осиё ҳудудида вужудга келган сиёсий қарашлар ҳақида турли даврларда яшаган олимлар, шоирлар ва тарихчиларнинг араб, форс, турк тилларида ёзилган "Авесто", "Нимон-ут-Таворих", "Гўзида", "Девон ун-Насаб" каби асарларида қимматли маълумотлар берилади. Жалолий, Баннотий, Наршахийнинг қатор тарихий асарларида, "Темурнома", "Темур тузуклари", "Бобурнома"каби тарихий-бадиий асарларда ҳам Марказий Осиё ҳалқларининг сиёсий ҳаётига доир муҳим фикрлар ёзиб қолдирилган. Урхун-Енисей ёзувлари, шунингдек қадимги турк ва ерон ҳалқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти масалалари ўз аксини топган Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Махмуд Қошғарийнинг "Девону луғатит турк", Юсуф Хос Хожибнинг "Қўтадгу билиг", Ахмад Югнакийнинг "Ҳибат-ул-Ҳақоик", Алишер Навоийнинг "Тарихи мулўки

Ажам" асарлари ҳам тарихимиздаги сиёсий қарашларни ўрганишдаги асосий манбалардир.

Сиёсий фикрларнинг вужудга келиши ва ривожланишида

Ислом дини ҳам муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Арабистон ярим оролида исломнинг пайдо бўлиши ва унинг бошқа ҳудудларга тарқалиши шу халқлар тарихида йирик тарихий воқеа бўлди. У янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтишни билдирарди. Сиёсат ва сиёсий масалалар шариат (Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва фуқаролик қонуният ва қоидалари мажмуи)да ўз аксини топган. Шариат икки қисмга - ибодий ва сиёсий қисмларга бўлинади. Ибодий томони ўзгармайди аммо сиёсий томони жамият ўзгариши ва ривожланиб боришига мослашиб бораверади. Мусулмонлар сонининг кўпайиши ва янгидан янги давлатларда исломнинг қабул қилиниши натижасида ҳамма учун тушунарли бўлган қоидалар тўпламига зарурат пайдо бўлади.

Марказий Осиё ҳудудида сиёсий фикрларнинг ривожланишига IX-X асрларда ҳукмронлик қилган сомонийлар сулоласининг таъсири жуда катта еди. Бу даврда марказлашган кучли феодал давлатини ўрнатишга ҳаракат қилинган.

Сомонийлар ҳукмронлиги йилларида мамлакатда сиёсий ҳаёт жонланган еди. Бу йилларда давлат ишлари анча тартибга солинди. Айниқса, давлат қурилиши соҳасида катта ўзгаришлар қилинган. Бироқ сомонийлар ҳукмронлиги шароитида сиёсий ҳаёт ўзининг мураккаб ва зиддиятли муаммоларига ега еди. Қабилалар ўртасида ўзаро кўрашлар, вилоятларнинг марказга бўйсунмаслиги, халқ кўзғолонлари, босқинчилик ҳаракатлари тўхтовсиз давом етди. Меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқсизлиги, уларнинг ҳаётида чуқур из қолдирди. лекин шунга қарамай, сомонийлар даври Форобий, Беруний, Ибн Сино каби улуғ мўтафаккирларни етиштирган еди.

Ушбу давр адабиёти уч тилда - араб, форс ва туркий тилда яратилди. Марказий Осиё тарихига доир деярли барча адабиётларда ушбу давр ўз салмоғи, мазмуни жиҳатидан Уйғониш даври деб аталади. Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

**1.Дунёвий маърифатга интилиш;**

**2.Табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривожини;**

**3.Инсонни улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш;**

**4.Универсаллик-қомусийлик, барча нарса билан қизиқиш.**

Марказий Осиёда давлат ва жамиятни юритиш масалаларига Абу Носир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ўзлук ибн Тархон Форобий бениҳоя катта ҳисса қўшган бўлиб, у 260 хижрий (873-874) йилда Фороб шаҳрида туғилган. Маълумки, IX асрларда, яъни Форобий яшаб ижод қилган даврда Марказий Осиё Араб халифалигининг бир қисмига айлантирилган еди. Ҳаявий дунёда еса ислом сиёсий мафкураси ҳукмронлик қилиб, мактаб, мадраса ва масчитларда форс, араб ва турк тилларида ёзилган диний китоблар ўқитилар еди. Араб халифалигининг марказий шаҳарлари Бағдод ва Дамашқда илм фан бошқа шаҳарларга нисбатан анча тараққий қилган. Шунинг учун ҳам

Форобий бошқа кўп замондошлари каби араб тилини, чуқур ўрганган. ўз даврининг етук энциклопедик олими даражасига кўтарилган.

Форобий кўплаб хорижий тиллар, жумладан кадимки юнон тилини ҳам ўрганиб, улар орқали Афлотун, Арасту каби буюк мўтафаккирларнинг илмий меросидан баҳраманд бўлади. У риёзиёт, тиббиёт каби табиий фанлар билан бир вақтда фалсафа, математика, сиёсат, давлат ҳақидаги ижтимоий фан соҳалари билан ҳам шуғулланиб ва ўзининг юздан ортиқ илмий асарларини авлодларга мерос қолдирган .

Форобийнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий мавзудаги мероси жуда бой бўлиб, у ўзининг қатор асарларини ана шу муҳим ижтимоий масалаларга бағишлайди. Мўтафаккирнинг жамият, давлат, ҳуқуқ, сиёсат, адолат, таълим, ва тарбия ҳақидаги ғоялари, қарашлари «Бахтга еришиш ҳақидаги трактат», «Уруш ва тинч-тотув яшаш ҳақида», «Жамиятни ўрганиш ҳақидаги китоб», «Давлат арбоблари ҳақидаги афоризмлар», "Фозил одамлар шаҳри" каби асарларида ўзининг чуқур ифодасини топган.

Форобий жамият, давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўрганишда кўп жиҳатдан ушбу масалаларнинг назарий, умумий фалсафий асосларини тушунтиришга ҳаракат қилади. У ўзининг асарларида жамиятнинг келиб чиқиши, давлатнинг пайдо бўлиши, унинг шакли, давлат арбоби ва унинг вазифаси, улар олдида қўйилган асосий талаблар, давлатни идора этиш усуллари ҳақида ўзининг чуқур фалсафий-сиёсий қарашларини баён қилади.

**Форобий ўз асарларида бир қатор муҳим ижтимоий масалаларни ёритишга уринади, булар:**

- 1.Ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фан ва унинг вазифаси;
- 2.Инсон жамоасининг вужудга келиши, таркиби ва турлари — бу соҳадаги турли фикрлар;
- 3.Шаҳар - давлат жамоасининг ҳаёти ва фазилати, давлатнинг фаолияти ва уни бошқариш;
- 4.Инсоннинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси, ақлий, ахлоқий камолоти масалалари;
- 5.Давлат жамоасининг мақсад ва вазифалари, инсонни бахт-саодатга ериштиришнинг усул ва йўл-йўриқлари.
- 6.Форобий инсон томонидан жамиятда яшаш учун содир қилинадиган ҳаракатларни иккига бўлади:
- 7.Адолатли, ҳақиқий ақлга мувофиқ ҳаракатлар. Бу ҳаракатлар орқали ҳақиқий бахтга еришиш мумкин.
- 8.Адолатсиз, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар, улар бахцизлик келтиради.

Форобий жамият сиёсий ҳаётида давлат аппарати томонидан олиб бориладиган ишларга алоҳида еътибор беради. Унингча, давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак. Форобий ана шундай бошқарув кишилари бахтга, тинчликка олиб боради, бундай давлатда бошқарув адолатлидир, аксинча, бахцизликка, уруш ва

қирғинликларга олиб борадиган бошқарув адолациздир, деб ҳисоблайди. У идеал (фозил) шаҳарлар, яъни идеал шаҳар давлатлари ва идеал бўлмаган шаҳар давлатлари хусусида ҳам фикр юритади. У фозил шаҳар енг адолатли ва маърифатли раис-раҳбарни ўзида мужассамлаштирган донишманд томонидан бошқарилиб, бу давлат - шаҳар аҳолисининг ўзаро кўмаклашувига, бир-бирига ёрдам беришига асосланади, деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича, бошқарув (идора) санъати икки қисмдан иборат бўлади: назарий ва амалий. Назарий қисми - бошқарувнинг асосий усул ва қонуниятлари ҳақидаги билим бўлса, амалий қисм - давлатни идора қилишдир. Уларнинг ҳар иккисига ҳам сиёсий амалиёт, тажриба ва кузатув натижасида еришилади.

Форобий давлатнинг келиб чиқиши каби масалаларга тўхталиб, уларга жавобни илоҳиётдан эмас, балки мавжуд жамиятдан излайди. Мўтафаккир инсон табиатан шундай яратилганки, у доимо бири иккинчисига нисбатан душманликка эмас, балки иттифоқда, алоқада муносабатда бўлишга интилади, деган фикрни ёқлаб чиқади. Худди шу ўзаро интилиш, ҳаракат асосида давлатнинг келиб чиқишини ётироф этади. Форобий жамоани катта кичиклигига кўра уч турга бўлади:

1. Буюк жамоа - дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви;
2. Ўрта жамоа - бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа;
3. Кичик жамоа - алоҳида бир шаҳар давлатини бирлаштирувчи жамоа;

Форобийнинг фикрига кўра, халқлар бир-бирларидан табиий одатлари, ахлоқлари ҳамда феъл-атвори ва тили билан фарқ қилади. Форобий халқларнинг феъл-атвори, одат ва ахлоқларининг шаклланишида жуғрофий муҳитнинг таъсир кучига юқори баҳо беради.

Форобийнинг айтишича, одамларнинг енг такомиллашган жамоаси - бу шаҳар давлатларидир. Қишлоқлар шаҳарлардан кейинда турувчи ва шаҳарларни озик-овқатлар билан таъминловчи жамоалар ҳисобланади. Бу ерда биз Афлотун ва Арастунинг шаҳар-давлатлар (полислар) ҳақидаги таълимотларининг Форобий сиёсий қарашларига таъсирини кўрамиз.

Форобий шаҳар - давлатларни икки тоифага бўлади:

- 1. Ал - Мадина ал - Фозила.**
- 2. Ал - Мадина ал - Жоҳилия.**

Юқорида таъкидланганидек, у фазилатли ва фазилациз шаҳар - давлатларнинг мавжуд бўлишлигини ётироф этади. Унинг фикрича, агарда барча шаҳар аҳолиси ўзаро бирликда, иттифоқда яшаб, бир-бирларига ёрдам кўрсацалар, бундай шаҳарлар фазилатлидир. Ушбу масалада Форобий илгарилаб, барча халқлар ўзаро тинч-тотув ва дустлик асосида яшасалар, ер юзида тинчлик ўрнатилишига ишонч билан қарайди, деб ҳисоблайди.

Форобий фазилатли ва фазилациз шаҳарлар ҳақида ёзар экан, у мавжуд феодал давлатлардаги адолацизликларни, тенгсизликларни қоралаб, давлат бошлиқларини ва барча фуқарони яхши иш қилишга, ўзаро ёрдам асосида яшашга даъват қилади. Форобий ўз асарларида давлат атамасини ишлатмайди. Аммо у шаҳар жамоалари деганда, шаҳар давлатларни назарда тутди. Давлатнинг келиб чиқиш сабабларини одамларнинг жамоа бўлиб яшаш еҳтиёжларидан деб билади. Давлатнинг шакли масалаларига ҳам тўхталиб, шох

донишманд ва ўз лавозимига лойиқ бўлишини еътироф этади. Бу билан Форобий тахт отадан болага мерос бўлиб қолишини қоралайди.

Форобий ўзининг сиёсий қарашларида якка ҳокимлик давлат шаклидан воз кеча олмайди. Унинг фикрига кўра давлат бошлиғи ҳар томонлама етук шахс бўлиши лозим, аммо бу ерда шуни айтиш керакки, Форобий якка ҳокимлик тўғрисида гапирар экан унинг олдига 12 талабни қўяди. Идеал давлат бошлиғи ҳақиқатни севувчи, унинг учун кўрашувчи, бойликка хирс қўймаган, адолацизлик ва жабр - зулм қилувчиларга қарши кўрашувчи, ботир, жасур, куркмас бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Шу нарса еътиборга моликки, Форобийнинг ўзи ҳам ана шу 12 фазилатнинг ҳаммаси ягона бир кишида бўлишига шубҳаланиб, давлатни бир киши емас, балки бир неча кишилар бошқариши керак, деган ғояни илгари суради. Бу ерда биз Форобийни якка ҳокимлик шакли доирасида чекланиб қолмасдан, балки ўз даврдан илгарилаб кетганини кўрамыз.

**Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад ал Беруний** 360 хижрий (973 мелодий) йилида Қиёт шаҳрининг атрофидаги кишлоқларнинг бирида дунёга келган. Унинг ижтимоий-сиёсий дунёқараши Марказий Осиё хонликлари ўртасида феодал тарқоқлик ва ислом сиёсий мафкуриси ҳукмронлик қилаётган бир замонда шаклланди. Беруний ёшлигиданок илм-фаннинг турли соҳаларини егаллаш билан машғул бўлган. У 16 ёшида глобус ясаб илм-фан аҳлларини хайратлантирган еди.

У «Минераллар» асарида кишиларнинг еҳтиёжлари турли туман ва кўп бўлиши, факт бир неча кишилар уюшмасигина уни қондириши мумкинлигини, ана шунинг одамлар шаҳарлар яратишга интиладилар, деб ҳисоблаган. Беруний одамлар жамоа бўлиб яшашининг асосий қоидалари ўзаро ёрдам, бир-бирлари билан тинч-тотув яшаш, умумий манфаат учун ишлашга асосланган бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Барча ҳалқларнинг тинч-тотув яшашлиги ғоясини илгари суриб, турли миллатга мансуб бўлган кишилар ўзаро тотувликда яшаганларидагина уларнинг ҳаёти мазмунли ва баракали бўлиши ҳақида қимматли фикрлар билдирган. Ҳар қандай низо-жанжаллар, тож-тахт талашини, зўравонлик, босқинчилик ҳаракатларига қарши турган буюк олим, мамлакатлар ва давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини олиб бориш ғоясини илгари сўрган.

Беруний давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва уларнинг вазифалари масалаларини Форобий каби еҳтиёждан деб билади. Бошқача қилиб айтганда, одамлар ижтимоий адолатли тартиб, қоида ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар, деган фикрда бўлади. Беруний давлатнинг шакли масаласида еса мамлакатни шоҳлар-мутлак ҳокимлар емас, балки маърифатпарвар шоҳлар бошқариши кераклиги ҳақидаги ғояни илгари суради.

Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, юқорида куриб чиққанимиздек, енг илғор ва чуқур инсоний қоидага асосланади. У инсонни унинг тафаккурини улуғлаб, шоҳлар ва қонуниятлар ана шу хазрати инсон учун хизмат қилиши ҳамда уни босқинчилардан ҳимоя қилиши керак, деган ғояларни илгари суради. Беруний фикрича ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши, шоҳнинг ўзи ҳам "яратувчилик онгига" ега бўлиши керак. Одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва

кучсизлар орасида тенглик ва адолат ўрнатишдан иборатдир. Беруний синф ва табакалар тўғрисида ҳам фикр билдириб, улар асосида бойлик ва насл-насабнинг улуғлиги эмас, балки бирон-бир машғул от ва вазифа етмоғи керак, дейди.

Абу Али ибн Сино 908 йилда Афшона (ҳозирги Пёшку ноҳияси) қишлоғида туғилган, унинг исми Хусайн бўлиб, 5 ёшга тулганида ота-онаси Бухоро шахрига кучиб боради. Ибн Сино ёшлигида илми нужум, риёзиёк, мантик, риторика ва фикх (ҳуқуқ) масалаларини чуқур ўрганади. 999 йилда Бухоро Қорахонийлар томонидан босиб олинганидан кейин, у Урганч шахрига кетишга мажбур бўлади.

Ибн Сино Шарқда «аш-Шайх» ёки «ар-раис» деган таҳаллус билан машҳур бўлган бўлса, Ғарбда Авицена номи билан танилади, унинг ҳаёти, дунёқараши ҳақида адабиётларда турлича қарашлар мавжуд. Ибн Синонинг сиёсий қарашлари Аббосийлар ҳалифалигининг сиёсий тушкунликка учраган ҳамда хонликлар, бекликлар ўртасида ўзаро урушлар кучайган бир замонда шаклланади. Мамлакат ҳаётида руй бераётган сиёсий тушкунлик мўтафаккирни ёшлик йиллариданок турли шаҳарларда, хонликларда сарсон-саргардонликда юришга мажбур этади.

Ўша даврда Урганч шахрида «Маъмун академияси» мавжуд бўлиб, унда Абу Райхон ал Беруний, Абу Сахл ал Масихий, Абдул - Хайр ал Ҳамар каби кўплаб олимлар ижод қилаётган едилар. Ибн Сино улар билан яқиндан танишиб, Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун саройида хизмат қилади

Махмуд Ғазнавий Хоразмда машҳур бўлган барча олимларни ўз саройига тақлиф қилади. Ибн Сино бунга рози бўлмасдан, Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бундан ғазабланган Султон Махмуд Ғазнавий атрофларга чопар юбориб, олимни ушлаб саройга олиб келишни буюради. Мўтафаккир Махмуд Ғазнавийдан яшириниб (1015-1024), Ҳамадонда тўхтади. Ҳамадон ҳокими Шамс ад-Даули еса уни ўзига вазир қилиб тайинлайди. Ибн Сино бевосита давлат арбоби сифатида давлат ишларини бошқариш билан машғул бўлади. Аммо Ибн Синонинг тараққийпарварона фикрлари давлат маҳкамасидаги мулозимларнинг реакцион гуруҳларига маъқул келмайди. Натижада у вазирликдан четлаштирилади. Ибн Сино Ҳамадондан Исфохон шахрига (1024-1037) кетади. Исфохон шахрида ўзининг қатор асарларини ёзади. Улуғ мўтафаккир 1037 йилда 56 ёшида Ҳамадон шахрида вафот этади.

Улуғ ҳақимнинг социал табакалар, давлат, ҳуқуқ, қонуният ва қоидалар тўғрисидаги фикрлари кўп жиҳатдан Форобий қарашларига ўхшаб кетади. Ундаги ижтимоий сиёсий дунёқарашнинг шаклланишига, шубҳасиз, Юнон олимлари Афлотун, Арасту, Сукрот дунёқарашлари ҳам таъсир қилган.

Ибн Сино қарашларида еътиборга молик нарса - бу идеал давлат тўғрисидаги ғоядир. Унинг фикрига кўра, идеал давлат тепасида маърифатпарвар шоҳ туриши керак. Жамият аъзоларининг барчаси фойдали меҳнат билан шуғулланишлари лозим. У инсонларни жамиятдаги тутган ўрни ва вазифаларига қараб уч гуруҳга ажратади: а) давлат идораларида хизмат қилувчи ва жамиятни бошқариш ишлари билан шуғулланувчилар; б) бевосита хом ашё, зарур маҳсулотлар ишлаб

чиқариш билан машғул бўлганлар; в) давлатни кўриклаш, уни турли ташқи ҳужумлардан сақлашни таъминловчи ҳарбийлар.

Ибн Сино жамиятни давлатизм, қонун-қонидасиз тасаввур қила олмайди. У ўзининг «Рисолаи тадбири манзил» асарида ёзган едики, «агар ҳамма одамлар шоҳ султонлардан иборат бўлса, ёки ҳаммалари оддий меҳнаткаш бўлсалар еди, уларга раҳбарлик қилувчи султонлар, хонлар бўлмаса еди, бундай ҳолларда уларнинг барчалари ҳалок бўлган булур едилар.» Мўтафаккир жамиятдаги моддий тенгсизликни еътироф етиб одамларнинг ҳаммаларини бойиб кетишларига ва, аксинча, камбағаллашиб кетишларига қарши чиқади. Унингча, агарда ҳамма жамият аъзоси бирдек бойликка, мулкка ега бўлсалар у ҳолда бир кишини иккинчи кишига ёрдам кўрсатиши бир-бирини рағбатлантирилиши тугатилади. Аксинча одамларнинг ҳаммаси йўқсилларга айлансалар, бундай ҳолда, улар очарчиликдан қирилиб кетадилар.

Шундай қилиб, Ибн Сино жамият аъзоларини ниҳоятда бойиб ва аксинча, камбағаллашиб кетишларига қарши. У одамларни ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирларига ёрдам кўрсатиш қоидаларига асосланиб яшашга даъват қилади. Демак, Абу Али ибн Сино ҳам илғор ғояли кишилар каби халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик бўлишини, золим шоҳлар ўрнида адолатли, маърифатпарвар шоҳлар мамлакатни бошқаришини, шунингдек, жамиятда илм-фан тараққий етишини орзу қилган.

ХИВ асрнинг ўрталарига келиб, дунёни ларзага солган муғуллар ҳукмронлигига қарши Хуросонда бошланган озодлик ҳаракати Мовароуннахрга етиб келади.

Муғуллар ҳукмронлигининг мағлубиятга учрашишига маҳаллий аҳолининг озодлик учун олиб борган кўрашлари асосий сабаб бўлди. Ана шу кўрашда ўз халқининг раҳнамоси, буюк саркарда Амир Темур жуда катта хизмат қилди. Унинг бутун ҳаёти ва фаолияти зулм ва зуравонликка қарши кўраш, хонлар ва беклар ўртасидаги қирғин-барот урушларга чек қўйиш ҳамда кучли марказлашган давлатни ўрнатиш учун кўраш билан боғлиқдир. Унинг номи фақат Туронга емас, балки бутун дунёга ёйилди. У узбек халқининг буюк давлат арбоби ва саркардаси сифатида шухрат қозонди в жaxon тараққийпарвар кучлари калбидан мустаҳкам жой олди.

Амир Темур ўз империясини тузишга киришар экан, у Самарканддан бошқа шаҳарлар ва мамлакатларни бирма-бир ишғол қила бошлади. Бу ҳақда "Темур тузуклари" ва «Зафарнома»да унинг зафар юришлари ҳақида ҳикоя қилинади. Темурнинг зафар қозонишида «уч йиллик юриш», «беш йиллик юриш», «етти йиллик юриш» лари машҳурдир. Амир Темур давлатини идора қилишда кучли ва кўп сонли кўшин кучига таянган ва унинг ёрдамида ўзи бошқарган давлатнинг ҳудудларини кенгайтиришга муваффақ бўлган.

Амир Темур узга мамлакатларни ўз давлатига қўшиб олишда кенгаш, маслаҳат, тинчлик йўлини таклиф етган. Масала тинчлик билан хал бўлмаслигига кўзи етгандагина, куч асосида иш кўрган. У ўзининг ана шу жиҳатлари билан бошқа босқинчи шоҳлардан, ҳукмдорлардан фарқ қилади.

Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган унинг сиёсий қарашлари «Темур тузуклари» , «Тузўқи Темурий», "Темурийнинг бошидан кечирганлари" каби

номлар билан Шарқ ва Ғарбда машҳур бўлган. Жуда кўп хорижий тилларга таржима қилинган.

«Темур тузуклари» Темур кодекси, яъни Амир Темурнинг давлати ва уни идора қилиш меъёрлари, қоидаларининг тўпламидир. Ундан биз Ўрта асрлардаги ҳукмрон сиёсий қарашлар, қоидалар, қонуниятлар ва улар ҳақидаги қарашларни ўрганамиз.

Темур ўз «Тузуклари» да аниқ ва равшан қилиб, давлатни идора қилишда ўн икки қоидаларига асосланганлигини ҳикоя қилади. Темур ўз империясини тузишда ва уни бошқаришда янги диний мафқурани яратмасдан исломни танлайди. Асосий қонуният қилиб еса шу дин заминида вужудга келган шариатни қабул қилади ва уни ҳимоялайди. Буюк империяни мустаҳкам мафқура ва қонуният-қоидага асосан идора етиш Темурнинг нақадар саводли, тадбиркор ва қудратли соҳибкирон еканлигидан далолат беради.

Иккинчи муҳим қоида еса давлатнинг, мамлакатнинг устунларини ташқил қилган турли табақалар ва тоифалар билан биргаликда бамаслаҳат иш қуриш, сиёсатни юргизиш бўлди. Темурнинг улуғлиги, кучли сиёсатчи еканлиги шундаки, у фақат кучига емас, балки биринчи навбатда, ҳалққа таянган ҳолда давлатни бошқаради. Муҳим ишларни улар билан кенгашган ҳолда олиб боради. «Иккинчиси шулким,- деб ёзади у,- ун икки табака ва тоифадаги кишилар билан мамлакатни забт етдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим». Соҳибкирон ўз ворисларига васият қилар екан, жамиятни турли табақаларга ва тоифаларга булиниши ва уларнинг тутган ўринлари муҳим еканлигини, давлатни бошқариш уларсиз мумкин емаслигига ишора қилади.

Учинчи қоидада Амир Темурнинг маслаҳат, тадбиркорлик, фаоллик ва хушёрлик, еҳтиёткорлик билан ганим кўшинларини енгганини, бошқа давлатларни ўз Империясига кўшиб олгани ҳақида фикр юритилади. Гап шундаки, Амир Темур учун тадбиркорлик, кенгаш билан иш қуриш, еҳтиёткорлик бу қонуният еди.

Туртинчи қоида давлат ишларини салтанат қонуниятларига асосланган ҳолда бошқариш тўғрисида фикр юритилади. Унда Темур ва унинг мулозимлари қонуниятчиликка асосланган ҳолда иш кўрганлиги, амирлар, вазирлар, сипоҳлар ўз лавозимида ва мартабасига кўра иш юритганлиги кайд етилади.

Бешинчиси - амирлар ва сипоҳлар билан яхши муносабатда бўлиш, уларга иззат ва ҳурмат кўрсатиш, мартаба ва унвонларини ҳурматлаш.

Амир Темур улар турмушидан хабардор бўлиб, маблағни аямаган.

Шунинг учун ҳам амирлар унга жон-дилидан хизмат қилганлар. Уларнинг кахрамонликлари натижасида соҳибкирон жанглarda ғолиб чиққан.

Олтинчиси - адолат ва инсоф билан иш қуриш. Соҳибкирон гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафкат қилган. «Ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим», - деб ёзади Темур.

Еттинчиси - саидлар, уламою машойих, оқилу-донолар, муҳандислар, тарихчиларни еътиборли шахслар деб иззат ва ҳурмат қилган. Улар билан

сухбатда бўлган ҳамда улардан маслаҳат сураган. Аксинча, бузук, огзи шалок, гийбатчи одамларни ўз мажлисига яқинлаштирмаган. Уларнинг гапига кулок солмаган.

Саккизинчиси - азму жазм билан иш тутган, яъни бирор ишни амалга оширишга қарор қилган бўлса, унга бутун вужуди билан киришиб, охирига етказган.

Тўққизинчиси - раият (оддий халқ) хол-ахволидан доимо огоҳ бўлган. Уларнинг улуғларини ога қаторида, кичикларини еса фарзанд ўрнида кўрган. Ҳар шаҳар ва қишлоқнинг урф-одатига, қонуният ва қоидаларига хурмат билан қараган. Улардан хабардор бўлиш учун тарихчи-хабарчиларни ёзма равишда турли халқлар ҳаётидан хабардор қилиб туришларини талаб қилган. Ҳокимлар, сипохлар томонидан раиятга жабру ситам етказилган бўлса, уларни адолат ва инсоф юзасидан жазолаган.

Ўнинчиси - турк, тожик, арабу ажамнинг турли тоифаларидан ўз паноҳига кирган кишиларга хурмат билан қараган. Дустлик қилган кишиларга нисбатан мурувват, ехсон, иззату икром ҳаққини адо етган.

Кимки душманлик қилиб, кейин пўшаймон бўлиб, тавба қилган бўлса, душманлигини унутган. Унга мурувват кўрсатган.

Ўн биринчиси — фарзандлар, кариндошлар, ошна-огайни, куни-кўшнилар ва улар билан дустлашган кишиларни давлат мартабасига еришганда ҳам унутмаган. Уларга ҳамма вақт бирдек иззат ва хурмат кўрсатган. Дуст, душман билан келишиб яшаган.

Ўн иккинчиси - дуст, душманлигига қарамай, ҳар жойда ҳам сипохларни хурмат қилган, агар душман сипохлардан қахрамонлик кўрсатиб Темурга нисбатан қилич кўтарган бўлса ҳам унга мурувват қилган. лекин ўз сохибига хиенат қилиб, унга душманлик қилганларга нисбатан мурасасиз бўлган.

Амир Темурнинг сиёсий қарашлари унинг ўз даври учун канчалик муҳим ўрин олган бўлса, бу қарашларда илгари сурилган ғоялар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган емас. Давлатлар яшаб келаятган ва улар орасида ўзаро муносабатлар давом этаётган ҳозирги шароитда Темурнинг сиёсий қарашларидан фойдаланиш, у таърифлаб берган ва ўзи бевосита амал қилган қоидаларга асосланиб иш қуриш муҳим аҳамиятга ега.

Ўрта Осиёда сиёсий қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланишида улуғ мўтаффақир, шоир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоийнинг хизматлари каттадир. Унинг бутун ҳаёти ва кўраши меҳнаткаш халқ манфаатлари билан уйғунлашиб кетган.

Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти билан чамбарчарс боғлиқдир. Хусайн Бойкаро саройида ҳукм сўрган тартиб-қоидалар, давлатни идора қилиш усуллари, амир ва бекларнинг тож-тахт учун олиб борган фоижали ҳаракатлари, оддий халқ оммасининг аянчли ахволи билан боғлиқ бўлган хилма-хил масалалар Навоийнинг сиёсий қарашларида муҳим ўрин егаллайди.

Навоийнинг сиёсий қарашларида ифодаланган ғоялар ҳозирги кунимиз учун ҳам каттааҳамиятга ега. Бу қарашларда сиёсат, сиёсий ҳаёт ва сиёсий муносабатларнинг шундай масалалари баён қилинганки, уларда ҳозирги кунда

жамиятни сиёсий ривожлантиришнинг кўпгина масалаларига жавоб топиш мумкин.

Алишер Навоийнинг сиёсий қарашлари унинг давлат ишларини бошқариш жараёнида, айниқса, чуқурлашиб борди. У давлат ишларига киришар экан, биринчи галда халқнинг тинч ҳаётини бузган шахзодалар ва амалпарастлар ўртасида тахт учун кетаётган қон тўкишларнинг олдини олиш ва бу билан мамлакат сиёсий ҳаётида руй бераётган сиёсий тарқоқликка чек қўйишга ўринади. Навоий шахзода Ёдгор Муҳаммаднинг фитнасини фош қилиб, уни бартараф этади ва бу билан мамлакатда юз бериши мумкин бўлган қирғиннинг олдини олади. Амалдорларнинг жабру ситамига қарши Хирот меҳнаткашлари билан ўзи музоқара олиб боради ҳамда айбдор амалдорларни давлат ишларидан четлатиб, уларни жазолайди. Бу еса исённинг бостирилишига ва юзлаб кишилар конининг тўқилмаслигига олиб келади.

Хусайн Бойқаро томонидан . вазирликка тайинланган Навоий мамлакатнинг тинчлиги ва осойишталиги учун кўрашади. У олдиндан орзу қилаётган орзуларини, истақларини, яъни мамлакатда содир булаётган киргишшқларнинг олдини олиш, меҳнаткашларнинг ҳаётини яхшилаш, тараққийпарвар кучларни куллаб-қувватлаш, қисқача қилиб айтганда, мамлакатда адолатли тартибни ўрнатиш учун барча имкониятларни ишга солади.

Алишер Навоий сиёсий онгининг шаклланиши ва ривожланишини нисбий равишда икки даврга бўлсак бўлади. Биринчи давр - бу Алишернинг ёшлик йилларидан тортиб, токи вазирликдан истеъфо берган давригача бўлган вақтни ўз ичига олса, иккинчи давр еса -вазирликдан истеъфо берган вақтдан бошлаб, токи умрининг сунгги кунларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Биринчи даврнинг ҳарактерли томони шундаки, бу вақтда шоир ҳали мамлакатда адолатли подшо ўрнига адолатли подшо келишига ва бахтли жамиятга еришиши мумкинлигига ишонади ҳамда уни амалга ошириш учун кўрашади. Бу кўраш йўлида у вазирлик лавозимигача бўлган давлат ишларида хизмат қилиб, мамлакатда тинчлик ўрнатиш, ободончилик ишларини янада ривожлантириш, тараққийпарвар кучларни куллаб-қувватлаш каби ишларни амалга оширади. Бу даврда шоир маърифатпарвар шоҳ тарафдори бўлади. лекин шоир сиёсий онгининг муҳим босқичини иккинчи давр ташқил этади.

Навоий катта сиёсий кўраш йўлини босиб утиб, бой тажрибага ега бўлганидан кейин ижтимоий-сиёсий қарашларида янада илгарилаш юз беради. Мўтафаккир феодал давлати ва ҳуқуқининг тор доираларида чекланиб олмасдан ва, шунингдек, факат ўз ватанида марказлашган адолатли давлатни барпо этиш ғоясида қолиб кетмасдан, янада илгарилаб, бутун дунёда ягона марказлашган адолатли давлат бўлиши, унинг тепасида еса адолатли шоҳ туриши керак, деган ғоягача етиб боради. Шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ривожланишида катта тараққиёт юз бериб, у мавжуд дунёдан, давлатдан хаёлан ўзилган ҳолда, утопик хаёллар асосида бутун бир хаёлий давлат - «Садди Искандарий» достонидаги Искандар давлатини яратади. Искандар давлати утопик давлат бўлиб, Навоий унда ўзининг сиёсат, давлат,

ҳуқуқ ҳақидаги истак ва орзуларини, ғояларини мужассамлаштирган ҳолда берган.

Навоийнинг фикрича, келажакда бутун дунёда адолациз давлатлар тугатилиб, уларнинг ўрнига ягона марказлашган давлат ташкил топиши керак.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида бутун Туркистон чоризм томонидан босиб олинди. Бу ерда чоризм ўзининг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширди, яъни бу улкани ўзининг хом ашё базасига айлантди. Чор амалдорлари мустамлака аҳолисини асоратга солишнинг ўта ваҳшиёна усулларни куллагга ва шу йўл билан бу ерда ўзининг ҳукмронлик сиёсатини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Улар улкада бошқаришнинг шундай маъмурий воситаларини ишга солдиларки, оқибатда маҳаллий аҳоли ўзининг барча ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларидан, ўзларининг тили - давлат тили мавқеидан маҳрум бўлди.

Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати шу қадар ваҳшиёна тус олдики, бу ҳол ҳалқ оммасининг озодлик учун кўраш ҳаракатлари бошлашига сабаб бўлди. Бу ҳаракатларга мустамлакачилик зулмидан азоб тортган аҳолининг турли табақаларини бирлаштирди, аммо бу ҳаракатлар жуда тарқоқ бўлиб, улкани мустамлакачилик зулмидан кутқаришга ожиз еди.

Мустамлакачилик зулмига ва ўша даврда ҳукмронлик қилган сиёсий муносабатларга норозилик кайфиятлари Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва ижод қилган унлаб буюк мўтафаккирларнинг сиёсий қарашларида ўз ифодасини топган. Улар улкада ҳукм сўрган ижтимоий адолацизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кўраш олиб бориш зарурлигини чуқур англаб етдилар ва кенг ҳалқ оммасининг озодлик, еркинлик ҳамда тенглик йўлидаги орзу-истакларини ўз асарлари орқали ифода қилиб берди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган сиёсий қарашларда Аҳмад Дониш (1827-1897) алоҳида ўрин егаллайди. Унинг сиёсий қарашлари, хусусан, Бухоро амирлиги шароитида мавжуд бўлган сиёсий тартиблар ва ҳаракатларни, давлат бошқаруви ва тўзилишини, амирлик олиб борган ички ва ташқи сиёсатнинг моҳиятини очиқ беришга хизмат қилади.

Аҳмад Дониш Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни Россия билан таккослаб, улар орасида жуда катта фарқ борлигини кўрсатади. Бу фарқ, айниқса, давлат ишларининг ташкил етилиши ва бошқариш соҳасида ниҳоятда кескин бўлиб қолаётганини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у Бухоро амирлигида давлат тўзилишини ислох қилиш зарур деб ҳисоблайди. У ўзининг тузган лойиҳаларида давлат бир гуруҳ кишиларга емас, балки бутун ҳалқ манфаатига хизмат қилиши керак, деган ғояни асослашга ҳаракат қилади.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистон да сиёсий фикрларнинг ривожланишига Муҳаммад Хужа Бехбудий (1879-1919) жуда катта ҳисса қўшган. Унинг сиёсий қарашлари жадидик ҳаракати ва унинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон да 1905 йилга келиб жадидик номи билан маълум бўлган ҳаракат вужудга кела бошлади. Маърифатпарварлик ғояси асосида шаклланган бу ҳаракат аста-сёкин сиёсий тус ола бошлади ва

улканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб эта борди. Бу даврда А.Авлоний, Фитрат, Бехбудий каби маърифатпарварлар катта фаолият олиб борганлар. Муҳаммад Хужа Бехбудий ана шу ҳаракатнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиларидан бири сифатида унинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Жадидлар ҳаракати мусулмон аҳолининг кўпчилик қатламларини ўз сафларида бирлаштирган бўлиб, улар туб социал-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ўзгаришлар қилиш талаблари билан чиққан едилар.

Улар Туркистоннинг Россиядан ажралиб чиқишини ва унинг мустақил давлат сифатида ички ва ташқи сиёсат олиб бориши лозимлигини ҳимоя қилдилар. Улар Туркистонда Туркия давлатидаги каби ижтимоий-сиёсий тартиблар ўрнатишга ҳаракат қилдилар.

М.Бехбудий мусулмон партиясини тузиш ишига жуда кучли қизиқиш билан қаради. У рўзномаларнинг муҳаррирларига ҳамда унинг ўқувчиларига мурожаат қилиб, бундай партияни ҳимоя қилиш тўғрисида тарғибот ишларини кучайтириш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаган еди. «Шурои Ислом» ташкилоти томонидан амалга оширилган тадбирларда М. Бехбудий фаол иштирок етди. У омма орасида тарғибот ишларини олиб бориш билан бирга, Туркистоннинг мустақиллиги учун кўраш йўлида катъий туриб ҳаракат қилди.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### 2 – мавзу. Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари.

<i>Талаба сони 20-50та</i>		Вақти 2 соат	
<i>Машғулот шакли</i>		Анжуман - амалий машғулот	
<i>Семинар режаси</i>	<p>1. Марказий Осиёдаги дастлабки ижтимоий-сиёсий қарашларнинг шаклланиши. Авестода “Одил жамият” тўғрисидаги қарашлар.</p> <p>2. IX-XVI асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий муҳит. “Одил жамият” тўғрисидаги қарашлар.</p> <p>3. Амир Темурнинг сиёсий ва одил жамият тўғрисидаги қарашлари.</p> <p>4. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт.</p>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ижтимоий-сиёсий қарашларнинг умумий замирида Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод етган буюк мўтафаккирларнинг хизматлари, илмий, тарихий, бадий асарларида жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатлари масаласига доир қимматли фикрларини ўрганилади.</p> <p>Асосан, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини улар яшаган давр билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Чунки уларнинг дунёқараши ўша даврдаги сиёсий тартиблар, давлатни идора қилиш усуллари, халқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар таъсирида шаклланган. Ана шулар келиб чиқадиган бўлсак, ўқув машғулотининг мақсади ўша давр ҳақида атрофлича билимларга ега бўлиш.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўриш билан боғлиқ ғояларнинг ўзига хос кўринишларини англаб етишни шакллантириш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўриш босқичларини таҳлилий ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосаларга чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришнинг илк тарихий даврларини тегишли манбаалардан атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.	
<i>Ўқитиш шароити</i>		Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>		Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.	

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Демократик жамият билан боғлиқ қарашларнинг вужудга келиши.
2. «Авесто» да сиёсий қарашлар ва ғоялар.
3. Антик дунё сиёсий таълимотлари.
4. Одил жамият тўғрисидаги қарашлар, тизимлари ва уларнинг таснифи.
5. Одил жамият билан боғлиқ тушунчаларни таҳлил қилиш.
6. «Темур тузуклари»даги сиёсий қарашлар ва унинг аҳамияти.
7. Шарқ ва Ғарбда ўрта асрлар ҳамда Уйғониш босқичларида сиёсий таълимотлар.
8. XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий сиёсий қарашлар.
9. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт.
10. Жадиждларнинг одил жамият тўғрисидаги қарашлари.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

# ГЛОССАРИЙ

1. **Фуқаролик** – инсонларни муайян давлат, давлатчилик билан боғлиқ ҳуқуқий ҳолатларини, муносабатларини ифода етувчи тушунчадир.
2. **Сиёсий онг** – сиёсий фан тушунчаларидан бири.
3. **Сиёсий қарашлар** – сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин етилган.
4. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуктаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
5. **Антик дунё** – сиёсий қарашлар соҳасидаги ёндошувларнинг ерамиздан олдинги даврларга тегишли қисми тушунилади.
6. **Ижтимоий** – сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётни ташкил қилади.
7. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
8. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
9. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода етади.
10. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
11. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
12. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
13. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳукумронлик.
14. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
15. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
16. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатади. "Партия" атамаси латинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
17. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
18. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.

19. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
20. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
21. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
22. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
23. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
24. **Демократия концепциялари** – “Ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини еркинлаштириш билан боғлиқ мумтоз стратегияси етти устувор мақсад вазифалар концепцияси.
25. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
26. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
27. **Менталитет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
28. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
29. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
30. **Иқтисодий плюрализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
31. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
32. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
33. **Маънавият** – инсонларнинг ички, рухий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
34. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
35. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар қуришга тарафдорлик.
36. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**3-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

### 3-мавзу. Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели”.

#### РЕЖА:

1. Демократик жамият қуришнинг турли хил моделлари.
2. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда “Ўзбек модели” ва унинг тамойиллари.
3. Демократик жамият қуришнинг моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Мустақил тараққиёт йўлига чиққан Ўзбекистон учун энг асосий, бош масала миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш, мустақилликнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларини яратиш еди. Мазкур масалага мустақилликка еришган барча мамлакатлар турли даврларда дуч келишган ва улар бу масалани турлича ҳал этишган. Шу сабабли илмий адабиётларда ижтимоий тараққиётнинг «Швед модели», «Америка модели», «Япон модели» каби тушунчалар ишлатилмоқда. Мазкур тушунчалар замирида муайян минтақа ёки мамлакатлар ижтимоий тараққиётида сиёсий-иқтисодий ислохотларни қайси йўл билан, қай йўсинда амалга оширилиши билан бир-бирдан фарқланади.

Жумладан, «Америка модели»да бозор муносабатлари ниҳоятда либераллиги билан характерланса, «Япон модели» иқтисодий муносабатларда давлатнинг етакчи ўрни билан белгиланади. «Швед модели»да иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги устувордир.

Шунингдек, Шарқий Европа мамлакатларининг ўз модели, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги моделлар ҳам ўзига хос жиҳатлари билан бир-бирдан фарқланади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига еришгач, миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш, мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олиш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, мамлакатимизнинг тарихий-миллий хусусиятлари ва географик-демографик шарт-шароитларига мос бўлган ўзига хос моделни яратиш зарур еди. Собиқ тоталитар тузумдан жуда кўплаб иқтисодий, ижтимоий, муаммолар мерос бўлиб, ўтганлигига қарамасдан, республика раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йиллариданок мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос йўлини аниқ белгилаб олди.

Бу йўлдаги дастлабки энг асосий вазифа: «Ески маъмурий-буйруқбозлик тизимини, унга мувофиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органларини тугатиш, шунингдек, янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асосларини яратиш»<sup>1</sup> еди.

Мазкур вазифани собитқадамлик билан ҳал этиш натижасида ески маъмурий-буйруқбозлик тизимининг устунлари бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топтирилди. Жумладан, Собиқ Коммунистик партиянинг якка

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсајасида: хавфсизликка тајидид, барсарорлик шартлари ва тарассиёт кафолатлари. -Т. Ўзбекистон, 1997. 152-бет.

ҳокимлигига чек қўйилди. Жойлардаги ижроия ҳокимиятининг ески тизими тугатилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётининг стратегик мақсади – демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган адолатли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган еди.

Мазкур ислоҳотлар мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов томонидан яратилган бешта тамойилга асосланиб, амалга оширила бошланди. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- Иқтисодиёт сиёсат устидан ҳукмрон бўлиши, у ҳар қандай мафкурадан озод бўлиши лозим. Иқтисод ўз қонуниятларига асосланиб ривожланиши керак;

- Иқтисодни бошқаришда, айниқса янги бозор иқтисодиётига ўтилаётганда, давлат бош ислоҳотчи бўлиб, унинг бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслик керак;

-Конституция ва қонуннинг устунлиги. Унга барча баробар, ҳаётимизнинг турли соҳасида риоя этиши керак;

-Кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги енг муҳим вазифадир;

-Бозор иқтисодиётига ўтиш шошма-шошарликсиз, босқичма-босқич амалга оширилмоғи лозим.<sup>2</sup>

Мазкур тамойиллар «Ўзбек модели» сифатида жаҳонда еътироф этилган Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлининг ғоявий-назарий негизи бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлик тамойили жаҳон тажрибасида синалган еркин бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи аҳамиятга ега эканлигини асослаб беради. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг таркибий тузилмалари, хўжалик юритувчи субъектларнинг еркин иқтисодий фаолият юритиши муҳим аҳамиятга егадир. Чунки, иқтисодиётнинг сиёсат ва мафкурадан устуворлиги, иқтисодий фаолият еркинлиги барпо этилаётган адолатли фуқаролик жамиятининг моддий асоси бўлиб хизмат қилади.

Янги демократик жамиятга ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлатнинг бош ислоҳотчилик вазифаси мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни ташкил этиш ва амалга оширишда ташаббускор бўлишни назарда тутди. Бу тамойил аввало, мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан бўлиб, миллий давлатчилигимиз тарихий тажрибасига асосланади. Ўзбек давлатчилиги тараққиётининг барча даврларида давлат жамият ҳаётини ташкил етувчи, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширувчи етакчи куч бўлган. Давлатга ва унинг раҳбарига катта ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш ўзбек халқининг турмуш тарзидаги муҳим сиёсий қадрият бўлиб келган. Миллий давлатчилигимиздаги мазкур анъана мустақиллик шароитида ўзининг мантиқий ифодасини топди ва янги мазмун билан бойитилди. Тарихан қисқа

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т. Ўзбекистон. 1995. 11-б.

муддат ичида мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини яққол кўрсатиб берди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш зарурки, бу ўтиш даврида бир қатор салбий ҳолатлар, жумладан, ишсизлик, қонунбузарлик, жинойтчилик кабилар юзага келганда давлатнинг тартибга солиш, назорат қилиш ва бошқаришдаги роли янада ортади. Гарчи фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан давлатнинг вазифаси бироз қисқарсада, лекин жамиятдаги ижтимоий бўҳронларни олдини олишда, ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиришда, ижтимоий адолатни қарор топишида давлатнинг ўрни ва роли сақланиб қолаверади.

Конституция ва қонун устунлиги тамойилининг моҳияти мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунга итоаткорликни шакллантиришдан иборатдир. Бу тамойилни давлатимиз раҳбари И.А.Каримов шундай ифодалайди: «Бутун янгилашни ва тараққиёт жараёни қонунга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар саналган, амалий кучга ега бўлган қонунга таянгандагина, бу ўзгаришлар сезиларли натижалар берилиши муқарар бўлиши мумкин»<sup>3</sup>

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси саналади. Гарчи, ҳуқуқий давлат назарияси Ғарбий Европада ХВИИ-ХВИИИ асрларда яратилган, деган фикр мавжуд бўлсада, ҳуқуқий давлат анъаналари миллий давлатчилигимиз тарихий тажрибасида ўрта асрлардаёқ мавжуд бўлган. Жумладан, ўзбек давлатчилигининг буюк намоёндаси Амир Темур ўзи барпо етган жуда катта давлатни «Куч адолатдадир» деган шиор билан идора етган. Темур даврида махсус тузукларга амал қилинган. Ана шу тузукларда жамият аъзоларининг ахлоқ-одоб қоидалари, мансабдор шахслар ва ҳукмдорларнинг бурчлари, давлат ва қўшинни бошқариш қоидалари аниқ ифода етилган.

Қонун устуворлиги тамойили, аввало давлатнинг асосий қонуни ҳисобланган Конституциянинг устуворлигини таъминлашни назарда тутди. Бу тамойил мамлакатимиз Конституциясининг 15-моддасида қуйидагича ифодаланган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар»<sup>4</sup>.

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойили ҳам ўзбек давлатчилиги анъаналарига ҳамда миллий кадриятларимизга мос бўлиб, бу тамойил моҳияти шундан иборатки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Бозор иқтисодиётига ўтиш доимо мураккаб жараён бўлиб, бу давр ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шундай шароитда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ўз ҳимоясига олиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: «Ўзбекистон», 1995

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т. Ўзбекистон. 1992. 11-бет

Заиф ва ёрдамга мухтож кишиларга меҳр ва мурувват кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш халқимиз турмуш тарзидаги қадимий анъана, азалий миллий қадрият сифатида давлатчилик тажрибасида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, буюк давлат арбоби Амир Темур ўз «Тузуқларида» давлатни бошқаришда ўн иккита қоидага амал қилган. Шу қоидаларда, жумладан: - Давлат, салтанат устунларини, аҳолининг барча қатламлари билан қувватлаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

Мамлакатдаги демографик шарт-шароитларни, аҳолининг турмуш даражасини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш орқали кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда.

Раъият аҳволидан огоҳ бўлиш, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўриш<sup>5</sup>.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, ўтиш тамойили миллий хусусиятларимизга, ўзбек давлатчилиги анъаналарига мос бўлиб, бу тамойил ўтиш даврининг мураккаб характерини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни пухта ўйлаб, ижтимоий ларзаларсиз, тадрижий тарзда амалга оширишни тақозо этади.

«Ўзбек модели»ни бугунги кунда демократик жамият барпо этиш муҳим ўзига хос модели эканини дунёнинг жуда кўплаб сиёсацхунос етакчи олимлари ўрганмоқда ва уни таҳлил қилмоқдалар<sup>1</sup>. Масалан, россиялик тадқиқотчилар Гафарли М.С., Касаев А.Г., германиялик Л.Левитин, Россия Фанлар Академиясининг академиги Ф.Бурлацкий уни юксак баҳолашган.

«КПСС» деб аталмиш аслида еса улкан бир ҳудудни ўз қўлида ушлаб турган партия-давлат машинасининг сўнгги съездида (1990 йил июл) ҳам Президентнинг масалага жиддий еътибор берганлиги Ўзбекистоннинг мустақиллик еълон қилганлиги шунчаки бир ҳис-ҳаяжонни тўкиб солиш емас, балки ортга қайтмайдиган стратегик мақсад ёки акт эканлигинининг ёрқин исботи ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, 1991 йилнинг 31 август кунида Ўзбекистон Республикаси мутлоқ мустақиллигининг еълон қилинишини унга қадар амалга оширилган ўзига хос сиёсий тайёргарлик, умумхалқ сафарбарликнинг қонуний натижаси ва кенг миқёсли демократик ўзгаришлар учун шароит яратган буюк тарихий воқеа деб қараш тўғри бўлади. Айнан шундан еътиборан, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ҳудудимиздаги барча таркибий қисмларда; яъни давлат ҳокимиятининг қуйидан юқоригача барча бўғинлари, ер ости ва ер усти ресурслари, давлат бошқаруви муассасаларининг барча тармоқлари, миллатнинг моддий ва интеллектуал салоҳияти ва ташқи алоқаларнинг барча йўналишларида танҳо ҳокимлиги еълон қилинганлиги амалда тўла миллий мустақилликни билдирар еди. Унинг халқаро муносабатларда субъектлар олади. Ендиликда Ўзбекистонга нисбатан дунёдаги барча давлатлари тўлақонли

<sup>5</sup> «Темур тузуқлари». -Т.,Ғофур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.1991.53-54,6

<sup>1</sup> Қаранг: Гафарли М.С., Касаев А.Г.. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т.: Ўзбекистон, 2001. –430 б.

Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т.: Ўзбекистон, 2000. 368-б.

Дональд Карлайл Ўзбекистон Ўрта Осиё, истикболдаги ўтмиш ва ҳозирги замон ва бошқалар.

мустақил субъекти сифатида ва туб манфаатларининг бирдан бир расмий ифодачиси еканлигини тан олган ўзаро самарали муносабатлар ўрнатишга муносиб халқаро сиёсатнинг мустақил, дахлсиз субъекти сифатида муносабат билдиришлари учун зарур ҳуқуқий-сиёсий асос яратилди. Мустақил давлатимиз ғояларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда унинг шаклланишида – собиқ иттифокда биринчи бўлиб, 1990 йил 24 мартда (12-чақирик Олий Советининг биринчи сессияси) Ўзбекистонда Президентлик институтини таъсис этиш тўғрисидаги қарори бўлган еди. Маълумки, ўша сессияда И.А.Каримов Ўзбекистон ССРнинг Президенти этиб сайланган еди. Мамлакатимизда Президентлик институтининг таъсис этилиши нафақат давлатчилигимиз миллий ғоясини, балки халқимизнинг босқичма-босқич сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун курашнинг ўзига хос йўналишининг бошланиши ҳам еди.

Президентлик институтининг ташкил этилиши узоқ йиллар мобайнида Республикаимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишнинг бирдан-бир тўғри ечими еди.

Маълумки, дунё давлатчилиги тарихий ривожланишида бошқарувнинг асосан икки шакли – монархия ва республика усуллари мавжуд. Республика бошқаруви ўз навбатида парламентар ва президентлик республикалари кўринишларига ега. Президентлик Республикаси ҳозирги кунда енг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. 2000 йилги маълумотларга кўра, БМТга аъзо 192 давлатдан 146 тасида Президент лавозими мавжуд<sup>1</sup>.

Уларнинг аксарият кўпчилиги президентлик республикалари ҳамдир. Булар АҚШ, Аргентина, Бразилия, Мексика, Франция, Россия Федерацияси ва бошқалардир.

Давлатчилик ғояларининг назарий асослари ва уларнинг шаклланиши жараёнларини президентлик институтининг таъсис этилиши ҳақида батафсил фикр юритишимизнинг асосий сабаби – Президентлик ҳокимиятининг манбаи халқ еканлиги тўғрисидаги тарихий тажрибанинг Ўзбекистонга мос ва зарурлиги ҳамда давлат бошқарувидаги енг самарали шакли еканлигининг ўз исботини тапаётганлиги билан белгиланади.

Президент И.А.Каримов аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлигига алоҳида еътибор бериб келмоқда. Бу механизм енг аввало, жамиятни еркинлаштириш орқали фуқароларнинг ҳар бир сайловга мамлакат тақдири учун сиёсий танлаш сифатида тақозо етади. Одамлар ўз манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун сайловларда иштирок этиш зарурлигини англаши зарур бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ва еркинликларини ҳимоя қилиш, унинг еҳтиёжларини қондиришда давлат курилиши, бошқарув тизими ва жамиятни еркинлаштириш алоҳида аҳамиятга ега. Бу борада Президент И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатнинг узоққа йўналтирилган мақсадларини

---

<sup>1</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. Тошкент – 2000. 41-б.

аниқ ва равшан ифодалаб берди ва давлат ваколатларини аста-секинлик билан, босқичма-босқич нодавлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг яъни маҳаллаларнинг ролини ошириб бориш орқали демократик жараёнларни чуқурлаштириш зарурлигини айтган еди. Ана шу тамойилнинг ўзи фуқароларнинг бир жиҳатдан еркинлиги ва озодлигини таъмин еца, иккинчи томондан ўз ҳаётларини изга солишга, демак-ки, жамиятни бошқаришга иштиёқини кучайтиради. Шахс ўзини жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига дахлдор, унинг олдида бурчли ва масъулиятли еканлигини англаб боради.

Президент И.А.Каримов миллий тараққиёт тамойилларини ишлаб чиқар екан, Ўзбекистоннинг биринчи навбатда инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий еътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларини таъминлаб берадиган давлат бўлишига катта умид боғламоқда. Бугунги босқичда у демократик институтлар фаолиятлари кўламларини кенгайтириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш ва сиёсий маданиятини ошириш, жамиятда манфаатлар, турли хил қарашлар, сиёсий ва еътиқодий рақобатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, жамоат бирлашмаларининг ҳозирги босқичдаги ижтимоий мавқеини ошириш, сиёсий партиялар фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодий ҳаётни еркинлаштириш, давлат қурилишини еркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳокимият бўлиниши принципининг инсоният томонидан умумеътироф етилган тамойилларини амалда қўллаш, давлат ҳокимияти органларининг ваколатини нодавлат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш масалаларини стратегик вазифа даражасида англаши керак бўлади.

Агар Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва елатга мансуб турли дунёқараш ва турмуш тарзига ега бўлган аҳоли яшайдиган, 10 дан ортиқ диний конфессиялар фаолият кўрсатаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, кўп миллатли мамлакатда миллатлараро муроса муҳитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар жиддий аҳамият касб етади. Дарҳақиқат, жамиятда турли диний ва ғоявий қарашдаги аҳоли табақалари интилишларини уйғунлаштириш, уларни мамлакат тараққиётини белгилайдиган ғоя атрофида бирлаштириб, йўналтириш фавқулудда катта салоҳият тақозо етиши равшан. Айни чоғда умумий фикрларга келиш ҳар бир инсон еркинлиги, шахсий талаблари ва рағбатини бўғиш ҳисобидан бўлмаслиги ҳам зарур. Зеро, инсон илоҳий ва табиий қисматига кўра мутлақ бетакрор ҳодисадир. Шу боисдан, улуг алломаларимиз ҳам мазкур масалага алоҳида урғу бериб инсонга берилган муқаддас ҳуқуқлардан бири ихтиёрий танлов, меъёрий мувозанатга интилиш ва ҳақни ўз рағбатига кўра топа билиш салоҳияти еканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Ҳолбуки, миллатидан, ирқидан ва дунёқарашидан қатъий назар, мамлакат фуқароси ўз еҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятларга ега бўлиши, ўз ҳаётини ихтиёрий танлов асосида йўлга қўйилиши, жамиятда барқарорлик мувозанатини сақлаш, муросага келиш ва бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва демократик иштирок маконини қарор топтириш учун кенг кўлам яратади.

Хулоса ўрнида шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, юртимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан еътиборан, унинг изчил ва шунинг билан бир қаторда ўзига хос ва мос демократиялашиш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, барча соҳаларда халқнинг мутлоқ суверенитети тамойили қарор топиши, ва ниҳоят, уларнинг барчаси ижтимоий жараёнларда қайси миллат ёки конфессияга мансублигидан қатъий назар халқнинг фаол иштирокини тақозо этиши халқимиз ва сиёсий раҳбарият томонидан ендилиқда чуқур ҳис этилмоқда.

Ўзбек давлатчилигининг ўзига хос миллий хусусиятларидан бири бўлган, давлатчилик тараққиётининг инқилобий сакрашларни четлаб, тадрижий тарзда такомиллашиб борганлигини Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари билан асослашимиз мақсадга мувофиқдир: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни, шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни Ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг иптидоий ва ёввойи шакли» деб аташганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди»<sup>6</sup> деган фикрларнинг нақадар асосли эканлигини ижтимоий тараққиёт ҳам кўрсатиб турибди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан янги асосда тиклана бошлаган миллий давлатчилигимиз ўзининг демократик сиёсий мақомига ега бўлиб, ижтимоий тараққиётда тадрижий ривожланиб келган миллий давлатчиликнинг қонуний давоми сифатида намоён бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли бўлган «Ўзбек модели» мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиёт дастури бўлиб, бу дастур ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг ғоявий-назарий негизини ташкил этади. Мазкур ислоҳотлар мустақиллик йилларида бир нечта босқичларни босиб ўтади. Жумладан, ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ески маъмурий-буйруқбозлик тизими тугатилди ва миллий давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдевори барпо этилди. Кейинги босқичда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси яратилди, иқтисодиётнинг барқарорлашувига еришилди. Ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда» номли дастурий асарида белгилаб берилган олти устувор вазифалар оширила бошланди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада еркинлаштириш;

Жамият маънавиятини янада юксалтириш;

Жамиятимиз келажагини белгилаб берувчи кадрлар сиёсати;

Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш;

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиёболнинг асосий тамойиллари -Т.: Ўзбекистон. 1995. 10-11 бетлар.

Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш;<sup>7</sup>

Жамиятнинг сиёсий ҳаётини еркинлаштириш аввало, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтиришни, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш боришни тақозо этади.

Иқтисодиёт соҳасини янада еркинлаштириш вазифаси хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий еркинликларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлашни ўз ичига қамраб олади.

Жамият маънавиятини янада юксалтириш масаласида ўз ҳақ- ҳуқуқларини танийдиган, мустақил фикрлай оладиган, иймон-иродаси, еттиқоди мустаҳкам, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган, еркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш муҳим аҳамият касб етмоқда.

Ҳуқуқий, демократик давлат, еркин фуқаролик жамияти барпо этиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишни, мамлакатимизнинг келажагини таъминловчи етук мутахассислар етиштиришни тақозо этади.

Аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг барча босқичларига, «Ўзбек модели»нинг мазмуни ва моҳиятига мос бўлган муҳим бир мезон бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг мазкур босқичига хос бўлиб, бунда бозор инфратузилмасини ривожлантириш, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш мазкур босқичдаги долзарб вазифалардан бири саналади. Бу вазифа жаҳондаги глобаллашув шароитида, турли минтақалардаги вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверинитети ва барқарор тараққиётига хавф солиши мумкин бўлган таҳдидларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этади. Мазкур босқичда бундай тизим яратилди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли бўлган «Ўзбек модели» мамлакат тараққиётининг ҳар бир босқичида, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ижодий ривожлантирилмоқда.

Умуман, «Ўзбек модели» Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган тараққиёт йўли бўлиб, бу йўл мамлакатимизнинг тарихий – миллий хусусиятларини, географик ва демографик шарт-шароитларни ҳисобга олган, республиканинг бош, стратегик мақсади сари йўналтирилган, ислохотларнинг ҳар бир босқичида ижодий ривожланиб борувчи дастури-амалдир.

---

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоёда. -Т.: Ўзбекистон. 1999. 15-19 бетлар.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### 3 – мавзу. Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг “Ўзбек модели”..

<i>Талаба сони 20-50та</i>		Вақти 2 соат	
<i>Машғулот шакли</i>		Анжуман - амалий машғулот	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Демократик жамият қуришнинг турли хил моделлари.</li> <li>2. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда “Ўзбек модели” ва унинг тамойиллари.</li> <li>3. Демократик жамият қуришнинг моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.</li> </ol>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Мустақил тараққиёт йўлига чиққан Ўзбекистон учун енг асосий, бош масала миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш еди. миллий давлатчилик пойдеворини яратилиши, мустақилликка еришган барча мамлакатларда турли даврларда дуч келган турли моделлар бўлиб ва улар бу масалани турлича ҳал этишган. Шу сабабли илмий адабиётларда ижтимоий тараққиётнинг «Швед модели», «Америка модели», «Япон модели» каби тушунчалар мазкур тушунчалар замирида муайян минтақа ёки мамлакатлар ижтимоий тараққиётида сиёсий-иқтисодий ислохотларни қайси йўл билан, қай йўсинда амалга оширилиши билан бир-бирдан фаркланади. Ўқув машғулотини асосий мақсади турли моделларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилади.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда турли моделларнинг ўзига хос кўринишларини англаб этишни шакллантириш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўриш босқичларини таҳлилий ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосаларга чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришнинг илк тарихий даврларини тегишли манбаалардан атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.	
<i>Ўқитиш шароити</i>		Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>		Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.	

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Мустақиллик ва демократик жамият қуришнинг «ўзбек модели».
2. Демократик жамият қурилишининг турли хил миллий моделлари мавжудлиги.
3. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ўзига хос хусусиятлари ва «Ўзбек модели».
4. Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»да демократик жамият қуриш тамойиллари: иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги.
5. Давлат бош ислохотчи.
6. Қонун устуворлиги.
7. Кучли ижтимоий ҳимоя ва босқичма-босқич ривожланиш.
8. «Ўзбек модели»нинг жамият ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳаларида намоён бўлиши.
9. «Ўзбек модели» ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
10. Демократик жамият қуришда «Ўзбек модели»нинг ўрни.
11. «Ўзбек модели»нинг дунё давлатлари томонидан эътироф этилиши.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

# ГЛОССАРИЙ

- 1. Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуктаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
- 2. Антик дунё** – сиёсий қарашлар соҳасидаги ёндошувларнинг ерамиздан олдинги даврларга тегишли қисми тушунилади.
- 3. Ижтимоий** – сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётни ташкил қилади.
- 4. Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
- 5. Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
- 6. Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
- 7. Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
- 8. Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
- 9. Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
- 10. Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳукумронлик.
- 11. Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
- 12. Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
- 13. Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатади. "Партия" атамаси латинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
- 14. Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
- 15. Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
- 16. Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
- 17. Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.

18. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
19. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
20. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
21. **Демократия концепциялари** – “Ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини еркинлаштириш билан боғлиқ мумтоз стратегияси етти устувор мақсад вазифалар концепцияси.
22. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
23. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
24. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
25. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
26. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
27. **Иқтисоий плюрализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
28. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
29. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
30. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
31. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
32. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар қуришга тарафдорлик.
33. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
34. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
35. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
36. **МДХ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислохатлар мажмуи.
37. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**4-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

#### 4 – мавзу. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ўтиш даврининг зарурлиги ва тараққиёт босқичлари

РЕЖА:

1. “Ўтиш даври” тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.
2. Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг “эволюцион тадрижий” асосида демократик жамиятга ўтишга доир назарий концепциясининг ишлаб чиқилиши.
3. “Ўтиш даври”нинг аҳамияти.

Ўтмиш, бугун ва келажак бир-бирига туташган бундай тарихий пайтларда мустақиллик даврини кечираётган ҳар бир давлат бир томондан, демократия борасида жаҳон халқлари орттирган бой тажриба ҳамда ундан миллат манфаатлари йўлида фойдаланишни, иккинчи томондан эса, уни ўзига хос ноёб бир шароитда жорий этиш билан боғлиқ муаммога дуч келганлигини тарихий тажрибалар кўплаб мамлакатлар мисолида тасдиқлаган.

Ўтиш даври ижтимоий-сиёсий фанлар мавзулари тизимидаги долзарб масалалар қаторида туради. Чунки, мамлакатлар ўзларининг юксак тараққиёт даражаларига маълум оралик босқичларини босиб ўтмасдан эриша олмайдилар. Ана шу «оралик» босқични ўрганиш на фақат назарий, шунингдек амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Аммо, у мустақил мавзу сифатида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий адабиётларда илмий жиҳатдан жуда кам ўрганилган. Бунинг асосий сабаби, унинг аниқ «мезони»ни ва бошланиши нуқтаси билан «поёни» (охирги муҳлати) масаласини аниқ белгилаш мураккаблигича қолмоқда. Бундан ташқари баъзи олимлар, жамият тараққиёти то фуқаровий жамият даражасига кўтарилгунча, фақат «ўтиш даври»ни ўз бошидан кечирадилар, у узлуксиз жараён, - деб ҳисобласа, яна бирлари «ўтиш даври»нинг муҳлати ва моҳиятидан кўра, ундаги жараёнларни ўрганиш «муҳимроқ» - эканлигини таъкидлайдилар. Хуллас, Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтиш даври ҳам мукамал ўрганишга эҳтиёж етилиб келмоқда. Чунки, унинг бошланиши ва охирги «поёни»нинг мезонларини аниқламасдан туриб, жамият ҳаётида содир бўладиган ёхуд содир бўлиши мумкин бўлган жараёнлар ҳақида аниқ концептуал ғояларни ишлаб чиқиш ҳам мумкин эмас. Бу жараёнлар нега турли мамлакатларда турлича содир бўлади? Уларнинг муҳлати нега ҳар бир давлатда турли хил вақтларда давом этади? Ўтиш даврида кучлар нисбати қандай ҳолатда бўлади? деган саволларга жавобни фақат демократик жараёнлар билан ҳамоҳангликда мустақил мавзу сифатида ўрганиш орқалигина жавоб бериш мумкин бўлади. Бу жараён барча мамлакатлар учун хосдир. Чунки жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари ҳам уни ўз бошидан кечирмоқдалар.

Шу маънода уни ўрганиш бугун «ўтиш даври»ни ўз бошидан кечираётган Ўзбекистон учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Негаки, уни ўрганиш биз қураётган жамиятда содир бўладиган жараёнлар даражалари тўғрисида аниқ тасаввурларга ва унга етиб бориш йўлларини аниқлаш имконини беради.

Ўтиш даври барча давлатларнинг юксак тараққиётига эришиш учун хос бўлган жараёнида содир бўладиган ўзига хос «оралиқ» муҳлат ҳисобланади.

У ҳар қандай давлат учун умумий қонуниятдир. Чунки давлатлар вужудга келиши биланоқ, бирданига юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди, балки ҳар бир давлат энг аввало, шаклланади ва маълум тарихий тараққиёт босқичларини ўз бошидан ўтказди. Маълумки, ҳар бир давлатнинг вужудга келиш, ривожланиш ва юксак даражасига кўтарилиш жараёнлари олимлар томонидан ўрганилган ва бугунги кунда ўрганиш давом этмоқда. Аммо, ўтиш даври ўзи нима? Нима учун ўтиш даври деб айтилади? – деган саволларга мукамал жавоб илмий адабиётларимизда энг кам ишланган муаммолардан биридир. Шунга кўра уни мукамал тарзда ўрганмасдан туриб, мамлакатимизнинг ривожланиш хусусиятларини аниқ тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бугун юксак ривожланган ёки кам тараққий қилган ёхуд эндигина ривожланиш томон қадам ташлаётган мамлакатларнинг бир иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни айнан такрорланмайдиган ҳодисадир. Тўғри, ўтиш даври учун барча мамлакатлар учун хос бўлган умумий бўлган қонуниятлар ҳам мавжуд. Улар сиёсий ҳокимиятни ўзгартириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, янги тафаккур ва турмуш тарзини шакллантиришда намоён бўлади. Аммо, уларни амалга ошириш ҳам давлатлар ва унда яшаётган халқнинг менталитети билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Хўш, нега шундай? Ўтиш жараёнида тайёр андозалар ёки «модель»дан фойдаланиб, пировард мақсадни амалга оширишга киришилса бўлмайди-ми? Ёки маълум тарихий босқични босиб ўтмасдан, юксак тараққиётга эришиб бўлмайдами?

Худди ана шундай саволларга жавоб топиш учун ҳам ўтиш даври ҳақидаги қарашларни ўзида мужассамлаштирган мукамал концепцияни ишлаб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Айниқса, бу эҳтиёж мамлакатлар тараққиётида содир бўлаётган турли-туманлик, унинг заминидаги муаммоларнинг юзага келиши ва уларни ҳал қилиш усуллари ишлаб чиқиш жараёнидаги ўзига хослик омилининг аҳамияти кучайиб бормоқда.

Аслида ўтиш даври назарияси деганда нимани тушунмоқ керак? Ўтиш даври у ҳақидаги турли қарашлар тизими ҳисобланади. Улар асосида умумлашган назариялар шаклланади. Қарашлар турли-туман, ҳатто улар бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Энг муҳими уларни таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқилади. Хулосаларнинг илмийлиги эса уларнинг моддий кучга айланишида ўз ифодасини топади. Яъни, ўтиш даври ҳақидаги назарий қарашлар реал ҳаётда ўз ифодасини топса, амалиётда ўз самарасини берсагина, илмий хулоса даражасига кўтарилади. Ана шу маънода ҳам ўтиш даври назарияси деганда, мамлакатларнинг маълум бир ижтимоий тараққиётдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўлган оралиқ босқичлар натижаси ҳақида шаклланган қарашлар тизими тушунилади.

Берилаётган бу таъриф ўтиш даврининг моҳиятини ўрганиш асосида шаклланган қарашлар натижаси ўлароқ, юзага келди. Ўтиш даври ҳақида турли-туман фикрлар бўлишига қарамасдан уни бир тизимга келтириш, умумлаштириш асосида шаклланган таърифлар бугунги кунгача деярли

учрамаётганлиги сабабли, «ўтиш даври назарияси»га юқорида берилаётган таърифни бошқалари билан таққослаш имконияти ҳам чекланганлигини назарда тутиш лозим.

Ана шуни ҳисобга олган ҳолда ўтиш даврининг ўзи ҳақидаги фикрларнинг моҳиятини аниқлаш ва унинг хулосаларига асосланиб, тегишли назариялар ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Ўтиш даврига муносабат билдирган германиялик олим Леонид Левитин шундай ёзади: «одатда, «ўтиш даври» сўзларини айнан ўтмиш ва тушуниб, уни келажак оралиғидаги бугун, деб ўйлайдилар. «Ўтиш даври»нинг пайдо бўлишида, бундай қарашларга кўра, ўтмиш – сабаб, келажак эса мақсад тарзида воқе бўлади».<sup>1</sup>

Шу муаллифнинг яна бир муҳим хулосаси мавжуд-ки, у ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, у шундай ёзади: «Табийки, ўтиш даврлари турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавҳумотликлар билан тўла. Кимдир бундай даврларни «дарё бўйлаб узала тушган кўприк» деб, ўхшатиб таърифлаган эди».<sup>2</sup>

Тоталитар тизимдан демократик жамиятга ўтиш қайси соҳада бўлишига қараб, унинг маъно-мазмунини аниқлаш мумкин бўлади. Демократик тараққиёт босқичига ўтиш, унинг муқаррарлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг зарурлигини инкор этиб бўлмайди. Чунки жамият ҳам инсон каби юзага келганиданок юксак камолот даражасига кўтарила олмайди, балки маълум босқичларни босиб ўтиши зарур бўлади. Ҳамма масала ана шу босқичларнинг ўзига хослигини, уларда мавжуд бўладиган муаммолар кўламини аниқлаш ва ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Аммо, бу жўн, осон иш эмас. Чунки жамиятнинг бир босқичдан иккинчисига ўтиши ўз ичига кенг кўламдаги вазифаларни ҳал этишни қамраб олади. Уларни амалга оширишда нафақат объектив, айти пайтда субъектив омилларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Уларнинг ўтиш давридаги вазни ўзаро боғлиқ ҳолда кечади. Шунинг учун ҳам ўтиш даври ҳақида фикр юритганда, гап фақат жамиятнинг демократик тамойиллар тизимига ўтиши билан чекланмасдан, балки унғача жамиятлар бир босқичдан иккинчисига ўтиши учун зарур бўлган «оралиқ» ҳам назарда тутилмоқда.

Албатта, масалага бундай ёндашув вужудга келиши, улар ўртасидаги курашлар ва у ёки бу синф ҳукмронлигининг ўрнатилишидан иборат бўлган формацион ёндашувдан холи бўлиб, у жамият тараққиётига цивилизацион ёндашувни талаб этади. Яъни, жамиятнинг бир босқичдан иккинчисига ўтиши инсон турмушида, унинг тафаккурида, жамиятнинг моддий, сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар даражаларининг марказини аниқлаш ва мезонларини белгилаш ғояси туради.

Ана шундай қарашларнинг мажмуасигина ўтиш даврининг моҳиятини ўзида тўла ифодалайди. Албатта, ўтиш даври - нимадан нимага ёхуд қайси жамиятдан яна қайси бирига ўтилиши ҳақида гап бориши масаласи дунё олимлари

<sup>1</sup> Левитин Леонид, Дональд С.Карлайл. Ислоҳ Каримов - янги Ўзбекистон президенти. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 52-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 53-бет.

<sup>3</sup> аранг: Тафаккур, 1998, 4-сон, 87-бет.

диққатида турганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Айниқса, жамият тараққиёти босқичларига формацион ёндашув (юқорида таъкидланганидек) барҳам топган бугунги кунда бу масалага аниқлик киритиш мақсадида турли концепцияларни илгари суришга эътибор ҳам кучаймоқда.

Жумладан, Америкалик социолог Дэниел Белл ижтимоий тараққиётни куйидаги уч босқичга бўлади:

Аграр жамият

Индустриал жамият

Индустриал ёки информацион жамият.

Унинг жамиятни классификациялаштирув (тизимлаштириш)и заминиди, жамиятнинг ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришга самарали таъсир ўтказишни белгиловчи хизмат кўрсатиш, маиший ҳаёт ва турмуш туради, унинг фикрича бугун дунёдаги кўпгина мамлакатлар индустриал жамиятдан информацион жамиятга ўтиш ҳолатида<sup>2</sup>... Баъзи бир Овруполик олимлар бир қатор оврупалик олимлар индустриал ва постиндустриал жамият билан бир қаторда, «Янги» жамият П. Дракер, «Пост замонавийлашган» жамият, ж-ф. лиотара, ундан кейин янги индустриаллашган жамият Дж. Гэлбрейт, ундан кейин «ривожланган» жамият ва хоказо.

Умуман, уларнинг назарияларида инсоннинг жамиятдаги роли ва ўрни яна бирларида эса ўтиш даврида демократияга оид билим ва техника тараққиёти таъсирида содир бўлган ўзгаришларни ўзида мужассамлаштирган<sup>3</sup>.

Юқоридаги кўрсатилган олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки;

биринчидан, жамият қандай номланишидан қатъи назар, ўз тараққиётида биридан иккинчисига ўтиш иборат бўлган жараён билан ривожланади;

иккинчидан, бир тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтишдаги асосий кўрсаткич моддий омил эмас, балки одамларнинг турмуш шароитларидаги бўладиган ўзгариш ҳисобланади.

Ўтиш даврини фақат моддий омиллар даражалари билан боғлаш - унинг моҳиятини тўлиқ ифодаламайди. Шунга кўра, содир бўладиган ижобий ёхуд салбий ўзгаришларга таъсир ўтказувчи сиёсий омилларнинг ролини аниқлаш масаласи ҳам муҳимдир.

Жамиятда бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларнинг узвийлиги ҳолатида қаралгандагина, ўтиш даврининг моҳиятини тушуниш мумкин бўлади: ўтиш даври мамлакатлар тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий босқичдан бири иккинчисига ўтиши умумий қонуният бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бирида ўтиш жараёни ҳам турлича намоён бўлади. Барчасига хос бўлган асосий умумийлик эскисининг тараққиёт эҳтиёжларига жавоб бера олмаганлиги оқибатида, янги босқичга ўтиш заруриятини келтириб чиқариши билан боғлиқ. Шу маънода, ўтиш давридаги бош йўналиш «орқага қайтиш» эмас, балки «олдинга» юриш, пастдан юқорига кўтарилиш ёки олдинги даражага қараганда юксалиш, ривожланиш демакдир.

<sup>2</sup> Қаранг: Вопросы философии. 3-сон, 2001 й. 6-бет

<sup>3</sup> Ўша манба. 8-сон, 2001 й. 14-бет.

Эски тузумни сақлаб қолиш йўлидаги турли уринишлар, қон тўкишлар, халқ бошига тушадиган турли фожеаларга қарамасдан, уларнинг қайси даражадан содир бўлишидан қатъи назар, барибир ўтиш даврининг бош йўналиши ўзгармас бўлиб қолаверади. Шу маънода Леонид Левитиннинг куйидаги фикрига қўшилиш мумкин. «Посткоммунистик ўтиш даври – ўтиш даврининг кўринишларидан биридир, холос. Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро бир-биридан қанчалар салмоқли тафовутлар билан фарқ қилмасин, бироқ асосий маънолари битта – жамиятни унинг иқтисодини, сиёсатини, унинг маданиятини замонавийлаштириш»<sup>1</sup> – деб ёзади. Аммо, ана шу «Замонавийлаштириш»ни қайси ўлчов мезонидан келиб чиқмоқ керак, - деган саволга жавоб топиш зарур бўлади. Зеро, «замон» ўзгарувчан, шиддат билан олдинга интилувчи жараён холос. Масалага ана шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, ўтиш даврининг тамом бўлиш мезонлари мавжудми ёки «замон» каби тўхтовсиз жараён ҳисобланадими? - деган саволлар юзага келаверади.

Аслида, юқорида бизнинг унга берган таърифимизда уни давлат тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган алоҳида босқич эканлиги ҳақидаги концептуал ғоямизга мувофиқ ўтиш даври шу маънода ҳам алоҳида босқичдир. Албатта, у маълум муҳлатдан кейин ўз поёнига етади ва жамият илгаригига қараганда янги тараққиёт босқичида яшай бошлайди.

Биз ана шундай жараённи аниқ тасаввур қилишимиз ва тушунишимиз зарур бўлади. Акс ҳолда, инсоният ўз бошидан ўтиш даврини ўтказиш билан яшайди ва бу охири йўқ бўлган жараён, деган нотўғри хулоса келиб чиқади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистоннинг тоталитаризмдан аста-секин демократик жамият томон ўтишининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бундан истисно эмас, албатта. Аммо, жамият эришган ютуқлар асосида тараққий қилиш жараёнининг имкониятларининг тугаши, унинг ўсиб келаётган эҳтиёжларни қондиришга қурби етмай қолиши, жамиятни янги поғонага кўтариш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, биринчидан, ўтиш даврини жамият ўзи эришган имкониятлар асосида ривожланишнинг тугаши, ўсиб келаётган эҳтиёжларнинг қондирилмай қолишдан бошлаб, ундан юқори бўлган имкониятларни юзага келишигача бўлган муҳлат билан белгилаш мумкин.

Иккинчидан, бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумдан иккинчисига «ўтиш даври» ёки аниқроғи, «оралиқ» босқичининг муҳлати ана шу янги юзага келган тараққий қилиш жараёни намоён бўлиши билан тугайди. Учинчидан, инсоният фақат «ўтиш даври» билан яшамайди, балки унинг бошланиши бўлганидек поёни ҳам мавжуддир. Худди ана шу «поёни» тараққиёт даражаларини ёки тузумларнинг бирини иккинчиси билан фарқлаш имконини беради. Демак, демократик ривожланиш ана шу имкониятни инсон манфаатлари билан боғлайди. Бундай шароитда замоннинг эҳтиёжи ва ривожланиш даражаларида янги вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумнинг турли соҳаларида мавжуд бўладиган «механизмлари»нинг барқарор «ишлаши» амалга ошади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, давлат ҳаётида барқарор тараққий қилиш

<sup>1</sup> Қаранг: Вопросы философии. 3-сон, 2001 й., 53-бет.

жараёни содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам Леонид Левитининг посткоммунистик макондаги ўтиш даврини «замонавийлаштириш» мезони сифатидаги фикрига қўшилиш мумкин. Унинг «...замонавийлаштириш муайян якун топгунча, яъни мамлакат барқарор иқтисодий ривожланиш, сиёсий барқарорлик даражаларига эришгунча бўлган давр «ўтиш даври» деб аталади»<sup>1</sup> - деган таърифи фақат замон нуқтаи назардан қаралсагина, тўғри бўлади. Зеро, инсонлар эҳтиёжларининг тўла таъминланиши ва жамият тараққиётининг юксак даражага кўтарилиши фуқаролик жамияти қурилгандагина амалга ошади. Аммо, фуқаролик жамиятини инсоният эҳтиёжларини қондираоладиган, жамиятнинг энг юқори поғонага кўтарилган ва унинг бундан кейин ривожланишига эҳтиёжи бўлмайдиган «охирги манзил» сифатида қараш ҳам илмий нуқтаи назардан тўғри бўлмайди. Чунки фақат эҳтиёжнинг юзага келишигина тараққиёт заруриятини келтириб чиқаради. У тўхтаган дақиқадан бошлаб, тараққиёт ҳам тўхтабди.

Шу маъно дунёнинг бирон бир давлатини тўла фуқаролик жамияти шароитида яшамокда деб айтиш қийин.

Шунинг учун ҳам бугун инсоният фуқаролик жамиятига ўзининг идеали сифатида қарамокда ва уни қуриш учун фаоллик кўрсатмокда.

«Ўтиш даври» ҳақида фикр юритганимизда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамиятигача бўлган барча тузумларнинг инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги боис, уларнинг биринчисидан иккинчисига объектив равишда ўтиши учун эҳтиёжни юзага келтириб туради. Бу ўз навбатида янги тузумга ўтиш даврини бошлаб беради.

Аммо, демократик тамойиллар асосига қурилган янги жамиятга ўтиш бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади. Улар қуйидагилардир:

Биринчидан, айрим мамлакатларда демократик жараёнлар янги тузумнинг ичида шаклланади ва бу унинг халқ учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги фаолиятида намоён бўлди. Тўғри, бу жараён ҳам силлиқ амалга ошмайди, балки ўта мураккаб кечади, жуда катта талафотларни ҳам ўз бошидан кечириши мумкин. Худди ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишда тўғри йўлни танлашдаги, яъни жамият тараққиётини халқ манфаатларига қаратилганлиги инсоннинг тўла маънодаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамиятга айланишига олиб келади;

Иккинчидан, ўтиш даври юксак даражадаги моддий имкониятларнинг юзага келиши билан тугамайди, балки уларнинг халқ фаровонлигини таъминлашга қайси даражада қаратилганлиги ва инсонлар эркинликларининг таъминланганлиги билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Улар на фақат мамлакатларнинг жуғрофий омилига боғлиқ, балки ана шу давлатда яшаётган аҳолининг сиёсий маданияти ва менталитетига ҳаммоҳанг бўлишига ҳам боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси тарихий тараққиёт босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келган тажрибалардир.

Айни пайтда бугунги кунгача, ўтиш даврининг мустақил фундаментал назарияси ишлаб чиқилмаган. Бунинг оқибатида мамлакатларнинг маълум тарихий босқични босиб ўтмасдан, уни «четлаб» демократик жамиятга ўтишга

---

<sup>1</sup> Қаранг: Вопросы философии. 3-сон, 2001 й. 53-бет.

бўлган хатти-ҳаракатлари содир бўлмоқда. Бу ўз навбатида улар ҳаётида айрим ҳолатларда катта фожиаларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, айрим мамлакатларга «четдан» демократик жараёнларни «экспорт» қилиб бўлмайди. Бундай уринишлар мамлакатларда беқарорликка, уни тараққиётдан орқага кетишига олиб келиши мумкин. Бундай мамлакатларга демократияни «экспорт» қилишдан кўра, унинг шаклланиши учун шарт-шароит юзага келишига имконият яратилиши лозим бўлади. Хулоса қилиб айтганда, «ўтиш даври» ижтимоий-иқтисодий-сиёсий тузум эмас, балки мамлакатларнинг уларга ўтиши учун зарур бўладиган заминларни шакллантиришга кетадиган тарихий оралиқ босқич ҳисобланади. Унинг бошланиши мамлакатларда бўладиган энг аввало, сиёсий ўзгаришлар ва унинг заминида эса иқтисодий, ижтимоий ҳамда маънавий соҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлгандагина, янги вужудга келган жамиятнинг ўз имкониятлари тўла юзага чиқади. Унинг ўзига хос хусусияти ва алоҳидалиги ҳақида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўтиш даври муаммоларининг йиғиндиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида қатор ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қилади»<sup>1</sup>. «Ўтиш даври» қанчалик турли-туман бўлмасин, бари бир барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумлар учун зарурдир. Чунки у ҳар бир вужудга келадиган янги жамият учун замин тайёрлаш имконияти ҳисобланади. Бу замин на фақат иқтисодий, шунинг билан бирга жамият аъзоларининг ўзларини ҳам янги жамиятга «мослаштириш» зарур бўлади.

Буни ўтиш даврининг бир нечта моделлари тажрибасини таҳлил этиш заруратини вужудга келтиради.

Ўтиш даври тушунчаси, унинг моҳияти ва зарурлигининг умумий назария масалалари турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фанларда инсоният тараққиёти босқичларида демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатадиган жамиятга ўтишнинг турли «модел»ларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, тоталитаризмга асосланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий босқичларнинг демократик жамиятга ўтиши ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг мураккаблиги шундаки, унга содир бўлган тараққиёт босқичлари объектив эҳтиёж сифатида бирининг ичида иккинчиси шаклланиб келган, давлат ва унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари шаклан ўзгарган бўлса ҳам, мазмунан у бари бир оммани итоатда ушлаб туришга, унинг устидан ҳукмронлик қилишга қаратилганлиги қолаверган. Улардаги яна бир хусусият - омма давлат учун, деган тамойилнинг амал қилганлиги билан ҳам характерланади.

Демократик жамиятда эса, энг аввало сиёсий тузум тубдан ўзгариб, халқнинг ҳокимияти бевосита ёки билвосита иштирокида бошқаруви амалга ошади ва омма давлат учун эмас, аксинча давлат учун, деган тамойилнинг устуворлиги асосида давлат бошқаруви амалга ошади.

Шу маънода ҳам демократик жамиятга ўтиш жараёни давлатларнинг барча соҳаларида туб ўзгариш ишларини амалга оширилиши натижаси сифатида содир бўлади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 74-бет.

Демократик жамиятга ўтишда сиёсий соҳада, давлатнинг амалдаги механизмлари тугатилади. Унинг ўрнига қурилаётган жамият манфаатларига жавоб бераоладиган механизмлари шакллантирилиб борилади. Иқтисодий соҳада эса, бозор муносабатлари қарор топади. Тараққиётда омманинг ўз моддий манфаатдорлигини эркин қондира олиши асосида умумий иқтисодий ривожланиш содир бўлади. Маънавий-маърифий соҳада, инсон омили, унинг кадр-қиммати юксак кадрият даражасига кўтарилади. Шундай жараёнлар туфайли жамиятнинг юксак интеллектуал куч асосида ривожланиши реалликка айланади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда дунё мамлакатларининг демократик жамиятга ўз идеали сифатида қарамоқда. Уни вужудга келтириш учун фаоллик кўрсатмоқда. Аммо демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун ягона бўлган аниқ андозалари, яна ҳам аниқроғи «модел»лари йўқ ва у бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳар бир мамлакат на фақат ўзининг тузилиши, иқтисодий тараққиёт даражалари, имкониятлари, интеллектуал имкониятларидан бири иккинчисидан фарқланади, балки ўз халқининг менталитети, турмуш тарзи, урф-одатлари ва кадриятлари билан ҳам бир-биридан ажралиб туради. Уларни ҳеч қачон бир қолипга солиб бўлмайди. Унга ҳаракат қилиш нафақат ҳеч қандай самара берибгина қолмасдан, балки оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тарихий тажриба тасдиқлаган. Шунинг билан бирга демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятлари ҳам мавжуд. Жумладан, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини шакллантириш, инсоннинг ўз ички имкониятларини юзага чиқариш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш, жамият тараққиётида юксак интеллектуал салоҳият устуворлигини таъминлаш ва бошқа бир қатор қонуниятлар барча демократик жамият қуришга интилаётган мамлакатлар учун умумий ҳисобланади. Аммо умумий қонуниятлар барча мамлакатларнинг ўзига хослигини ҳисоб олган ҳолда демократик жамиятга ўтишни инкор этмайди. Аксинча, ўтиш даврида мавжуд бўладиган муаммоларнинг маъно-мазмунини теран англаган ҳолда, уларни собитқадамлик билан ҳал қилиш имконини беради.

Демократик жамиятга ўтиш деганда, мамлакатларнинг турли тузумлардан (тоталитаризм, капитализм, ҳарбий диктатура ва х.к) демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ вақт тушунилади. Худди ана шу вақт ичида демократик жамият учун зарур бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий имкониятлар яратилади. «Оралиқ» вақтнинг бошланиши ва унинг ўз поёнига етиши ўтиш даври масалалари қаторидаги энг муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки, бугун бу масала илмий адабиётларда ўз ечимини топганича йўқ. Унга аниқлик киритмаслик эса «ўтиш даврининг» боши ва охири қаердалигини билиб олиш имконини бермайди. Тўғри, ўтиш даври икки йўналишда иқтисодий ҳаётда ва сиёсий ҳокимиятда пировардида демократик жамиятга олиб боровчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг асосида ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган ислохотларнинг бошланиши билан характерланади. Ўтиш даврининг тугаши эса демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётий реалликка айланиши билан боғлиқ бўлади.

Бугунгача демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатларнинг унга ўтиш даври тажрибаларига асосланиб, ўтишнинг учта асосий йўли ёки «модел»и шакллانганлигини таъкидлаш мумкин.

Унинг биринчиси - классик анъанавий йўл ҳисобланади. «Классик йўл» - деганда, инсониятнинг демократик тараққиёт йўлига ўтишнинг дастлабки шакли ва унинг дунёдаги кўпчилик мамлакатлар тараққиётида самара берганлиги асосидаги андозаси тушунилади. Бу йўлнинг характерли хусусияти шундаки, унда ташқи кучларнинг аралашувисиз, мамлакатнинг ўз ички имкониятларига таянган ҳолда демократик жамиятга ўтиши амалга ошади. Бу йўлнинг яна бир асосий хусусияти шундаки, у узок тарихий босқичда амалга ошади. Ўтиш даврида сиёсий соҳада қанча бурҳонлар содир бўлишига қарамасдан асосий ўтишнинг ислоҳотлари иқтисодий соҳада амалга оширила бошланади. Бу соҳадаги муҳим тадбир хусусий мулкчиликни қарор топтириш ҳисобланади. Худди ана шу тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини, хусусан ижтимоий-сиёсий ва маънавий маданий соҳаларда ҳам ислоҳотларнинг амалга оширилиши имконини беради.

Ўтиш даврининг классик йўлидаги бундай жараённинг характерли томони шундаки, иқтисодий соҳада хусусий мулкчиликнинг ривожланишидан аҳолининг аксарият кўпчилик қисмининг иш билан таъминлаши имкониятини беради. Аммо асосий моддий бойликнинг бир қисм одамларда тўпланиб қолиши, бошқаларнинг эса унга қарам бўлиб қолишлари мамлакат ички ҳаётида катта бухронлар, ҳатто фуқаролар урушларини келтириб чиқариши мумкин. Бу жараён мулк эгаларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш томон қиладиган ҳаракатлари ўзининг самарасини бера бошлаганича давом этади. Худди ана шу жараёнлар заминида аҳолининг сиёсий онги ҳам ўсиб боради. Уларнинг ўз ҳуқуқларининг таъминланишига эришишга интилиши кучаяди. Бу ўз навбатида мамлакат сиёсий ҳаётида демократик жараёнларнинг юзага келиши ва унинг ўсиб боришига ўз таъсирини ўтказади.

Ўтиш даври классик йўлнинг бошланиши капиталистик муносабатларнинг юқори босқичи, унинг иқтисодиётда ислоҳотлар ўтказмасдан тараққий қилишига имконият етмай қолиши оқибатида юзага келади.

Бу йўлнинг классик (анъанавий) йўл дейилишига сабаб шуки, мамлакатларнинг демократик жамиятга ўтиши дастлаб худди ана шу кўринишда намоён бўлган эди. Бугун юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг аксарияти ана шу йўлдан борганлар. Классик йўл муаммоларнинг кўплиги, уларни ҳал қилишнинг мураккаблиги, аҳолининг бу жараёнга «кўникиб» бориши каби масалалар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам, оврупа мамлакатларида бу жараён икки, икки ярим асргача давом этди. Ана шу муҳлат ичида мамлакатларда иқтисодий соҳадаги ютуқларнинг заминида демократик кадриятлари ҳам шаклланади ва уларда бугун фуқаролик жамиятини такомиллаштириш жараёнлари давом этмокда.

Демократик жамиятга ўтишнинг иккинчиси - инқилобий йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давлатларда вужудга келтирилган катта иқтисодий салоҳият аксарият кўпчилик аҳолининг турмуш тарзи нисбатан юқори бўлганлигига асосланиб, дастлаб мамлакат сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширилади. Яъни, амалдаги ҳокимият шакли барбод бўлади

ва унинг ўрнига янги, демократик жараёнларни ривожлантиришга мойил бўлган ҳокимият шакли ва унинг инфра тизилмаси вужудга келади. Улар ўз навбатида иқтисодий ҳаётда кескин ислоҳотлар ўтказадилар. Хусусан, амалдаги миллий валюта бекор қилинади (синдирилади). Бу эса иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш шарт-шароитларининг имкониятларини излашни тақозо қилади. Бунинг оқибатида аҳолининг қўлидаги пул, маблағлар ҳам ўз қийматини йўқотади ва мамлакат сиёсий ҳаётида бўлгани каби, иқтисодий ҳаётда ҳам демократик жараёнларнинг ривожланиши содир бўлади. Бу йўл ўта хавфлидир.

Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар қаторида:

а) собиқ тузум шароитида хусусий мулк куртакларининг сақланиб қолганлиги;

б) демократик кадриятларнинг куртаклари мавжудлиги;

в) мамлакат ҳаётини демократик тамойиллар асосида қайта қуришга қодир бўлган интеллектуал салоҳиятнинг етарли бўлиши;

г) аҳолининг маълум бир қисми ана шу демократик жараёнга ҳеч бўлмаганда «мойил» бўлиши каби жиҳатлар ҳал қилувчи омилдир. Уларнинг ҳар бири инқилобий йўл учун алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, интеллектуалнинг ролини олиб кўрайлик. Улар мамлакат ҳаётида бўладиган ҳар бир ўзгаришни юзага келтирувчи асосий қудрат ҳисобланади. Халқ ҳокимиятдан кўра, уларга кўпроқ ишонади ва эргашади. Шу маънода ҳам улар оммани уюштиради ва демократик жараёнларга йўналтиради. Шунинг билан бирга интеллектуалнинг ўзи ҳам демократик жараёнларнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда бардош бера оладиган, уюшган куч даражасига кўтарилган бўлиши лозим.

Интеллектуалнинг характерли хусусияти шундаки, у бошқа ижтимоий табақалардан кўра, жамият ҳаётида юзага келадиган жараёнларни олдиндан билишга интилади ва бу ўзгаришларнинг бошида тура олади. Ёки аҳоли маълум бир қисмининг мамлакатнинг ўтиш давридаги мураккаб шароитларга (мойил) бўлиши зарурлиги омили ҳам демократик жамият учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу жараёнда аҳоли мураккаб муаммоларни ҳал қилишда фақат кузатувчи бўлиб, уларни ҳал қилишда фаол иштирок қилмас экан, инқилобий йўл ҳеч қандай самара бермайди. Аксинча, инқилобий йўл мамлакатни тараққиётдан орқада қолиб кетишига олиб келади. Интеллектуалларнинг ана шу кескин ўзгаришлардаги яқдиллиги уюшган ташкилотлари ва ҳаракатлантирувчи кучларига айланишини тақозо этади.

Жамиятни демократлаштиришда ана шу омилларга етарли эътибор қилинмаса, инқилобий йўл ҳам ўзининг самарасини бермайди. Бу йўлдан оврўпанинг собиқ социализм тузумида яшаган Польша, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Болгария ва Россия каби мамлакатлари бормоқдалар. Демократияга ўтишнинг бу йўли шарққа тўғри келмайди. Бироқ, инқилобий йўл билан ўтиш учун зарурати қайсидир даражада мавжуд бўлиб қолмоқда. Инқилобий йўл демократик жамият сиёсий ҳаётида кескин бурилиш содир этади. Мамлакатлар сиёсий тизимида (системаси) бошқарувнинг моҳиятан бутунлай янги шакли вужудга келади. Иқтисодиётда давлат мулкани хусусийлаштиришда, маънавий-маърифий соҳада эски мафкурадан воз кечишнинг кескин амалга оширилиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Аммо, улар ўзаро ички курашларнинг авж олиши, баъзи

мамлакатларда қон тўкилишининг содир бўлишигача бўлган оғир жараёнлар шаклида амалга ошди. Бу йўл қанчалик мураккаб, мамлакат ҳаётида жуда катта бухронларга олиб келишни ҳисобга оладиган бўлсак, уни ҳар мамлакат ўз хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолдагина амалга ошириши мумкин.

Демократик жамиятга ўтишнинг учинчиси - эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, мамлакатда амалдаги сиёсий ҳокимият тугатилиб, унинг ўрнига янги ҳокимият вужудга келиши билан, эскини кескин, бир «зарб» билан тугатмасдан, босқичма-босқич, вазминлик билан тугатилиб борилади. Ҳатто, уларнинг айрим имкониятларидан ҳам фойдаланиб борилади. Худди ана шу жараёнда иқтисодий ислохотларни олиб боришди ва бу йўналишда янги муносабатлар шакллантирилади. Бу йўлнинг ўзига хослиги сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ўтказилаётган ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда маънавий-маърифий соҳаларни ҳам янги эҳтиёжлар асосида ривожлантирилиб борилишидир.

Хўш нима учун аста-секин, босқичма-босқич ўтиш зарурияти туғилади? Агар аста-секин ўтиладиган бўлса, унинг классик йўлдан фарқли томони нимада? Унда ҳам аста-секинлик билан демократик жамиятга ўтилган-ку?

Албатта, эволюцион йўлнинг классик (анъанавий) йўлдан фарқли томонлари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, классик йўлда демократик кадриятлар мавжуд жамият ичида юзага келади. Бунда фаолият кўрсатаётган тузумнинг тараққий қилиши, мулк эгаларининг оддий халқнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилиб борилади. Унинг ўзига хос хусусияти, ҳар икки томоннинг ҳам манфаатдорлигидадир. Бундай шароитда демократик кадриятлар тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларининг «маърифатлашиб», халқ фаровонлигини таъминлаш омили бўлиб қолади. Ҳозирги даврда кўпчилик мамлакатлар эволюцион йўл тоталитаризм ёки диктатуралар ҳукмронлигини барбод этилишининг бирдан-бир тўғри йўл эканлигини тасдиқламоқда. Айниқса, ўртача ривожланган мамлакатларнинг демократияга ўтиши учун хос бўлган бу йўл мамлакатлар ҳаётида кескин ўзгаришларни амалга оширишнинг имкониятлари бўлмаганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Иккинчидан, классик ўтиш йўлида аҳолининг дунёқараши ўзгариб боришини тақозо қилган бўлса, тоталитаризм – омманинг онгини тўлалигича ўз манфаатларига бўйсундирган жамият бўлганлиги учун ҳам уни бир «зарб» билан демократияга «мослаштириш» ниҳоятда мураккаб эди. Чунки онгни ўзгартириш қисқа вақтда амалга ошадиган жараён эмас, у жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларга мос равишда содир бўлади.

Айниқса, бу жараён саноат ишлаб чиқариши кам тараққий қилган аграр сектор етакчилик қиладиган мамлакатларда аста-секинлик билан амалга ошиши ҳам умумқонуниятдир. Чунки бундай мамлакатларда аҳолининг сиёсий маданияти кескин ўзгартиришлар эҳтиёжларидан орқада қолган бўлади.

Учинчидан, классик ўтиш учун хос бўлган капиталистик муносабатлар шароитида демократияга ўтишда эски тузум хавф туғдирмайди, балки у ўрнини тараққиёт қилаётган янги демократик муносабатларга «бўшатиб» бера бошлайди.

Тоталитаризм эса янги демократик жараёнлар учун хавф туғдиради. Чунки унинг хукмронлиги даврида шаклланган, ниҳоятда кучга таянган муносабатлар ва маънавий-маърифий салоҳият демократик жараёнлар ривожланиши учун қаршилик кўрсатиб туради. Буни албатта ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Шунинг билан бир қаторда мамлакатнинг тараққиёт даражалари, халқнинг менталитети, урф-одатлари ва кадриятларини ҳисобга олиш эволюцион йўлининг катта имкониятлари бўлиб, бу ўтиш даврида нисбатан кам талофатлар содир бўлишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам кўпгина олимлар бугунги кунда эволюцион йўлни ўтиш даври учун энг мақбул йўл сифатида тан олмоқдалар. Жумладан, Россия Фанлар академиясининг академиги А.Н.Яковлев шундай ёзади: «... инқилоб бу - боши берк кўча, йўлини йўқотиш демакдир. Ўзаро жанжал ва тўполонлар шароитида ҳам куйидан, ҳам юқоридан бошланадиган жиноятлар авж олади. Шу тариқа люпенлар жинояти ҳокимият жинояти билан бир-бирига аралашиб кетади. Инқилоб даврида шафқатсизлик мисли кўрилмаган даражага етади. У олға ривожланиш ҳақидаги назарияларни яратади-ю, охир оқибатда ўзи ана шу ҳаракат йўлида тўғаноқ бўлади. Фақат табиий, тадрижий йўл инсонга қониқиш туйғусини, жамиятга эса ўз тараққиётини изчил пухта ўйланган, режали тарзда амалга ошириш имконини беради».<sup>1</sup>

Эволюцион йўлнинг яна бир афзаллиги шундаки, бугун инсоният жуда катта интеллектуал камолот даражасига кўтарилди. Шунинг билан бирга, унинг эҳтиёжлари ҳам унга мос равишда ривожланиб бормоқда. Ана шу икки жараённи уйғун ҳолатда ривожлантириш имкониятини фақат эволюцион йўлдан бориш билан ҳал қилиш мумкин бўлади. Бугун худди ана шу йўл фожеаларга олиб келувчи қарама-қаршиликларнинг олдини олишга ва тараққиётга мураса-ю, мадора йўл билан эришиш имконини бермоқда. Бу йўл бугун ўз мустақиллигини қўлга киритиб энди тараққиёт йўлига кираётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун ҳам самарали бўлган йўл ҳисобланади. Улар ҳозир тараққиётнинг қайси босқичларида бўлишларига қарамасдан, демократик тараққиёт босқичига ҳам табиий-тадрижий йўлдан боришлари пировард бош мақсадга эришиш демакдир.

Аммо, уларнинг ички ҳаётига аралашув, демократияни ташқаридан бир «зарб» билан киритишга ҳар қандай уринишлар кутилган натижа бермайди. Бундай ҳолат фақат мамлакатда ички ва ташқи зиддиятларнинг кучайишига, демократиянинг бунёдкорлик кучига эмас, уни тараққиётдан орқага улоқтириб ташловчи вайронкор куч сифатида намоён бўлишига олиб келади. Бундай шароитда мамлакатда фуқаролар уриши келиб чиқиш хавфи юзага келади. Бу эса ўз навбатида мамлакатлараро, миллатлараро қарама-қаршиликларни кучайтириб, демократиянинг қарор топишига йўл қўймайди.

Эволюцион йўлнинг самарали ривожланиши учун ташқаридан бўладиган ҳар қандай «ёрдам» мамлакатда демократик жараёнлар ривожланиши учун зарур бўладиган шарт-шароитларини юзага келтиради. Чунки демократия ҳокимиятни бошқарувида халқнинг иштирок этиши билан белгиланар экан, уни «мажбурлаб», бошқарув жараёнига жалб қилиб бўлмайди. Унинг учун эҳтиёж,

---

<sup>1</sup> Яковлев А.Н. <sup>3</sup>айтадан кашф этилган мамлакат. Сўз боши ўрнида. «Халқ сўзи», 2001 йил, 9 феврал

зарурият, шарт-шароитларнинг юзага келиши ва халқнинг ундан фойдаланишига бўлган «табiiй» интилиши шаклланмоғи керак бўлади.

Ана шу жараённинг юзага келиши эволюцион йўл билан демократик жамиятга ўтиш имконини беради. Улар мавжуд бўлган мамлакатларда бу йўл ўз самарасини бераётганлигини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин.

Хуллас, эволюцион йўл бугун дунё мамлакатларининг ривожланишига ва минтақаларда барқарорликнинг юзага келишига ҳамда умумий тараққиёт учун самара бера оладиган йўл сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараёнларни ўрганиш зарур.

Ўтиш даврининг умумий қонуниятлари Ўзбекистон учун ҳам умумийликка эгадир. Ўтиш даврининг бошланиши учун хос бўлган, амалдаги сиёсий ҳокимиятнинг тугатилиши, унинг заминида иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилиши учун замин тайёрлаш ва олдинги тизимнинг мавжуд маънавий-мафкуравий зўравонлигидан қутилиш билан характерланади. Улар қайси даражада бўлишидан қатъий назар, демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган барча мамлакатлар учун умумий зарурият ҳисобланади. Аммо, ҳамма масала ўтиш даврининг ичида амалга ошириладиган вазифалар стратегиясини белгилаш, уларни ҳал қилишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни реалликка айлантириш кабиларда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бир мамлакатнинг ёхуд бир неча мамлакатларнинг ўтиш даврида қўллаган тажрибаларини айнан иккинчи мамлакат қўллай олмайди. Чунки демократик жамиятга ўтишда на фақат мамлакатларнинг тараққиёт даражалари белгиловчи аҳамиятга эга бўлади, худди шунингдек, ҳар бир мамлакатда яшаётган халқнинг менталитетини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Уни ҳисобга олмаслик эса пировард мақсадга эришиш имконини бермайди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда унинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган эволюцион тадрижий йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президент Ислон Каримов томонидан илмий асосланди ва унинг концептуал ғояларини фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бу йўл Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилда ўз ифодасини топди. Худди ана шу тамойилларни тавсифлаб, Президент шундай таъкидлаган эди: «Шуни алоҳида такидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир».<sup>1</sup>

Бу бош ғояни Президент Ислон Каримов жаҳон мамлакатларининг тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш асосида илгари сурди ва Ўзбекистонга хос ўтиш даври «модел»ини ишлаб чиқишда унинг дунёдаги биронта ҳам давлатлардаги «модел»ларига айнан ўхшамаслигига асосий эътиборни қаратди.

У мамлакатимиз ўз мустақиллигини эндигина қўлга киритган ва мустақилликнинг хавфи хали батамом тугамаган шароитда - 1992 йилда бу концептуал ғояни илгари сурди. У шундай ёзади: «Ўзбекистоннинг чинакам

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: «Ўзбекистон», 1993, 39-бет.

мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади. Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар, одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром - Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, умуминсоний тамойиллар билан уйғунлаштиришни тақозо этади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**4 – мавзу. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда ўтиш даврининг зарурлиги ва тараққиёт босқичлари**

<i>Талаба сони 20-50та</i>		<i>Вақти 2 соат</i>	
<i>Машғулот шакли</i>		<i>Анжуман - амалий машғулот</i>	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. “Ўтиш даври” тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.</li> <li>2. Президент Ислон Каримов томонидан Ўзбекистоннинг “эволюцион тадрижий” асосида демократик жамиятга ўтишга доир назарий концепциясининг ишлаб чиқилиши.</li> <li>3. “Ўтиш даври”нинг аҳамияти.</li> </ol>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўтиш даври ижтимоий-сиёсий фанлар мавзулари тизимидаги долзарб масалалар қаторида туради. Чунки, мамлакатлар ўзларининг юксак тараққиёт даражаларига маълум оралик босқичларини босиб ўтмасдан эриша олмайдилар. Ана шу «оралик» босқични ўрганиш на фақат назарий, шунингдек амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Аммо, у мустақил мавзу сифатида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий адабиётларда илмий жиҳатдан жуда кам ўрганилган. Ана шу жараёнларни атрофлича ўрганиш.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда ўтиш даврининг ўзига хос кўринишларини англаб етишни шакллантириш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда ўтиш даврини таҳлилий ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосалара чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришнинг илк тарихий даврларини тегишли манбаалардан атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат		
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.		
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.		
<i>Ўқитиш шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.		
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.		

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. “Дунёвий давлат” ва “миллий давлатчилик” тушунчалари.
2. Ўтиш даври тушунчаси.
3. Унинг мустақилликни қўлга киритган барча мамлакатлар учун зарурлиги ва моҳияти ҳамда умумий қонуниятлари.
4. Ўтиш даврининг “классик”, “инқилобий”, “эволюцион” йўллари.
5. Ўзбекистонда “ўтиш даври”га ёндашишнинг ўзига хос жиҳатлари.
6. Эволюцион, тадрижий ривожланиш йўлининг моҳияти.
7. Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг “эволюцион тадрижийлик” асосида демократик жамиятга ўтишга доир назарий, концептуал методологиясининг ишлаб чиқилиши.
8. Ўзбекистонда “эволюцион-тадрижий ривожланиш”нинг реал ҳаётга татбиқ қилиниши.
9. “Ўтиш даври”нинг аҳамияти.
10. Ўзбекистон Республикасида “Ўтиш даври”нинг ўзига хос хусусиятларининг дунё давлатлари томонидан ўрганилиши.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

## ГЛОССАРИЙ

4. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик аъна сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
5. **Антик дунё** – сиёсий қарашлар соҳасидаги ёндошувларнинг ерамиздан олдинги даврларга тегишли қисми тушунилади.
6. **Ижтимоий** – сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётни ташкил қилади.
7. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
8. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
9. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
10. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
11. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
12. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
13. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳуқумронлик.
14. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
15. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
16. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини кўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатади. "Партия" атамаси латинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
17. **Стратегия** – Бош йўл, узок муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
18. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
19. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
20. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.

21. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
22. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
23. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
24. **Демократия концепциялари** – “Ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини еркинлаштириш билан боғлиқ мумтоз стратегияси етти устувор мақсад вазифалар концепцияси.
25. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
26. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
27. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
28. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
29. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
30. **Иқтисоий плюрализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
31. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
32. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
33. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
34. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
35. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар қуришга тарафдорлик.
36. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
37. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
38. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
39. **МДХ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислохатлар мажмуи.
40. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**5-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

## 5 – мавзу. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий ва умуминсоний демократик тамойиллари

### РЕЖА:

1. Демократик жамият қуришда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг ўрни.
2. Президент И.А.Каримов асосларида демократик жамият қуришда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойиллар тўғрисидаги назариялар.
3. Демократик жамият қуришда миллий қадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг аҳамияти.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятларининг методологик асослари, илмий ва амалий жиҳатлари Президент И.А.Каримов асарлари, нутқларида кенг ҳамда чуқур ёритилган. Маълумки, «тамойил» тушунчаси - йўналиш, рус тилида қўлланиладиган «тенденция» сўзи эса, асли лотинчадан келиб чиққан бўлиб, «тамойил» атамасининг муқобolidир. Президент И.А.Каримов асарларида «тамойил» ва «йўналиш» сўзлари синоним сифатида қўлланиб келинмоқда. Агар бу сўзларнинг маъносига эътибор қаратилса, улар жамиятнинг турли жабҳаларида объектив, такрорланувчан, устувор ҳодиса сифатида қўзга ташланади. Демак, жамият ҳаётида «тамойил» ёки «йўналиш» маълум бир жараёндаги қонуниятни ўзида акс эттиради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг етакчи олимлари томонидан ижтимоий-сиёсий фанларида демократиянинг миллий, умумбашарий тамойилларини ҳар бир халқнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш ва тўлдириш борасида бир мунча ишлар қилинди. Шунга қарамай, мамлакатимизда демократик жамият барпо этиш жараёнида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва намоён бўлиш хусусиятлари жиддий ўрганишни талаб этади. Ваҳоланки, демократиянинг муҳим умумжаҳон эътироф этган асосий тамойиллари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборатдир;

- эркин ва адолатли сайловлар;
- очик ва ҳисобот берувчи ҳукумат;
- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши;
- сўз, матбуот ва виждон эркинлигининг Конституция ва қонунлар билан кафолатланиши;
- қонун устуворлиги;
- фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари мавжудлиги ва тенглиги;
- тайинлаш йўли билан шаклландиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб бериш бурчлилиги;
- кўппартиявийлик тизимининг мавжудлиги;
- умуммиллий масалаларнинг ҳал этилишида референдумларнинг ўтказилиши;
- мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва уларнинг тенглигини

кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги;  
-сиёсий муҳолифатнинг очиқ фаолият кўрсатиши;  
жамиятда плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, ранг-баранглигини  
кафолатловчи қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларни амалий ҳаётга жорий  
этиш масалалари самарасининг ортиши.

Маълумки, Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигига эришгач, Ер шарининг  
кўпчилик аҳолиси каби ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига  
асосланган демократик жамиятни барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.  
Табиийки, бундай жамиятни шакллантиришда, авваламбор, Ўзбекистон  
тараққиётининг ўзига хос миллий тамойилларини жаҳонда кечаётган  
умуминсоний тамойиллар билан уйғунлашаётганлигини назардан қочирмаслик  
керак.

Ўзбекистон аҳолисининг бозор иқтисодига асосланган демократик жамият  
қуришида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ Президент И.А.Каримов  
қуйидаги миллий тамойилларга жамоатчилик диққатини қаратди. Бу миллий  
тамойиллар И.А. Каримовнинг 1992 йилда ёзилган “Истиқлол йўли; муаммолар  
ва режалар” ҳамда “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарларида  
илмий жиҳатдан ҳар томонлама асослаб берилди. Кейинчалик Юртбошимиз бу  
тамойилларни турли ҳаётий мисоллар ва далиллар асосида ёритиб берди.  
“Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий тарихий турмуш тарзимизни,  
халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини  
ҳисобга оламиз. Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил”,<sup>8</sup> - деб ёзган эди  
И.А.Каримов. Бу *биринчи тамойил* бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтишда ўзбек  
халқининг ўзига хослиги, унинг бой тарихий анъаналари, ўзига хос фикрлаш  
тарзининг қадимги даврлардан бошлаб жамоа сифатида аҳил бўлиб яшаш  
менталитетини кўрсатиб турибди.

*Иккинчи тамойил* ҳақида И.А.Каримов шундай деб ёзади: “Мустақил  
давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, ислом динимизни албатта  
назарда тутишимиз керак, негаки дин турмуш тарзимизга, маънавий  
қадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган.”<sup>9</sup>

*Учинчи* миллий тамойил сифатида Президентимиз “Ўзбекистондаги  
демографик вазиятни албатта ҳисобга олиш зарур”<sup>10</sup> деб уқтиради. Маълумки  
юртимизда аҳолининг табиий ўсиш суръати жуда катта бўлиб, меҳнат  
ресурсларининг ортиб бориши даражаси ҳам шунга мос келади. Қолаверса,  
аҳолининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилишади.

*Тўртинчи тамойил* бу - Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлат эканлиги. Унда  
120 дан ортиқ миллат, элатлар яшайди ва улар 15 диний конфессияларга  
мансуб.

*Бешинчи тамойил*, бу Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан қулай маконда  
жойлашганлиги, қадим қарвон йўлларининг бизнинг Ватанимиз ҳудудидан  
ўтганлиги, турли цивилизацияларнинг Марказий Осиёда туташганлиги ҳамда  
бугунги кунда ҳам минтақамизнинг Шарқ билан Ғарб дунёси ўртасида муҳим  
бўғин эканлигидадир.

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 11-бет

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 12-бет

<sup>10</sup> Ўша манба, 12-бет

*Олтинчи тамойил* “Ўзбекистонда ислохотлар ўтказишга мавжуд табиий иқлим, шарт-шароитлари”нинг катта таъсир кўрсатишидан иборат.<sup>4</sup>

*Еттинчи тамойил* - “Ўзбекистон ўзининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш учун етарли салоҳиятга эга”<sup>5</sup>. Яна бир муҳим тамойил сифатида И.А.Каримов “кейинги ўн йиллар мобайнида маълум кадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланишини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас”, деб уқтиради. Гап шундаки, мустақилликдан олдинги 130 йилдан кўпроқ давр мобайнида халқимиз ўзининг миллий, маданий, моддий бойликларидан бегоналашди. Жаҳон ҳамжамиятидан бутунлай ажралиб қолди. Шу сабабли, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида бу вазиятни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тамойиллар ёки омилларни чуқур ўрганиб, Президентимиз И.А.Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларида ислохотларнинг илмий асосланган стратегиясини ишлаб чиқди. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос ақлидрокка асосланган тараққиёт йўли жаҳон афкор оммаси томонидан ҳақли равишда “тараққиётнинг ўзбек модели” деган ном олди.<sup>1</sup> Айнан ана шу тамойилларда бир томондан миллийлик, иккинчи томондан умуминсонийлик йўналишлари уйғунлашди ёки уларнинг диалектик мутаносиблиги ўз аксини топди. “Биринчи тамойилимизда, - деб ёзган эди И.А.Каримов, - аввал-иқтисод, кейин сиёсат деган шиорни олға сурдик”<sup>2</sup>. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги назарда тутилади. Иқтисодий ислохотлар сиёсатдан ортда қолмаслиги зарур.

Иккинчи тамойил - бу давлатнинг бош ислохотчи эканлиги. Янгилашиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва уларни изчиллик билан амалга оширишни давлат ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил, ўз навбатида жамият ҳаётида, барча соҳаларда қонуннинг устуворлиги таъминланади. Айнан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси ҳам умуминсоний ва миллий тамойилларнинг мужассамлашган ёрқин намунаси ҳисобланади.

Тўртинчи тамойил, бу аҳолининг демографик вазияти, айниқса, унинг 60 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил этганлиги, кам таъминланган оилаларни, болаларни, нафақахўрларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат олиб борилади.

Бешинчи тамойил - бу халқимиз анъаналари, урф-одатлари ҳамда бозор иқтисодиётининг объектив қонун-қоидаларини ҳисобга олган ҳолда унга «шок терапияси» асосида эмас, балки эволюцион тадрижий асосда, пухта ўйлаб босқичма-босқич ўтиш назарда тутилади.<sup>3</sup>

Шундай қилиб, ушбу тамойиллар ёки тараққиётнинг «ўзбек модели» Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтишининг

<sup>4</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. -Т.: Ўзбекистон, 1996, 13-бет

<sup>5</sup> Ўша манба, 13-бет.

<sup>1</sup> М.С.Гафарли, И.А.Касаев. Ривожланишнинг «ўзбек модели»: тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. - Т.: «Ўзбекистон», 2001. -430 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон» 2001, 36-38 бет., 177 бет.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 Т., -Т.: «Ўзбекистон», 1996, 177-180 бетлар.

ҳамда унинг жаҳон ҳамжамияти билан изчиллик асосида интеграциялашув концепциясининг негизини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1995 йил 23 февралда И чақириқ Олий Мажлисининг И сессиядаги маърузаси “Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” деб номланиши бежиз эмас. Мазкур маърузада Юртбошимиз Шарқда, қолаверса Ўзбекистонда дунёвий, демократик жамият барпо қилишнинг уч муҳим тамойили устида тўхтаб, уларни илмий жиҳатдан асослаб берди. Хўш, Ўзбекистонда қурилаётган демократик, адолатли фуқаролик жамиятининг шаклу-шамойили қандай бўлиши керак? “Шарқда, - деб ёзади И.А.Каримов, - демократик жараёнларнинг, қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли” деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”<sup>1</sup>. Шу ўринда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойилларида шарқона қадриятлар қандай ўрин эгаллайди?, деган савол туғилади. Агар эътибор билан қаралса, бу ўринда жараёнлар сўзи тамойиллар маъносини ҳам англашмоқда. Тўғри, иккинчи тамойилни Президентимиз демократлаштиришнинг “иккинчи муҳим шарти” деб номлаган. “Жамиятни демократлаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир”<sup>2</sup>. Фикримизча, мазкур тамойил умумбашарий тамойилдир. “Учинчидан, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, - демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак. Маълумки, Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади”<sup>3</sup>. Демак, миллий тамойиллар билан бирга минтақавий тамойиллар ҳам мавжуд. Кўриниб турибдики, И.А.Каримовнинг таъкидлашича, демократияни шакллантиришда Ўзбекистон учун Ғарб намунаси эмас, кўпроқ Шарқ тажрибаси кўл келади. “Осиё” минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришлар ривожининг тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчиликнинг фикрича, устуворлик заминида шаклланади”<sup>1</sup>. Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқининг бой тарихий тажрибасига асосланиб, И.А.Каримов Ўзбекистонда демократик тамойилларнинг ривожини тўғрисида ниҳоятда муҳим хулосага келади: ”Бизнинг мамлакатимизда, - дейди Юртбошимиз, - демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 Т., -Т.: «Ўзбекистон» 1996, 8-9 бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба. 8-9 бетлар.

<sup>3</sup> Ўша манба. 9-бет.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т3. -Т.: «Ўзбекистон» 1996, 9-бет.

ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий кадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор”<sup>2</sup>.

Демократик жамият концепциясида миллий, умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда, диний кадриятларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, улар ўртасида қатъий чегара йўқ. Бундай фикр билдиришимизга муайян тарихий шароитларда объектив заруратлар туфайли жамият ривожланиши учун миллий кадриятлар диний қарашлар бағрида шаклланганлигидир. Шунга кўра бизнинг миллий кадриятларимиз фақат ислом заминида вужудга келмаган, балки зардуштийлик, буддавийлик каби динлардан ҳам кўп нарсаларни олган. Бинобарин, ҳар қандай кадриятларнинг бош манбаи ижтимоий ҳаётдир. Бунинг исботи сифатида ҳозирги даврда мамлакатимизда кўпгина тарихан дин билан боғлиқ кадриятлар ўзларининг диний мазмунини ўзгартириб, дунёвий миллий кадриятларга айланганлигидир. Айни пайтда, демократик жамиятни барпо этишда дин ҳар доим ҳам унинг тарафдори бўлавермайди. Айниқса, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида ислом ғоялари ва қарашларидан бир-бирига тубдан қарама-қарши мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишлар жонланган бир пайтда, ана шу омилнинг ўрнини алоҳида таҳлил этиш зарур.

Унинг заруратини Президент И.А.Каримов алоҳида ва бир неча марта таъкидлаб келмоқда. «Мустақиллик йилларида энг катта қўлга киритган ютуқларимиздан бири тарихий, миллий ва ахлоқий кадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамиятини қайта тикланганлигидир. Айни замонда, тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас кадрият эканлигидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар». Кейинги йилларда дунё миқёсида исломдан қарама-қарши мақсад йўлида фойдаланишлар яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишда миллий тамойилларнинг асосини ташкил этувчи кадриятлар ҳам алоҳида ўринга эгадир. Мустақиллик туфайли унга бўлган янгича ёндашувлар Президент И.А.Каримовнинг миллий ва умумбашарий кадриятлар тўғрисидаги методологик илмий мулоҳазалари ҳамда амалий фаолиятларидаги кўрсатмалари, ташаббуслари буннинг ёрқин мисолидир. Миллий ва умумбашарий кадриятлар тўғрисида бир қатор мамлакатимиз олимларининг фикр ва мулоҳазаларини умумлаштириш лозим. Негаки, Ўзбекистонда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти умуминсоний кадриятлар билан бир қаторда, миллий кадриятларимизга асосланади.

Шу нуқтаи назардан, кадрият тушунчасининг ижтимоий-фалсафий адабиётларда кўпгина илмий таърифлари мавжуд. Берилган таърифларни таҳлил этиш бир томондан турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини, иккинчи томондан эса, уларнинг бутунлай бир-бирини инкор этиши ҳолларининг мавжуд эканлигини кўрсатади. Масалан, ”Фалсафий энциклопедия”нинг бешинчи жилдида кадриятлар қуйидагича тавсифланган: ”Кадрият фалсафий ва социологик тушунча. У биринчидан, бир объектнинг ижобий ёки салбий

---

<sup>2</sup> Ўша манба, 9-10 бетлар.

қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи-баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари)ни ифода этади”<sup>1</sup>. Рус тилидаги “ценность” яъни қадрият тушунчасига, кишиларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига, маънавий дунёқарашига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган барча нарса ва ҳодисалар киритилган.

Ана шунга яқин нуқтаи назар бошқа илмий манбаларда ҳам баён этилган: “Қадрият (фалсафа, социологияда) - воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маърифий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятларнинг мазмуни ва характерига кўра, прогрессив ва реакцион типларга ажратиш мумкин” дейилган. Фикримизча, бундай таърифлар мазкур категорияни ўта сиғимдор қилиш билан бирга, унинг асли моҳиятини аниқлашда бир қатор илмий чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Шунга кўра унинг мазмуни, тузилиши, асосий шакллари намоён бўлиш хусусиятлари ва умуминсоний қадриятлар тизими, бу тизимдаги асосий қадрият шаклларининг ўрни ва аҳамиятини илмий таҳлил қилиш билан боғлиқ бир қатор масалаларга эътибор кам эканлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

“Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳолашиб, кадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”<sup>2</sup>. Рус, инглиз, немис, француз ва чех тилларида Россия Фанлар Академиясининг академиги Г.В.Осипов муҳаррирлигида чоп этилган “Социологический энциклопедический словарь” да қадриятларни баҳолаш, қадриятлар тизими, ижтимоий қадриятлар, қадриятлар йўналиши ва умуман қадриятларга таърифлар берилган<sup>1</sup>. Қадриятлар тушунчасига “Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати”да ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

“Қадриятлар — жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, хурматга, нуфузга, аҳамиятга эга кишилар муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси”<sup>2</sup> деган таъриф берилган. Қадриятларни бундай таърифлаш унинг моҳиятини анча ёрқин ифодаласада, лекин қадриятларга берилган таърифлар ичида ўзининг илмийлиги билан бошқа таърифлардан ажралиб туради, деган фикрдамиз. Бизнингча, “умуминсоний қадриятлар тушунчаси бутун жамият аҳамиятига эга бўлган, инсониятнинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажагини, яшашнинг асосий йўналишлари, қонун-қоидаларини, талаб ва тартибларини, одамларнинг энг азалий орзу-умидлари ва идеалларини ўзида акс эттирадиган қадриятларининг умумий шаклларини ифодалайди. Умуминсоний қадрият тушунчасининг объектив асоси ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар, инсониятнинг узлуксиз хаётини ва турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир”. Дарҳақиқат “умуминсонийлик” тушунчасида

<sup>1</sup> Философская энциклопедия, М., 1970, Т 5, с. 462

<sup>2</sup> адриятлар ва ижтимоий тараққиёт (илмий ишлар тўплами), -Т., Ўзбекистон, 1997, 198 б.

Т.Комилова, С.Абидова Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти, ЎзФА, “Фан”наш., 2000, 20 б. Б.С. Ерасов Культурология, 2-е изд., М.:”Аспект-Пресс”,1997, 591 б.

Н. Ортиқов Маънавият: Миллий ва умуминсоний қадриятлар, -Т., “Ўзбекистон”, 1997, 48 б.

<sup>1</sup> Г.В.Осипов. Социологический энциклопедический словарь, М. 2000, 402-403 с.

<sup>2</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. А. Жалолов ва а. Хоназаров умумий таҳририда. -Т.: “Шарқ”, 1998, 279-бет

қадриятларни тирик табиатнинг бир қисми бўлган одам зотининг ҳаёти ва камолоти унинг тарихий тараққиёти, сиёсий ва бошқа бирликлар учун аҳамияти ўз ифодасини топиши керак. Шу ўринда инсониятнинг энг умумий жамоаси бўлган жамиятгина, умуминсоний қадриятларнинг яратгувчиси ва сақлаб турувчисидир. Умуминсоний қадриятлар ниҳоятда кенг кўламли ва серқирра тушунча. Унинг заминида энг аввало озодлик, эркинлик, тинчлик, демократия туфайли шаклланган инсон бахт-саодати каби умумижтимоий маъно ва мазмун кашф этадиган қадриятлардан иборат, дейиш мумкин. Қадриятларни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушуниш ва уни шундай изоҳлаш ҳам илмий нуқтаи назардан тўғри эмас.

Юқоридаги адабиётларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, ўтмишдаги барча ижтимоий-фалсафий таълимотларда қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни масаласига катта эътибор беришган. Агарда қадимги дунё ижтимоий-фалсафий таълимотларида умуминсоний қадриятлар инсон ақлий тараққиётининг маҳсули деб қаралган бўлса, Турондаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихида “Авесто”даги учинчи давр деб аталган инсоният келажак истиқболи, адолатли жамият ҳақидаги фикрлар унинг тарихий илдизларини ташкил этади.

Ҳар бир миллат ўз қадриятига эга. Бинобарин, унинг ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқ ривожини учун имкониятларидан қай даражада фойдаланиш – демократик жамиятни барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги даврда қадриятларнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳам ана шундадир. Мустақилликдан кейин миллий қадриятларнинг демократик жамият қуришдаги ўрнини аниқлаш борасида жиддий илмий изланишлар ҳам, амалиёт билан боғлиқ муаммолар ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Негаки, бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболларини тасаввур эта олмайди. Айниқса, бизнинг шарқда халқнинг минг йиллик миллий қадриятлари унинг учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Халқимизнинг яқин ўтмишидаги узоқ вақт давом этган кучли мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлганлиги сабаби ҳам руҳида, қалбида доимий равишда умумбашарий қадриятларга содиқ бўлганлигидир. «Биз, деб таъкидлайди И.А.Каримов, - маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»<sup>1</sup>. Демак, Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг миллий, умумбашарий тамойилларини ҳар бир халқнинг қадриятларисиз, алоҳида ажратиб бўлмайди. Шу ўринда хўш, «қадрият» сўзи нима маънони англатади деган табиий бир савол туғилади. «Қадрият» атамаси бизга арабча «қадри» сўзидан кириб келган бўлиб, бугунги кунда бу тушунча «борлиқ ва жамиятдаги бирор бир нарса ва ҳодисанинг кишилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 137-б.

муносабатлардаги тутган муҳим аҳамиятни ифода этиш учун қўлланилмоқда. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи томони шундан иборатки, «қадрият» сўзи қадим замонларда пайдо бўлган ва барча халқлар тилларида мавжуддир. Демак, бу тушунча бир неча минг йиллик тарихга эгадир. Фикримизнинг исботи сифатида қадимги дунёда «аксиология» деган атаманинг мавжуд бўлишидир. Аксиология аслида фалсафанинг муҳим йўналишларидан биридир. Фақат бу тушунча XIX-XX асрларга келиб, Европа мамлакатлари фалсафасида ривожлантирилди. Унинг тарихи демократия тарихи билан боғлиқдир. Бинобарин, Европа мамлакатларида ҳам демократик жамиятни барпо этишда қадриятларга асосланиш устувор бўлган.

Аммо бирон-бир нарса ва ҳодиса, хоҳ у моддий бўлсин, хоҳ маънавий бўлсин, қадриятга айланиши учун маълум бир вақт, давр ўтиши керак. Демократияни миллий ва умуминсоний қадрият сифатида шаклланиши ҳам шундай босқичларни босиб ўтган. Шунга ўтмишдаги барча нарсалар ҳам миллий қадрият ҳисобланавермайди. Унинг миллий қадриятга айланиши учун ўзини кўрсата олиши шарт. Демак, биз демократик жамият қуришдаги ўтмишимиздаги барча нарсаларимизни тўлалигича ололмаймиз. Негаки у ҳамма учун ибратли эмас.

Шу ўринда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрлари ўта муҳим аҳамият касб этади «... ўтмиш қадриятларга, анъаналарга ва турмуш тарзига бетартиб равишда, орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка - ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин» эди. Айни шу инкор этиш онларида экстремистик руҳдаги муҳолифатнинг вужудга келиш хавфи туғилди. У аслини олганда, маънавиятга қарши муҳолифат бўлиши мумкин эди<sup>1</sup>. Баъзан шундай ҳам бўлади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий қадриятлардан ташқари диний қадриятларимизга ҳам алоҳида ўрин берилаётганлиги тасодиқий ҳол эмас. Чунки миллий ва диний қадрият ўртасида қатъий чегара йўқ. Улар доимий равишда ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлади, бир-бири билан мулоқотда, биргаликда мавжуд бўлади. Миллий ва диний қадриятлар мутеликдан, фикр қарамлигидан қутулиш, миллий ўзликни англашга хизмат қилиши билан улар жамиятда демократик умумбашарий тамойилларининг қарор топишига замин яратади.

Демократик қадриятларнинг муайян шароитларда шаклланиши. Уларнинг маҳаллий, миллий, минтақавий ва умуминсоний шаклларда намоён бўлиши. Демократик жамият барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг мутаносиблиги ҳамда ривож. Ўзбекистонда адолатли демократик жамият барпо этишда миллий қадриятларнинг маълум маънода умумбашарий аҳамият касб этиши. Миллий қадриятларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштирилиши.

Қадриятларнинг энг муҳим турларидан бири - миллий қадриятлардир.

Умуминсоний ва миллий қадриятлар тушунчаларининг демократик уйғунлиги диалектикасининг қиёсий таҳлили жараёнида Амир Темур сиёсий-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 126-б.

ҳуқуқий қарашларини ўрганиш зарур. Амир Темур сиёсатининг бу ғояси “Куч-қудрат, иқтидор-адл-инсофда”, деганидир. Салтанатни бошқаришида учраган ҳар қандай воқеъа ва ишни тўра ва тузук асосида бошқардим<sup>2</sup> деган фикрлари умуминсоний демократик ва миллий кадриятлар тушунчасининг ижтимоий-фалсафий, илмий назарий ва методологик илдизларини ташкил этади. Бинобарин бирма-бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Халқларнинг маданий кадриятлари маънавий меросининг минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов бу борада фикр юритиб шундай деб таъкидлаганлар: “Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди”<sup>1</sup> Бинобарин, ҳар бир кадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади.

Демократик жамиятни умуминсоний ва миллий кадриятларсиз барпо этиб бўлмайди. Кадриятлар ҳақида фикр юритганда унинг иккита таркибий қисмини назарда тутмоқ керак. Бунда, энг аввало, инсоннинг объектив оламга нисбатан бўлган актив фаолиятини алоҳида таҳлил қилиш зарур. Умуминсоний кадриятлар тушунчасига моддий ва маънавий муҳит, яшаш шарт-шароитларининг ривожланиши ва ворислик содир бўлиб, янги-янги кадриятларнинг шаклланишига ўтишдан мерос бўлиб қолганлари эса давр руҳи, янги ижтимоий эҳтиёж ва тараққиёт учун асос бўлган кадриятларга киради. Умуминсоний кадриятларнинг асосий вазифаси оламни билиш ва уни амалий ўзгартиришнинг муҳим омилдир.

Умуминсоний ва миллий кадриятлар тамойиллар уйғунлиги қиёсий таҳлили унинг инсон маънавий камолатининг муҳим омилли эканлигидан келиб чиқиши зарур. Бунга: Юртбошимизнинг “Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аجدодларимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшниларимиз, маданий халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодифий эмас — соҳибқирон Амир Темур шахси унинг авлодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир” деган фикрлари ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий кадриятлар жумласига киришини англатади. Шу нуқтаи назардан Амир Темур шахси бунинг ёрқин исботидир. Бинобарин, Амир Темур қанчалик тақводор, асл мусулмон бўлмасин, қонунчиликнинг турли тизимлари — диний ва дунёвий томонлари борлигини, уларни ҳисобга олиш кераклигини жуда тўғри англаган.

<sup>2</sup> Темур Тузуклари. -Т, Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 57-бет.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997, 141 б.

Амир Темур қонунчилик деганда фақат Шариат қонунчилигини эмас, балки бошқа халқлар қадриятлари, урф-одатларини ҳам тушунган. “Миллий қадриятлар — миллат учун муҳим ва жиддий аҳмиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар. Ўз миллий қадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллатнинг таназзули — миллий қадриятларнинг таназзулидир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади”.<sup>1</sup> Негаки, миллий қадриятлар нафақат мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан бири, балки демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асосий манбаи ҳамдир. Марказий Осиё халқларининг асрлардан асрларга мерос бўлиб келаётган миллий қадриятлари узоқ тарихий жараёнда шаклланган ва кўплаб оғир синовларни бошдан кечирган. Дарҳақиқат, минтақамиз халқлари 3000 йилдан ортиқ даврни ўзида мужассамлаштирган Марказий Осиё цивилизациясини яратди.

Марказий Осиё халқларининг миллий қадриятлардаги хос жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

туғилган макон ва она юртга эҳтиром;  
аждодлар хотирасига садоқат;  
катталарга ҳурмат, ёшларга иззат  
инсоний муомалада мулозамат;  
ҳаё, андиша, вазминлик, сабр-тоқат кабиларнинг устуворлиги билан ҳам  
характерланади.

Маълумки, демократик қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли улар:

- маҳаллий
- миллий
- минтақавий
- умуминсоний мазмунда намоён бўлади.

Миллий муҳит демократик қадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбасидир. Айнан миллий муҳит маҳаллий қадриятларнинг устуворларини ўз даражасига кўтаради ва уларни вояга етказиб, умуминсоний қадриятлар даражасига олиб чиқади. Умуминсоний қадриятларни ҳар бир киши ўзининг бойлигига айлантиргандагина миллий тамойиллар ўз кучини кўрсатади. “Шу билан бирга ўтмиш қадриятларига, анъаналарга ва турмуш тарзига бетартиб равишда орқа-кетини ўйламай қайтиш бошқа бир кескинликка — ҳозирги даврни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин”<sup>2</sup> деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Биз бугунги кунда ҳақиқий қадриятларимизни:

- тадрижийлик, андишалилик асосида;
- буҳрон пайтида сабр-тоқат, маромийлик ва вазминлик асосида

<sup>1</sup> Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғати ( А.Жалолов ва <sup>а</sup>.Хоназаров умумий таҳририда) — Т.:”Шарқ“, 1999, 141 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.:Ўзбекистон, 1997, 138 б.

— мулозаматда сертакаллуфлик, кексаларга муносабатда ҳурмат-иззат асосида;

— ижтимоий-сиёсий ҳаётда босиқлик, сиполик ва бошқа асосларда асраб-авайлаб ривожлантирмоқдамиз.

Миллий кадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодисалар эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориш, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлар ўзгариши билан миллий кадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади. Ҳар бир кадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг маҳсулигина эмас, балки унинг кўзгуси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан кадриятларнинг демократик тамойиллар билан қарор топишидаги ўрнига баҳо беришдан олдин улардан фойдаланишда икки омилга алоҳида эътибор бериш керак: биринчиси— қайси бир кадриятларнинг юзага келган аниқ тарихий шароитлар, иккинчиси ўша даврларга хос бўлган имконият ва эҳтиёжларни ҳам билиш керак. Шунингдек, умумбашарий демократик кадриятларми, минтақавий кадриятларми, миллий кадриятларми унинг қайси замин эҳтиёжи асосида вужудга келганлигини, улар ўртасида қандай уйғунлик мавжуд бўлганлиги, ворисийлик масалаларини ҳам ўрганиш зарур. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шартидир.

Айни пайтда, фикримизча, муайян миллий, синфий, минтақавий, шахсий ва бошқа хусусий кадриятлар тизими ҳам умуминсоний кадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди.

Фуқаролик жамиятини барпо этишда умуминсоний кадриятларнинг намоён бўлиш хусусиятлари нисбий характерга эга бўлиб, унинг бу хусусияти, яъни нисбийлик ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайди. Шунга кўра демократик тамойилларни миллий кадриятлар билан уйғунлаштиришда унинг қуйидаги намоён бўлиш шакллари алоҳида таъкидлаш зарур.

а) демократик жараёнларнинг узвийлиги асосида миллий кадрият сифатида шакллантириш;

б) одамларнинг тафаккури ва ижтимоий-сиёсий савияси билан демократик ўзгаришлар даражасини мутаносиб бўлишига эришиш орқали;

в) жамиятдаги турли хил гуруҳлар қарашларини ягона мақсад – «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган миллий ғоя асосида ҳамжиҳатлилик, миллатлараро тотувлик ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш асосида;

г) демократик жараёнлар халқимизнинг қонунни ҳурмат қилиши, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланишини таъминлаш;

д) сиёсий муносабатларда ҳам ахлоқий, маънавий, миллий кадриятлар устуворлигига эришиш орқали умумбашарий демократик тамойилларни мамлакат фуқаросининг турмуш эҳтиёжига айланттириш ва бошқалар.

Демократик адолатли жамият барпо этишда умуминсоний кадриятлар тушунчасига хос бўлган кундалик мулоқотлардаги мазмун билан фалсафий аксиологик маъно ўртасидаги фарққа эътибор бериш лозим. Шу нуқтаи назардан бизнинг фикримизча, умуминсоний кадрият деганда энг аввало, жамият ва одамзод насли учун энг қадрли ва унинг маънавий камолоти учун хизмат қилувчи умуминсоний аҳамият касб этувчи нарсалар, ходисалар, фаолият ва бошқаларнинг номи, уларнинг ижтимоий ифодалаш учун

ишлатиладиган фалсафий аксиологик тушунчаларни назарда тутилади. Демак, умуминсоний қадрият деганда жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамиятга эга бўлган ва ҳар бир шахснинг ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга ижобий таъсир этадиган, кишиларнинг хатти ҳаракати, амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ҳам умуминсоний қадриятларнинг мезони сифатида баҳоланади. Шу билан ҳам умуминсоний қадриятлар тизимида демократик тамойилларнинг ўзи унинг шаклланиши учун кенг майдон очиб беради. Бироқ бу дегани миллий қадриятларнинг ўрни ана шу тизимда пассив ҳолатда экан-да деган хулосани чиқармаслик керак. Негаки, қадриятлар тизимида миллат, унга хос бўлган белгилар, жиҳатлар, хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳудуд, макон ва у билан боғлиқ туйғулар демократик жамиятни барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Миллий қадриятлар шахс қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғловчи занжирнинг муҳим ва асосий бўғини ҳисобланади. Шунга кўра, миллат ҳар қандай миллий қадриятнинг объекти, уни яратувчиси ва миллий қадриятлар тизимида асосий таянадиган ижтимоий таянч ҳамдир. Миллат бир томондан, ўзининг қадриятларини мутассил вужудга келтириб турганлиги билан ҳам у яшовчанлик хусусиятига эга бўлади. Демак, миллий қадриятлар ўтмишдан келажакка ривожланиш жараёнида уларни доимий такомиллаштириб янги-янги қирраларини вужудга келтиради. Айнан ана шу жараён адолатли ва демократик жамиятнинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Демак, биринчидан миллий қадриятларсиз демократия тамойилларини ҳаётга жорий этиш, уни ҳар бир шахснинг турмуш тарзига айлантириш мумкин эмас. Демократия нафақат шахс фаолияти, балки у миллатнинг руҳияти ҳамдир.

Иккинчидан, демократик жараёнлар давомида мавжуд қадриятлар тизимининг ўзи ҳам ривожланиб ва ўзгариб боради. Учинчидан, миллат миллий қадриятнинг ҳақиқий эгаси. Демак, миллат унинг макон ва замондаги ҳаракати ҳам, ўтмишдан келажакка томон яшаши ҳам, авлоддан авлодга етказиб берувчиси ҳам, унинг асосий объекти ҳам айнан шу миллатдир. Тўртинчидан, миллий қадриятларнинг такомиллашмаганлиги миллатнинг йўқ бўлиб кетишига ва охир оқибатда эгасиз бўлиб қолишининг бошланишидир. Собик шўролар даврида миллатга бўлган ҳужум энг аввало, унинг қадриятларига бўлган ҳужумдан бошланганлигини тасодифий ҳол эмас эди. Бунинг бир қатор мисолларини кўҳна тарихдан ҳам, ҳозирги даврдан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Бешинчидан, миллий қадриятларнинг сақланиб қолиши бу фақат уларнинг ўзини ўзи асраб қолишининг асосий масаласи деб қараш керак эмас. Балки ҳар қандай миллатнинг сақланиб қолиши учун ҳар бир миллатнинг ўзи жавобгар, масъул бўлиши шарт. Ана шу жавобгарлик, масъуллик даражаси миллий ривожланиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда қозоғистонлик профессор, файласуф Ғ. Қодиржонов халқаро конференцияларнинг бирида ўзи тан олиб, шундай фикрни билдирди: “Қозок зиёлиларининг ўз она тилларини ўрганишлари, ўзлаштириши ва ўз тилларида илмий фалсафий, сиёсий китобларни ёзиши ўта мушкул бўлиб қолаётганлигининг сабаби - улар миллий руҳининг эркинлигига нисбатан узок йиллар ҳукмрон бўлган “қизил империянинг” мафкуравий тазйиқининг

натижасидир. Бундай ҳолатни Қирғизистон ва Ўзбекистон зиёлилари ўртасида ҳам кузатиш мумкин”<sup>1</sup>.

Миллий кадриятларнинг адолатли демократик жамиятни барпо этишдаги ўрнини таҳлил этиш жараёнида энг аввало, миллатнинг ўзини ижтимоий кадрият сифатида қараш зарур. Негаки, миллатнинг ўзи миллий кадриятларнинг ҳам объекти ва ҳам субъектидир.

Демак, мамлакатимизда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий кадриятларнинг уйғунлашуви тараққиётнинг зарурий қонунидир. Умумбашарий тамойиллар ва кадриятлар қандайдир ўзгармас, ақидавий тушунчалар эмас. Даврлар ўтиши, шароит, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши билан уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради. Лекин бу ўзгаришлардан қатъий назар, умуминсоний кадриятлар одамларни жипслаштирувчи, маълум мақсадлар, ижтимоий, маънавий камолотининг муайян йўллари учун биргалашиб курашишга, ҳаракат қилишга чорловчи ижтимоий ҳодисалардир. Умуминсоний кадриятлар турли давлатлар, халқлар ўртасидаги кўприк воситасини ўтаб, одамларни бир-бирига яқинлаштирувчи, ҳамжихатлик ва ҳамкорликка чорловчи куч воситасини ўтайди. Маънавият борасида ҳам умуминсоний кадриятлар халқларнинг барча маданиятини яқинлаштиради ва уларнинг тезроқ камол топишга имкон яратиб беради.

Ўзбекистонда эркин, демократик жамият қуриш вазифасини амалга ошириш жараёни демократиянинг умуминсоний ва миллий-маънавий кадриятлари уйғун эканлиги эътироф этилади. Демократиянинг асосий белгиси аниқ олган у ёки бу мамлакатда халқни олий ҳокимиятнинг амалга оширувчи манбаи эканлигини эътироф этишдир. Айни пайтда турли халқлар халқ ҳокимиятининг шакли ва мазмунини турли даврларда турлича талқин этишлари мумкин. Масалан демократиянинг антик даврдаги талқини билан Европадаги ҳозирги замон талқини ҳам айнан бир хил эмас. Қайсики, муҳим демократик миллий ва умуминсоний кадриятлар ва тамойиллар турли хил сиёсий режимларда, унга мос равишда шу мамлакат ва минтақадаги халқларнинг миллий-маданий, тарихий ва бошқа анъаналарида ўзининг ҳаётий ифодасини топган.

---

<sup>1</sup> 2002 йил 8-май ойида ЖИДУ да бўлган Халқаро конференция баённомасида айтилган фикрдан кўчирма.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### 5 – мавзу. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий ва умуминсоний демократик тамойиллари

<i>Талаба сони 20-50та</i>		Вақти 2 соат	
<i>Машғулот шакли</i>		Анжуман - амалий машғулот	
<i>Семинар режаси</i>	<p>1. Демократик жамият қуришда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг ўрни.</p> <p>2. Президент И.А.Каримов асосларида демократик жамият қуришда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойиллар тўғрисидаги назариялар.</p> <p>3. Демократик жамият қуришда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг аҳамияти.</p>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва кадриятларининг методологик асослари, илмий ва амалий жиҳатлари Президент И.А.Каримов асарлари, нутқларида кенг ҳамда чуқур ёритилганлигини ўрганиш. Президент И.А.Каримов асарларида “тамойил” ва “йўналиш” сўзлари синоним сифатида қўлланиши, бу сўзларнинг маъносига эътибор қаратиш, уларни жамиятни турли жабҳаларида объектив, такрорланувчан, устувор ҳодиса эканлигини ўрганиш. Ўқув машғулотининг асосий мақсади.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуришда умумбашарий тамойил ва миллий кадриятларнинг ўзига хос томонларини англаб етишни шакллантириш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуришда умумбашарий тамойил ва миллий кадриятларни ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосалар чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг илк тарихий даврларини тегишли манбаалардан атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.	
<i>Ўқитиш шароити</i>		Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>		Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.	

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Демократик жамият қуришда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойиллар тушунчаси.
2. Президент Ислон Каримов Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойилларга таяниш тўғрисида.
3. Миллий кадриятларнинг демократик жамият қуришда акс етиши. Демократик жамият барпо етишда умумбашарий тамойилларга бўлган зарурат.
4. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий ва умумбашарий тамойиллари унинг ўзига хослиги.
5. Ўзбекистонда демократик жамият барпо етишда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг уйғунлашуви.
6. Демократик тамойилларга амал қилиш шарт-шароитлари.
7. Ўзбекистонда адолатли, демократик жамият барпо етишда миллий кадриятларнинг умуминсоний тамойиллар билан уйғунлаштирилишининг аҳамияти.
8. Демократик жамият қуришда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг ўрни.
9. Президент И.А.Каримов асосларида демократик жамият қуришда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойиллар тўғрисидаги назариялар.
10. Демократик жамият қуришда миллий кадриятлар ва умумбашарий тамойилларнинг аҳамияти.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

# ГЛОССАРИЙ

- 1. Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуктаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
- 2. Антик дунё** – сиёсий қарашлар соҳасидаги ёндошувларнинг ерамиздан олдинги даврларга тегишли қисми тушунилади.
- 3. Ижтимоий** – сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётни ташкил қилади.
- 4. Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
- 5. Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
- 6. Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
- 7. Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
- 8. Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
- 9. Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
- 10. Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳукумронлик.
- 11. Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
- 12. Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
- 13. Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатади. "Партия" атамаси латинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
- 14. Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
- 15. Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
- 16. Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
- 17. Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.

18. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
19. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
20. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
21. **Демократия концепциялари** – “Ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини еркинлаштириш билан боғлиқ мумтоз стратегияси етти устувор мақсад вазифалар концепцияси.
22. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
23. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
24. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
25. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
26. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
27. **Иқтисоий плюрализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
28. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
29. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
30. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
31. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
32. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар қуришга тарафдорлик.
33. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
34. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
35. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
36. **МДХ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислохатлар мажмуи.
37. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**6-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

## **6 - мавзу. Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асоси**

### **РЕЖА:**

1. Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Демократик фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланиши.
3. Фуқаролик жамияти ва унинг ҳуқуқий асослари.

Маълумки Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини - яъни бозор иқтисоди тамойилларига асосланган эркин, очиқ демократик давлат қуриш вазифасини асосий мақсад қилиб белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси чамбарчас боғлиқдир. Юртбошимиз белгилаб берганларидек, қабул қилинаётган қонунларимизнинг замирида адолат ётиши лозим. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади.

Демократик жамият қуриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида халқ манфаатларини ифода этиши шарт. Бундай қонунларга оғишмай итоат этилсагина, жамиятда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Чунки барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситасида жорий этилади.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири - жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглигини, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминланганлигидир. Шу билан бирга Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

«Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва хурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳисобланади»<sup>1</sup>.

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида белгилаб берилган. Конституциянинг

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 1995 йил 23 феврал. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» китобида, 3-ж., -Т., Ўзбекистон, 1996, 10-б.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Адолат қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маъруза. 2001 йил 29 август. «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» китобида, 10-ж., -Т., Ўзбекистон, 2002, 28-бет

ИИИ боби иккита 15 ва 16-моддаларидан иборат бўлиб, Конституция ва қонун устунлигига бағишланган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга мувофиқ амалга ошириш санаб ўтилган субъектларнинг конституциявий бурчи бўлиб ҳисобланади. Агарда давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ёки фуқаролар ўзларининг бу бурчларини бажармасалар, уларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин.

Конституция ва қонунларга риоя этмаган шахсларнинг жавобгарлиги Конституциянинг ўзида ёки тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлади. Масалан, Конституция 93-моддасининг 12-бандига мувофиқ Конституцияни, қонунларни бузган туман ва шаҳар ҳокимларини Республика Президенти ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

Бу борада шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Конституциянинг нормаси бошқа қонунларнинг нормаларига нисбатан устунлик характерига эга. Чунки Конституция барча бошқа қонунлар учун пойдевордир.

Шунинг учун ҳам Конституция 16-моддасида мустаҳкамланган қоидага биноан «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас». Агарда бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид келадиган бўлса, у бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилади.

Хўш, Конституциянинг бу моддасига биноан қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мослигини қайси орган назорат қилади, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилишни унинг қайси босқичда амалга оширилишига қараб, қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

Биринчидан, дастлабки назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа вақтида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонунининг 18-моддасига мувофиқ «Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин».

Иккинчидан, кейинги назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин амалга оширилади. Кейинги назоратнинг ўзини ҳам икки турга бўлиш мумкин.

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан кейин, аммо у ҳали кучга киришидан аввал амалга ошириладиган назорат. Бу назорат ҳам Адлия вазирлиги томонидан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қабул қилган умуммажбурий характерга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишдан аввал амалга оширилади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина кучга киради.

Ўзбекистон Республикасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умуммажбурий характердаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 17 июнда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ва 1997 йил 9 октябрда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Бу қарорларнинг моҳияти шундаки, улар умуммажбурий характердаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилишининг мажбурийлигини таъминлаб берди. 1997 йил 9 октябрдаги қарорда белгиланишича, агар шундай ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилмаса, улар юридик кучга эга бўлмайди. Конституция ёки қонунга зид бўлганлари эса давлат рўйхатига олиниши мумкин эмас. Ана шундай йўл билан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва қонунларга мослиги таъминланмоқда.

б) кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги юзасидан назорат. Бундай назоратни барча давлат органлари амалга оширадilar.

Умуман олганда қонунларнинг ижро этилиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва қонунларга мос бўлишини назорат қилиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органлари томонидан олиб борилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиб бориш Олий Мажлис фаолиятида ўзига хос ўрин тутади. Олий Мажлис томонидан қонунларга риоя қилинишини назорат қилиш, уларнинг таъсирчанлигини ўрганиш, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадини кўзлайди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ҳар йили қарийиб 50 та қонуннинг ижросини ўрганадилар. Қонун ҳужжатлари талаблари қандай бажарилаётганлиги деярли барча вазирликлар ва идораларда, вилоятларда текширилади.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан парламент назоратини амалга оширишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти муҳим рол ўйнайди<sup>1</sup>. Маълумки Ер юзида инсон борки, у доимо ўз ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя

---

<sup>1</sup> Халилов Э. Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Парламенти: Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг фаолияти. - Т.: Ўзбекистон, 1999, 11-17 бетлар

қилиш учун имконият излаган ва Омбудсманнинг ташкил топиши эса, давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларга янада аниқлик киритди. Омбудсман фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи муносабатларни назорат қилувчи вакилдир. Омбудсман (Хомбуцмен) шведча сўз бўлиб, ҳукумат идоралари фаолиятини тафтиш, назорат қилувчи мансабдор шахс ёки вакил маъносини англатади<sup>2</sup>.

Ушбу фикр ҳозирги замон ҳуқуқий адабиётларида кенг тарқалгандир. Бироқ жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда Омбудсман институтининг ўзига хос талқин ва тарихий илдизлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан америкалик мутахассис Дин Готтерернинг билдирган фикрлари диққатга сазовордир. У шундай деб ёзади: Омбудсман институти илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Омбудсманнинг тарихий илдизларидан бири Қуръони Карим ва ислом мафқурасининг бир қисми сифатида одиллик тамойилларидан келиб чиқади<sup>3</sup>. Ўша пайт инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкӣ, оила ва никоҳга оид ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳамда шикоятларни қабул қилиш ва низоларни ҳал қилиш учун мухтасиб мансаби дастлаб ҳалифа Умар томонидан ташкил этилган эди. Кейинчалик ана шундай мухтасиб мансаби Мовароуннаҳрдаги мавжуд хонликларда ҳам ташкил этилган бўлиб, улар асосан фуқароларнинг шикоятларини адолат нуқтаи назардан ҳал этишга интилганлар.

Шундай қилиб, Омбудсман институтининг илдизлари Дин Готтерер таъкидлаганидек, Шарқ мамлакатлари давлатчилигига бориб тақалади. Бироқ, Ер юзида расмий равишда эса, биринчи мартаба Омбудсман институти 1709 йил Швеция қироллиги ҳузурида ташкил топган. 1709 йили Швеция қироли Карл ХИИ Полтава жанглирида мағлубиятга учраб, Туркия давлатига қочиб кетади. Қиролсиз қолган Швецияда тартибсизлик бошланади. Бундан хабар топган Карл ХИИ Туркияда туриб, 1713 йил Швеция қироллиги ҳузурида Омбудсман ташкил қилиш ҳақидаги қонунга низо чекади. Бугунги кунда деярли барча демократик мамлакатларда Омбудсман институти ташкил этилган. Омбудсманнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг мустақиллигидир.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) демократик йўлдан бораётган жамиятимиздаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган қонунда берилган ваколатларига мувофиқ фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 26-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид келадиган қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади».

<sup>2</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғати. -Т.: Шарқ, 1998, 179-б.

<sup>3</sup> Готтерер Д. Омбудсман ҳақида Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари журнали. 1999, 1-сон, 27-б.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти «фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир».

Бу нормага кўра Президент биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилаётганлигини, иккинчидан эса, уларнинг Конституцияга мослигини назорат қилиб боради.

Конституцияга кўра қонунлар Республика Президенти томонидан имзоланади, бошқача қилиб айтганда, ўзининг расмий тасдиғини топади. Агар Президент қабул қилинган қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилмаган ёки у Конституцияга зид деб ҳисобласа, Конституция 93-моддасининг 14-бандига мувофиқ қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агарда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат, масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори, вазирнинг буйруғи, ҳокимнинг қарори Конституцияга ёки қонунларга зид бўлса Республика Президенти шу модданинг 13-бандига мувофиқ уни тўхтатишга ёки бекор қилишга ҳақли.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ «Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор қилинади».

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳаларининг киритилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларига асосланган жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари Олий Мажлисга киритилди. Уларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг самарасини бермоқда.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси демократик давлат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, демократик, ҳуқуқий давлат куч, инқилоб билан эмас, балки табиий-тарихий эволюцион йўл билан барпо этилади. Албатта, ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий давлат тушунчаси у ёки бу қонунларнинг мавжудлиги билан белгиланмайди. Негаки, қонунлар ҳуқуқ сифатида ҳар бир давлатда мавжуд ва ҳар қандай ҳокимият улардан фойдаланади. Ҳамма гап ўша қонунларнинг қандайлигида ва уларнинг қандай бажарилишидадир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаларида

«Хуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда хуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак» деб таъкидлаб ўтдилар<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда юртбошимизнинг 1996 йил 31 октябрдаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази»ни тузиш тўғрисидаги фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бугунги кунда Миллий марказ мамлакатимиз ва бутун жаҳондаги инсон ҳуқуқлари, эркинликларини жаҳон халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳимоя этишнинг таъсирли воситаси сифатида фаолияти ҳам ибратли бўлмоқда. Бироқ бу борада демократик тамойилларнинг ҳаётга тўлиқ жорий этилишида жиддий айрим муаммолар ҳам мавжуд. Улардан бири том маънодаги суд мустақиллигига эришишдан иборатдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Судлар том маънодаги мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

**Судлар томонидан давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга ва қонунларга мослигини назорат қилиниши - суд органларининг ваколатларидан бири бўлиб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддаси «Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш», деб номланган бўлиб, унинг биринчи қисмига мувофиқ «Давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин».

Суд ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб қарор чиқарган тақдирда, бу қарор ҳамма давлат органлари ва бошқалар учун ҳам мажбурийдир. Чунки Конституциянинг 114-моддасида «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эълон қилинган ҳуқуқий ҳужжат - юридик кучга эга эмас.

Агарда бирон-бир ҳужжатнинг қонунийлиги тўғрисида суд қарори мавжуд бўлса, ўша ҳужжат юзасидан фуқаролар ёки ташкилотлар судга яна шикоят қилишлари мумкин эмас.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 29-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. II. -Т.: Ўзбекистон, 2003, 31-б.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қонун устуворлиги қуйидаги учала ҳолат бўлгандагина, ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

**Биринчидан,** қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатлар адолатга, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига асосланган бўлиши шарт.

**Иккинчидан,** Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқ бажарилиши зарур.

**Учинчидан,** барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши – қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий механизмларини ташкил этади. Демократик жамиятнинг муҳим тамойили бўлган қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир. Албатта, демократик жамият қуриш фақат қонун устуворлиги билан чекланиб қолмайди, балки халқимизнинг миллий-маънавий негизларига таянишни тақозо этади ва зарурий шарти қилиб қўяди.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### 6 - мавзу. Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг асоси

<i>Талаба сони 20-50та</i>		Вақти 2 соат	
<i>Машғулот шакли</i>		Анжуман - амалий машғулот	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.</li> <li>2. Демократик фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлиги таъминлигининг мустаҳкамланиши.</li> <li>3. Фуқаролик жамияти ва унинг ҳуқуқий асослари</li> </ol>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири - жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглигини, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминланганлигидир. Шу билан бирга Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Ўқув машғулотининг мақсади ана шуларни таҳлилий ўрганишдир.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуришда қонун устуворлигининг ўзига хос томонларини англаб етишни шакллантириш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуришда қонун устуворлигини ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосаларга чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг илк тарихий даврларини тегишли манбаалардан атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.	
<i>Ўқитиш шароити</i>		Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>		Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.	

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қуришда қонун устуворлиги тамойилининг мустаҳкамланиши.
2. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тuzилишида вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси билан боғлиқ тушунчалар.
3. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари. Бу муносабатларни тuzилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солиниши.
4. Кодекс, қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида адолат ва инсон манфаатлари устуворлиги.
5. Давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритишлари. Бирорта қонун ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги.
6. Президентлик институти.
7. Вазирлар Маҳкамаси.
8. Суд мустақиллиги.
9. Давлат органларининг ваколатлари.
10. Қонун устуворлиги тамойилининг Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

# ГЛОССАРИЙ

1. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
2. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
3. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
4. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
5. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
6. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
7. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳуқумронлик.
8. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
9. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
10. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатади. "Партия" атамаси лотинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
11. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
12. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
13. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
14. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
15. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
16. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
17. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
18. **Демократия концепциялари** – “Ўзбек модели”нинг машҳур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини еркинлаштириш

билан боғлиқ мумтоз стратегияси етти устувор мақсад вазифалар концепцияси.

19. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
20. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
21. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
22. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
23. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
24. **Иқтисоий плярализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
25. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
26. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
27. **Маънавийт** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
28. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
29. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар куришга тарафдорлик.
30. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
31. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
32. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
33. **МДХ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислохатлар мажмуи.
34. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
35. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
36. **Антик дунё** – сиёсий қарашлар соҳасидаги ёндошувларнинг ерамиздан олдинги даврларга тегишли қисми тушунилади.
37. **Ижтимоий** – сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётни ташкил қилади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**7-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

## 7-мавзу. Давлат ҳокимията ва бошқарувини демократлаштириш

### РЕЖА

1. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари
2. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни
3. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ислохотларини янада чуқурлашуви

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилиниши натижасида мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга оширишга доир ислохотлар янада чуқурлашди. Айниқса, ислохотларнинг ўзагини ташкил этган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнларини амалга оширишга устувор йналиш сифатида муҳим эътибор бера бошланди. Зеро, ривожланган мамлакатлар тажрибаси давлатни ўзини демократлаштирмасдан туриб фуқаролик жамияти қуришнинг асло мумкин эмаслигини исботлаб берди.

Мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг янги босқичи Президент И.А.Каримов томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ғояларида мужассамлашгандир. Президент И.А.Каримов мамлакатнинг ривожланиш истиқболини қуйидагича таърифлайди: “Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар”<sup>11</sup>.

Концепция ўз моҳият эътиборига кўра, узоқ муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, унда Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг концептуал стратегиясидир. Унда дастлаб, мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш истиқболлари белгилаб берилди.

1. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари  
Ўзбекистон Республикасининг Президенти. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг шакли Президентлик Республикасидир. Ўзбекистон давлати тарихида Президентлик Республикаси шаклидан давлат бошқаруви дастлаб 1990 йил 24 мартда таъсис этилди ва биринчи бўлиб И.А.Каримов Президент бўлиб сайланди. 1991 йил 18 ноябрда “Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мустақиллик даврида Президентлик институти тўла

<sup>11</sup> Каримов И.А.Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш -ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 7 декабрь.-Т.:Ўзбекистон, 2013.-Б.4.

шаклланди. Ўзбекистон Конституцияси 19-бобининг 89-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”<sup>12</sup>. Президентлик лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон худудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Айтиб ўтиш керакки, Президент сурункасига икки мартадан ортиқ президент бўлиши мумкин эмас. Президент фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидаги ваколатларга эгадир:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрликларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалар юзасидан маърузалар тақдим этади;

8) республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди;

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2012.-Б.22.

12)Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тасдиғига киритади;

13)Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14)вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

15)Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16)республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли;

17)Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

18)Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади;

19)фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20)Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради;

21)Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малакавий ва фахрий унвонларини беради;

22)Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23)амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади;

24)Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик

шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади;

25) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-, 95- ва 97-модарига биноан қуйидаги ваколатларга эгадир:

94-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

95-модда. Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек Қонунчилик палатаси билан Сенат ўртасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда янги сайлов уч ой мобайнида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

97-модда. Ваколоти тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди<sup>13</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси (Парламент). Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати – беш йил. Унга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадир.

Президент И.А. Каримов томонидан икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш ғояси 2000 йил 25 майда Олий Мажлисининг 2-сессиясида илгари сурилди: “Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим”<sup>14</sup>.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012.-Б.23-26.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -Б.483.

2004 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат бўлиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари куйидагилардан иборатдир:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

2) Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунларини, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

3) Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;

6) Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7) бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;

8) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;

9) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

11) туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

12) давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14) Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20) халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;

21) ушбу Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг мутлақ ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-80-моддаларида белгилаб кўйилган<sup>15</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси (ижро этувчи ҳокимият). Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари ва ҳуқуқий мақоми куйидагилардан иборатдир:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2012.-Б.16-17.

Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир<sup>16</sup>.

Мустақиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимият – ҳукумат таркиби 4 марта янгидан тасдиқланди. Охири, яъни тўртинчи марта 2010 йил 12 мартда Вазирлар Маҳкамаси таркиби қуйидаги тартибда белгиланди: Вазирлар Маҳкамаси аъзолари – 8 та, вазирликлар - 14 та, давлат қўмиталари - 9 та<sup>17</sup>, жами 31 та.

## 2. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни

Баъзи олимлар фикрича, сиёсий раҳбарлик ижтимоий бошқарувнинг алоҳида намоён бўлишидир. Сиёсатни бошқарувдан, бошқарувни эса сиёсатдан ажратиб бўлмайди. Шунингдек, бошқарув ташкилотнинг ёки жамиятнинг яхлитлиги ва барқарорлигига эришиш воситасидир. Шунингдек, ҳокимият ижтимоий бошқарувнинг зарурий шартидир. Бошқарув ўзини ўзи бошқарувдан фарқ қилиб, қонунлар, раҳбарлар, бойликлар кўринишидаги махсус ташкил этилган тартибга солувчи механизмлар ёрдамида инсонларга онгли равишдаги легитим таъсир сифатида пайдо бўлди. Кейинчалик бошқарувга инсонийлик, мақсадга мувофиқлик ва оқилона ғоялар таъсирида жамият мақсадларига эришиш воситаси сифатида қарала бошланди<sup>18</sup>. Яна баъзи талкинларда эса бошқарув – субъектлар ва органлар томонидан одамларга нисбатан онгли мақсадга мувофиқ ҳолдаги таъсири ва иқтисодий субъектларнинг эса улар хатти-ҳаракатини йўналтириш ва қутилган натижаларни олишга қаратилган мақсадлардаги таъсиридир<sup>19</sup>.

Ўзбекистонда давлат бошқаруви - ижрочилик фаолияти юритиш хусусиятига эга бўлган давлат ҳокимияти фаолиятини амалга оширишнинг ягона кўринишидир. Бундай бошқарув биринчи галда, қонунлар, Президент фармонлари, қарор ва фармойишларини ҳаётга жорий этишга қаратилган. Давлат бошқаруви хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга оширилади. Давлат бошқаруви маълум бир мақсад ва вазифаларга қаратилган бўлиб, бир қатор функцияларга таянади. Давлат бошқаруви органлари ўзига хос функциялари қуйидагилар:

Истиқболни белгилаш функциялари - илмий маълумотлар ва қўлга киритилган ютуқларга асосланган ҳолда, қандайдир ҳодиса ёки жараёнларнинг ривожланишидаги ўзгаришларни олдиндан кўра билиш.

Режалаштириш - у ёки бу фаолиятнинг йўналишлари, мақсад, вазифаси, режа ва кўрсаткичларини аниқлаш, у ёки бу жараёнларни (иқтисодий, маданий ва бошқ.) ривожлантириш.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2012.-Б.26-28.

<sup>17</sup> Қаранг: Халқ сўзи, 2010, 13 март

<sup>18</sup> Қаранг: Франчук В.И. Социальное управление: самоуправление, менеджмент, политическое руководство.-М.: Компания Спутник, 2007. -С.93.

<sup>19</sup> Лапыгин Ю.Н. Основы стратегического управления/2-е изд., перераб. и доп.-М.: КноРус, 2004.-С.243.

Ташкил этиш - бошқарув ва бошқарилувчи тизимни ташкил этишни таъминлаш. Ташкил этиш функцияси - бирор тизим, унинг бўлаклари, жойлашуви, уларнинг ўзаро алоқаси ва ҳар бир бўлакнинг функцияси нимадан иборат эканлиги аниқлаб беради.

Тартибга солиш - қандайдир фаолият, у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш тартибини ўрнатиш.

Мувофиқлаштириш - маълум бир мақсадга эришиш учун турли органлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўз ҳаракатларини ўзаро келишув асосида амалга оширишлари.

Назорат - давлат бошқарувининг назорат қилиш функцияси билан ҳисобга олиш функцияси бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳисобга олиш орқали ресурслар сони, харажатлар, ҳужжатларнинг ҳаракати, қарорлар ижроси натижалари аниқланади.

Мустақиллик даврида давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувини демократлаштириш мамлакатнинг стратегик пировард мақсади - фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг таркибий сифатида қаралди. Айниқса, давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувини демократлаштиришнинг асоси омили бўлган норказлаштириш ислоҳотларини амалга ошириш натижасида бу соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, 2004 йилларда янада чуқурлаша бошлаган номарказлаштириш ислоҳотлари доирасида қатор бир қанча давлат органлари функциялари ва ваколатлари қайта кўриб чиқилди, улар ваколатларининг бир қисми қўйи давлат ҳокимият органлари ва фуқаролик жамияти институтларига берилди бошланди.

Марказий давлат ва хўжалик бошқарув органларининг кўплаб ваколатлари ва функциялари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига узатилди. Улар, асосан назорат ва текширувни амалга ошириш, лицензия бериш, стандартлар белгилаш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, уларнинг сифатини кузатиб бориш билан боғлиқ ваколатлардан иборат бўлди. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида олий ва ўрта касб-ҳунар таълими соҳаси вазирлик ва вилоят ҳокимлиги бошқаруви даражасида белгиланиб, улардан молиялаштириш ва инсон ресурсларини жойлаштириш кабилар вилоят ҳокимликлари ваколати сифатида белгиланган эди. Ўрта таълим тизимини бошқаришда туман ва шаҳар ҳокимликлари жорий бошқарув жараёнини мувофиқлаштириш, ресурсларни жойлаштириш, мониторинг олиб бориш каби ваколатларга эга эди. Шунингдек, марказий давлат органларининг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, автомобил ва йўловчи ташувчи транспортни тартибга солиш, аҳолига коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш (чунончи, кўп болали, кам таъминланган оилалар, ногиронларни қўллаб-қувватлаш) каби каби бошқарув ваколатлари ва функциялари маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига берилди. Буларнинг бари маҳаллий ўзига хосликларни янада тўлиқроқ ҳисобга олиш, функцияларни бажаришда оперативликни ошириш ва охир-оқибатда, маҳаллий аҳоли ҳаётини яхшилаш имконини беради.

Албатта, мамлакатда бошқарув ва ҳокимият органларини номарказлаштиришнинг самараси жамиятнинг барча соҳаларида сезилиши учун марказий ҳокимият органлари Тажрибалар кўрсатишича, марказсизлаштириш инсон тараққиёти параметрларини ўз-бу соҳада қонунчиликни ривожлантириш, иқтисодий ва ташкилий йўналишлар бўйича шарт-шароитлар яратиб бериши тақозр

этилади. Шунинг учун ҳам бу даврда Ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга доир қонунчилик асослари янада ривожлантирилди. Айниқса, ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият юритадиган ходимлар сони кўпайтирилди. Маҳалла посбони, маънавий-маърифий ишлар олиб бориш билан шуғулланувчи оқсоқолнинг маслаҳатчиси каби ойлик маоши олиб ишлайдиган лавозимлар жорий этилди. Маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли ва котибини ижтимоий аҳволини яхшилашга доир имтиёзлар берилди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари идоралари ва маҳалла гузарлари қурилди, шу каби объектларга эга маҳаллалар гузарлари қайтадан замонавий талаблар асосида таъмирланди. Маҳалла гузарларида аҳолига дастлабки маиший хизмат кўрсатишга доир хизмат кўрсатиш мажмуалари шаклланди.

Давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувини номарказлаштириш ислохотлари соҳасидаги туб ўзгаришлар 2004 йилдан бошланди. Бунда асосан «марказ-худудлар», «давлат - хусусий тармоқ», «давлат - фуқаролик жамияти» муносабатларида кўпроқ горизонтал ўзаро муносабатлар аҳамиятини ошириш, қуйи органларга нисбатан мустақиллик беришга доир ваколатлар берилла бошланди.

Шунингдек, Ўзбекистонда номарказлаштириш ислохотларини олиб боришда қуйидаги миллий анъаналар ва тажрибалар эътиборга олинди:

-индивидуализмдан жамоачиликни устувор қўйган миллий кадриятлар ва анъаналар;

-қадимдан шаклланган давлат органлари ва мансабдорларига ҳурмат билан қараш ва уларга ишонч билдириш;

-давлат олиб бораётган ислохотлар натижаларини чуқур англаш, бу жараёнга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш;

-жамиятда кексалар ва аёлларга ҳурмат билан қараш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нисбатан ғамхўрлик қилиш туйғуларини мавжудлиги;

-жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга нисбатан ўта хайрихоҳлик.

Мамлакатда давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувини номарказлаштириш жараёнида бу соҳага мутасадди бўлган ҳукумат комиссиясига давлат бошқаруви органлари ваколатларини қайтадан тақсимлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Бунда асосан бир хил ваколатларни бажараётган органларни аниқлаш, улар ваколатларини бир-биридан ажратиш, ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувни чеклаш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини қонунларда белгиланган доиралардан чиқмаслигини таъминлаш кабиларга жиддий эътибор қаратилди. Ислохотлар натижасида 2004 йилдан бошлаб бу соҳада қуйидагиларга эришилди:

-давлат бошқаруви тизимида турли ваколатларни амалга ошириб келаётган 27 та давлат бошқарув органи ва хўжалик идоралари қисқартирилди;

-хўжалик идораларининг давлат бошқарувига доир ваколатлари олиб ташланди

-давлат бошқарув девонларининг олий қатламига тегишли раҳбарият таркиби ҳам қисқартирилди (вазир мақомига тенг бўлган 20 та лавозим ва вазир ўринбосари мақомига тенг бўлган 80 лавозим);

-маъмурий-бошқарув ваколатларини амалга ошираётган 40 минг нафарга яқин давлат хизматчиси қисқартирилди.

Ноёб ва бозори чакқон бўлган товарларнинг баъзиларини марказлашган ҳолда тақсимлашга барҳам бериш мақсадида уларнинг давлат томонидан тасдиқланадиган баланслари миқдори деярли икки баробар қисқартирилди. Натижада, бу ҳолат ресурсларнинг чекланган ҳолда тақсимланишини бартараф этишга шарт-шароитлар яратди. Эндиликда бу каби товарларни тарқатиш ва олди-сотди қилиш биржа ва аукционлар воситасида – ҳаридорларга тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотила бошланди.

Мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ислоҳотлари “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси асосида 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун давлат бошқарувини мазмунан янгилаш, мавжуд демократик принципларни кенгрок жорий этиш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришда ғоят муҳим аҳамият касб этди<sup>20</sup>. Бу ислоҳотлар натижасида парламентнинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, палаталар ўртасида халқ иродасига таянган ҳолда ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизими ҳамда механизмини вужудга келтириш, депутатларнинг демократик тартиб-таомиллар ва сиёсий рақобат шароитида доимий асосда профессионал тарзда иш олиб боришлари, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятида умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш, фуқароларнинг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштирокини янада кенгайтириш учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

### 3. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ислоҳотларини янада чуқурлашуви

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга доир амалга оширилган ислоҳотларнинг улкан натижалари Президент И.А.Каримовнинг *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”* номли *маърузасида чуқур таҳлил этиб берилди.*

2001-2010 йиллар ичида мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсад - ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали

<sup>20</sup>Қаранг: Турсунов А., Раҳмонов А. Давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлиги//[http://milliy\\_tiklanish.uz/konsep-siya/197-2011-09-05-21-23-15.html](http://milliy_tiklanish.uz/konsep-siya/197-2011-09-05-21-23-15.html).

тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилди.

Бу даврда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди. Бошқача айтганда, уларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодий бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилди. Шунингдек, бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Икки палатали миллий парламентни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг асосларини белгилаб берди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди. Конституциянинг 89-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилди<sup>21</sup>.

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади ва унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Концепцияда бу даврга келиб мамлакат аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, кўшпартиявийлик тизимининг тобора мустақамланиши давлат ҳокимиятининг учта субекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтираётганлигидан келиб чиққан

---

<sup>21</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўлима мажлисидаги маърузаси. 12 ноябрь 2010 й.-Т.: Ўзбекистон, 2010.-Б.8-10.*

холда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф қилинди:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади<sup>22</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимида номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган

---

<sup>22</sup> Ўша жойда.-Б.10-11.

таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан *ишончсизлик вотуми билдириш* ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади<sup>23</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилаётган ушбу ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти шундан иборат бўлдики, уларга кўра, Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартиби ўрнатилиши кўзда тутилди. Шунингдек, Конституцияга киритилаётган бу ўзгаришларга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи бериш, айти вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқариш таклиф этилди.

Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига зикр этилган тузатишларни киритиш таклиф этилаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78- ва 93-моддаларига ҳам тегишли ўзгаришлар киритиш зарурати туғилиши таъкидланиб, жумладан, Конституциянинг 78-моддаси 15-бандини "... шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш" деган сўзлар билан тўлдириш кераклиги таклиф этилди. Кейинчалик бу таклиф асосида ўзгаришлар киритилган бу банд Конституцияда қуйидагича ифодаланди: "Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш".

93-модданинг 15-бандига "вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади" деган

---

<sup>23</sup> *Ўша жойда.-Б.12-13.*

сўзлардан олдин “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан ...” деган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Кейинчалик мазкур киритилган ўзгартиш Конституцияда қуйидагича ифодаланди: “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли”.

Шунингдек, 93-модданинг 8-бандидан “ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади” деган сўзларни чиқариш, 93-модданинг 16-бандини “...Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли” деган сўзлар билан тўлдириш тавсия этилди. Кейинчалик мазкур киритилган ўзгартишлар асосида Конституциянинг 93-моддаси 8- ва 16-бандлари қуйидагича ифодаланди:

“8) республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

16) республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли”.

Шунингдек, 93-модданинг 12-бандидан “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори” деган сўзлардан кейин “унинг ўринбосарлари” деган сўзларни чиқариш ва уларнинг ўрнига “Ҳисоб палатаси раисини” деган сўзларни киритиш ва ундан сўнг матн бўйича “тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади” деган тарзда баён этиш кераклиги таклиф этилди<sup>24</sup>.

Кейинчалик мазкур киритилган ўзгартиш Конституцияда қуйидагича ифодаланди: “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади”.

Шу билан бирга, Президент И.А.Каримов Концепцияда “сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беришини” алоҳида таъкидлаб кўрсатиш баробарида “мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг

---

<sup>24</sup>Ўша жойда. -Б.13-15.

юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқ” эканлигига барчанинг диққат-эътиборини қаратди.

Концепцияда илгари сурилган таклифлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 2011 йил 4 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатининг 25 март куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида маъқулланди ва 2011 йил 19 апрель куни матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда амалга ошириб келинган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, унинг янги босқичини бошлаб берди ва давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат Бош вазирни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этишнинг, парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги демократик тартибини белгилаши билан бирга, жамият ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишини таъминлашга ҳамда юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланишига ҳам кенг шароитлар яратади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### 7-мавзу. Давлат ҳокимията ва бошқарувини демократлаштириш

<i>Талаба сони 20-50та</i>		Вақти 2 соат	
<i>Машғулот шакли</i>		Анжуман - амалий машғулот	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари</li> <li>2. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни</li> <li>3. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ислохотларини янада чуқурлашуви</li> </ol>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўзбекистонда давлат бошқаруви - ижрочилик фаолияти юритиш хусусиятига эга бўлган давлат ҳокимияти фаолиятини амалга оширишнинг ягона кўринишидир. Бундай бошқарув биринчи галда, қонунлар, Президент фармонлари, қарор ва фармойишларини ҳаётга жорий этишга қаратилган. Давлат бошқаруви хўжалиқ, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга оширилади. Давлат бошқаруви маълум бир мақсад ва вазифаларга қаратилган бўлиб, бир қатор функцияларга таянади. Машғулотининг мақсади мазкур тизимидаги ўзига хос бошқарув принципларига қаратилади.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштиришни англаб етишни шакллантириш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришда давлат ҳокимияти ва бошқарувни демократлаштиришни ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосаларга чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришнинг тегишли манбаалар асосида ўрганиш, атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.	
<i>Ўқитиш шароити</i>		Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>		Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.	

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Ўзбекистон Республикасида марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, деганда нимани тушунасиз.
2. Давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви тушунчаларини таърифлаб беринг.
3. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш қачон бошланди, бу соҳада нималарга эришили.
4. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга доир қандай стратегик вазифалар кўйилди.
5. Ўзбекистонда қандай жамият ва давлат қуриш асосий стратегик пировард мақсад сифатида эълон қилинган.
6. Ўзбекистон Республикаси марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари
7. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни
8. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ислохотларини янада чуқурлашуви
9. Ўзбекистонда давлат бошқаруви - ижрочилик фаолияти юритиш хусусиятига эга бўлган давлат ҳокимияти фаолиятини амалга оширишнинг ягона кўриниши.
10. Қонунлар, Президент фармонлари, қарор ва фармойишларини ҳаётга жорий этишга қаратилганлиги.
11. Давлат бошқаруви хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий соҳаларга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга оширилиши.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

# ГЛОССАРИЙ

1. **Демократия концепциялари** – “Ўзбек модели”нинг машхур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини еркинлаштириш билан боғлиқ мумтоз стратегияси етти устувор мақсад вазифалар концепцияси.
2. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
3. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
4. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
5. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
6. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
7. **Иқтисоий плюрализм** – мулк шакллари ва ҳўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
8. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
9. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
10. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
11. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
12. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар куришга тарафдорлик.
13. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
14. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
15. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
16. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
17. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
18. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
19. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳуқумронлик.
20. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

21. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
22. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қаратилади. "Партия" атамаси латинча "нарс", "парц"- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
23. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
24. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
25. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
26. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
27. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
28. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
29. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
30. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
31. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
32. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
33. **МДХ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислоҳатлар мажмуи.
34. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
35. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
36. **Ижтимоий** – сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётни ташкил қилади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**8-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

## 8-мавзу. Фуқаро эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш

### РЕЖА:

1. Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги тушунчаси ва унинг инсон ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихидаги талқинлари.
2. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигининг асосий мезонлари.
3. Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги демократик жамият қуришнинг зарурий шарти.

Фуқаролик тушунчаси жамиятнинг ҳозирги давр демократик, ҳуқуқий давлат томон ривожланишида катта йўлни босиб ўтди. У жамиятнинг демократик ривожланишида қўлга киритилган улкан ютуқлардан бири.

Фуқаролик тушунчаси қадимий Юнонистонда ва Римда мавжуд бўлса-да, асосан феодализм инқирозга учраб, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт демократия ва бозор муносабатлари заминиға ўта бошлаганда, ҳозирги шаклида пайдо бўла бошлади ва илк бор «шаҳарли» (французча «ситуайян», инглизча «ситезен», русча «горожанин-гражданин») деган маъноларни англатган. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг, ўзбек тилида ўтмишдаги «гражданлик» сўзи ўрниға «фуқаролик» деган атама қабул қилинди<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида фуқаро эркинлиги ва унинг фаоллиги масаласи демократик жамият барпо этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида қабул қилинган қоидалардан асосийсини ташкил этади.

Шу ўринда эркинлик тушунчасини аниқлаш ҳам зарурдир. Негаки, фуқаро эркин бўлган тақдирдагина, жамият тараққиётга эришади.

Ижтимоий-сиёсий фалсафада индивидлар эркинлиги ва улар иродасининг эркинлиги бир-бириға ўхшаш тушунчалар деб қабул қилинади. Бунинг асосий сабабларидан бири, ҳуқуқнинг ўзи одамлар эркинлиги шакли, яъни улар иродасининг эркинлиги эканлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан «фуқаро эркинлиги» тушунчаси ҳам политологик, ҳам ҳуқуқшунослик фанларининг умумий категориялари сифатида ўрганилади. Демократия асосий инсон эркинлигини қонунлар орқали кафолатлайди. Демак, демократиянинг ўзи очик муҳокама, ижтимоий зиддиятларни ифода этиш ва бартараф қилиш усули сифатида, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар декларацияларида қайд қилинган эркинликларсиз мавжуд бўла олмайди. Бу ерда сўз эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи, эркин уюшмалар тузиш ҳуқуқи, ҳаёт тарзини ўзгартириш эркинлиги ва шахснинг хавфсизликка бўлган ҳуқуқи тўғрисида кетмоқда. Ушбу ҳуқуқлар демократиянинг асл моҳиятини ташкил қилгани боис, улар ҳимоя қилиниши керак.

Ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий фанларида «инсон» деганда Ерда яшаётган мавжудот турларидан бири тушунилади. Инсон алоҳида олинган тур (Ҳомо

---

<sup>1</sup> Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ, 1998. 225-б.

сапиенс) вакилини ифодаловчи умумий тушунчадир. Инсон, умуман зотнинг йиғиқ образи сифатида биоижтимоий мавжудот бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам табиатга, ҳам ижтимоий ҳаётга мансубдир. Индивид - инсон зотининг алоҳида олинган нусхаси, унинг вакилларида бири. Шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади. Индивиднинг жамиятга кириш жараёнлари унинг ижтимоийлашувини таъминлайди. Ижтимоий муносабатларга киришиш натажасида индивиднинг жамиятдаги қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириб бориши учун замин яратилади. Бу жиҳатдан ёндашганда, у ижтимоий таъсир объектидир. Шунингдек, индивид ижтимоийлашув оқибатида жамиятдаги турли муносабатларда фаоллашади ва бунда у ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ҳаракатланувчи шахсга субъектга, кучга айланади.

Инсоннинг пайдо бўлиши, унинг жамиятдаги ўрни ва моҳияти доимо ижтимоий фанларнинг муҳим ва баҳсталаб соҳаларидан бири бўлиб келди. Аристотелнинг таъкидлашича, «инсон - табиатан (моҳиятан) ижтимоий»<sup>1</sup> эканлигини таъкидлаш билан бирга, «умумий маънода кимда-ким ҳокимият юритиш ва бўйсунушга тааллуқли бўлса, ўша фуқародир; ҳар бир давлат тузумида фуқаронинг моҳияти ўзгаради. Давлат тузумининг энг яхши турида кимда-ким маънавий қадриятлар талабларига мос ҳаётни назарда тутган ҳолда бўйсунуш ва ҳокимият юритишни хоҳласа ва унга қобил бўлса, ана ўша фуқародир»<sup>2</sup>.

Инсоннинг моҳиятини дастлабки ўрганган олимлардан бири Хитойдаги Конфуций ва унинг издошлари эди. Эрамиздан илгари 298-238 йилларда яшаган Конфуцийнинг издоши бўлган олим Сень-цзи шундай деб ёзган эди: «Туғма хусусиятлар - бу самовий муносабатлар ҳосилидир. Уларга таълим ёки одамнинг ўзини яратувчилик ижоди воситасида эришиб бўлмайди. Инсон ёвуз табиатга эга. Инсондаги эзгулик манфаатлар учун орттирилган фазилатдир. Ҳозирги инсон туғилишидан бошлаб фойда олишга интилади. Бу шунга олиб келадикки, кишилар ўзаро рақобатлашадилар ва бир-бирларига ён бермайдилар. Шунинг учун ҳам тарбия йўли билан инсон табиатини ўзгартириш, яратилган қоидалар асосида таълим бериб, уларни адолатлиликка ва масъулиятликка ўргатиш лозим»<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, инсонни жамиятга уюшиши ёки унинг жамият аъзосига айланиши ва фаоллашуви учун у маълум даражада ташқи таъсирга ва ҳаётдаги ижтимоийлашувга эҳтиёж сезади.

Инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири - унинг ижтимоий мавжудот эканлигидир. Инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ўзи каби инсонлар билан бирлашишга интилади. Инсоннинг ижтимоийлашуви сунъий характер касб этиб, у шахс сифатида бошқа инсонлар ўртасидаги муҳитдагина шакллана олади. Агар у инсоний муносабатлардан ҳоли бўлса, ўзидаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатидан халос бўла олмайди. Инсондаги жамиятга уюшишга интилишнинг табиий тарзда кечишини Абу Наср Форобий қуйидагича ифодалайди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп

<sup>1</sup> Аристотель. Соч. в 4-х т. -М.: Мысль, 1984, с.63.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 471-бет.

<sup>1</sup> Антология мировой философии. В 4-х т. М.: 1969. Т.1. стр.230-231.

нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни кўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди»<sup>2</sup>.

Анъанавий жамиятларда инсоннинг яратувчилик ижодий қобилияти анча чегараланди. Чунки анъанавий жамиятларда меҳнатнинг табиий тақсимоти ва ихтисослашуви адолат принципларига асосланмади. Шунингдек, бу жамиятларда шахслараро муносабатларнинг ўта табақалашуви, ўзаро ҳаракатлар ва муносабатларни норасмий мувофиқлаштирилиши, жамият аъзоларининг бир-бирига тобелик, уруғчилик ва қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлиқлиги натижасида шахс эркинлиги ҳам таъминланмади. Бошқарувдаги примитив тизимлар имтиёзсиз жамият аъзоларининг фаоллигини пасайтириб, бу ҳолат шахснинг ижодий фаолият кўрсатиш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга имкон бермас, натижада ўзаро муносабатлар биқик тарзда рўй берар эди.

Замонавий жамиятнинг пайдо бўлиши билан инсоннинг ижтимоий ва сиёсий муносабатлардаги ўрни юксалиб борди. Бу жамиятларда ўзаро муносабатларнинг бир-бирига таъсир этиш даражаси ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви рўй берди. Бу жараёнларнинг секинлик билан юксак таълим ва тажрибага, шунингдек, юқори касбий малакага асосланиши, ижтимоий муносабатларнинг қонунлар, меъёрлар, шартномалар асосида мувофиқлаштиришнинг расмий тизимини яратилиши замонавий жамиятларни халқчил бўлишига замин яратди. Динни давлат ва бошқарувдан ажратилиши, ижтимоий институтларнинг кўпайиши ва ривожланиши каби омиллар натижасида инсонлараро муносабатлар юксалиб, сиёсий институтларни назорат этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш, жамиятда тенглик ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлди. XX асрга келиб энг такомиллашган ва замонавий кишилик бирликларини фуқаролик жамияти, деб аташ русумга кирди.

Фуқаро ҳуқуқларини таъминлашда инсоннинг табиий ҳуқуқларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қадимги антик файласуфлар талқинича, табиий ҳуқуқ табиатига боғлиқ ҳолда инсонлар туғилишлариданок бир хилдирлар. Ижтимоий шартномалар асосида қонун ва давлат пайдо бўлди. Аристотелнинг фикрича, инсонни туғилишидаёқ пайдо бўлган хусусий мулкка бўлган табиий ҳуқуқи инсоннинг табиати ва унинг дастлабки ўзини ўзи севишига асосланади. Қолаверса, ана шу табиий ҳуқуқни таъминлашга интилиш, хусусий мулк жозибаси, уни сақлаш ва кўпайтириш манфаатлари инсонни жамиятда тезлик билан ижтимоийлашувига ва фаоллашувига олиб келади.

---

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаіри. Т.:А.Кодирий номидаги «Мерос» нашриёти, 1993, 186-бет.

Тор маънода инсон ҳуқуқлари тушунчасига фақат давлат ҳимоя қиладиган ва кафолат берадиган ҳуқуқлар кириб, ҳозирги даврда уларни конституцион-ҳуқуқий асослар ёки ва давлат чегаралари билан чеклаб қўйиш осон вазифа эмас. Бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамаш, виждон ва дин эркинлиги, оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуқлари, зулмкорларга қаршилик қилиш ҳуқуқи ва бошқалар киради. Кенг маънодаги инсон ҳуқуқлари эса ўзида шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини ифодалайди.

Барча инсон ҳуқуқларини неготив ва позитив йўналишларга бўлишга доир таснифлаш кенг тарқалган. Мазкур ҳуқуқларни бу каби бўлиниши эркинликни неготив ва позитив жиҳатларини ифодалашга асосланади. Маълумки, эркинликнинг неготив аҳамияти нуқтаи назарига биноан шахсга нисбатан мажбурлаш ва чеклашларнинг йўқлиги тушунилади. Позитив нуқтаи назардан эса танлаш эркинлиги, асосан, инсоннинг ўз мақсадларига эришиш қобилияти, унинг индивидуал ривожланиши ва умуман, унинг қобилиятларини пайдо бўлиши тушунилади. Эркинликларнинг мазкур бўлинишидан келиб чиқиб, неготив ҳуқуқлар деганда, давлат ва бошқа инсонларнинг индивидга нисбатан у ёки бу ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши тушунилади. Бу ҳуқуқлар шахсни ноҳуш таъсирлардан, унинг эркинлигини бузиши мумкин бўлган аралашини ёки чеклашлардан ҳимоя қилади. Бу ҳуқуқлар асос бўлувчи, муҳим ва мутлақ ҳуқуқлар сирасига киради. Мазкур ҳуқуқларни таъминлаш давлат ресурслари ёки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларига боғлиқ эмас. Неготив ҳуқуқлар эса шахс эркинлигининг асосидир.

Неготив ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, позитив ҳуқуқлар фуқарога уни у ёки бу неъматлар билан таъминлаш, унинг маълум ҳаракатларини амалга ошириши учун давлат, шахслар ва ташкилотлар мажбуриятларини ифодалайди. Бу - масалан, ижтимоий ёрдам олиш, таълим олиш, соғлиқни сақлашни ҳимоя қилиш, муносиб яшаш даражасини таъминланиши ҳуқуқлари кабилардир.

Инсоннинг фуқаролик (шахсий), сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари амалга ошиш йўналишларидан келиб чиқиб, неготив ва позитив ҳуқуқлар соҳаларига бўлинадилар. Уларнинг ичида фуқаролик ҳуқуқлари инсоннинг табиий, асос бўлувчи ва ажралмас неготив ҳуқуқлари доирасига киради.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон жамиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий қадриятлар талаблари даражасида шаклланди. Шунингдек, Конституция ва қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат талаблари даражасидаги мезонлари ва меъёрларини ярата олди. Конституциянинг 24-моддасидаги «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», 25-моддасидаги «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», 27-моддасидаги «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашиндан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган

ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас», 29-моддасидаги «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга...», 32-моддасидаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», 36-моддасидаги «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади», 43-моддасидаги «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди»<sup>1</sup> каби фуқаролик жамияти қуришнинг демократик қадриятлари ва тамойиллари шаклланишини таъминлайдиган қонун ва қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг келажак истикболларини белгилаб берди.

Фуқаро эркинлигини таъминлаш унинг бурчлари билан мустаҳкам боғлангандагина, реал воқеликка айланиши мумкин. Ривожланган мамлакатларда фуқаро бурчларига қонунларга амал қилиш, бошқа шахслар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, солиқларни тўлаш, ҳарбий мажбурият, табиат, атроф-муҳит, тарихий ёдгорликларни асраш кабилар киради. Баъзи мамлакатларда эса давлат ҳокимияти органларига сайловларда овоз бериш ҳам муҳим фуқаролик бурчларидан бири ҳисобланади. Демократик жамият қуриш тажрибалари кўрсатдики, қайси бир жамиятда мансаби, ирки, жинси ва бошқа ижтимоий даражаси қандай бўлишидан қатъий назар, фуқаролар конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ўз бурчларини амалда бажарганларидагина, ўзлари учун тегишли бўлган эркинликлари ва ҳуқуқларидан фойдалана олишлари мумкин. Акс ҳолда, бу демократик қадриятлар қўпол равишда бузилиб келган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясининг ИХ бобидаги 6 та модда махсус равишда фуқароларнинг бурчларини мустаҳкамлаб қўйган. Хусусан, Конституциянинг 48-моддаси қуйидагича ифодаланади: «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар».

Демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши энг муҳим омиллардан биридир. Бу ҳақда мамлакат Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрни билдиради: «Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 10-14-бетлар.

масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустаҳкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади”.

Мустақиллик даврида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ҳам муҳим эътибор берилди. Мамлакатда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати жамиятнинг барча йўналишларида кенг фаолият олиб бормоқда. Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади - ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат, деб белгиланган. Ҳаракатга Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб биладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган ўн тўрт ёшдан йигирма саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлари аъзо бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, мактаблар, лицей ҳамда коллежлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда бўлим ва бошланғич ташкилотлари фаолият олиб боради. Мамлакатда 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг сони 7 миллиондан ортиқроқни ташкил этади. Ҳозирги даврда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари сони 20 мингдан ортиқроқни ташкил этиб, улар 4 миллиондан ортиқроқ ёшларни бирлаштиради. Шунингдек, ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган Болалар ташкилоти ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усулларидан фойдаланган ҳолда, болалар дунёқарошига ватанпарварлик, ижтимоий тадбирларда фаол иштирок этиш, ўзини ўзи бошқаришни ўрганишни сингдириш каби йўналишларга қаратган.

Ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишда сайловлар муҳим ўрин тутди. Унда аввало, сайловчиларнинг ихтиёрий берган овозларига биноан сиёсий институтлар легиоёмлиги ошади. Қолаверса, сайловларда жамиятдаги турли хил гуруҳларнинг тинч рақобатдошлиги кутилганлиги сабабли ҳам сайлаш жараёнлари сиёсий зиддиятларни ҳал этишга олиб келади. Шунингдек, сайловлар аҳоли сиёсий манфаатларини ифода этувчи сиёсий партиялар, бошқа сиёсий ташкилотларнинг фаол ҳаракатлари туфайли турли экстремистик ҳаракатларни чеклаб туради. Шу билан бирга сайловлар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ижтимоийлашувига кўмаклашади. Сайловлардаги турли кампаниялар, уларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш каби тадбирлар сайловчилар сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларини юксалтиради. Шунингдек, сайловлар фуқароларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига қулай имкониятлар яратади.

Мамлакатда ўтказилган сайловларни таҳлил этиш кўрсатдики, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Мамлакат фуқаролари ҳозир мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий жараёнлар ва ислохотларга нисбатан бефарқ эмаслар. Айниқса, фуқароларнинг

Ўз манфаатларини ижтимоий фаоллик ва гуруҳий нодавлат ташкилотлар воситасида ифода этиш, уларни қондиришга интилишлари ривожланиб бормоқда. Лекин, шу билан бирга, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги фаоллигини ошириш учун улар дунёқарашида демократик тамойиллар асосидаги сиёсий ва ҳуқуқий онгни сингдириш эҳтиёжлари сезилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, иқтисодий ва сиёсий ҳаётни эркинлаштиришдир.

Ўз-ўзидан равшанки, сиёсий тузум тўла-тўқис амал қилишини ва унинг янада эркинлашувини таъминлаш учун уни ташкил этувчи ҳамма тузилмалар, яъни мавжуд субъектлар - шахс, сиёсий институтлар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ҳамда қатламлари ва хоказолар тўлақонли фаолият кўрсатишига эришиш зарур”.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният борлиқни ва ижтимоий ҳаётда эркинликни ифодалашнинг ҳуқуқдан ташқари бошқа бирон-бир шаклини ҳозиргача кашф этмаган. Бу мантиқан ҳам, амалда ҳам мумкин эмас. Одамлар ўз тенглиги даражасида эркиндирлар ва эркинлиги даражасида тенгдирлар.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### 8-мавзу. Фуқаро эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини таъминлаш

<i>Талаба сони 20-50та</i>		Вақти 2 соат	
<i>Машғулот шакли</i>		Анжуман - амалий машғулот	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги тушунчаси ва унинг инсон ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихидаги талқинлари.</li> <li>2. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигининг асосий мезонлари.</li> <li>3. Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги демократик жамият куришнинг зарурий шарти</li> </ol>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Фуқаро эркинлиги ва улар иродасининг эркинлиги бир-бирига ўхшаш тушунча. Бунинг асосий сабабларидан бири, ҳуқуқнинг ўзи одамлар эркинлиги шакли, яъни улар иродасининг эркинлиги эканлиги билан белгиланишини. Шу нуқтаи назардан «фуқаро эркинлиги» тушунчаси ҳам политологик, ҳам ҳуқуқшунослик фанларининг умумий категориялари сифатида ўрганилади. Демократия асосий инсон эркинлигини қонунлар орқали кафолатлайди. Машғулотнинг асосий мақсади ана шуларни очиб беришдан иборат.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришда фуқаро эркинлиги ва фаоллиги тушунчаси англаб етишни шакллантириш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришда фуқаро эркинлиги ва фаоллигини ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосалар чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришнинг тегишли манбаалар асосида ўрганиш, атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.	
<i>Ўқитиш шароити</i>		Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>		Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.	

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. “Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги“ тушунчаси, унинг ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихидаги талқинлари.
2. Абу Наср Фаробийнинг комил инсон ва фозил жамият тўғрисидаги қарашлари.
3. Ҳозирги давр демократиясида инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари.
4. Президент И.А.Каримов демократик жамият қуришда инсон ва шахс эркинлиги, фаоллигини юксалтириш тўғрисида.
5. Ўзбекистонда инсон фаоллигини ошириш демократик жамият қуришнинг асосий омили эканлиги.
6. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш – демократик жамият қуришнинг бош мақсади.
7. Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантиришда фуқароларнинг қонун ва қарорлар қабул қилишдаги фаоллиги.
8. Унинг фуқаро эркинлиги ва фаоллигини оширишдаги аҳамияти.
9. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигининг асосий мезонлари.
10. Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги демократик жамият қуришнинг зарурий шарти

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

# ГЛОССАРИЙ

1. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
- 2 **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
37. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
38. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
39. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
40. **Иқтисоий плярализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
41. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
42. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
43. **Маънавият** – инсонларнинг ички, рухий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
44. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
45. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар куришга тарафдорлик.
46. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
47. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
48. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
49. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
50. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
51. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
52. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳуқумронлик.
53. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
54. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
55. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини кўшиш,

давлатнинг конституциявий меъёрларини хурмат қилишга қапатилади. "Партия" атамаси лотинча "нарс", "парц"- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.

56. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
57. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири қадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
58. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
59. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
60. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
61. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
62. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
63. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
64. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
65. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
66. **МДХ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислохатлар мажмуи.
67. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
68. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016  
“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ**

**НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**  
**кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ**  
**НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**9-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

**9– мавзу. Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодётни  
лебираллаштириш**

## РЕЖА:

1. Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва унинг моҳияти.
2. Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш тараққиёт омили.
3. Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ва унинг хусусиятлари.

Иқтисодий ҳаёт кишилик жамияти ҳаётининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, инсон ривожланиши манбаини ташкил қилади. Унда инсонлар ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида тирикчилик неъматларини ва воситаларини ишлаб чиқарадилар. Шунингдек, улар тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишга қаратилган фаолиятларида ўзаро иқтисодий муносабатларга киришадилар.

Иқтисодий ҳаёт кишиларнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ҳаёт соҳаларининг моддий асосини ташкил этади ва уларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Айни пайтда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва давлат тизими иқтисодиётга жиддий таъсир этади.

Собиқ тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида иқтисодий ҳаёт сохта сиёсат, мафкуравий мақсадларга бўйсундирилган эди. Мафкура иқтисодиётдан устун бўлиб, унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб берарди. Бу тузумнинг иқтисодий негизини давлат ва колхоз-кооператив мулк шаклларида иборат умумхалқ мулки деб аталмиш, эгасиз мулк ташкил этарди. Давлат асосий ишлаб чиқариш фондларининг 90 фоиздан ортиғига эга бўлиб, иқтисодиётда яқка ҳокимликни ўрнатган эди. Бунинг оқибатида давлат иқтисодиётни, иқтисодий ҳаётни бир марказдан маъмурий-буйруқбозлик асосида бошқариб, нимани, яъни қандай маҳсулот ва хизматларни қанча миқдорда, қандай технологиядан фойдаланиб, кимлар учун ишлаб чиқаришни режалаштириб, белгилаб берар эди.

Жамият аъзолари ижтимоий мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш мулкдорлик ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Тадбиркорлик, бизнес билан шуғулланиш қонун билан ман этилган эди. Бундай фаолият билан шуғулланганлар чайқовчи, ёт унсур сифатида жиноий жавобгарликка тортилар эдилар.

Кишиларнинг мулкдан, унинг натижаларини тасарруф этишдан бегоналанишлари туфайли, меҳнат мотивацияси ва ижтимоий адолат тамойиллари бузилган эди. Пировард натижада собиқ иттифоқ чуқур таназзулга учраб, тарқаб кетди.

Маълумки, шахснинг мулкдор бўлиш, эркин касб танлаши, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ўзи истаган иқтисодий фаолият тури билан эркин шуғулланиш ҳамда шунга мувофиқ чекланмаган даромад олиш ва яхши яшаш имкониятларига эга бўлиш каби демократик ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини амалга оширишни фақат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётигина таъминлашга қодирдир.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон, халқ турмуш фаровонлигини, иқтисодий фаолият тадбиркорлик эркинликларини, энг муҳими, мулкдор бўлиш имкониятларини таъминлайдиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида туб ислохотларни амалга оширмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тинг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди»<sup>1</sup> деб белгилаб қўйилган.

Ушбу ислохотларнинг асосий мақсади ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Биз туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришар эканмиз, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш куруқ мақсад эмас, деган аниқ-равшан хулосага келганмиз. Барча ислохотларнинг-иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат»<sup>1</sup>, - деб таъкидлаган.

Эркин ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси иқтисодий плюрализм бўлиб, демократиянинг умумбашарий тамойили ҳисобланади. Иқтисодий плюрализм тушунчаси мулк шакллари ва хўжалик юритиш усуллариининг хилма-хил бўлишида ўз ифодасини топади. Шу боисдан ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ўз моҳиятига кўра кўп укладли полииқтисодиёт бўлиб, унда турли мулк шакллари ва хўжалик укладларининг тенг ҳуқуқлиги, мувозанатда бўлиши ҳамда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги таъминланади.

Ўзбекистонда шаклланаётган хусусий мулк икки турдан иборат бўлади: биринчиси, якка тартибда фаолият юритувчи якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларнинг, деҳқон ва фермерларнинг хусусий мулки, иккинчиси, уларнинг ширкат хўжаликларидаги пайлари, акциядорлик жамиятларидаги акциялари, уюшмалардаги улушларидан иборат корпоратив хусусий мулк. Якка ва корпоратив (улушли) хусусий мулк эгалари мулкдор ҳисобланиб, уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқлари, даҳлсизлиги давлат томонидан ҳимояланди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодексида» «мулк ҳуқуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиши ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эса мулкдор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-бет.

<sup>1</sup> Каримов И.А.. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 281-282-бетлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.:19, 164-модда.

ҳуқуқининг дахлсизлиги билан бирга, унинг масъулияти ҳам белгилаб берилган. Хусусан, унда «мулкдор мулкига ўз хоҳишига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт»<sup>2</sup>, деб таъкидланган. Хусусий мулк миқёсларининг кенгайиб боришига олиб келади.

Тадбиркорлик эркинлиги айрим шахслар ва уларнинг уюшмалари, гуруҳларининг фойда, даромад олиш мақсадида маълум соҳада ҳўжалик, иқтисодий фаолият юритиш эркинлигини билдиради. Бу шунингдек, у ёки бу тармоққа тадбиркорларнинг ўз хоҳишларига кўра киришини ва ундан чиқишини ҳам англатади.

Танлаш эркинлиги истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларининг устунлигини, уларнинг ўз хоҳиши, истаклари, диди, даромадига мос товар ва хизматларни танлаш эркинлигига эга эканликларини ифодалайди. Бунинг учун биринчидан, товар хизматлар ҳамда ресурс бозорлари ҳам қиммат, ҳам арзон, бир-бирларининг ўрнини босувчи ва тўлдирувчи товарлар билан тўлган бўлиши, иккинчидан, давлат истеъмолчиларни уларнинг ҳаёти ва саломатлигига зиён ва зарар етказувчи товарлардан ҳимоя қилади. Шу мақсадларда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни амалга оширилмоқда. Унга биноан истеъмолчилар товар (иш, хизмат) ва уларни ишлаб чиқарувчи (бажарувчи)лар ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товарларни эркин танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Товар, иш, хизмат истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавfli нуқсонга эга бўлгани ҳамда ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг ғайриқонуний ҳаракати туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши таъминланади.

Товарнинг нуқсонлари бўйича истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўрилади. Бундай товарлар бошқа нуқсонсиз товарларга алмаштирилиб берилади ёки зарарнинг ўрни пул билан қопланади. Истеъмолчи ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, унинг танлаш эркинлигини таъминланиши демократик иқтисодий тамойилининг рўёбга чиқарилишини англатади. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда қабул қилинган муҳим қарорларига мувофиқ республикага истеъмол товарларини ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирларининг кўрилиши муҳим аҳамият касб этади.

Кишилар наф, фойда ва даромад олиш учун интилиб, ўзларида бор бўлган қобилиятлари ва имкониятларини ишга соладилар. Рақобат иқтисодиёт субъектлари шахсий манфаатларини рёбга чиқаришнинг чегарасини белгилайди. Ҳеч кимнинг иқтисодий яккаҳоқимлик қилишига йўл қўймайди. Шунингдек, рақобат ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларнинг истеъмолчи, харидорлар манфаати, диди, хоҳишини инобатга олишга бир-биридан арзонроқ

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-бет

ва сифатлироқ товарлар ишлаб чиқариш мақсадида янги техника ва технологиядан фойдаланишга ундайди.

Эркин тадбиркорлик, рақобат ва нарх тизимига асосланган бозор иқтисодиётида ҳукумат ва давлатнинг роли чекланган бўлади. Давлат бозор механизмининг амал қилишига кўмаклашади. Бунинг учун давлат иқтисодиёт субъектлари фаолиятининг қонуний базасини яратиб, уларнинг фаолият, “ўйин” қоидаларини белгилайди. Аҳолининг турмуш даражасининг барқарор ўсиб боришини, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, бой-камбағаллар ўртасидаги фарқларнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида аҳоли даромадларини солиқлар, трансферт тўловлари воситасида қайта тақсимлайди, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида солиқ, бюджет ва пул-кредит воситалари орқали иқтисодиётни тартиблайди. Давлат бозор механизми тўла-тўқис бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олиб, рақобат муҳитини сақлайди, иқтисодиёт субъектларининг эркин фаолиятини таъминлайди. Ҳамда жамият учун керак бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олади.

Демак, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар инсонга муносиб турмуш шароитларини яратишга, кишининг эркин тадбиркорлик ва меҳнат қилиш, танлаш эркинлигини ҳамда мулкдор бўлишдек муҳим демократик ҳуқуқларини таъминлашга, иқтисодий ҳаётни демократлаштиришга қаратилгандир.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги бунок давлат», «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида», «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз» ва бошқа асарларида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бозор иқтисодиётига ўтишининг назарий асослари, концепцияси ишлаб чиқилган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси уч таркибий қисмдан иборат:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг таърифи;
- бозор муносабатларини шакллантиришнинг муҳим тамойиллари;
- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан кўзланган «пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли

демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир<sup>1</sup>», - деб белгилаб берган.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, унда демократия тамойиллари бўлган иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини, эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш орқали иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришга йўналтирилгандир.

Иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни демократлаштириш, эркин ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини яратиш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида (1991-1994 йй.) маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини янгиси, тангликка барҳам бериш ва иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш вазифаларини ҳал қилишга киришилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи (1995-1999 йиллар)да давлат мулкни дастлабки, кичик хусусийлаштиришни тугаллаш, мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш, тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар бериш вазифалари белгиланди. Бу босқичда саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги, аграсаноат комплексининг гўшт-сут озиқ-овқат ва пахта саноати тармоқларидаги ўрта ва йирик корхоналар, шунингдек, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларидаги сайёхлик комплексларининг хусусийлаштирилиши бошланди. Бу босқичда очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари яратилди, уларнинг акцияларини эркин сотишга чиқарилди ҳамда кенг қўламдаги кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозори вужудга келди. Давлатнинг акциялардаги улуши 26 фоиздан ошмайдиган қилиб қўйилди. Акцияларнинг 50 фоиздан кўпроғи аҳолига, миллий ва хорижий инвесторларга эркин сотиладиган бўлди.

Ушбу босқичда ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам берилди. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб, 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш йўлига ўтилди. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўзгартириш ишларини амалга оширилиши натижасида республика ёнилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришилди. Шунингдек, республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати вужудга келтирилди. Енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 179-бет.

Аммо шу даврларда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва турли назорат органларини ноўрин, ноқонуний аралашуви ҳолатлари кўпайди.

Иқтисодиётнинг нодавлат секторида монополистик бирлашмалар, корхоналар вужудга келдики, улар ички истеъмол ва ишлаб чиқариш воситалари бозорларида ўз хоқимликларини ўрнатиб, нарх- навонинг кўтарилишига сабаб бўлдилар. Ушбу сектордаги акциядорлик жамиятларининг устав фондида, акцияларида давлат улуши катта миқдорда сақланганлиги оқибатида, давлат ишончли вакилларининг уларнинг фаолиятига ноўрин аралашушига имкон яратар эди.

Валюта тизими ва бозорининг давлат томонидан қаттиқ назорат қилиниши эса корхоналар ва тадбиркорларнинг ташқи бозорларга эркин чиқиш имкониятини камайтирарди. Бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги туфайли тадбиркорлар моддий техника ресурслари, молиявий маблағлар, кредитлар олишда қийинчиликка учрар эдилар.

Ушбу нохуш ҳолатлар иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш, тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинликларини кенгайтириш, хусусий мулкдорлар мавқеини янада кўтаришни тақозо этиб қолди.

“Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда” асарида иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш возифаси кўшди. Иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш мамлакат сиёсий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш жараёнлари билан узвий боғлиқдир. Бу борада Президент И.А.Каримов “Ўзбекистондаги ислохотлар ва янгилашни жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди”,<sup>1</sup> - деб таъкидлаганлар.

Иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш эса демократик жамият қурилишининг асоси сифатида унинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашни таъминлайди. Унинг натижасида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатловчи, иқтисодий ривожланишни таъминловчи амалда ўрта мулкдорлар синфи шаклланади.

Президент И.А.Каримов иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш юзасидан қуйидаги вазифаларни белгилаб берган:

Биринчидан, мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш. Бунинг учун хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш;

Иккинчидан, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш;

Учинчидан, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда. /Биринчи чақариқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўн тўртинчи сессиядаги маърузаси, 1999 йил 14 апрель. –Т.; Ўзбекистон, 1999. 15-16 бет.

Тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

Бешинчидан, валюта тизими ва бозорни эркинлаштириш;

Олтинчидан, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашишни чеклаб қўйиш.

Мулк шаклини ўзгартирган давлат корхоналари орасида “Электрокимёсаноат”, “Навоийазот”, “Аммофос”, “Ўзбекрезино-техника” ишлаб чиқариши бирлашмалари, Тошкент ва Фарғона иссиқлик марказлари, Сирдарё ГРЭСи, юк вагонларини таъмирлаш заводи, йўловчи ташийдиган вагонларни таъмирлаш корхонаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли материаллар комбинати сингари стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик корхонлар бор.

Президент И.А. Каримов Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида республикада демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг “бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шarti бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат”,<sup>1</sup> муҳим устувор йўналишини белгилаб берди.

Ушбу устувор йўналишни амалга ошириш учун авваломбор хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш ва кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш лозим бўлади. Эндиликда хусусийлаштириш жараёнлари тобора кўпроқ йирик корхоналарни, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига қамраб олиши, корпоратив хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, акцияларни сотишнинг бирламчи ва иккиламчи биржа ҳамда биржадан ташқари бозорини ривожлантириш амалга оширилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат ва назорат органларининг ноўрин аралашувига барҳам бериш, моддий-техника ресурслари ва молиявий, шу жумладан, кредит маблағлари билан таъминланишини яхшилаш, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш учун ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга. Шунингдек, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатувчи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарини ва қишлоқларда уларнинг филиалларини ташкил этиш муҳим устуворликка эга бўлади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Республикаси Олий Мажлисининг Тўққизинчи сессиясидаги маъруза. //Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш иқтисодий устувор йўналишини амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўрилади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни, валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар бўйича эркин алмашинувини мунтазам таъминлаш;

- иқтисодиёт таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ва уни модернизация қилиш ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш. Бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолат яратиш;

- ички ва ташқи инвестицияларни бутун иқтисодиётга, шу жумладан, олтин-валюта захираларимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қиладиган етакчи тармоқларга устувор равишда йўналтириш;

- жаҳондаги нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, дунё иқтисодий тизимида интеграллашуви ҳамда жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши бозор муносабатларини ривожлантириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, уни янада демократлашувига олиб келади. Эндиликда мулкчилик шаклларида қатъий назар, тадбиркорлик субъектлари учун босқичма-босқич тенг иқтисодий фаолият шароитларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун айрим, стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарга ассосиз равишда берилган имтиёзларни ва улар учун яратилган қулай шароитларни бекор қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, хўжалик субъектлари ҳам қатъий молиявий чеклашлар доирасида, яъни ялпи харажатларининг ялпи даромад ҳажмидан ошиб кетишига йўл қўймаслик асосида фаолият кўрсатишлари лозим.

Иқтисодиёт субъектлари учун солиқ юкини камайтириб бориш билан бир вақтда солиқ тизимининг қатъийлигини ошириш, имтиёзлар беришни камайтириш, кредитларни қатъий шартлар асосида бериш амалиётини жорий этиш уларнинг масъулиятини янада оширади.

Иқтисодий ҳаётни янада эркинлаштириш, демократик жараёнларни кучайтириш мақсадида якка ва корпоратив хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, тадбиркорлик фаолияти эркинликларини таъминловчи ҳамда хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонуний-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий қилиш учун давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш давом эттирилади. Аммо иқтисодиётни давлат томонидан тартиблаш механизмининг ривожлантириш ва унинг бозор механизми билан уйғунлигини таъминлаш йўлида ҳали, шубҳасиз, кўп ишлар қилиш лозим.

Демократик жамият қуриш учун давлатнинг иқтисодий фаолиятини чеклаш, унинг вазифаларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларига узатиш, эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш қулай шароитлар яратади. Пировардида, бозор иқтисодиётининг шаклланишига, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга эришилади. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши – унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига замин яратади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**9-мавзу. Демократик бозор ислохотлари ва иқтисодётни  
лебираллаштириш**

<i>Талаба сони 20-50та</i>	Вақти 2 соат
<i>Машғулот шакли</i>	Анжуман - амалий машғулот

<p><i>Семинар режаси</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва унинг моҳияти.</li> <li>2. Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш тараққиёт омили.</li> <li>3. Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ва унинг хусусиятлари.</li> </ol>
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Иқтисодий ҳаёт кишилиқ жамияти ётининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, инсон ривожланиши манбаини шкил қилади. Унда инсонлар ўзларининг моддий ва маънавий тиёжларини қондириш мақсадида тирикчилик неъматларини ва ситаларини ишлаб чиқарадилар. Шунингдек, улар тақсимлаш, айирбошлаш истеъмол қилишга қаратилган фаолиятларида ўзаро иқтисодий носабатларга киришадилар. Иқтисодий ҳаёт кишиларнинг ижтимоий, даний, сиёсий ҳаёт соҳаларининг моддий асосини ташкил этади ва арнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Айти пайтда, жамиятнинг тимой-сиёсий ва давлат тизими иқтисодиётга жиддий таъсир этади маш-отнинг маъсади =ам шунга ыаратилади.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p>
<p>Ўзбекистонда демократик жамият кўришда бозор ислохотлари ва иқтисодётни лебираллаштириш жараёнларини очиб бериш англаб етишни шакллантириш</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик бозор ислохотлари ва иқтисодётни лебираллаштириш ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосалара чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришнинг тегишли манбаалар асосида ўрганиш, атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>
<p><i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i></p>	<p>Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат</p>
<p><i>Ўқитиш воситалари</i></p>	<p>Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.</p>
<p><i>Ўқитиш шакллари</i></p>	<p>Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.</p>
<p><i>Ўқитиш шароити</i></p>	<p>Техник воситалар билан таъминланган аудитория.</p>
<p><i>Амалий машғулотни баҳолаш</i></p>	<p>Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.</p>

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

1. Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва унинг  
моҳияти.
2. Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш тараққиёт  
омили.

3. Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ва унинг хусусиятлари.
4. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси ва унинг моҳияти.
5. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий тамойиллари.
6. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.
7. Ташқи иқтисодий фаолиятни, валюта бозорини эркинлаштири.
8. Иқтисодиёт таркибий ўзгаришларини амалга ошириш ва уни модернизациялаш.
9. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш.
10. Инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолат яратиш.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

# “ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”

фанидан тайёрланган

## ГЛОССАРИЙ

Тошкент – 2016

## ГЛОССАРИЙ

1. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
2. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
3. **Менталитет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
4. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
5. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
6. **Иқтисоий плюрализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
7. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.

8. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
9. **Маънавий** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва эътиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
10. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
11. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар куришга тарафдорлик.
12. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
13. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
14. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
15. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
16. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
17. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
18. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқарув яъни сиёсий ҳуқумронлик.
19. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
20. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
21. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатилади. “Партия” атамаси лотинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
22. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
23. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири кадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
24. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
25. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
26. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.

27. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни куйи палата раиси.
28. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
29. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
30. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
31. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
32. **МДҲ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислоҳатлар мажмуи.
33. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
34. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**

**кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**10-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

**10-мавзу: Ўзбекистонда демократик жамият қуришда кучли ижтимоий  
ҳимоя ва адолат тамойиллари**

**РЕЖА:**

1. Шарқда ижтимоий адолат тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши.
2. Мустақиллик даврида адолат тушунчасининг янги мазмуни.
3. Ижтимоий ҳимоя ғоясининг адолат ва демократия тамойиллари билан боғлиқлиги.

1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим натижаларидан бири ижтимоий ҳимоя сиёсатининг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрнини ва аҳамиятининг ортиб бориши билан белгиланмоқда. «Бугунги кунда ижтимоий ҳаёт соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиб, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга мухтож қатлам ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистонда

ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.” Дарҳақиқат, бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакатимизда кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилди ва Ҳозирда уни такомиллаштириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу муносабат билан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг замонавий тизими шакллантирилмоқда.

«Адолат» тушунчасининг қолиб чиқиши (социогенези) тўғрисидаги таълимотни буюк аждодимиз Абу Наср Форобий ҳам яратишга уринган. Буюк мутафаккир адолат ғоясини жамиятнинг асосий даврларига татбиқан қараб чиққан. Бунда у инсоният жамиятининг келиб чиқишида табиий эҳтиёжлар ётишини, бу эҳтиёжларни уйғунлаштириш эса адолат туйғусини шакллантиришини таъкидлаган эди. Шарқ мутафаккири Конфуцийнинг ғояларини давом эттирган ҳолда Форобий «адолат» тушунчаси инсониятнинг маърифий даврига тўғри келганлигини таъкидлайди. Бу даврда хусусий мулк ўрнатилади ва у кишиларнинг ўзаро тенгсизлигини келтириб чиқаради. Шуниси муҳимки, тенг тақсимлашни ифодалаган адолат тушуунчаси энди мулк таъсирда тенгсизликни ифода эта бошладн. Бу тушунчанинг ўзи хйсий мулкни ўрнатишда иштирок этади.

Демак, адолат тўғрисидаги тасаввурлар инсониятнинг оддий эгалитаризм, яъни барча баравар бўлган ҳолдаги даражасидан юқори кўтарила бориши натижасида янада тўлароқ шакллана борган. Тенглаштирувчи қоида бўлган, зўрликни акс зўрлик билаи мувофиқлаштирувчи восита сифатида даъволар тенглигини ўрнатиб келган «адолат» тушунчаси хйсий мулкка асосланган жамиятда янгича мазмун касб эта бошлаган. Энди жамият ижтимоий муносабатларни мувозанатга келтиришнинг янги тизимига муҳтожлик сеза бошлади. Юз берган улкан ижтимоий ўзгаришлар кишилар онгида, дунёқарашда, сиёсий ҳуқуқий фикрда, ахлоқий нормаларда ижтимоий адолат ғоясининг узил-кесил шаклланишига олиб келган. Бу ҳақда Шарқнинг бошқа бир мутафаккири — Абу Али ибн Сино кизиқарли фикрларни баён қилган. Унинг фикрича, ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур булиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади.

Ижтимоий ҳаётда адолатпарварликни катъий туриб ҳимоя қилган таълимотлардан бири тасаввуф фалсафасидир. Тасаввиуф намоёндалари бошқа Шарқ мутафаккирлари сингари ўз умидларини маърифатли ва одил шоҳга боғлайдилар, у орқали барча ижтимоий иллатларни бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Тасаввуф намоёндалари ҳоким ва халқ, шоҳ ва салтанат муносабатларида донолик билан адолатли иш тутиш, давлатни адолатли қонунлар орқали бошқариш, қабул қилинаётган тadbирларнинг халқ томонидан қўлланиши каби ижтимоий муаммоларни кўтаради, бу халқпарвар тузум идеалларини улуғлаштиради.

Тасаввуфнинг кўпгина намоёндалари шоҳлар, ҳокимлар, амалдорлардан адолатни кутиб ўтирмай, ўз амалий фаолиятларида унга амал қилиш билан

ўрناق бўлганлар. Хасан Басрий, Абдулла Ансорий, Абдулхасан Ҳарақоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хўжа Ахрор Валий, Махдуми Аъзам Косоний купинча шоҳ ва хокимлар адолатсизликларига қарши чиқиб, мазлумларни дадил химоя қилганлар, ҳақиқат учун курашганлар

Шарқ мутафаккирлари адолатни асослашда лирик-руҳий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ёндашганлар. Зеро, шарқона жамиятларда азалдан адолат тушунчасига ҳамоҳат тарзда «хак», «меъёр». «ҳақиқат». «бурч» тушунчалари ҳам қадрланадиган келинган. Шунингдек, жамоа манфаати, оиладан тартиб-интизом. эътиқод ва маънавийлик юқорн баҳоланган.

Ғарб мутафаккирлари эса кўпроқ ҳуқуқни, амалий, қидаллик ҳаёт муаммолари нуқтаи назаридан фикр юриттаилар. Шунинг учун ҳам Шарқдагидан анча фарқли тарзда «эркинлик», «тенг ҳуқуқлилиқ», «эрк» гушунчаларига кўпроқ даражада аҳамият берилган. Шу билан бирга индивидуализм. индивиднинг тартиб-интизому, ҳуқуқ адолатга олиб борувчи воситалап сифатда қадрланади, маънавийликда ҳам кўра рационализм мустаҳкам ўринга эга бўлган.

2.Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатли демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий қўмақлашув механизмида ўз аксини топиши керак. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда адолат омили муҳим ўрин тутди. Шў маънода адолат тушунчаси, унинг эркинлик, демократия ва барқарор тараққиёт ғоялари билан муштарак жиҳатлари бугунги кунда ҳам замонавий мазмун касб этмоқда.

Лекин тарихан оладиган бўлсак, ижтимоий адолат ғояси инсониятнинг бутун тарихи орқали ўтиб келган. Шу билан бирга жамиятни адолатли ташкил этиш опзуси ва унинг ҳаётдаги ҳаққоний мавжудлиги ўртасида доимо зиддият булиб келган. Шунга қарамай уни «нақд қилиб қўйишга» йпиниш тўхтамаган. Шу нуқтаи назардан инсоният цивилизациясининг бутун тарихи ижтимоий адолатни кенгайтириш тарихи ҳамдир. Албатта, Шарқ ва Ғарб жамиятларидаги бу каби қадриятлар бир-бирига зид эмас, улар ўзаро уйғунликда умуминсоний қадрият даражасида жамият ҳаётида ижтимоий адолат қоидаларининг барқарор бўлишига хизмат қилади. ллаллик ва Ғарб анъаналарида асрлар давомида шаклланиб келган бу каби тушунчалар ҳамда қадриятларнинг мустақиллик даврида жамиятимизда умуминсоний ғоялар сифатида қайта шаклланиши шу жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Зеро, бу жамиятимизда инсонпарварлик, бирдамлик, инсон эрки ҳамда масъулиятини манфаатлар уйғунлиги, қонун руҳи ва демократия қадриятлари асосида амалга оширишга, шу тариқа ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Умуман, мустақиллик даврида одамларини онгида ижтимоий адолатнинг янги тушунчаси шаклланиши мамлакатимиз келажаги ва ислохотлар муваффақият гаровига айланмоқда. Адолатли жамият қуриш ҳақидаги умуминсоний орзулар ва қарашларни янги жамият барпо этиш

манфаатларига бўйсундириш муҳим амалий масала бўлиб турибди. Биз барпо этаётган жамият инсонларвар бўлмоғи зарур. Бунда демократик моделларни кўр-кўрона кўчириб олмасдан, балки илғор демократик жамиятлар тажрибасини танқидий ўрганиш асосида фуқаролик жамиятиини куриш яхтиёжларига хизмат қилдириш талаб этилади.

Аҳолининг ёрдамга энг муҳтож қатлами — болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини аниқ мўлжалли тарзда амалга ошириш зарур. Шу боис, ислохотларнинг Ҳозирги босқичида ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизминини шакллантириш давом эттирилмоқда. Муайян моддий ёрдам аниқ онлаларга етнб бориши, жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларига мўлжалланган табақалаштирилган ёрдам бўлиши ва ҳақиқатан ҳам бундай ёрдамсиз кун кечиролмайдиганларга бориб тегиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига давлат томонидан шунчаки моддий ёрдам кўрсатишигина эмас, балки жамият аъзоларининг аксарият қисмини эҳтиёж ва манфаатларини қондириш, рўёбга чиқаришда аввало, уларнинг ўз ташаббуси, интилиши ва маъсулиятини кучайтириш асосидаги ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш вақти етди. Айнан шу маънода ижтимоий соҳада амал қилиб қолаётган устувор тамойиллар, хусусан, қонун устуворлиги, ислохотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат каби тамойиллар ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожлантиришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ҳар қандай демократик жамият маълум маънода ижтимоий асосларни бирламчи манба сифатида қабул қилади. Ижтимоий асослари бўлмаган жамият ўз тараққиётида собит бўла олмайди. Шу маънода, демократик жамият тараққиёти учун кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари муҳимдир.

Умумий маънода ижтимоий ҳимоя демократик ҳуқуқий давлат томонидан фуқаролар, турли жамоаларнинг ҳуқуқларини таъмилаш билан четланиб қолмай, улардан амалда фойдаланишни кафолатлаш, амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни англатади. Яъни, инсонлар давлат учун эмас, давлат халқ учун хизмат қилади, бу инсон ва унинг кадр-қимматиға ҳурмат деб баҳоланади.

3.«Ижтимоий ҳимоя», «ижтимоий адолат» тушунчаларининг шаклланиб бориши инсониятнинг демократик тафаккури билан боғлиқдир. Хусусан, Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида нфодаланган фозил жамият ғояси бугунги кундаги демократик жамият концепциясига ҳамоҳангдир.

Форобийнинг фозил жамият концепциясига кўра, бахт-саодатга интилувчи жамиятда қонун устувор бўлиб, бутун ижтимоий ҳаёт ана шу устувор тамойил асосида тузилади. Шу маънода, фозил жамиятда, аввало, эркинлик мавжуд бўлади. Унда адолат, эркинлик ва тенглик тушунчалари кун тартибида бўлиб, бу меъёрлар фозил жамиятнинг асоси бўлади. Шу билан бирга, Форобий фикрича, жамият давлат билан кучлидир. У етуклашгани сайин ўз аъзоларини ҳимояга ола боради. Шунини ҳам алоҳида айтиш керакки, агар ўтмиш мутафаккирлари ижтимоий кафолатланиш учун инсон фаоллиги масаласини илгари сургаи бўлсалар, Форобий қарашларида инсонни ижтимоий

кафолатлашда жамниятнинг роли алоҳида уқтирила бошланди. Демак, жамният ҳам ҳимоя воситаси бўлишига маъсул, деган ғоя илгари сурилган.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя муаммоларни сиёсат даражасига кўтарилди. Бунинг учун эса даставвал қонунлар тизими яратилди, кескин табақаланишдан холи бўлган мулкдорлар синфи шакллантирила бошланди, шу асосда иқтисодий тараққиёт инсон манфаатларига йўналтирилаяпти. Бир сўз билан айтганда, «давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтнэжлари ўртасидаги жарлик» бартараф этилди. Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда инсоннинг жамиятдаги ўрнини англаши, ўзини-ўзи тарбиялай олиши ва ўзини-ўзи тараққий эттира олишига масъулиятнинг кучайиб бориши ижтимоий ҳимоя тизимини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга кўмаклашиши зарур.

Демократик жамиятнинг моҳияти шундаки, адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Жамиятда мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда жамиятнинг кескин табақаланишига, яъни ошнб-тошиб кетган бойвачару камбағал кашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўйилмайди. Шу маънода, ижтимоий ҳимоя, муҳофазага муҳтожларни давлат ҳимоясига олишдир. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя инсоннинг жамиятдаги муносиб ўрнини белгиловчи ва фаоллигининг юксалишини таъминловчи асосий кўрсаткичдан бирига айланади.

XXI аср бошларида демократик тамойилларнинг устувор келиши кўзга ташланади. Ижтимоий ҳимоя тизими ҳам ҳозирги замон давлачилигининг ўзига хос демократлашувдаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Жамиятнинг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойили ҳозирги замон тараққиёт концепциясида янгича йўналишдир. Маълумки, ҳатто барқарор демократик тараққиётга эришган бугунги Европа мамлакатлари ҳам ўз вақтида бундай амалиётни четлаб ўтган эдилар. Ўзбекистонда ана ушбу тамойилни амалга ошириш учун ҳукумат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу ислохотларни янада кенгайтириш учун зарур эди. Ҳозирда, айтиш мумкинки, Ўзбекистон ижтимоий сиёсатида ана шу аниқ натижага эришилди. Бу реал йўналишга эга бўлган амалий босқичдир. Ижтимоий ислохотлар концепцияси жамиятда барқарорлик ва хавфсизлик тизимининг мустаҳкамланишига қаратилди. Натнжада, Ўзбекистон ижтимоий сиёсатида барқарор ўзгаришларга эришилди. Жаҳон экспертларининг хулосаларига кўра, айнан ушбу концепция Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёт босқичига киришига асос бўлди. Хусусан, яқинда БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан турли давлатларнинг ижтимоий ривожланиш бўйича эълон қилган қиёсий тадқиқот натижалари ҳам фикриМИЗНП тасдиқлайди.

Ўзбекистонда юрнтилаётган ижтимоий сиёсатдаги ўзгариш жамият табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилишда амалий аҳамият касб этиши зарур. Айнан ушбу ижтимоий талаб бажарилсагина, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг асосларидан бири — ижтимоий тотувлик шаклланади.

Ижтимоий тотувлик устувор бўлган жамиятдагина кучли ижтимоий сиёсат юритиш учун имконият яратилади. Аммо ижтимоий тотувлик ўз-ўзидан кешб чиқмайди. Зеро, ҳар қандай жамиятда турли ижтимоий тафовутларнинг бўлиши табиий ҳолдир. Мутахассислар фикрича, бу ижтимоий тафовутлар қуйидаги

гуруҳлар ўртасида маълум маънода ижтимоий фарқларнинг мавжудлигида ўз ифодасини топади: бойлар ва камбағаллар орасида; кўп миллатли давлатларда аҳолининг этник гуруҳлари орасида; аҳолининг диний гуруҳлари орасида; марказ ва минтақалар орасида; эркаклар ва аёллар орасида; турли авлодларга мансуб одамлар орасида.

Бу тафовутлар Ўзбекистон жалмийтабхида ҳам кўзга ташланади. Шу сабабдан, имкон қадар айтиб ўтилган тафовутлар кўринишини камайтириш борасида чора-тадбирлар амалга ошириб борилишни ижтимоий сиёсатнинг мақсадларидан биридир.

3. Ўзбекистонда ислохотлар бошланган дастлабки йиллардаёқ, кучли ижтимоий ҳимоя тизимини яратишдан мақсад, инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат, деб белгиланган эди. Мамлакат президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири базор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир».

Албатта, ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожини мамлакат иқтисодиётининг аҳолига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Аввало, нодавлат секторининг муайян даражада тарққий этиши, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар мавқеининг мустахкамланиши иқтисодий ривожланиш учун таянч ва асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий сиёсатни реал амалга ошириш учун замин яратади, ижтимоий ҳимоя тизимининг янада такомиллашиб, замон талабига мос бўлиб боришига олиб келади. Бу ҳол Ўзбекистон ижтимоий сиёсатини тадрижий шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки, ижтимоий ҳимоянинг давлат сиёсатидаги ўрни ғоят муҳимдир. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

**Биринчидан,** Ўзбекистон аграр мамлакат бўлиб, унинг кўпгина ҳудудларида ишлаб чиқаришнинг технологиялашуви эндигина оёққа турмоқда;

**Иккинчидан,** мамлакат аҳолисининг 65 фоизи қишлоқда яшайди. Аграр соҳанинг яхши ривожланмаганлиги аҳолининг бу қисми орасида ҳимояга муҳтож оилаларнинг кўплигига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида уларни ижтимоий ҳимоялаш вазифасини қўяди.

**Учинчидан,** мамлакат аҳолиси орасида ёшлар катта салмоққа эга, бу эса ёшларни ижтимоий ҳимоя тизими орқали муҳофаза қилишни талаб этади.

Ижтимоий адолатнинг моҳияти ҳар бир шахс ўз қобилияти ва имкониятларини намоён қила олгани учун тўлиқ имкониятлар яратиш, бунда уларнинг фаровон турмуш кечиришларига эришиш жараёнида тўлиқ намоён бўлади. Кишиларнинг жамиятдан олаётган улушлари (иш хақи, даромадлари, мукофотлари, унвону мансаблари) уларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаларига (меҳнати, қобилияти, заковати, алоҳида хизматлари, сармояси ва х.к.) мос келиши шу маънода инсон ривожини имкониятларига боғлиқ.

Албатта инсон фақат нон билан тирик эмас. Инсон тараққиётини ҳаёт даражасигина эмас, ҳаёт сифати ҳам белгилайди. Ҳаёт сифати эса инсон яшайдиган, меҳнат қиладиган ва бўш вақтини ўтказадиган соҳаларда шаклланади. Ижтимоий инфраструктура инсон ҳаётида кучли таъсирга эга.

Соғлиқни сақлаш шундай соҳалардан биридир. Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод учун» умумхалқ ҳаракати бошланган эди. Соғлом ва баркамол авлод учун кураш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва ўзининг натижаларини бера бошлади.

Инсоннинг жамиятга фойда келтириши кўп жиҳатдан унинг ҳаёти қандай таъминланганлигига боғлиқ. Даставвал, ҳар бир оила ўз турар жойига эга бўлиши керак. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ жойларни газлаштириш каби мураккаб муаммоларнинг ҳал қилиб борилиши ҳам инсонга муносиб ҳаётни таъминлашга қаратилгандир.

Нархларни эркинлаштириш, савдо тизими ва маиший хизмат соҳасининг бир маромда хусусийлаштириб борилиши ҳам инсон манфаатларига зид келмайдиган тарзда амалга оширилиши лозим. Истеъмол молларининг кўпини ўзимизда етиштиришни таъминлаш учун маҳаллий ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ жойларда савдо шахобчалари ва маиший хизмат муассасаларини кўплаб барпо этиш ана шу мақсадларга олиб борадиган йўлдир. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнларининг бориши ва хўжалик юритувчи субъектларининг мулкчилик шакллари бўйича таркиби, истеъмол молларини ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар ана шундай йўналишга эга.

Ҳозирги замонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қатор моделлари мавжуд. Улардан бири Скандинавия мамлакатларида (Финляндия, Швеция) қўлланилаётган социал-демократик модел бўлиб, бундай моделга кўра давлат ижтимоий ҳимоянинг барча масъулиятини ўз зиммасига олади.

Неолиберал моделга кўра эса (АҚШ) ижтимоий ҳимоянинг аксарият қисмини тадбиркорлар ва касаба уюшмалари бажарадилар. Неоконсерватив моделга кўра (Германия) ижтимоий ҳимоя давлат кафолатлари жавобгарлигида хусусий тадбиркорлар ва давлат федерал бюджети асосида олиб борилади.

Ўзбекистонда ижтимоий таъминот асосан давлат бюджети ҳисобидан ташкил этилган бўлиб, бу тизим қатор ривожланган чет эл давлатларининг ижтимоий тизимидан қолишмайди.

Давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ёрдамдан ташқари республикамизда норасмий ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг анъанавий қадрият турлари ҳам мавжудки, уларнинг негизини қариндошчилик, қўшничилик, маҳаллачилик, ёру биродарчилик ёрдамлари, яъни халқимизнинг миллий урф-одатлари ташкил этади. Маҳаллий идоралар, корхоналар, жамоа ва хўжаликлар ҳамда бошқа тадбиркорлик ташкилотларидан фуқаролар пенсиясига қўшиб берилаётган қўшимчалар, муҳтожларга кўрсатилаётган оталиқ ёрдамлари, байрам ва хайит кунлари беморларни зиёрат қилиш, турли хайр-эҳсонлар ҳам миллий урф-одатларимизнинг замонавий кўринишларидир. Булардан ташқари, ижтимоий ёрдам кўрсатишда нодавлат жамоат бирлашмалари ва хайрия ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда.

Албатта, муаммолар ҳам мавжуд. Жаҳон тажрибаси билан қиёслаганда, аввало, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қиладиган нодавлат ташкилотлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш лозим. Хусусан, касаба уюшмалари ривожланган мамлакатларда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун корхона эгаларига, иш берувчиларга доимо таъсир ўтказиб келадилар. Бизда эса ҳали бундай тажриба мавжуд эмас. Биринчи навбатда жамоат ташкилотлари, хусусан касаба уюималари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларни меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилувчи кучга айлантириш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Кези келганда мамлакатимизнинг ижтимоий ҳимоя тизими ривожини умумий тарзда қараб ўтиш ўринлидир. Маълумки, 1991 йилда собиқ тоталитар тузум инкирозга учрагач, унинг ўрнида вужудга келган янги мустақил мамлакатлар демократияга асосланган жамият барпо этишда турли йўللари танладилар.

Биринчиси, Европа ва Америка давлатлари тажрибасида синаб кўрилган “фалаж қилиб даволаш” йўли эди. Кўпгина мамлакатлар ушбу “тезкор” йўлни танладилар. Бу мамлакатларда мустаҳкам қонунлар мажмуи ишлаб чиқилмасданок, жамиятни кескин тарзда демократлаштиришга ўтилди. Оқибатда, бу ўз навбатида кўплаб мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди.

Иккинчи йўл — жамиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиб бориш йўли бўлиб, бунда Ўзбекистон ташаббускор бўлди. Ўзбекистонда аввал қонунлар мажмуи яратилди, сўнг бозор инфраструктураси тизимини шакллантиришга эътибор қаратилди ва иқтисодий ислоҳ қилишга киришилди. Натижада, жамият кескин ижтимоий ларзаларни четлаб ўтди. Бу, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимоя тизимига ҳам тегишли эди. Айтайлик, 1992 йилда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий аҳвол танг ҳолатда эди. Шундай шароитда кам таъминланган фуқаролар давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилиниши зарурлиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу сиёсат давлатнинг ислохотчилик ролига таянган ҳолда амалга оширилди. Шу тариқа бозор иқтисодиётига ўтишда давлат назоратининг бўлиши ижобий натижалар берди.

Биринчи босқич. Нархлар ислоҳоти ва нархларнинг эркинлаштириш. (1992 йил 10 январдан бошлаб).

Иккинчи босқич. Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиши. (1992 — 1994 йиллар).

Ўз ўрнида демократиянинг шарқона шакли хусусида фикр билдириб ўтиш лозим. Яхши биламизки, Шарқ кадриятлари “инқилобий сакраш”дан кўра тадрижийликни устун билади. Шу сабабдан, азалдан Шарқ жамиятларида иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ўпиришлар нисбатан кам. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёни Шарқ ва Ғарб демократия тамойиллари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилиши сабабли ҳам, тараққиётда босқичма-босқичлик, ҳаракатда эса қонун устуворлиги асосий хусусият касб этди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Тан олиш керакки, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини амалга ошириш учун шунчаки қулай шароит йўқ эди. Шунга кўра, 1994 йил 24 августда “Кам таъминланган онлаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” Президснт Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 1994 йил

октябрдан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими такомиллаштирилди. Негаки, илгари фақат республика бюджети йўли билангина 30 та турли соҳа ва йўналишлар бўйлаб ижтимоий ҳимоя амалга оширилди. Бундги ҳолат маблағларнинг сочилиб кетишига олиб келди. Натижада юқоридаги Президент Фармони билан 1994 йилда ижтимоий ҳимоянинг асоссиз тенглаштириш тизимидан аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган тизимга ўтилди. Бу тизим бугунги кунга қадар ўзини оқламоқда. Ана шу Фармонга мувофиқ ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари мунтазам равишда ошириб борилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳоли сони жиҳатидан энг йирик мамлакат бўлиб, саноат ва макроиқтисодиёт тизими бир ёқлама хусусиятга эга эди. Бу мураккаблик жамият таракқиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаса-да, маълум маънода ундан четлаб ўтишга муваффақ бўлинди. Ўзбекистондаги ер усти ва ер ости бойликлари, салоҳият бунга имкон берди. Ундан унумли фойда-ланилди. Шуниси ҳам эътиборлики, жамиятни демократлаштириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш ўзаро боғлиқ жараён сифатида ривожланди.

Лекин Ўзбекистонда ижтимоий ўзини-ўзи ҳимоялаш тизими батамом йўлга тушиб кетган эмас. Боқимандалик кайфиятидан ижтимоий ҳимоя истеъмолчилари ҳам қутулишлари лозим. Фуқаролар эндиликда ўзини ўзи таъминлаш усулига ўтишлари керак. Ўзбекистонда хусусий мулкчиликнинг қарор топиши бу соҳада қатъий ўзгаришлар бўлишига олиб келиши зарур. Шуниси ҳам муҳимки, ижтимоий ҳимояни доимий жараён сифатида тушунмаслик лозим. Акс ҳолда боқимандалик кайфияти баттар кучайиши мумкин. Ижтимоий ҳимоя айрим фуқаролар учун имконият, холос. Ҳар қандан шароитда ижтимоий ёрдам жамият аъзолари учун имтиёзга айланмаслиги лозим. Бу ўринда жамиятнинг ўзини-ўзи ижтимоий ҳимоялаш тизимига ўта боришини таъминлаш учун ушбу тадбирларни амалга ошириш лозим:

-нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар, жамғармалар, уюшмалар ва турли шаклдаги мулк эгаси бўлган ташкилотларнинг моддий аҳолини яхшллашни қўллаб-қувватлаш;

-барча турдаги корхоналар, муассасалар ва уюшмаларни замон талабига жавоб берадиган ходимлар ва айниқса ҳуқуқшунос, психолог ва социолог мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим;

-номи зикр этилган муассасаларнинг хорижий турдош муассасалар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишда кўмаклашиш. Улар ўз йўналишларида зарур тажриба орттиришлари талаб этилади;

-ижтимоий ҳимоя тизимида иқтисодий муҳофазаланишни аста-секин ижтимоий фондлар зиммасига ўтказиш зарур. Бундай ҳолатда одамларни ижтимоий муҳофазаланишнинг таъсирчан воситаси юзага келади;

-ижтимоий муҳофазалашда боқимандалик, масъулиятсизлик, бефарқлик сингари иллатларга барҳам берувчи таъсирчан восита ва усулларни қидириб топиш ҳамда ҳаётга жорий этиш зарур.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамиятда асосий бойлик инсон бўлиб қолади. Ўтказилаётган ислохотларнинг мазмуни ҳам шу билан боғлиқ. Бу ҳақда Президент И. А. Каримов шундай таъкидлайди: “Бизнинг

асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир”. Лекин шуниси ҳам борки, ислохотлар даврида ижтимоий гуруҳларнинг ҳам ўрни муҳим аҳамият касб этади. Демократик жамият куриш шароитида ўрта мулкдорлар қатлами катта сахмоққа эга бўлади. Ўрта синф демократик жамиятни ривожлантиришда ва унинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда асосий кучга айланади. Зеро, давлат бундай шароитда кучли мувофиқлаштирувчи кучга эга бўлади, ўрта синф эса жамият тараққиётини технологик, техник, илмий ва маънавий таъминловчи омил сифатида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда ислохотлар муқаррарлигининг ғоят муҳим шarti бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади. Бу ҳолат, ўз навбатида, қуйидаги омилларни белгилаб беради:

кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати истиқлол ва тараққиёт йўлига ишончни мустаҳкамлайди, бу ишонч эса аниқ моддний замин асосида ҳосил бўлади;

кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратади. ХХИ аср бошида дунё тараққиётида муносиб турмуш даражаси инсон омилининг етук шarti бўлиб қолаётганлиги эътиборга олинса, мамлакатимизда бу масалани ҳал этишда ижтимоий ҳимоялашдан унумли фойдаланиш масаласи нечоғли аҳамиятли экани аён бўлади;

кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати фуқароларнинг ислохотларнинг изчил кечишидан манфаатдорлигини ошиб боришини таъминлайди ва бу янгаланиш жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланган табақаларига, болалар, қариялар, ногиронларни, шунингдек соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъат соҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати ўзининг муайян тажрибаларига эга бўлди. Маънавий, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш вазифалари долзарб бўлган Ўзбекистон учун бу ҳолат катта аҳамиятга эга. Бу тажриба фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, меҳнат ресурсларини ижтимоийлаштириш, минтақавий ривожланишни авж олдириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни барқарорлаштириш имконини беради.

Кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати жамиятда янгича фикрлаш асосларини яратишга қодирлигидан ҳам демократик жамият барпо этишга кўмаклашади. Зеро, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик юзага келгач, фуқаролар фикрлашга, янги замон тартибларини тузишга иштиёқ билан интиладилар. Чунки фикрловчи одам фуқаролик жамиятига таъсир ўтказиш қобилиятини мумкин қадар кўпроқ рўёбга чиқара олган тақдирдагина, кучли бўла олади.

Ўз навбатида ижтимоий соҳанинг аҳволи тўғрисида умумий жаҳон стандартлари нимадан иборат, деган савол туғилади. Мутахассислар фикрича, бу соҳада ҳам бир неча моделлар амал қилади. Уларни умумий тарзда кучли

ижтимоий ҳимоя тизимининг айрим элементларини ўзида ифода этувчи скандинавча модел. Назаримизда, ушбу моделларнинг ҳар бири ўз ютуқ ва камчиликларига эга. Уларни республикамизда шунчаки татбиқ қилиб бўлмаслиги аниқ. Ўзбекистон ижтимоий таъминот соҳасида ўз моделига эга ҳамда у ижтимоий кафолат тизимининг ўзгарувчан хусусиятига мос тарзда такомиллашиб боради.

Ўтиш даврида ижтимоий муаммоларнинг юки ортади. Йўлга тушган қарвон каби бу соҳанинг муаммолари ҳам борган сари ортиб боради. Шунинг учун мазкур соҳада юзага келувчи муаммоларнинг ечимини моделлаштириш катта аҳамият касб этади. Бунда энг муҳим муаммолар ривожланиши тенденциялари ўз вақтида аниқланиши катта аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистонинг ижтимоий ҳастида юз бераётган йирик ўзгаришлар асосидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим. Мисол тариқасида ён томонда келтирилган жадвалдан кўринишда бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда ижтимоий таълимот тизимида бошқарув идоралари ҳисобланган И та вазирлик, 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда 153 та туман ва 36 та шаҳарда ижтимоий таъминот тизимлари мавжуд. Шунингдек, ёлғиз ногиронларга ва қарияларга мўлжалланган ўнлаб интернат уйлари, ногиронлик сабаби ва гуруҳини белгиловчи тиббий-экспертиза комиссиялари, хусусан, ногиронликни экспертиза қилиш ва ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклаши бўйича 1 та илмий-текшириш институти фаолият юритмоқда. пенсионерларнинг даволаниши ва дам олишига мўлжалланган бир қанча махсус санаториялар ишлаб турибди.

Кам таъминланган ҳамда кўп болали мухтож оналарга моддий ёрдам тўловларини молиялаштиришнинг асосий манбаи республика ва маҳаллий бюджет воситалари ҳисобланади.

Маълумки, мустақийл тараққиётимизнинг илк давриданоқ инсон — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ечмини топиш алоҳида аҳамият касб этди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа мамлакатлари, Осиёнинг Япония, Жанубий Корея каби давлатлари айнан шу ғоя асосида тараққиёт йўлини белгилаб, тарихан қисқа давр ичида юксак тараққиётга эришган эдилар. Икки асрлик демократик ривожланиш тарихига эга бўлган АҚШ ҳам инсон манфаатини тараққиётнинг асоси сифатида қабул қилган эди. Маълум бўладики, Ўзбекистон демократик тараққиётнинг жаҳон тажрибасини синчиклаб ўрганди. Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятни барпо этиш ва унинг таянчи сифатида инсонпарвар тузумни шакллантириш йўлида ислохотларни амалга ошириш инсон — жамият — давлат тизимидек кучли уйғунликни талаб этмоқда.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг ўзига хос тажрибаси ва анъаналари тўпланган. Бунда инсон — жамият — давлат муносабатлари. инсон омили юксак мавқеда туради. Шу маънода, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини замон талабларига мос тарзда такомиллаштириш учун барча имкониятлар мавжуд ва улар мамлакатда демократик жамиятни қуришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

Тошкент – 2016

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

**10-мавзу: Ўзбекистонда демократик жамият қуришда кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари**

<i>Талаба сони 20-50та</i>		<i>Вақти 2 соат</i>	
<i>Машғулот шакли</i>		<i>Анжуман - амалий машғулот</i>	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Шарқда ижтимоий адолат тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши.</li><li>2. Мустақиллик даврида адолат тушунчасининг янги мазмуни.</li><li>3. Ижтимоий ҳимоя ғоясининг адолат ва демократия тамойиллари билан боғлиқлиги.</li></ol>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Ўзбекистонда амалга оширилаётган реформаларнинг муҳим натижаларидан бири ижтимоий ҳимоя сиёсатининг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрни ва аҳамиятининг орттириши билан белгиланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида демократик ахлоқимизда кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилди ва ҳозирда бу тизимни такомиллаштириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш зарурати пайдо бўлди. Шу муносабат билан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг замонавий тизими шакллантирилмоқда. Ўқув машғулотининг мақсади ана шу масалаларни ёритишга қаратилади.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	

<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари англаб етишни шакллантириш</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари ўрганиш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосалар чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришнинг тегишли манбаалар асосида ўрганиш, атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Таркатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚЎРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**

**кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚЎРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

- 1.** Ўзбекистонда демократик жамият қуришда “кучли ижтимоий ҳимоя” ва “ижтимоий адолат тамойиллари” тушунчалари.
- 2.** “Адолат” ҳамда “тенглик” тушунчалари.
- 3.** Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳақидаги ғоялари.
- 4.** Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя – жамиятда тартиб, интизом, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш омили сифатида.
- 5.** Президент И.А.Каримовнинг мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятни барпо этиш тўғрисидаги концепсияси.
- 6.** Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари. Кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати: унинг мақсади, вазифалари, ривожланиш босқичлари ҳамда хусусиятлари.

7. Демократик жамият турли қатламлар, гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштиришда ижтимоий адолат мезонлари ва ижтимоий ҳимоянинг барқарор тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти.
8. Шарқда ижтимоий адолат тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши.
9. Мустақиллик даврида адолат тушунчасининг янги мазмуни.
10. Ижтимоий ҳимоя ғоясининг адолат ва демократия тамойиллари билан боғлиқлиги.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

## **ГЛОССАРИЙ**

Тошкент – 2016

## ГЛОССАРИЙ

1. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
2. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
3. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
4. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
5. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
6. **Иқтисоий плярализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
7. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
8. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
9. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
10. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
11. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар қуришга тарафдорлик.
12. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
13. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

14. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
15. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
16. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
17. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
18. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳуқумронлик.
19. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
20. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
21. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатилади. “Партия” атамаси лотинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
22. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
23. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири кадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
24. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
25. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
26. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
27. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
28. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
29. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
30. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
31. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.

- 32. МДХ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислохатлар мажмуи.
- 33. Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
- 34. Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ТАҚДИМОТ**  
**(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**11-МАЪРУЗА**

## Тошкент – 2016

### **11-мавзу: Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларини демократлашуви.**

#### Режа

1. Ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари.
2. Ўзини ўзи бошқариш органлари-фуқаролик жамиятининг асоси.
3. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий асосларини демократлаштириш жараёни.

Ривожланган демократик мамлакатларда ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлат бошқарувининг номарказлашуви натижасида ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятнинг асосий институтларидан бирига айланди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (ғарбда «муниципал» дейилади) деганда, у ёки бу маъмурий-ҳудудий бирликлардаги аҳоли ваколатларини ифодаловчи, шунингдек, сайланган органлар ва уларнинг маъмуриятлари томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга ега бўлган ишларни бошқариш тушунилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш демократик тамойиллар асосидаги бошқарувдир. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: мазкур органларнинг фуқаролар томонидан тўғридан тўғри сайланиши ҳамда маҳаллий аҳамиятга ега бўлган ўзини ўзи бошқарувнинг нисбатан мустақиллигидир. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат бошқарувининг унсурларини ташкил етади. Шу билан бирга, улар жойлардаги маҳаллий давлат органлари тизимига тааллуқли бўлмайди.

Ғарб жамиятшунос олимлари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир тушунчаларнинг назарий жиҳатларини ҳам ишлаб чиққанлар. Унга биноан, «маҳаллий бошқарув» деганда давлат бошқарувидан қуйидаги барча даражаларни, «маҳаллий ҳокимият» деганда еса «сайланган кенгаш ва унинг ижроия органлари воситасида ўз сайловчилари манфаатларини ифода етувчи ва

ҳаракат қилувчи ташкилотлар» тушунилади. Шунингдек, «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» еса «миллий бошқарувдан қуйи даражадаги демократик автоном бирликларнинг маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида жамоатчилик муаммоларини аксарият қисмини мувофиқлаштирилиши ва бошқариши»дир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ўзини ўзи бошқариш органларига қуйидаги ҳуқуқий таъриф берилди: “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади”. Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қуйидагича таърифланди: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши-фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир». Қўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомлари ривожлантирилди ва улар илғор демократик мамлакатлардаги ҳуқуқий мезонлар даражасида ифодалана бошланди.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламнинг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

«Маҳалла» арабча сўздан келиб чиқиб, “шаҳар ичидаги шаҳар” маъносини англатади. Тарихчи олим Наршахий “Бухоро тарихи” асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқнинг бошқаруви экалигини ёзган эди. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки, маъмурий-худудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) асарида қуйидаги банд учрайди: Шаҳарлар отини маҳалот этиб, Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб. Маҳалланинг “шаҳар ичидаги шаҳарча” деган мазмуни юқоридаги ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик “шаҳарча”лар - маҳаллалардан ташкил топган экан.

Узоқ йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини тадқиқ этган америкалик олим Д.Карлайл қуйидагиларни ёзади: ”Оила ва дўст-ёронлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. У шахсий муносабатлар тамал тоши саналади. Улар “сулола” деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармоқ тузилмасини яратди. Яқинлик муносабатларига асосланган ва насл-насаб принциплари билан метинлашган маҳалла ўзбеклар дунёга келадиган, тарбияланадиган ва одатда ўзининг бутун ҳаётини ўтказадиган жой ҳисобланади. Дўстлик барқарор тушунча бўлган

маҳаллада мойиллик сингдирилган бўлади. Ҳамма маҳалла теваарагида парвона бўлар, шахсий садоқат бутун шаҳар бўйлаб тарқалар, баъзан эса бутун бошли минтақани қамраб олар эди. Бундай анъанаварастилик шароитида кимнингдир тажрибаси шахсий мулоқотлар доираси тасарруфидан ташқарига ҳам зудлик билан тарқалиб кетади. Шахс ҳар қандай масофадан туриб сулола аъзоларининг никоҳ тантаналари, маросимларида қатнашиши мумкин. Ранг-баранг оилавий-қариндошчилик алоқаларининг маҳалладан ташқарида ҳам кундалик турмушда тоши бор, лекин улар маҳалланики сингари тош боса олмайди.

Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина, ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатда шаҳарча, поселка, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олдилар. Жумладан, мустақиллик даврида мамлакатда 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олдилар.

Мустақиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришди. У ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъаналар ва урф-одатлар, инсоний, хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туриш воситасига айланди.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб Президент И.А.Каримов маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг асоси деб, билди ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириб келмоқда. Президент И.А.Каримов 1995 йилдаёқ шундай фикрни билдирган эди: “Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп киррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим”.

Мамлакат Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат бошқарувидаги ўрнини кўтаришнинг муҳим босқичини бошлашнинг асосий йўналиши бўлган қуйидаги фикрни билдирди: «Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли - марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи

тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир»<sup>1</sup>. Албатта, давлат томонидан маҳаллаларга катта бошқарув ваколатларини беришда аввало, уларнинг аҳоли фаоллигини оширишдаги ўрнини юксалтириш кўзда тутилди. Чунки, маҳалла фуқаролар йиғинларида етарлича ҳуқуқ бўлмаса, улар ўзини ўзи бошқариш функцияларини бажариш қобилиятига эга бўла олмас эдилар. Шунингдек, маҳаллаларнинг аҳоли ва давлат олдида масъулият сезишлари учун ҳам аввало кенг ҳуқуқларга эга бўлишлари лозим эди.

Ҳозирги даврда жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш мақсадларидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинларига бошқарувнинг турли йўналишларига етакчилик қилиш ваколатлари берилди. Маҳаллалар ўз ҳудудида яшаётган фуқароларнинг турли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб беришда бевосита иштирок этадилар: қариялар, фахрийлар, етимлар, байналмилал-ҳарбийлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар манфаатлари ҳимоя қилинади; маҳалла фаолларининг мазкур фаолиятда иштирок этишига бошчилик қилади; инсонни маънавий юксалиши ва амалий ташаббусларини намоён бўлиши учун шарт-шароит яратади; фуқаролар моддий ва маънавий жиҳатлардан қўллаб-қувватланади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ижтимоий таъминот органлари ва бошқа ҳомий ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий ёрдам, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз кишиларга беғараз моддий ёрдам ажратиш ишининг барча ташкилий жиҳатларини ўзи мустақил равишда бажаради. Шу билан бирга, маҳаллалар ўз ҳудудларида экологик муаммоларни ечиш ва аҳоли моддий аҳволини яхшилаш, ҳашар йўли билан кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларига жалб қилиш, маҳаллий аҳоли ўртасида атроф-муҳитни асраш юзасидан тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб боришга ҳам масъулдир. Албатта, бу каби фаолиятлар фуқаролар фаоллигини ошириш воситасида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, кўплаб қонунлар лойиҳалари, Конституцияга киритиладиган қўшимча ва ўзгаришларни ўзида ифодалаган умумхалқ референдумларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш аввало маҳалла аҳли ва фаоллари томонидан муҳокама қилинмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Бошқача айтганда, маҳаллалар сиёсий қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини фаоллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди. Мамлакат сиёсий ҳаётида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокини таъминлаб берувчи асосий бўғин - бу маҳалла фуқаролар йиғинларидир. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш қобилиятига эга бўлган бирдан-бир бошқарув тизими ҳам маҳалла фуқаролар йиғинларидир.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари билан ҳокимликлар ҳамкорлигида ҳар йили «Энг яхши маҳалла», «Энг ибратли оқсоқол», «Маҳалла жонкуяри», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» шиори остида муттасил кўрик-танловлар ўтказиб келинди. Кўрик-танловлар ғолиблари ҳар йили обрўли комиссиялар томонидан махсус

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. II. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 29-б.

нишонлар, қимматли эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Мазкур тадбирлар маҳаллаларни ободонлаштириш, озода сақлаш, айниқса ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик даврида маҳаллалар фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, «Маҳалла» жамғармаси ва унинг маҳаллий ташкилотлари раҳбарларининг сифат таркиби яхшиланиб борди.

Ҳуқуқий демократик давлатда сайлов қонунлари ва уни ўтказиш муҳим ўринни эгаллайди. Бунинг ёрқин исботини «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш» органларига сайлов ўтказиш ҳам истисно эмас. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2001 йил 12 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовар бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан, ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раис ва оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлаш мақсади қўйилди.

Сайлов кампаниялари давридаги ташкилий ишлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ва фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ўсган ҳолда амалга ошди.

Фуқаролар йиғинларида сайловлар билан бир вақтда фуқаролар йиғинлари раислари ва оқсоқолларининг олдинги сайловдан бошлаб ўтган давр мобайнида қилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди. Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг олиб боган ишлари атрофлича ва чуқур таҳлил этилди. Қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришда маҳаллаларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берган ёрдамларига муҳим эътибор берилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги оқсоқоллар сайлови миллионлаб фуқароларни бефарқ қолдирмади. Барча сайловчиларда фаол иштирок, ўз нуқтаи назарини ифода этишга интилишлар очик сезилиб турди.

Ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловлар натижаси шуни кўрсатдики, бу сайловлар аҳолининг кенг қатламлари учун ижтимоий-сиёсий фаоллик бағишлади ва ўзига хос демократия мактаби вазифасини ҳам ўтади.

Мустақиллик даврида ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида ислоҳ этиш ўзининг самараларини берди. Маҳаллалар мамлакатдаги аҳолини ўзини ўзи бошқариш жараёнларида иштирок этишлари, қарорлар қабул қилишда фуқаролар хоҳиш ва истакларини эътиборга олишга имкониятлар яратиши билан фуқаролик жамияти институтига айланиб бормоқда. Шунингдек, ҳозирги даврга келиб давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни белгилаш каби ваколатлари ҳам деярли маҳаллаларга берилган.

Шу билан бирга, маҳаллалардаги тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш, етимлар ва ёлғиз қолган

фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир интилишларини қондириш каби серқирра жамоавий бошқарув ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этмоқда. Лекин, шу билан бирга ўзини ўзи бошқариш органларини демократлаштириш жараёнлари ҳали давом этади. Айниқса, аҳоли ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, сиёсий қарорлар қабул қилишда маҳаллаларнинг ўрнини юксалтириш, маҳаллаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тўла мустақил бўлишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратиш, фуқароларни маҳаллалар воситасида қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларидаги умумхалқ муҳокамаларида фаол иштирок этишларини таъминлаш яқин истиқболдаги ислоҳотларнинг асосий вазифасидир.

Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, улами фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина, ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқаролами ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатда шаҳарча, посёлка, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш оиганлари ҳуқуқий мақомини олдилар. Жумладан, мустақиллик даврида мамлакатда 9971 та ўзини ўзи бошқариш органлари шакллланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-еътиборларини қайтадан тиклаб олдилар.

Кўриниб турибдики, мамлакатда ўзини ўзи бошқариш оиганлари фаолиятини ислоҳ этиш, уни демократлаштириш, ривожланган мамлакатлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳолда уларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантирилиши бу органлами фуқаролик жамияти институти сифатида ривожланишини тўлиқ равишда таъминлай олади. Бу жараёнлар мамлакатда «Ўзбек модели» асосида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат куришнинг таркибий қисмларидан бири сифатида ўзини намоён қила бошлади. Бу соҳадаги ислоҳотлар «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётда ўз аксини топаётганлигини англатади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

## Тошкент – 2016

### АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

#### 11-мавзу: Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларини демократлашуви

<i>Талаба сони 20-50та</i>		Вақти 2 соат	
<i>Машғулот шакли</i>		Анжуман - амалий машғулот	
<i>Семинар режаси</i>	<p>1.Ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари.                  2.Ўзини ўзи бошқариш органлари-фуқаролик жамиятининг асоси.                  3.Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий асосларини демократлаштириш жараёни.</p>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш демократик тамойиллар асосидаги бошқарувдир. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат: мазкур органларнинг фуқаролар томонидан тўғридан тўғри сайланиши ҳамда маҳаллий аҳамиятга ега бўлган ўзини ўзи бошқарувнинг нисбатан мустақиллигидир. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари давлат бошқарувининг унсурларини ташкил этади. Шу билан бирга, улар жойлардаги маҳаллий давлат органлари тизимига тааллуқли бўлмайди. Ўқув машғулотининг мақсади ана шуларни урганишга қаратилган.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини англаб етишни шакллантириш</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида тегишли хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосаларга чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришнинг тегишли манбаалар асосида ўрганиш, атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	

<i>Ўқитиш воситалари</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

1. Демократик жамият қуришда маҳаллий ҳокимиятнинг ўрни ва аҳамияти.
2. Маҳаллий ҳокимият органлари соҳасидаги ислоҳатлар.
3. Маҳаллий ҳокимият ўрганлари соҳасида амалга оширилган ислоҳатлар.
4. Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни.
5. Маҳалла–фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида.
6. Маҳалланинг демократик фуқаролик жамият қуришдаги роли.
7. Ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари.
8. Ўзини ўзи бошқариш органлари-фуқаролик жамиятининг асоси.
9. Ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий асосларини демократлаштириш жараёни
10. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш институти сифатида

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ГЛОССАРИЙ**

## ГЛОССАРИЙ

1. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
2. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
3. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
4. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
5. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
6. **Иқтисоий плярализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
7. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
8. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
9. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
10. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
11. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар қуришга тарафдорлик.
12. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
13. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
14. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
15. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
16. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
17. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
18. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳуқумронлик.

19. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
20. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
21. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатади. "Партия" атамаси лотинча "нарс", "парц"- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
22. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
23. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири кадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
24. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
25. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
26. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
27. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
28. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
29. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
30. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
31. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
32. **МДҲ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислоҳатлар мажмуи.
33. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
34. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**

**Кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**12-МАЪРУЗА**

## Тошкент – 2016

### 12-мавзу: Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш

1. Демократик жамият барпо этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бирлашмаларининг асосий вазифалари.
2. Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бирлашмаларининг аҳамияти.
3. Демократик жамият барпо этишда жаоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг роли.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятни ўзини ўзи бошқариши ва уни мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида пайдо бўлди. XX аср ўрталарига келиб эса нодавлат ва нотижорат ташкилотлар демократик жамиятнинг муҳим ва асосий институтларидан бирига айланди. Шунга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлар мазмун ва моҳиятини чуқур англаш, уларнинг демократик фуқаролик жамиятининг муҳим ва асосий институтларидан бири эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, демократик жамият тушунчаси тўғрисидаги тасаввурлар нодавлат нотижорат ташкилотларни чуқур идрок этишга имкониятлар беради.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессияси (2002 йил 29-30 август) мамлакатда фуқаролик жамияти қуришни авж олдиришда муҳим аҳамият касб этди. Сессиядаги мамлакат Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»га доир маърузаси адолатли демократик жамият қуришнинг концептуал назарий асосларини янада бойитди. Айниқса, Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикр ва мулоҳазалари мамлакатда фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий йўналишлари ва мақсадларини белгилаб берди: «Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу - «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир. Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг родини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик

юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим»<sup>1</sup>.

Мамлакатда XX аср бошларида “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концептуал сиёсий дастурни амалга ошириш мақсадларидан келиб чиқиб, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич бериб бориш асосида жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнлари бошланди. Бу соҳада қуйидаги йўналишларда ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда:

-биринчидан, жамият аъзоларининг онги, иродаси, маданияти, маънавияти ва билими юксак даражада бўлишига эришиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятига алоҳида эътибор бериш;

-иккинчидан, жамият аъзоларининг манфаатлари уйғунлашуви жараёнларини шакллантириш, жамият манфаатларини шахсий манфаатлар билан муштараклигига эришиш;

-учинчидан, жамиятнинг такомиллашуви ва янгилааниши учун кучли ва реал сиёсий, иқтисодий, маданий имкониятларни шакллантириш;

-тўртинчидан, жамият аъзолари ва тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик асосида жамиятнинг умумий манфаатларини уйғунлаштириш;

-бешинчидан, жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар таъсирини кучайтириш, уларга онгли равишда бўйсунтириш амалиётини вужудга келтириш;

-олтинчидан, сиёсий ҳокимиятнинг ўз вазифаларини тўлиқ бажаришига кенгроқ ва қулайроқ имкониятлар яратиш, сиёсий ҳокимиятга нисбатан жамият аъзолари ишончини кучайтириш, унинг аҳоли томонидан кенг ва фаол қўллаб-қуватланишига эришиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Мамлакатда кучли демократик жамият барпо этиш мақсадларида давлат ҳокимияти ваколатларини камайитириш, яъни, давлат ҳокимияти тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва муҳофаза қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби вазифаларни қолдириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва ҳўжалик масалалари, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши, давлатнинг бошқа барча вазифаларни бажаришга доир ваколатлари эса маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ва жамоат ташкилотларига бериб бориш жараёнлари

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуёаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.. «Халқ сўзи», 2002, 30 август.

бошланди. Шунингдек, давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатлари ҳам асосан ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш белгиланди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки йиллардан бошлаб, мамлакат Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги ҳукумат фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларни демократик тамойиллар асосида ислох этишга муҳим эътибор бериб келмоқда.

“-қонун устуворлигини, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

-халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

-сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

-нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш”.

Мустақиллик даврида мамлакатда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Конституциянинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик кадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган ёеёеёе ва шарқона давлат ва жамиятни адолатли идора этиш, мамлакатни бошқаришда халқнинг ҳам бевосита иштирок этиши анъаналарини ўзида мужассамлаштирди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки давридаёқ мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш ва унинг муҳим институтлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди. Конституциянинг алоҳида «*Жамоат бирлашмалари*» боби республикада фуқаролик жамияти ва кўп партиявийлик тизимини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатлардан шарт-шароитлар яратди. Унга биноан жамоат бирлашмаси, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилади. Энди улар демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Айниқса, Конституциянинг 58-моддасидаги “*Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва*

мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди”<sup>1</sup>, 34-моддасидаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”, деган фуқаролик жамият мустақиллигини таъминлашга доир ҳуқуқий принципни эътироф этилиши республикадаги жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнида тажрибаларидан ва синовларидан муваффақиятли ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини билдиради. Ўзбекистонда сайлов тизими учун Конституциянинг “Сайлов тизими” бобидаги 117-моддага биноан республика «фуқаролари эркин равишда вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар»<sup>2</sup>.

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1991 йил февралда қабул қилинган, 1997 й. апрелда эса қўшимча ва ўзгаришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (1992 й., июл), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни (1996 й., декабр), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1999 й., апрел), Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 й., апрел), Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1998 й., май) кабилар билан мувофиқлашади.

Олий Мажлис томонидан 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга биноан «Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади килиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади»<sup>3</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистондаги амалдаги қонунчиликка биноан нодавлат нотижорат ташкилотларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 16-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 35-бет.

<sup>3</sup> «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига шарҳлар. –Т.: 2002, 14-бет.

-ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

-ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

-давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

-ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

-оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

-уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

-ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

-ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

Демократик жамият қуришга доир Ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг яна бир йўналиши, бу сиёсий партияларнинг мустақил ташкилот сифатидаги мақомини юқори кўтаришдир. 2004 йил декабрда бўладиган сайловларда сиёсий партияларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатишнинг тўла ҳуқуқлари берилиши, халқ депутатлари кенгашлари - вакиллик органларидан эса бу каби ҳуқуқнинг олиб қўйилиши партияларнинг жамиятда тутган ўрнини янада юксак кўтаришга қаратилгандир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий асослар Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топди. Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, партияга аъзолик, сиёсий партия фаолиятининг қафолатлари, устави, рўйхатга олиш, партияларнинг мулкий муносабатларига доир барча ҳуқуқий мақомларнинг мужассамлашгани Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизимини қарор топтиришнинг қафолатларидан бирига айланди. Мазкур қонунларга биноан сиёсий партиўлар фуқароларнинг ёё, ёёё иродалари шаклини таъминлаш учун эркинлик ҳуқуқига эга бўлдилар, партиўларнинг ўзаро ҳуқуқий тенглиги, шунингдек, уларнинг жамият олдидаги масъулияти қонунлаштирилди.

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда 4 та сиёсий партия фаолият юритмоқда. Мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ўтган асрнинг 90-йиллари ўртасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда 2003 йилнинг 17 ноябрида эса мулкдорлар ва ўрта ижтимоий қатлам сиёсий қарашлари ифодаси сифатида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси ташкил топди. Ҳозирги кунда Олий

Мажлисида мазкур партияларнинг фракциялари, мамлакатимизнинг қонун чиқариш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил топди. Ўтган давр ичида «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Халқаро Имом Бухорий жамғармаси, «Олтин мерос» жамғармаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Халқ бирлиги» ҳаракати, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси (ҳозирда Ўзбекистон журналистика ижодий уюшмаси), Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Миллий матбуот маркази, Байналмилал маданий марказ, республика «Устоз» жамғармаси (ҳозирда «Истеъдод») каби нодавлат ташкилотлари тузилди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси демократик принциплар асосида бутунлай қайтадан ташкил этилди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси», «Аёл ва саломатлик», аёлларнинг «Меҳри» ташкилоти, «Аёллар ресурс маркази», «Аёл ва жамият» институти каби хотин-қизлар муаммоларини ечиш ва улар манфаатларини ифодаладиган нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда.

**НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**  
**кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ**  
**НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**  
фанидан тайёрланган

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

## 12-мавзу: Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш

<i>Талаба сони 20-50та</i>		<i>Вақти 2 соат</i>	
<i>Машғулот шакли</i>		<i>Анжуман - амалий машғулот</i>	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Демократик жамият барпо этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бирлашмаларининг асосий вазифалари.</li> <li>2. Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бирлашмаларининг аҳамияти.</li> <li>2. Демократик жамият барпо этишда жаоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг роли.</li> </ol>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Миллий мустақилликнинг дастлабки давридаёқ мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш ва унинг муҳим институтлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди. Конституциянинг алоҳида «<i>Жамоат бирлашмалари</i>» боби республикада фуқаролик жамияти ва кўп партиявийлик тизимини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатлардан шарт-шароитлар яратди. Унга биноан жамоат бирлашмаси, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилади. Энди улар демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Ўқув машғулотининг мақсади ана шу жараёнларни атрофлича урганишга қаратилади.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришда Фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини англаб етишга қаратилади</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қуришда Фуқаролик жамияти институтларини фаолияти ҳақида хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосалара чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришнинг тегишли манбаалар асосида ўрганиш, атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.	
<i>Ўқитиш шароити</i>		Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>		Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.	

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

- 1.** Демократик жамият барпо этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бирлашмаларининг асосий вазифалари.
- 2.** Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бирлашмаларининг аҳамияти.
- 3.** Демократик жамият барпо этишда жаоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг роли.
- 4.** Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари тушунчаси. Унинг маъно ва мазмуни.
- 5.** Президент Ислон Каримов асарларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни масаласи.
- 6.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари кафолатланиши ва такомиллашуви.
- 7.** Фуқаролик жамияти қуриш Ўзбекистоннинг пировард стратегик мақсади.
- 8.** Президент И.А. Каримов Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида.
- 9.** Маҳалланинг фуқароларни демократик қарорлар қабул қилишда иштирокини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ўрни.
- 10.** Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва унинг аҳамияти.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**

**кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

**ГЛОССАРИЙ**

- 1. Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
- 2. Иқтисоий плярализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
- 3. “Ўзбек модели”** – Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.

4. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
5. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва эътиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.
6. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
7. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар куришга тарафдорлик.
8. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
9. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
10. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
11. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
12. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
13. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
14. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқарув яъни сиёсий ҳуқумронлик.
15. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
16. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
17. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатилади. “Партия” атамаси лотинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
18. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
19. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг энг муҳим элементларидан бири кадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
20. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
21. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
22. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.

23. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни куйи палата раиси.
24. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
25. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
26. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
27. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
28. **МДҲ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислоҳатлар мажмуи.
29. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
30. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
31. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
32. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
33. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
34. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.

## **“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**

**кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**

**кафедраси**

# **“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

## **13-МАЪРУЗА**

**Тошкент – 2016**

### **13-мавзу: Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш**

1. Демократик жамият кўришда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳ қилиниши
2. Ўзбекистонда демократик жамият кўришда сўз эркинлиги.
3. Демократик жамият кўришда замонавий ахборот технологияларининг роли

Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принциплари, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва

эркинликларини таъминловчи тизим. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақил кучга, «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда. ЎзР Конституциясига ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (1997 йил 26 декабр) қонунга мувофиқ ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги: радио орқали, матбуот, телевидение ва бошқа ОАВларда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини баён этиш ҳуқуқи ҳавола этилади. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири – матбуот ва ахборот эркинлигидир. Аммо сўз ва матбуот эркинлиги мутлақ бўла олмайди. Чунки телевизор экранидан янграган, газетада эълон қилинган ахборотни миллионлаб одамлар эшитадилар, ўқийдилар. Агар қандайдир бир одам, корхона, ишлаб чиқариш тармоғи ҳақида янгилиш маълумотлар айтилса, бу билан уларнинг нуфузига путур етказилади, ҳуқуқлари бузилади. Конституциянинг 67-моддасида қайд этилганидек, улар «ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар». Демак, ОАВ нинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва роли ошиб бормоқда. «Ахборотлашган жамият» тўғрисидаги қарашлар негизи ҳам дунёда ахборот кўламининг ортиб бораётгани билан боғлиқ. ХХІ аср «ахборот асри»га айланмоқда. ОАВ жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби миллий ғоя ва мафкура билан суғорилган ғоя ва мақсадларни халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончини шакллантиришда ҳамда халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодини (И.А.Каримов) уйғотишда ва қарор топтиришда муҳим рол ўйнайди. ОАВ инсонларни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан узвий боғлайди. Шунда «ахборот холис», «ишончли», «аниқ» бўлиши мумкин. ОАВларни «тўртинчи ҳокимият»га айлантириш жараёни кечмоқда, лекин бу жараён мураккаб ҳолларда кечмоқда. Хусусан, ахборот таҳлилида эскича фикр юритиш ўз таъсирини сақлаб турибди. Ҳозирги вақтда ахборот «чегара» билмайдиган омилга айланиб қолди. Президент Ислам Каримов 2002 йил 29 августда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг 9-сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида «тўртинчи ҳокимият»ни ўз номига яраша кўтариш лозимлигини баён этди.

Ўзбекистон жамияти ҳаётида ОАВ ролини фаоллаштириш куйидагича тассавур этилмоқда:

1) ОАВ имкониятини ошириш учун керакли шароитлар яратиш, уларга жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида муносиб ўрин бериш, журналистлар фаолиятини ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлаш.

2) ОАВ мамлакатда юз бераётган жараёнларга турлича қарашларни эркин ва холис ифодалашга қодир бўлиши, ҳокимият билан жамият ўртасида холис воситачи бўлиши ва муҳими, инсон ва жамият манфаатларининг фаол ва изчил ҳимоячиси бўлиши учун профессионал журналистлар ва ОАВларини таёрлаш жараёнини кўриб чиқиш. Ахборот олиш, таҳлил қилиш, ишлаш ва етказишнинг замонавий усуллари ва воситаларини ўзлаштиришда уларга ёрдам бериш.

3) ОАВ фаоллиги ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган механизмларни тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Матбуот тўғрисида, журналистлар фаолияти, ахборот олиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Умуман, “аввало оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак; деган эди Ислон Каримов; бу уларнинг мустақил фаолият юритиши ва ривожланиши учун асосий омил бўлиши лозим

Биз матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолатини бозор муносабатлари, ахборот майдонида соғлом рафқобат таомийларининг ривожланишида кўрамиз”<sup>1</sup>

Матбуот эркинлиги муҳим ўринда туради. У сиёсий қарорлар қабул қилишда бевосита иштирок этади. Ахборот сиёсат, мамлакат сиёсий режими, характери билан бевосита боғлиқ. Масалан, авторитар ва тоталитар режимлар «ахборот»ни бўғиш, «сир» сақлашдан, унга «ҳукмронлик» қилишдан кўпроқ манфаатдор. Демократик жамият эса эркин алмашиш, унинг хилма-хиллигини таъминлашдан манфаатдор, бу жамиятларнинг яшовчанлигини таъминлайди.

Ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамиша мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савияси шаклланишининг асосий воситаларидан биридир. Шунинг учун ҳам, ахборотга бўлган ҳаётий эҳтиёж, уни қондиришга хизмат қилувчи омилларни шакллантириш кишилик тараққиётининг ҳар бир босқичида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган.

Инсоният тарихида ахборот тўплаш ва тарқатишнинг дастлабки оғзаки (воизлар, жарчилар, чопарлар ва бошқалар) ва ёзма (попируслардаги, эълон тахталари ва ҳақозолардаги) намуналари номунтазам бўлсада, қадим замонлардан яхши маълум. Ўша даврлардаёқ тўлақонли ахборот ва хабарга талаб ҳамда эҳтиёж турли манбаларда ўз аксини топган. Зардуштийлик тарихининг манбаларида айтилишича, Зардушт худонинг пайғоми (хабар)ни

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 53 – б.

одамларга етказиш орқали босқинчилик ва вайронликлар олдини олиш, ҳалол меҳнат қилиб, тинч-тотув яшаш, адолат ва ҳақиқатга сажда қилиш кераклигини ўргатган. 30 асрлар олдин битилиб, бизларга етиб келган “Авесто”дан ҳар қандай хабар, янгилик ўзининг такомиллиги, ҳақиқийлиги, тўлиқлиги билан баҳоланиши, унинг ёрдамида инсоният яхшилик ва эзгуликка қараб интилиши тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Оммавий ахборотнинг асосий маъносини англаувчи маълумот йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳамда тезкор хабарлар ёзиб жамиятни огоҳ этиш билан машғул кишилар Амир Темури даврида ҳам бўлганлиги маълум. Бу ҳақда Соҳибқироннинг «Қиссаи Темури»да: «Амр этдимким, ҳар сарҳад ва вилоят, лашкар ва мамлакатга бир ахборнавис (хабарлар ёзувчи, яъни мухбир) тайин этгайларким, сипоҳ ва ҳоким ва раъият ва бегона лашкар ва мол ва манолнинг мудохил ва махориж ва бегона одамлар ва карвоннинг кирмак ва чиқмоғи ва ҳамсоя подшоҳлар мамлакатининг ахбори ва аларнинг аъмоли ва афъоли ва узоқ баладалардин даргоҳимга юз қўйғон уламо ва фозил одамларнинг ишлар ва сўзларин ростлиғ ва дурустлиғ била ёзиб даргоҳга йиборгайлар»<sup>25</sup>, деган фикри бунинг далилидир. Демак, бўлаётган ҳодиса-воқеалар ҳақида хабар тўплаш ва давлатни бошқаришда улардан фойдаланиш Соҳибқирон учун ҳам муҳим омил бўлган.

Аллома Алишер Навоий ҳам ўз ижоди ва фаолияти давомида холис ва рост ахборот масаласига алоҳида эътибор қаратган. Унинг “Ҳайратул аброр” достонидаги ёлғон хабар берувчининг аҳволи:

Ҳар киши ёлғонни деса, лек кам  
Бўлғай эди кош бу давронда ҳам.<sup>26</sup>

Ёки “Фарҳод ва Ширин” достонида хабарнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган мутафаккир аждодимизнинг:

Эрусен шоҳ - агар огоҳсен-сен,  
Агар огоҳсен - сен, шоҳсен сен,<sup>27</sup>

деган мисрлари ҳар қандай янгилик, хабар ҳақиқийлиги, холислиги, тўлиқлиги ва тезкорлиги билан баҳоланганлиги, унинг ёрдамида халқ иродаси йўналтирилиб турилганидан далолат беради. У мазкур мисрасида агар киши ахборотни биринчи бўлиб эгалласа, жамият тизгинини эгаллаши, айнан хабар сабаб барча ҳалокат ва фалокатларнинг олдини олиши ҳақидаги пандлари бугунги хабар, ахборот бошқараётган дунёмиз ҳақидаги башоратдек кўринади.

Асрлар ошсада ахборотга бўлган талаблар деярли ўзгарган эмас. Аксинча, жамият ҳаётида унинг аҳамияти борган сари ошиб борган ва бугунги кунга келиб мамлакатимиз ривожланиши стратегиясини шакллантириш ва уни бевосита амалга оширишда тобора катта роль ўйнамоқда. Бу эса уларнинг фуқаролик жамиятига хос асосий омиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради.

<sup>25</sup> Амир Темури Кўрагон. Қиссаи Темури («Малфузоти Темурий»). – Т.: ДИТАФ, 2001. – Б. 285.

<sup>26</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 6-жилд. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 179.

<sup>27</sup> Ўша ерда. - Б. 178.

Мустақиллик йилларида эркин оммавий ахборот воситалари фаолияти учун зарур бўлган ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар шаклланди. ОАВнинг фуқаролик жамияти институти сифатида ривожлантириш йўлидаги ислохотлар изчил давом этмоқда. Дикқатга сазовор муҳим томони шундаки, эркин ОАВни ривожлантирмай туриб, фуқаролик жамияти қуриш ва инсон эркинлиги, ҳуқуқларини таъминлаш мумкин эмаслигини жамоатчилик англаб етди.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш масаласи алоҳида ўрин эгаллашини назарда тутиб Президент И.Каримов шундай дейди: «Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналиш – бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади».<sup>28</sup>

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ахборот соҳасини либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашда ҳам янги босқични бошлаб берди. Ўтган йиллар давомида ушбу соҳада кенг қамровли ислохотлар, кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада ахборот воситалари фаолиятига оид мукамал ҳуқуқий база яратилганлигини ва у инсонлар учун ахборот олиш соҳасида эркинлик ва ҳуқуқларини таъминлашда муҳим роль ўйнаётганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Аввало, мамлакатимизда ахборот соҳасида олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва қонунларга мувофиқ фаолият юритиши<sup>29</sup> ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига, ҳамда ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга<sup>30</sup> эканлиги ҳақидаги меъёрларни изчиллик билан ва тўлалигича таъминланиши асосида амалга оширилишини қайд этиш зарур.

Шу маънода Президентимиз И.А.Каримов оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамиятидаги ролига алоҳида тўхталиб: “Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини бугунги кунда эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимсиз тасаввур этиб бўлмайди... уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлайдиган зарур меъёрий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан бўлди”,<sup>31</sup> деб таъкидлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг таҳлили бу соҳага оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш изчил ва тизимли тарзда амалга ошириб борилганлигини кўрсатмоқда. Ўтган йилларда

<sup>28</sup> Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б. 19.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б. 13.

<sup>30</sup> Ўша ерда. – Б. 8.

<sup>31</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – Б. 36.

мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий макон ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида босма нашрлар сони кўпайди, хусусий газета ва телестудиялар тизими юзага келди.

Ахборот эркинлигини таъминлайдиган конституциявий меъёрлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини ва умуман ахборот соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунларда ҳам такомиллаштирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, демократик жараёнлар анча чуқурлашган, бунга мос матбуотга эга бўлган ривожланган мамлакатларда сўз ва фикр эркинлиги аста-секин ўз оқими билан кириб келган. Жамиятни тубдан ислох қилиш, асрлар мобайнида шаклланиб қолган тушунчаларни синдириш, ҳур фикрлиликни турмуш тарзига айлантириш мақсадида ана шундай қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон учун катта сиёсий, маданий, қолаверса, ҳуқуқий воқеа бўлди. Айтиш пайтда у ахборот соҳасини жаҳон андозаларига мослаштириш, фуқороларни эркин фикрлашга ўргатиш ва шу асосда жамиятни соғлом фикрлар асосида қайтадан куриш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрсатади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиздаги ОАВ ларининг қиёфаси, тизимдаги таркибий ўзгариш ва янгиланишлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

1. ОАВнинг сони ва сифати кескин ортиб бормоқда. 1991 йилда ОАВ умумий сони 395 та бўлган бўлса<sup>32</sup>, 1994 йилда Республикада 475 та ОАВ, улардан 384 та газета, 66та журнал, 19 та телестудия, 3 та кабель телевиденияси, 2 та радиостудия ва битта агентлик фаолият кўрсатган<sup>33</sup>. Бугунга келиб, 1,4 мингтага яқин оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинганлигини айтиш зарур. Улардан 709 газета, 289 журнал, 95 ТВ и радио. Босма нашрлар, теле- и радиоканаллар билан бир вақтда публицистик фаолиятни веб-сайтлар ҳам олиб бормоқдалар.<sup>34</sup>

2. Мустақиллик йилларидамамлакатимизда даврий босма нашрларнинг интернет версиялари, интернет журналистика вужудга келди ва у жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Сўнгги беш йил ичида уларнинг сони 2 баробардан ортди.1 январь 2015 йил ҳолатига кўра, интернет оммавий ахборот воситалари 304 тани ташкил этади.<sup>35</sup>

3. Сўнгги ўн йил ичида мустақил босмаОАВ ларининг сони 2,5 марта, мустақил электрон ОАВларнинг сони эса 7 баробар ошди.<sup>36</sup> Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.<sup>37</sup> Бу эса эркин ахборот

<sup>32</sup>Қаранг: Важный этап реформирования информационной сферы // Народное слово. – 2013. – 20 ноября.

<sup>33</sup> ОАВ: ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда // Халқ сўзи. – 2010. – 20 август.

<sup>34</sup>Қаранг: Цифры и комментарии // Народное слово. – 2014. – 5 февраля.

<sup>35</sup>“Фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги ошмоқда”. 24.04. 2015 // Инт.: <http://uza.uz>

<sup>36</sup>Қаранг: Важный этап реформирования информационной сферы // Народное слово. – 2013. – 20 ноября.

<sup>37</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И. Каримов. – Т: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 30.

бозори, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мустақил нашрлар сони кўпайиб, рақобат муҳити шаклланганлидан далолат беради.

4. Республикамизда истикомат қилаётган кўп миллатли муштарийларнинг талаб ва истаклари инобатга олинган ҳолда босма оммавий ахборот воситалари 12 та тилда<sup>38</sup> нашр этилмоқда, телевидение ва радиода ҳам бу амалиёт қўлланилмоқда, эшиттириш ва кўрсатувлар қардош халқлар тилларидан ташқари рус, инглиз тилларида ҳам эфирга узатилиб, веб-сайтлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият юритади;

5. Бугун республикамиздаги оммавий ахборот воситалари сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, таълим-тарбия, хотин-қизлар, ижтимоий-маърифий, иқтисодий-ижтимоий, спорт, маънавий-маърифий ва шу каби бошқа кўплаб соҳалар бўйича чиқарилмоқда.

6. Давлат ва жамоат ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда нодавлат оммавий ахборот воситалари ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча ташкилотлар тизими яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистларни тайёрлаш халқаро маркази шулар жумласидандир.

7. Халқаро ҳамжамиятни мамлакатимиз ҳаёти, ислохотларни амалга ошириш борасида қўлга киритилган ютуқлар тўғрисида хабардор қилиш, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кучайтириш мақсадида ҳозирги кунда интернет тармоғида деярли барча давлат органларининг веб-сайтлари жойлаштирилган. Давлат органлари веб-сайтларидан ташқари бошқа веб-сайтларнинг сони ҳам ошиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Хусусан, "Uz" домен зонасидаги веб-сайтларнинг сони 2002 йилдаги 587дан<sup>39</sup> 2010 йил февраль ойида миллий интернет маконида 10 мингта веб-сайт рўйхатга олинган, 2015 йил июнь ойи ҳолатига кўра эса, уларнинг сони 21,86 мингтага етди.<sup>40</sup>

8. Соҳага замонавий технологиялар изчил жорий этилиши натижасида тизимга рақамли, мобиль ва интернет телевидение каби мутлақо янги медиатизилмалар кириб келмоқда. Глобал тармоқда 200 га яқин нашрларнинг электрон версиялари мавжуд.<sup>41</sup>

Шунингдек, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари компьютерлаштириш марказларига "uz" доменини рўйхатга олиш мақоми берилди. Бу эса "uz"

<sup>38</sup> Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма /А.Жалилов ва бошқ. – Тошкент, 2015. - Б.187.

<sup>39</sup> Миллий домен интернет фестивали бошланди // Халқ сўзи. – 2013. – 15 август.

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2015 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи.

<sup>41</sup> Замонавий медиатехнологиялар ва тараққиёт // Халқ сўзи. – 2013. – 9 апрель.

доменини ҳудудларнинг ўзида рўйхатга олиш ва уларнинг сонини янада оширишга хизмат қилади.<sup>42</sup>

Веб-сайтларнинг сони ошиб бораётганлиги нафақат фуқароларимизнинг, балки бошқа мамлакатларда ҳам Республикамизда ўзказилаётган ислоҳотлар ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш учун имкониятлар яратмоқда.

Бу мисоллар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини либераллаштиришга оид сиёсат тизимли асосда, босқичма-босқич ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилаётганлигидан далолат беради. Айни чоғда, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар охир оқибатда оммавий ахборот воситалари ишида янги йўналишларнинг пайдо бўлиши ва соҳага оид қонунчилик базасини такомиллаштиришга олиб келди.

Мамлакатимизда яратилган қонунчилик базаси ва амалга оширилаётган ишлар халқаро-ҳуқуқий меъёрларга тўла мос келишини алоҳида қайд этиш керак. Хусусан, ОАВ фаолиятига оид қонунларнинг таҳлили уларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 19-моддасидаги “ҳар ким давлат чегараларидан қатъий назар ҳар қандай ахборотни олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги” ҳамда бошқа халқаро ҳужжатда “ўзаро тенглик ва турли маданиятларни ҳурмат қилиш асосида барча давлатлар ўртасида икки ва кўп томонли ахборот алмашиш муҳим”лиги тўғрисидаги меъёрларга ҳамоҳанг эканлигини намоён қилмоқда.<sup>43</sup>

Мамлакат раҳбари жамиятимиз ривожидда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида тўхталиб: “Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларининг янада эркинлаштириш,... олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиклиги ва ошкорлигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятнинг изчил шаклланишига мадад бериши даркор”<sup>44</sup> деб таъкидлаган.

Шу маънода Президент Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги қонунчилик ташаббуслари ушбу соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган тадрижий ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди.

Унда Юртбошимиз ахборот соҳасини тараққий топтириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашни мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берган.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик ва парламент

<sup>42</sup> Ўзбекистон матбуоти миллий форуми // Халқ сўзи. – 2013. – 20 ноябрь.

<sup>43</sup> Борсиева З.Х. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва уни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш жараёни. – Т: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б.34.

<sup>44</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 31.

назоратини таъминлаш саналади. Шу нуқтаи назардан Концепцияда “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилди. 2014 йилнинг 6 майида қабул қилинган бу қонуннинг ҳаётга жорий этилиши давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг ҳуқуқий механизмларинияратиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида жамоатчилик фикрининг роли тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Фуқароларнинг ахборот воситалари орқали сиёсий қарорларни қабул қилинишга таъсири ва кенг иштироки натижасида дастурларни амалга ошириш жараёнида ОАВга муурожаатлар ошиб боради. Бу эса оммавий ахборот воситалари ёрдамида фуқаролар ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янада яқинлашуви, ривожини учун имконият яратади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида холис, тезкор ва тўла-тўқис хабардор қилишга, фуқароларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнларида фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиб, бу органлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда барча зарур шароитларни яратиб беради.

Президент И.Каримов томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳақидаги таклифи ҳам бу муаммонинг ечими жамият тараққиёти учун нечоғлик долзарб эканини тасдиқлайди<sup>45</sup>.

Бир сўз билан айтганда, қонуннинг қабул қилиниши натижасида, ахборот воситалари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш орқали медиамаконни тезкор ва мукамал ахборот билан тўлдириш ҳамда ушбу маълумотлардан фуқароларнинг эркин фойдалана олишлари учун кенг имкониятлар яратилади.

XXI асрда тараққиётнинг ахборот босқичига қадам қўйган жаҳон ҳамжамияти ҳар соҳани модернизациялаш ва ахборотлаштириш йўлидан бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларнинг инқилобий таъсири давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодий ва ижтимоий соҳа, илм-фан ва таълим, маданият ва одамларнинг турмуш тарзида кузатилмоқда. Компьютер технологиялари инсонларга ўз салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради, фаровонлик даражасини ошириш, демократия, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадларига эришишига ёрдам беради.

Республикамиз ҳам мазкур жараёнлардан четда қолаётгани йўқ ва глобал ахборот жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

---

<sup>45</sup> Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табриги // Инт.[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz). – 2011. – 27 июнь.

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да<sup>46</sup> ахборот соҳасига оид белгиланган вазифалар ҳам Ўзбекистонга жаҳон ахборот маконида ўзининг муносиб ўрнини топишига ёрдам бермоқда.

Айни чоғда, ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситалари ва электрон коммуникациянинг ривожланиши ҳозирги замон жамияти бошдан кечираётган глобал ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Жамиятнинг асосий институтлари ҳисобланган ҳокимиятлар, соғлиқни сақлаш, оила ва никоҳ, маданият, таълим ва фан кабилар жиддий трансформацияга юз тутмоқда.

Ахборот технологиялари асосида давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шакли ва мазмуни тубдан ўзгармоқда, давлат бошқарувининг инновацион тизими – электрон ҳукуматлар, электрон давлатлар ташкил топмоқда, демократик бошқарувнинг тартиб-таомиллари (электрон демократия, тўғридан-тўғри фойдаланиш ёки танишиш демократияси) такомиллашиб бормоқда.

Ахборот жамиятида ижтимоий институтлар жиддий ўзгариб борар экан, юз бераётган ўзгаришларни ўрганиш ва мушоҳада қилишга бўлган эҳтиёж ҳам шунга яраша ортиб боради.

Ҳозирги замон жамияти ахборот маконининг ўзгариши кадриятларнинг янги тизими, билиш ва амалиётнинг энг янги устуворликлари шаклланишига олиб келади. Бундай кадриятлар ва устуворликлар ўз навбатида инсоннинг жамиятдаги хулқ-атвориغا, сиёсий ва иқтисодий тизимни ривожлантиришга, деярли барча ижтимоий институтлар фаолият кўрсатишига жиддий таъсир ўтказади.

Айни бир вақтда сиёсат, иқтисодиёт ва маданият ахборотдан муайян гуруҳлар манфаатларида фойдаланилиши ёки ахборотни онгли равишда бузиш билан боғлиқ турли хавф ва таҳдидларга дучор бўлади. Бундай муаммолар электрон коммуникациялар ҳукмронлиги шароитларида ривожланиш истиқболларини қайта мушоҳада қилишнинг долзарблигини кучайтиради, шунингдек янги турдаги ахборот макони имкониятларига тегишли баҳо бериш ва унинг ижобий салоҳиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга тақозо қилади.

Шундай қилиб, ахборот билан таъминланган жамият маданияти ҳокимиятнинг янги турини – илмий билимга асосланган ҳокимиятни шакллантиради. Бундай ҳокимият ахборот билан таъминланган жамиятнинг муҳим, ажралмас хусусияти бўлиб, уни сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий-техник жиҳатдан ривожлантириш йўналишлари ва параметрларини кўрсатиб беради.

Мазкур вазифаларни, шунингдек ўзгаришлар боришининг бутун жараёнига жиддий таъсир қилувчи муаммоларни ҳал этиш учун давлат томонидан ахборот сиёсати амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатларда ахборот миллий ресурс бўлиб, уни сақлаш, ривожлантириш ва ундан оқилона фойдаланиш давлат аҳамиятига молик вазифа эканлиги тўла-тўқис англаб етилган. Шундай

---

<sup>46</sup>Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И. Каримов. – Т: “Ўзбекистон”, 2010. – Б.34.

қилиб, ҳозирги босқичда жамият ахборот соҳасини ривожлантиришга қаратилган ва нафақат телекоммуникация воситаларини, балки ахборотнинг (ишчанликка қаратилган, томошабоп, илмий-таълим янгиликларидан хабардор қилиш ва шу каби) турларини яратиш, сақлаш, улар устида ишлаш ва уларни тарқатиш билан боғлиқ ишлаб чиқаришлар ҳамда муносабатларнинг бутун жамламасини қамраб оладиган солувчи давлат сиёсати шаклланиб бормоқда.

Шундай қилиб, жаҳон ҳамжамиятида илғор мавқеларни эгаллашга интилаётган давлат самарали миллий ахборот сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши ҳамда бундай сиёсатга нисбатан ахборотлашган демократик ва фуқаролик жамиятга ўтишни таъминлашга давлат бошқарувининг устувор вазифаси сифатида қараши керак.

Ўзгарган ахборот муҳитида давлат ва жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги янги конфигурация – рақамли ҳамшироқчилик конфигурацияси тусини касб этмоқда. Бу ҳол ҳокимият тузилмалари билан фуқаролар мулоқотининг ҳозирда амалда бўлган, анъанавий тус олган шакллари модернизация қилиш имкониятини, шунингдек ҳокимиятлар ўзаро муносабатларининг сифат жиҳатидан янги тури – электрон ҳукумат ва электрон демократия пайдо бўлиши имкониятини ҳам беради. Бундай ўзаро муносабатларнинг қарор топиши давлат бошқаруви қадриятларини тубдан қайта кўриб чиқишни, ҳокимият органлари фаолиятини фуқаровий ва илмий экспертизаси самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига кўмаклашадиган очиқ демократик жамият мўлжалида фаолият олиб боришни англатади. Ҳозирги замон сиёсий ҳокимияти жамият тараққиётининг аввалги тарихий даврларида мавжуд бўлмаган янги ресурсга – шахс ва жамиятга мафкуравий таъсир кўрсатадиган ахборот-коммуникация ресурсига эга бўлмоқда.

“Электрон ҳукумат” тизими жорий этилиши натижасида ҳозирги кунда биз давлат бошқарувининг мутлақо янги механизмлари шаклланишига гувоҳ бўлиб турибмиз.

2015 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” ги қонунуни қабул қилинди.<sup>47</sup> Бу эса ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи, давлат органлари билан қулай ва самарали муносабатларни ўрнатувчи “электрон ҳукумат” тизими изчил татбиқ этиш учун имконият яратди.

Электрон демократия ҳозирги кунда ўз ривожининг бошланғич палласида турибди, унинг салоҳияти жуда катта ва бутун дунёда кенг муҳокама қилинмоқда, электрон демократияни маданиятнинг янги феномени сифатида назарий жиҳатдан мушоҳада қилиш эса, борган сари долзарб аҳамият касб этмоқда. Рақамли ҳукумат, киберсиёсат, электрон овоз бериш, рақамли демократия, компьютер воситасидаги сиёсий коммуникация қарор топиши имкониятининг ўзиёқ ахборот жамияти шароитларида сиёсий, иқтисодий ва маданий механизмлар шакллари тубдан ўзгаришидан далолат беради. Инсоният маданият жиҳатдан туб бурилишга яқинлашмоқда. Бунда фуқароларнинг демократик тартиб-таомиллардан фойдаланиш

<sup>47</sup> Ахборот соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи // Халқ сўзи. - 2015 йил. - 17 декабрь.

борасида кенг имкониятларга эга бўлиши, қарорлар қабул қилинишида фуқаролар иштирок этишининг кенгайиши туфайли ҳокимият янада сифатли, шаффоф ва пировард натижада янада самарали бўлади.

Давлат ўз хизматларини электрон воситалар орқали тақдим этиш йўли билан ўз саъй-ҳаракатларини оддий фуқаролар ҳаёти сифатини яхшилашга қаратаётганидан далолат берадиган мисоллар кўп.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бу соҳада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2003 йилнинг сентябрь ойида республикада электрон ҳукуматнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган Ҳукумат портали ишлаб чиқилди ва [www.gov.uz](http://www.gov.uz) манзили билан интернет тармоғида жойлаштирилди.

Бугун давлат органлари томонидан ўз фаолиятига ахборот тизими ҳамда ресурсларини жорий қилиш бўйича жадал олиб борилган ишлар натижасида 320 дан ортиқ давлат ахборот ресурслари ва 465 дан зиёд давлат ахборот тизими фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, 2013 йилда жорий этилган Ягона интерактив давлат хизматлари портали [mu.gov.uz](http://mu.gov.uz) орқали аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи 250 турдан ортиқ давлат хизматлари электрон шаклда кўрсатилаётир. Ўтган давр мобайнида улардан 380 мингдан зиёд аҳоли масофадан туриб фойдаланган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этишда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида махсус портал фаолияти йўлга қўйилди. Унда айни пайтга келиб, фойдаланувчилар томонидан 73 та давлат органининг 237 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича 350 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилган. Бу эса қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.<sup>48</sup>

Бугунги кунда давлат интерактив хизматлари сони 1088 тага етди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 438 тага кўпдир. Мамлакатда интерактив давлат хизматларини ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар натижасида солиқ ([soliq.uz](http://soliq.uz)) ва статистик ҳисоботлар ([stat.uz](http://stat.uz))ни электрон шаклда топшираётган тадбиркорлик субъектлари улуши 100 фоизга етди.

2015 йилнинг 6 январидан [mu.gov.uz](http://mu.gov.uz)да «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таъсирини баҳолаш тизими» йўлга қўйилди. У орқали қонун ҳужжатларини интернет орқали муҳокама қилиш мумкин. Ҳозиргача Ягона порталда 131 та қонун ҳужжати муҳокамага қўйилган бўлиб, шулардан 19 таси муҳокама жараёнида, 104 тасининг муҳокамаси якунига етган, 8 та ҳужжат лойиҳаси тасдиқланган. Қонун ҳужжатлари лойиҳасини баҳолаш жараёнида 282 фикр қолдирилган бўлиб, уларнинг 81 тасига жавоб берилган<sup>49</sup>.

Ахборот билан бу каби эркин танишиш ҳамда ундан фойдаланиш табиий равишда фуқароларда сиёсат ва бошқарувда мунтазам иштирок этиш учун кенг имконият яратади. Бу ўринда электрон ҳукуматга нисбатан муаммоларнинг нафақат навбатдаги амалий ечими, амал қилиб турган

<sup>48</sup> «Электрон ҳукумат» тизимининг ҳуқуқий асоси // Халқ сўзи. - 2015. - 2 декабрь.

<sup>49</sup> Ягона портал: фуқаролар учун катта қулайликлар яратилмоқда // Ўзбекистон овози. – 2015. - 7-июль.

тузилмалар ва ижтимоий муносабатларни модернизация қилиш, балки давлатни бошқаришнинг янги усули сифатида ҳам қаралади.

Шу муносабат билан бир қатор мамлакатларда ҳозирги замон ахборот коммуникациялари шароитларига мос келадиган қонунчилик базаси ва маъмурий тартибга солиш қоидалари (интеллектуал мулк, шахсга доир маълумотлар, шахсий ҳаётнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситалари) ни янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, сиёсий, ташкилий ва институционал чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада ҳокимиятнинг жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқотини рағбатлантиришга қаратилган шарт-шароитлар яратилади, ҳокимиятнинг ўзи бундай мулоқотнинг ташаббускори бўлади. Бугунги кунда давлат ҳокимияти органларининг тузилмасида жамоатчилик билан алоқалар бўйича ихтисослаштирилган бўлинмалар мавжудлиги шу билан изоҳланади.

Сиёсий мулоқотда электрон технологиялардан фойдаланиш бундай мулоқот иштирокчиларидан юксак даражадаги ахборот маданиятига ҳамда биргаликда интерфаол ҳаракат қилиш маданиятига эга бўлишни талаб қилади. Айтиш жоизки, таълим қадри ошади, ахборот меҳнатига, “жамият-ҳокимият” интерфаол мулоқотининг янги шарт-шароитларига энг кўп даражада тайёр бўлган профессионал таҳлилчиларга бўлган қизиқиш кучаяди. Электрон демократиянинг қарор топиши шахс медиамаданияти ошишини тақозо этади, фуқароларнинг ахборот маконида таклиф этилаётган медианомаларни танқидий таҳлил этиш ва уларга холис баҳо бериш, ахборот плюрализмининг, тўғридан-тўғри фойдаланиш демократияси амал қилишининг ижтимоий-маданий ва сиёсий қонуниятларининг хос хусусиятларини тушуниш борасидаги қобилиятини ривожлантиришни назарда тутаяди.

Бу борада Давлатимиз раҳбарининг “Электрон ҳукумат” тизимини, шу жумладан, бошқарув жараёнлари, шунингдек, бизнес соҳасига ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, Ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларини интеграция қиладиган миллий тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим”<sup>50</sup> деган фикрини алоҳида қайд этиш зарур.

Шиддат билан кечаётган ҳодиса–воқеалар оқимида катта ҳажмдаги ахборотнинг мазмунини англаш, уни тўғри талқин этиб хулосалар чиқариш ниҳоятда муҳимдир. Бу эса ахборотни танлаш, саралаш, уни тўғри идрок этиш маданиятини шакллантириш каби инсоннинг бевосита дунёқараши, салоҳияти, тажрибаси билан боғлиқ хусусиятларни камол топтириш масалаларининг долзарблигини оширади.

Шу муносабат билан глобал тармоқдан фойдаланувчилар аудиториясининг кўпчилиги ёшлар эканлигини, уларнинг онгини ва

<sup>50</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз –кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2013. – 19 январь.

дунёқарашини ёт мазмундаги ғоялар билан заҳарлашга қаратилган маълумотлар Интернет контентнинг катта қисмини ташкил этишини қайд этиш зарур. Турли ижтимоий тармоқлар, форумлар, танишув сайтларининг фаолият юритиши ёшларни ўзига тезда жалб қилмоқда. Ҳозирги кунда турли тилларда сўзлашаётган ёшлар учун Интернет тармоғи кенг имкониятлар яратмоқда. Айниқса, мобил Интернетдан фойдаланувчилар аудиториясининг ортиб бориши турли мазмундаги ахборотларни очиқ олиш имкониятини янада оширмоқда.

Бунинг натижасида, ҳозирда дунёдаги ахборот инқилоби шароитида вужудга келаётган глобал тармоқ жамиятлари мутасадди ва мутахассисларни жиддий ташвишга солапти. Бу турдаги жамиятлар ўзларини «киберинтернационал NET», «Интернет болалари», «Интернет фуқаролари (netizens)» деб номлашмоқда. Чет элларда улар Интернет орқали ёшларни бирлаштириб, давлатнинг расмий хабарларига қарши чикувчи халқаро киберуюшма сифатида сиёсий майдонга чиқмоқда. Албатта, бундай жамиятларнинг фаоллиги ошиб борар экан, жаҳонда кечаётган жараёнларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши аниқ.

Жаҳон телекоммуникация тармоқлари ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган хилма хил таҳдидлар турли мамлакатларда ташвиш уйғотмоқда. Улар ўз маданияти, анъаналари ва маънавий қадриятларини ёт ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш учун махсус чоралар кўришга мажбур бўлмоқдалар. Бу борада жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида аҳолини ва аввало, ёшларни Интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётганини қайд этиш зарур. Мисол тариқасида халқаро амалиётда “Кибер жиноятлар тўғрисида” Конвенция<sup>51</sup>, “Вояга етмаганлар учун хавфсиз Интернет ва онлайн ресурсларни жорий қилиш тўғрисида” Европа Иттифоқи Парламенти Ассамблеясининг тавсиялари<sup>52</sup>, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида” БМТ Конвенцияси<sup>53</sup> мавжуд.

Мамлакатимизда ҳам бу соҳада тизимли равишда ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига<sup>54</sup> мувофиқ таълим ва ёшлар бўйича яратилаётган ахборот ресурслари ягона “ZiyoNET” миллий таълим тармоғига бирлаштирилди. Бу тармоқнинг ташкил этилиши ахборот хуружларига қарши туришда муҳим омил бўлмоқда.

<sup>51</sup> Европейская Конвенция по киберпреступлениям от 23 ноября 2001 г. // Инт.: [http://www.eos.ru/eos\\_delopr/eos\\_law/detail.php?ID=32003&SECTION\\_ID=671](http://www.eos.ru/eos_delopr/eos_law/detail.php?ID=32003&SECTION_ID=671)

<sup>52</sup> Продвижение Интернет и онлайн-ресурсов, безопасных для несовершеннолетних. Рекомендация Парламентской Ассамблеи Совета Европы 1882 (2009) // Инт.: [http://www.coe.int/T/r/Parliamentary\\_Assembly/%5bRussian\\_documents%5d/%5b2009%5d/%5bSepOct2009%5d/Rec1882\\_rus.asp](http://www.coe.int/T/r/Parliamentary_Assembly/%5bRussian_documents%5d/%5b2009%5d/%5bSepOct2009%5d/Rec1882_rus.asp)

<sup>53</sup> Конвенция о правах ребенка (Принята резолюцией 44/25 Генеральной Ассамблеи от 20 ноября 1989 года) // Инт.: [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/childcon.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/childcon.shtml)

<sup>54</sup> “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 305-модда; 2013 й., 45-сон, 584-модда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва уларнинг худудлардаги филиаллари, барча зиё масканлари «ZiyoNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланганлиги бу борада амалга оширилган ишларнинг кўламадан далолат беради.<sup>55</sup> Портал Узнет сегментида илғор позициялардан бирини эгаллайди ва ундан фойдаланувчиларнинг сони тобора ортиб бораётгани фикримизнинг далилидир<sup>56</sup>.

Айни чоғда Интернетнинг миллий сегментида фаолиятини юритаётган Kun.uz (сайтга кунлик ташриф кўрсаткичлари 100 мингдан ортган)<sup>57</sup> ва Daryo.uz (хар куни 90. 000 киши ташриф буюради)<sup>58</sup> каби интернет нашрларда Hi-Tech, маданият, илм-фан, ҳордиқ, спорт, бизнес, давлат бошқаруви органлари каби йўналишларда веб-сайтлар жойлаштирилгани, янги хизмат турлари жорий этилаётгани ҳам ундан фойдаланувчилар, айнан ёшлар сафи кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга миллий қонунчилигимизда ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари мавжуд. Мисол учун, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги,<sup>59</sup> “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги,<sup>60</sup> “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги<sup>61</sup> қонунларда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши белгилаб қўйилган.

Шу асосда, ёшларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ руёбга чиқариш, уларни ахборот хуружларидан ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш борасида зарур чоралар кўрилмоқда. Жумладан, бугунги кунда “Болаларни уларнинг соғлиғи ва маънавий-ахлоқий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. У болаларнинг руҳиятига зарар етказадиган, жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, оммавий ахборот манбаларида зўравонлик, ахлоқсизлик ҳамда шафқатсизликни тарғиб қилишга йўл кўймасликка қаратилган амалий-ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни назарда тутди.<sup>62</sup>

<sup>55</sup> Ахборот-кутубхона фаолияти ва қонунчилик // Халқ сўзи. – 2013. – 2 ноябрь.

<sup>56</sup> Қаранг: На защите интересов молодежи // Правда Востока. - 2015 года. - 7 июля.

<sup>57</sup> <https://kun.uz/info/view/alias/about>

<sup>58</sup> <http://daryo.uz/biz-haqimizda/>

<sup>59</sup> “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрирда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2007 й., №1, 4-модда.

<sup>60</sup> “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 80-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда.

<sup>61</sup> “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда.

<sup>62</sup> Қўмиталарда қонун лойиҳалари муҳокамаси бўлиб ўтмоқда // Халқ сўзи. – 2015. - 4 Март.

Хуллас, юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фуқароликжамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ОАВ ларнинг барпо этилаётган фуқаролик жамияти тамойилларини қарор топтиришнинг муҳим омилларидан бирига айлантиради.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

---

Тошкент – 2016

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

**13-мавзу: Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш**

<i>Талаба сони 20-50та</i>		<i>Вақти 2 соат</i>	
<i>Машғулот шакли</i>		<i>Анжуман - амалий машғулот</i>	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Демократик жамият кўришда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳ қилиниши</li><li>2. Ўзбекистонда демократик жамият кўришда сўз эркинлиги.</li><li>3. Демократик жамият кўришда замонавий ахборот технологияларининг роли</li></ol>		
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Оммавий ахборот воситалари – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принциплари, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақил кучга, «тўртинчи ҳокимият»га айланмоқда. ЎзР Конституциясига ва «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (1997 йил 26 декабр) қонунга мувофиқ ҳар бир фуқарога сўз эркинлиги: радио орқали, матбуот, телевидение ва бошқа ОАВларда чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини баён этиш ҳуқуқи ҳавола этилади. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири – матбуот ва ахборот эркинлиги ҳисобланади. Ўқув машғулотни мақсади ушбу жараёнларни ёритишга қаратилади.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	

<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлиги тушунчаларини англаб етишга қаратилади</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлиги ҳақида хулосалар чиқариш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосаларга чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият қўришнинг тегишли манбаалар асосида ўрганиш, атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Таркатма материаллар, слайдлар, проектор.
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шароити</i>	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
<i>Амалий машғулотни баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”**

**кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

1. Ахборот соҳасида шахс учун қандай ҳуқуқий қафолатлар бўлиши
2. Ахборот билан ишлаш қандай жараёнларни қамраб олади
3. Ахборот қурол сифатида ўз таъсири ўтказиш учун кимга энг аввало имконият яратиб беради
4. Ўзбекистоннинг дунё ахборот макони билан муносабатлари қандай бўлмоғи лозим
5. Бугунги кунда Ўзбекистон фуқароларига ахборот таъсири қандай ахборот воситалари орқали амалга оширилади
6. Ахборот воситалари ичида инсон руҳиятига энг кучли таъсир кўрсатаётгани қайси бири
7. 2014 йил 1 январь холатига кура Ўзбекистонда нечта ОАВ рўйхатга олинган ва уларнинг таркиби қандай

8. Мамлакатимиздаги мавжуд телерадиоканаллар ва веб-сайтларнинг неча фоиз нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади

9. Оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётидаги роли

**10.**Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг неча тилида фаолият олиб боради

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ГЛОССАРИЙ**

Тошкент – 2016

## ГЛОССАРИЙ

1. **Оммавий ахборот воситалари** – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принциплари, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим.
2. **Плярализм** – фикрлар хилма-хиллиги.
3. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
4. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
5. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва эътиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилятлар мажмуи.
6. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
7. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар куришга тарафдорлик.
8. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
9. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
10. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
11. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
12. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.

13. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
14. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳукумронлик.
15. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
16. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
17. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қапатилади. “Партия” атамаси лотинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
18. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
19. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири кадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
20. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.
21. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
22. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
23. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
24. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
25. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
26. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
27. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
28. **МДҲ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислохатлар мажмуи.
29. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
30. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик

анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.

31. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
32. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
33. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
34. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**14-МАЪРУЗА**

## Тошкент – 2016

### 14-мавзу: Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигида демократик тамойилларга асосланиши

#### РЕЖА:

1. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.
2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатидаги ҳуқуқий сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий асослари.
3. Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги.
4. ШХТ, Марказий Осиёдаги демократик жараёнлар ва ўзар ҳамкорлик.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўз ташқи сиёсатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Эндиликда ташқи сиёсат мустақил тарзда амалга оширилмоқда.

Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон-бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан тараққиётга эришган эмас. Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган «Буюк Ипак» тарихий йўлнинг марказида жойлашган Ўзбекистон бир неча асрлардан буён динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуқтаси бўлиб келмоқда.

Айниқса Амир Темур ва Темурийлар даврида дунёдаги йирик давлатлар Самарқанд билан ўз алоқаларини ўрнатганлар. Амир Темурнинг Франция, Англия, Испания қироллари, ўнлаб қўшни давлатларнинг ҳукмдорлари билан ёзишмалари ўша даврдаги жўшқин сиёсий, маданий ва тижорий алоқалардан гувоҳлик беради.

Чор Россияси босқинидан сўнг 130 йилдан ортиқ давом этган мустамлака даври мамлакатимизнинг ташқи алоқаларини узиб қўйди. Хориж билан барча

муносабатлар истилочиларнинг назорати ва рухсати билан амалга оширилар эди. Бир пайтлар дунёга донг таратган ўлкамиз чекка бир вилоят даражасига тушириб қўйилди. Советлар даврида эса четга чиқарилган бир-икки дипломат ҳамда вазифаси олий рутбали хорижликларни меҳмон қилишдан иборат бўлган Ташқи ишлар вазирлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бевосита мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари белгиланди ҳамда оғишмай амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъий назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш; низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;
- ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;
- тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик устунлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик ва бошқалар.

Бу тамойилларга давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари асос қилиб олинади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузасида бошқа соҳалар қатори ташқи сиёсат борасидаги навбатдаги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жаҳондаги барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қуйиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ҳамда инсонпарварлик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш бундан кейин ҳам устувор йўналиш бўлиб қолиши таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон тараққиётининг конституциявий замини яратилди. Шунга мос равишда инсон ҳуқуқлари ҳам тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий салоҳияти, унга хизмат қиладиган табиий ва техникавий заҳиралар, мустаҳкамланаётган халқаро муносабатлар демократик ривожланиш ва инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун барча шароитларнинг босқичма-босқич яратилишига кафолат беради.

Ўзбекистон Конституцияси «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунда белгиланган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Мазкур анъаналарга кўра халқаро ҳуқуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбаи бўлиб, Ўзбекистон ўзининг халқаро ҳуқуқ

нормаларига содиқлигини конституциявий даражада мустаҳкамлаб, намойиш этмоқда.

Бу эса ёш мустақил давлатимизнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларга қабул қилинишига имкон берди. Республикаимизнинг мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар томонидан дипломатик тан олиншига, халқаро иқтисодий муносабатларга киришишига йўл очди.

БМТ устави, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги бошқа халқаро пактлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид хартиялари қоидалари Конституциямиздаги халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига асос бўлди. Бундай конституциявий ёндашув, айниқса Конституциянинг муқаддимасида, 4-бобида, иккинчи бўлимда 22,23 ва 26-бобда яққол кўзга ташланади. Бу бобларнинг тегишли равишда, «Ташқи сиёсат», «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари», «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти», «Сайлов тизими», «Мудофаа ва хавфсизлик» деб номланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ижтимоий дунёқараш ва жаҳон ҳамжамиятининг жўғрофий-сиёсий тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб тарихга кирди. Жаҳон ҳамжамияти янги даврга қадам қўйди. Бу давр ўзининг икки жиҳати билан ажралиб туради. Биринчидан, бу давлатлар, халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит бўлган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконларнинг вужудга келиши, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ нормаларининг яратилишидир. Иккинчидан, «социалистик лагер»нинг емирилиши, тоталитар тузумдаги давлатларнинг тугатилиши, улар ўрнида мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир.

Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли» китобида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташқи сиёсий йўл, бу йўлнинг ҳуқуқий негизи ва уни амалга ошириш воситалари ҳақида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўли, асосий қоидалари ва мақсадлари, унинг устувор ва минтақавий йўналишлари, хусусиятлари негизида республиканинг миллий манфаатлари жой олган. Ҳар қандай сиёсат ақл-идрок билан иш тутишни тақозо этади. Ривожланаётган, тез тараққий этиш учун кучли илмий, саноат куч-қувватига эга бўлган мамлакатнинг ташқи сиёсати эҳтирослардан холи бўлиши лозим. Республикаимиз ана шундай давлатлар сирасига киради. Янги халқаро иқтисодий тартиб учун ҳаракат қилиш қоидалари Ўзбекистон учун ҳам диққатга молик масаладир. Бу хом ашё ва саноат маҳсулотлари нарх-наволарининг адолатли бўлган нисбати, ривожланаётган давлатларнинг фан ва техника ютуқларидан бахраманд бўлиш имконияти ва ҳоказолардир.

Ташқи сиёсат фаолият учун ҳуқуқий негиз яратиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидагилар амалга оширилди:

-янги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

-собиқ Иттифоқ иштирокчи бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси республика манфаати нуқтаи назаридан ўрганилди:

-Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос тушадиган ҳужжатлар ратификация қилинди:

-мамлакат халқаро фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. «Қабул қилинган халқаро шартномалар тўғрисида»ги қонун, «Консуллик устави» шулар жумласидандир. Улардан ташқари божхона хизматининг ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар, Ҳаво кодекси ҳам қабул қилнди. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобининг ташқи сиёсатга бағишланган бобида ушбу фаолият йўналишлари аниқ-равшан ифодалаб берилган. Жумладан, китобда миллий манфаатлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади эканлиги қатъий баён этилган.

Манфаат, бу зарурий эҳтиёждир. Эҳтиёжлар эса биринчи галда Ўзбекистон учун тараққиётнинг муайян жуғрофий ва табиий, иқлимий, демографик ҳолатимиз, халқимизнинг кўп миллатли таркиби, унинг тарихий ва маданий мероси, маънавийт омили, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражаси, хом ашё ва замонавий технология билан таъминланганлик, давлатнинг халқаро муносабатлардаги ўрни ва ҳоказолардир. Бу омиллар Ўзбекистоннинг эҳтиёжларини белгилайди. Эҳтиёжлар эса манфаатларда ўз ифодасини топади. Давлат манфаатлари унинг ташқи сиёсий фаолиятини белгилайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий манфаатлари халқаро алоқаларни ривожлантираётган, унинг тузилмалари ва фаолиятини белгилаб бераётган кучдир.

Барча давлат ва халқаро ташкилотлар билан алоқа қилишда давлатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқилади. Табиийки, бунда шерикларимиз манфаатлари, улар ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобга олиниши зарур. Зеро, ўзаро узвий боғлиқликсиз ташқи сиёсатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва давлатлараро уюшмалар фаолиятидаги иштироки республика ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу ташкилотлар жаҳон ҳамжамиятига кириш, хўжалик алоқаларини ўрганиш, экология, табиий муаммоларни ҳал этиш, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда катта ёрдам бермоқдалар.

Республика Президенти давлатимиз ўз қиёфасини йўқотмасдан халқаро талабларга риоя этишга тайёрлигини қатъий тасдиқлади. Бу талабларга риоя этмасдан, халқаро жаҳон ҳамжамиятига кириб бўлмайди. Бу ерда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосидаги қафолатлар, БМТ Низоми ва Хельсинки келишуви қоидалари, хужум қилмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш, халқаро ҳуқуқ қонунларининг миллий қонунлардан устуворлиги ва ҳоказолар тўғрисида гап бормоқда. Жаҳондаги барча тараққийпарвар мамлакатлар худди шундай ёндашув тарафдоридир.

Бугунги кунда ўз мустақил ташқи сиёсатини конституциявий қоидаларга таяниб юритаётган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги-ю куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Мамлакатимиз Асосий қонунининг 17-моддасида очиқ-равшан айтилган.

Ўзбекистон бутун дунё кўз ўнгида ташки сиёсий ва маданий алоқаларининг бой тарихига эга бўлган, мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираётган тинчликсевар ҳуқуқий давлат сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро ҳуқуқ жиҳатидан Ўзбекистон учун асрлар оша буюк бўлиб келган давлатлар ҳам, давлатчилик тарихи бизниқига ўхшаш ёш мамлакатлар ҳам баб-баравардир.

Ўзбекистон тараққиётнинг конституциявий асоси сифатида инсон ҳуқуқлари тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий имконияти, унинг катта табиий ва техник заҳиралари, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалари демократик тараққиёт ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжудлигига ишонч туғдиради. Натижада мамлакатимиз амалда ялписига дипломатик тан олинисига ва халқаро иқтисодий алоқаларга тортилишига йўл очиб берилди.

XX асрнинг охирида дунёнинг сиёсий макони сифат жиҳатидан ўзгарди. Совет Иттифоқи халқлари ҳамда собиқ «социалистик ҳамдўстлик»даги бошқа давлатлар бир партиявийлик тизими ва марказдан туриб режалаштириш иқтисодиётидан воз кечишди. Бу ҳолат дунёда антогонистик ижтимоий-сиёсий тузумларнинг глобал қарама-қаршилиги барҳам топди ва дунё сиёсатида демократик жамиятлар салоҳияти анча ошди. Евроосиё худудида, жумладан, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, шунингдек, собиқ совет иттифоқи давлатларининг розилиги орқали ижтимоий-сиёсий тузумнинг демократик шаклига ўтилди. Агар бундай давлатларда, энг аввало, Россияда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни муваффақиятли яқунланса, Шимолий ярим шарининг каттароқ қисми - Европа, Шимолий Америка, Евроосиёда бир-бирига яқин ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тамойиллар асосида яшовчи, бир-бирига ўхшаш қадриятларга эътикод қилувчи, шу жумладан, глобал дунё сиёсати жараёнларига бир хилда ёндашувчи халқлар ҳамжамияти шаклланади.

«Биринчи» ва «иккинчи» дунёлар ўртасидаги қарама-қаршиликка барҳам берилгандан сўнг авторитар тузумлар Африка, Лотин Америка, Осиёдаги ўз тарафдорини қўллаб-қувватлашдан тўхтадилар. Негаки, бу давлатлар мафкуравий иттифоқдош сифатида ўз қийматларини йўқотишди ва натижада моддий ҳамда сиёсий ёрдамдан махрум бўлишди. Оқибатда Сомали, Либерия, Афғонистонда бўлиниш вужудга келди ва фуқаролар уруши бошланиб кетди. Бошқа давлатларнинг кўпчилиги эса, масалан, Эфиопия, Никарагуа, Жазоир авторитаризмдан воз кеча бошлашди.

«Совуқ уруш» билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган барча қитъаларда кечган кенг миқёсли демократиялаштириш жараёни 80-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бразилия, Аргентина, Чили бошқарувнинг ҳарбий-авторитар шаклидан фуқаролик-парламентар шаклларига ўтишди. Бундай тенденция Марказий Америкада сал кечроқ тарқалди. Ушбу жараённинг эътиборли натижаларидан бири шуки, 1994 йил 14 декабрда Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари бошлиқларининг учрашувида қатнашган 34та давлат раҳбари ўз давлатларининг демократик йўл билан сайланган лидерлари эдилар. Шунга ўхшаш демократиклаштириш жараёнлари Осиё Тинч океани худуди - Филиппин, Тайвань, Жанубий Корея, Таиландда кузатилди. 1998 йилда Покистонда ҳарбий тузум ўрнига сайланган ҳукумат келди. Жанубий

Африка республикасининг апартеид сиёсатидан воз кечиши демократияга қараб йўл олинганлигини кўрсатди. Африканинг бошқа жойларида авторитаризм жараёни анчагина секин кечди. Бироқ инқирозга учраши, Гана, Бенин, Кения, Зимбабведа демократик ислохотларнинг маълум даражада олдинга силжиши демократиялашув тўлқини бу қитъага ҳам таъсир қилмасдан ўтмаганини кўрсатади.

Айтиб ўтиш лозимки, демократия етукликнинг бир неча даражасига эга. Бу француз ҳамда америка инқилоби даврларидан бошлаб, бугунги кунгача демократик жамиятларнинг ривожланишида яққол намоён бўлди. Қатор Африка мамлакатларида ёки собиқ иттифок ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатларнинг айримларида мунтазам кўппартиявийлик сайловлари кўринишига эга бўлган демократиянинг илк шакллари, айтайлик, Ғарбий Европа типигаги етук демократия шаклларида анчагина фарқ қилади. Агар Линкольннинг демократияга берган «халқ танлаган сайлаган ва халқ манфаатларига мувофиқ амалга ошириладиган халқ бошқаруви» таърифидан келиб чиқадиган бўлсак, энг илғор демократиялар ҳам мукамал эмасдир.

80-йиллар охири - 90-йиллар бошларида ижтимоий-сиёсий моделларнинг глобал алмашинув жараёни турли давлатларда турлича кечган бўлса-да, унинг ер юзини ярмидан кўпини қамраб олганлиги боис, жаҳон ҳамжамияти ижтимоий-сиёсий майдонининг сифат ўзгариши тўғрисида хулоса қилиш мумкин бўлади. Жамиятларни ташкил этишнинг демократик шакли тафовутлар, баъзан эса муайян давлатлар ўртасида кескин зиддиятли вазиятлардан ҳам холи эмас. Масалан, бугунги кунда Ҳиндистон ва Покистон, Греция ва Туркияда парламентар бошқарув жорий этилган бўлса-да, улар ўртасидаги муносабатларда хавфли кескинлик мавжуд. Россия коммунизмдан демократияга қараб анча йўл босиб ўтган бўлса-да, барибир, айтайлик, НАТОни кенгайтириш ёки Саддам Ҳусайн, Слобадан Милошович тузумларига қарши ҳарбий кучни ишлатиш масалалари бўйича Европа давлатлари ва АҚШ билан ораларида келишмовчилик бор. Лекин муҳими шуки, тарихда демократик давлатлар бир-бирлари билан уруш қилишмаган.

Албатта, кўп нарса «демократия» ва «уруш» тушунчаларининг қандай таърифланишига боғлиқ. Оламда давлат, қачонки унинг ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлари сайловлар йўли билан шакллантирилган бўлса - демократик ҳисобланади. Бу дегани, ана шундай сайловларда энг камида бир-биридан мустақил иккита партия иштирок этса, катта ёшдаги аҳолини камида ярим овоз бериш ҳуқуқига эга бўлса ва ҳокимиятнинг бир партиядан иккинчисига ўтиши камида бир марта тинч конституцион йўл билан амалга оширилган бўлса.

Жаҳон тарихининг тадқиқ этилиши шуни кўрсатмоқдаки, демократиялар авторитар тузумлар билан уруш олиб борадилар ва жуда кўп бошқа демократик давлатлар билан зиддиятларга борсалар ҳам, ҳеч қачон бу нарса урушгча етиб бормаган. Вестфаль тизими мавжуд давр мобайнида демократик давлатлар ўтрасидаги муносабатлар тор доира бўлганлиги ва уларнинг ҳамжихат бўлишларига авторитар давлатлар таъсир этганлигини кўрсатувчи танқидчиларда бунга маълум бир асос бор эканлигини тан олиш зарур. Авторитар давлатлар томонидан таҳдиднинг йўқолиши ёки камайиши билан

демократик давлатлар бир-бирлари билан муносабатда ўзларини қандай тутишлари ҳам номаълум.

Агар ХХИ асрда ҳам демократик давлатларнинг ўзаро тинч муносабатларидаги қонуният бузилмаса, унда ҳозир дунёда рўй бераётган демократияни кенгайтириш дунё глобал зонасининг ҳам кенгайтирилиши англатади. Эҳтимол, янги шаклланаётган халқаро муносабатлар тизмининг Вестфаль тизимидан биринчи ва асосий фарқи айнан мана шундадир.

Глобал миқёсда демократия ва авторитаризм ўтрасидаги нисбатнинг ўзгариши америкалик тадқиқотчи Ф.Фукуяманинг демократия ғалабасини овоза қилишига ҳамда шу маънода тарихий формациялар ўртасидаги кураш сифатида «тарихнинг яқунланганлиги» туғрисида эълон қилишга асос бўлиб хизмат қилди. Бироқ, демократиянинг кенг миқёсда ёйилиб бораётгани унинг тўлиқ ғалабаси дегани эмас. Коммунизм бироз ўзгартирилган кўринишда бўлса-да, Хитой, Вьетнам, Шимолий Корея, Лаос, Кубада сақланиб қолинди унинг изларини Собик Иттифоқнинг айрим давлатларида, Сербияда сезиш мумкин.

Шимолий Кореядан ташқари бошқа барча социалистик мамлакатларда бозор иқтисодиёти элементлари пайдо бўлмоқда, улар у ёки маънода жаҳон иқтисодий тизимига жалб этилмоқда. Сақланиб қолган айрим коммунистик давлатларнинг бошқа мамлакатлар билан муносабатлари «синфий кураш» тамойилидан кўра, «Бирга тинч яшаш» тамойилига асосланади. Қисман амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва халқаро иқтисодий алоқалар учун очик бўлишлик сиёсий эркинликларни кенгайтиришни талаб этувчи ижтимоий кучларни юзага чиқаради. Бироқ, бир партиявийлик тизими тескари томонга қараб иш олиб бормоқда. Натижада либерализмдан авторитаризмга, авторитаризмдан тиберализмга қараб ҳаракат қилувчи «аргимчоқ» эффеқтини кузатиш мумкин. ХХ аср тажрибаси кўрсатмоқдаки, коммунистик тизим муқаррар равишда шундай ташқи сиёсатни ишлаб чиқардики, у демократик жамиятлар сиёсатига зид бўлади. Бундай зиддиятнинг мавжудлиги улар ўртасидаги ҳарбий можарони келтириб чиқариши мумкинлиги ва улар ўртасидаги муносабатлар бўла олмаслиги хусусидаги фикрлар асослагандир.

Ҳозирги кунда дунёда авторитар тузумдаги бир қанча давлатлар мавжуд. Авторитар тузумда бўлган давлатлар орасида алоҳида ўринни экстремистик мазмундаги «исломий» мамлакатлар - Эрон, Судан, Афғонистон эгаллайди. «Ислом фундаментализми» номи билан аталувчи ислом экстремизми халқаро сиёсий ҳаракати дунё сиёсатига бу давлатлар ўз таъсирини ўтказиш учун имкон бермоқда.

Ғарб демократиясини инкор этувчи ҳамда зўравонликка йўл қўювчи ушбу мафкуравий оқим сўнгги йилларда Яқин Шарқнинг кўпгина мамлакатлари аҳолиси ва мусулмон аҳолиси юқори бўлган бошқа давлатларда кенг тарқалган.

Демократик давлатлар билан ҳамкорлик қилишга интилаётган коммунистик тузумдаги давлатлардан фарқли ўлароқ, ислом сиёсий экстремизми динамик ва Саудия Арабистони, Форс кўрфаси мамлакатлари, Покистон, Туркия, Марказий Осиё давлатлари барқарорлигига катта хавф туғдирмоқда.

Авторитар давлатларнинг сақлаб қолиниши ёки улар сонининг ортиши, эҳтимол, улар ўртасидаги, шунингдек, демократик дунё билан ўрталарида ҳарбий тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Албатта, халқаро

муносабатларнинг келгусидаги ривожини тадқиқ этишда демократия ўртасидаги муносабатлар қонуниятларини, демократиянинг авторитар тузумларга таъсирини яхшилаб таҳлил этиш лозим бўлади.

Халқаро муносабатларни ривожлантиришда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик қадриятлар, халқаро ҳуқуқ асосида ўзташқи сиёсатини юритиш, муносабатларда куч ишлатмасдан музокаралар ёрдамида муаммоларни ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва давлатларнинг суверенитети ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон ўз дипломатиясини юқоридаги қадриятлар асосида олиб бормоқда.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Ўзбекистон халқ хўжалигидаги аниқ лойиҳаларга сарфланаётган хорижий сармоялар миқдори йилдан-йилга ортиб бораёпти. Кейинги йилларда қад кўтараётган замонавий иншоотлар ва йирик корхоналар бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистонда инвестицион муҳитни шакллантириш, экспортга йўналтирилган иқтисодиёт вужудга келтириш бўйича алоқалар ривожланиб бормоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда. Айни пайтда мамлакатни жаҳон билан боғловчи коммуникацион тизимларни ривожлантиришга катта аҳамият берилаяпти. Чет эллардаги таниқли иқтисодчилар, хорижий компаниялар ваколатхоналари раҳбарлари ва мутахассислари, ёзувчилар ва журналистлар бу тадбирлар туфайли Ўзбекистон яқин келажакда минтақадаги энг илғор давлатлардан бирига айланишини башорат қилмоқдалар.

Мамлакатимизнинг бой ер ости ва усти ресурслари, малакали мутахассислари, Марказий Осиёдаги етакчи давлатлари ҳам жаҳон давлатларини ҳамкорликка ундамоқда. Ўзбекистон ҳозирги пайтда 130дан ортиқ хорижий мамлакатлар билан савдо-сотик қилади. Юртимиздаги 15 мингга яқин корхона маҳсулотлар экспорт-импори билан шуғулланмоқда. Халқаро муносабатлар раванқи мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликнинг, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришнинг ўзига хос кафолати эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотлар- Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Иқтисодий ҳамкорлик ташкилдоти (ЭКО) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махсус битимлар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқаларимиз минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. АҚШ ва бошқа етакчи давлатлар аскарлари билан биргаликда ҳар йили ўтказилаётган ҳарбий машқлар қуроли кучларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлаяпти.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларининг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви давримизнинг энг муҳим анжуманларидан бир бўлди. Республикамиз

Президентининг мазкур анжумандаги нутқи, аниқ таклифлари ва мулоҳазалари билан йиғилганлар эътиборини қозонди. Айниқса терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш борасидаги таклиф кўплаб давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида ана шундай марказнинг таъсис этилишига ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг таклифи сабаб бўлди.

Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир. Бугунги кунда ер юзининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларимиз бор. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда. Шу ўринда Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларимизни тилга олишимиз мумкин. Бу муносабатлар иккала давлатлар учун ҳам муҳим бўлган йўналишларда изчиллик билан ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон расмий ҳайъатининг 2002 йилда АҚШга ташрифи, стратегик ҳамкорликни вужудга келиши ва имзоланган ҳужжатлар, бир қатор халқаро анжуманларда икки давлат раҳбарининг ўзаро мулоқотлари, самимий ёзишмалар ўзаро алоқалар даражасидан далолат беради. Дунёнинг етакчи давлати, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Европа Иттифоқи билан 1996 йилда имзоланган шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома 1999 йилнинг 1 июлида кучга кирди. Мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан кенг миқёсли алоқалари учун қулай имконият вужудга келди. Табиийки, Германия, Франция, Буюк Британия каби илғор давлатларнинг демократик жамият қуриш борасидаги тажрибалари, ишлаб чиқаришдаги илғор технологиялари биз учун муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари- Япония, Корея Республикаси, Хитой ва бошқа давлатлар билан алоқаларимиз кенгайди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз самараларини бирга қурилаётган корхоналарда, қад кўтараётган иншоотларда, бозорларимиздаги хилма-хил маҳсулотларда кўриш мумкин.

Албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунга сабаб, Ҳамдўстлик мамлакатларимизнинг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғланганлигигина эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг муштарак тақдирга эга бўлганлигидир.

Россия Федерацияси билан мустақиллик йилларида шаклланган ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик яхши самара бераётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган 1992 йилдан буён сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда жами 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланган. 1998 йил май ойида И.Каримовнинг Россияга ва ўша йил октябрида Б.Ельциннинг мамлакатимизга расмий ташрифлари, сафар давомида қабул қилинган ҳужжатлар, айниқса, 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. В.Путин президент

сифатида илк сафарни Ўзбекистондан бошлаганлиги ҳам Россия раҳбарияти мамлакатимизни ўзининг стратегик шерикларидан бири, Марказий Осиёдаги етакчи давлат деб билишидан далолат беради.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақида имзоланган шартнома Марказий Осиё интеграцияси йўлидаги илк қадам бўлган эди. 1998 йили бу шартномага Тожикистон ҳам қўшилди. Ҳозиргача ўзаро ҳамкорлик ҳақида 150 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Эндиликда Давлатлараро кенгаш ишлаб турибди, Ҳамдўстлик дастурларини рўёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Мазкур интеграция халқимизнинг манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. 2000 йил 20-21 апрель кунлари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви чоғида имзоланган терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан биргаликдаги ҳаракатлар тўғрисидаги шартнома бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасида ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради, деб таъкидлаган эди. Ўзбекистоннинг кенг миқёсли халқаро алоқалари ана шу фикрнинг амалий ифодасидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик жараёнларни шунчаки эътироф этиш эмас, балки уни ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Чунки демократик кадриятларнинг қанчалик ривожланиши, давлатни, халқни шунчалик тараққиётга олиб келади. Демократик кадриятларни ҳимоялаш эса муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири - минатақвий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар тинчилигига раҳна солувчи терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қатъий кураш олиб боришдан иборат. Давлатимиз ана шу мақсад йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бир қатор давлатлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб бормоқда, айни вақтда бу ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлаш, низоларни сиёсий чоралар билан бартараф этиш, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, наркобизнесга қарши курашда саъйи ҳаракатларини мувофиқлаштириш, Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги конструктив ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

1997 йил 19-20 июл кунлари «6+2» гуруҳининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви бунга мисол бўла олади. Унда биринчи бор муҳолиф томонларнинг юзма-юз музокара олиб боришлари учун имкон яратилганлигини анджуман якунида «Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари» ҳақида Декларациянинг қабул қилинишини халқаро

жамоатчилик афғон заминда тинчлик ўрнатиш қаратилган жиддий қадам сифатида баҳолади.

Мазкур анжуман Ўзбекистон раҳбариятининг кўп йиллик саъй-ҳаракатлари натижаси бўлди. Афғонистондаги урушнинг ўз вақтида тинч йўл билан ҳал этилмаслиги минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 ва 1995 йиллардаги сессияларида, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти саммити ва бошқа қатор муҳим анжуманларда халқаро ҳамжамият диққат эътиборини афғон халқини уруш даҳшатларидан халос этиш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига жалб этган эди.

Ўзбекистон раҳбарининг Афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган конструктив ташаббуслари БМТ шафелигидаги «6+2» гуруҳининг (Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Хитой ҳамда АҚШ ва Россия) ташкил этилишига асос бўлди. Гуруҳнинг биринчи учрашуви Нью-Йорк шаҳрида 1997 йилда бўлиб ўтган эди.

Афғонистондаги қарама-қарши томонлар «6+2» гуруҳнинг Тошкент учрашувидан кейин ҳам жангвор ҳаракатларини давом эттирганлиги халқаро жамоатчиликда кескин норозиликлар уйғотди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1999 йил 15 октябрда «Толибон» ҳаракатига қарши чекланган жазо чораларини жорий этиш ҳақида резолюция қабул қилди. Унда ўзини Афғонистон ислом амрлиги деб атаётган афғон гуруҳи томонидан халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотчиларига бошпана берилиб, қўллаб-қувватланаётганлиги қатъий қораланиб, халқаро террорчиликда айбланаётган Усама Бин Ладенни одил суд ҳукмига топшириш талаб қилинган эди.

Афсуски, Афғонистон замини ҳамон қарама-қарши кучлар жанггоҳи, халқаро террорчиларга бошпана берувчи марказ, наркотик моддалар ва қурол-яроқ тарқатиш манбаи бўлиб қолмоқда. Халқаро террорчилар зўравонликнинг даҳшатли усулларини қўллаб, бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда, халқларнинг тинчлиги ва осойишталигини бузмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши раиси Бош Ассамблеяда «Афғонистондаги вазият» масаласи кўриб чиқилиши муносабати билан 1999 йил 22 октябрда Кенгаш аъзолари номидан Баёнот эълон қилди. Унда афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган Тошкент Декларацияси қўллаб-қувватланди.

Хавфсизлик Кенгаши 1999 йил 19 июлда «6+2» гуруҳнинг Тошкент учрашувида қабул қилинган «Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари» ҳақидаги Декларацияни, айниқса, гуруҳ аъзоларининг Афғонистондаги қарама-қарши томонларга ҳеч қандай ҳарбий ёрдам кўрсатмаслик ва ўз ҳудудларидан бундай мақсадлар учун фойдаланишнинг олдини олиш борасидаги келишувини қўллаб-қувватлайди. Хавфсизлик Кенгаши БМТнинг афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишдаги саъйи ҳаракатлари йўлида мазкур гуруҳнинг барча аъзоларини ва Афғонистондаги қарама-қарши кучларни ушбу принципларга амал қилишга чақиради», - дейилади Баёнотда.

Ушбу Баёнот орқали жаҳон ҳамжамияти террорчилик ва экстремизм ўчоғига, наркобизнес марказига айланиб қолган инсоннинг энг олий ҳуқуқи - яшаш ҳуқуқи бутунлай поймол этилаётган, аёллар инсон ўрнида кўрилмаётган, балоғат ёшига етмаган болалар аскарликка олинаётган, бемаъни уруш туфайли оилалар барбод бўлаётган воқеалардан қаттиқ ташвишда эканлигини яна бир бор изҳор этади.

Иккинчи жаҳон урушининг охирида портлатилган ядро бомбалари инсоният тарихий тараққиётида сифат жиҳатидан янги, ядровий давр бошланганлигидан далолат берди. Ўта даҳшатли кучга эга бўлган бу қурол инсоният тараҳида мисли кўрилмаган илмий-техник қудратни намоёиш этиш билан бирга, жаҳон хатарли чегарага яқинлашганлигини, ердаги барча мавжудодларнинг ва умуман, ер қуррасининг ҳалокати хавфи туғилганлигини кўрсатди.

Ҳозирги пайтда тўпланган илмий маълумотлар ва тахминлар ядровий портлашлар вужудга келтирадиган экологик фожеанинг бутун миқёсини намоён этади. Агар ер юзида ядровий уруш рўй берадиган бўлса, у қуррамиздаги энг сўнгги уруш бўлади. Чунки, атроф-муҳитда рўй берадиган фалокатли ўзгаришлар инсониятнинг ер юзида яшаш имкониятини йўққа чиқаради.

Жаҳондаги айрим давлатлар ўртасидаги ҳарбий-сиёсий зиддиятлар баъзи давлатларда оммавий қирғин қуролларининг катта миқдорда тўпланиб қолиши ўзаро низолар чоғида ядровий қуролларни қўллаш эҳтимолини кучайтиради. Шу сабабли ядро қуролларини чеклаш, ядро синовларини таъқиқлаш, ер юзининг турли нуқталарида ядровий қуролдан ҳоли ҳудудлар барпо этиш ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёнинг ядросиз зона, деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурди. «Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас, - деди юртбошимиз ўз нутқида, минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади.... Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона, деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир».

Мазкур ташаббус Президентимизнинг 1996 йил декабрда бўлиб ўтган ЕХХТ Лиссабон учрашувида сўзлаган нутқида яна бир бор йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Анжуман қатнашчилари Марказий Осиёни ядросиз зона, деб эълон қилиш ҳақидаги фикрини катта қониқиш билан кутиб олдилар.

1997 йил апрель ойида Женева шаҳрида Марказий Осиёдаги беш давлат экспертлари минтақавий гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўша йили июнь ойида Ўзбекистон ҳайъати биринчи бор атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бошқарувчилари кенгашининг Вена шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида иштирок этди. Ўзбекистон ҳайъати раҳбарининг расмий баёнотида Ўзбекистон Республикаси ва минтақадаги бошқа давлатларнинг ядросиз зона ташкил этиш борасидаги қарашлари баён этилди.

1997 йил 14-16 сентябр кунлари Тошкентда «Марказий Осиё - ядро курулидан холи зона» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 56 мамлакатдан ва 16 халқаро ташкилотдан 200 дан ортиқ киши иштирок этди. Ислом Каримовнинг мазкур анжумандаги нутқида баён этилган ядровий хавфсизликни таъминлаш чоралари ҳақидаги фикрлари анжуман қатнашчилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Хўш, «Ядросиз зона»нинг қандай мезонлари бор? Халқаро амалиётда бундай ҳудудларни белгилашнинг ягона мезони йўқ. Чунки, ҳар бир минтақа ўз хусусияти ва аҳамиятига эга. Аммо, тадқиқотчилар ядросиз зона тушунчасини шундай изоҳлайдилар: «Ядросиз зона курул-яроғларни чеклаш, ядровий низо чиқиши хавфини камайтириш, мазкур зонага кирадиган мамлакатлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва 1968 йилда имзоланган ядро курулини тарқатмаслик ҳақидаги шартноманинг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашиш воситасидир. Халқаро шартнома асосида ядро курулини синаш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тақиқланган, шунингдек, унинг ҳудудида ва унга қарши ядро курулини қўллаш тақиқланган зона - ядросиз зона ҳисобланади».

Ҳозирги пайтда тўртта ядросиз зона мавжуд - Антарктида (шартнома 1961 йил 23 июнда кучга кирган), Лотин Америкаси (шартнома 1969 йил 25 апрелда кучга кирган), Тинч океанининг жанубий қисми (шартнома 1986 йил 11 декабрда кучга кирган), Африка қиъаси. Барча зоналар ҳақидаги шартномалар Ўзбекистон Республикаси томонидан эътироф этилган.

Шимолий Европада, Марказий ва Жанубий Осиёда, Яқин Шарқда ядросиз зоналар барпо этиш ғоялари мавжуд. Бундан мақсад, ядро курули мавжуд бўлган ҳудудларни чеклаш, ядро уруши хавфини камайтиришдир.

Марказий Осиёда ядросиз зона барпо этиш ҳақидаги Ўзбекистон ташаббуси БМТ ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Бу таклиф БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида муҳокама қилинди ва махсус резолюция қабул қилинди.

Марказий Осиёда ядро курулидан холи ҳудуд барпо этиш фақат минтақадагина эмас, балки жаҳонда ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий, ҳарбий қудрат билан биргаликда мамлакатдаги демократик жараёнларнинг характери билан давлатларнинг обрў-эътибори белгиланмоқда. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган демократик жараёнлар жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгаллашга ва миллий манфаатларимиз асосида ташқи сиёсат юритишга имконият яратмоқда.

XX асрнинг охирида. Инқилоблар юз йиллиги жаҳон сахнасида социалистик тузумнинг емирилиши билан якун топди. Собиқ «қизил империя» ҳудудида халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектлари - янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Шулар қатори, узок давлатчилик тарихига эга Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз миллий тараққиёт йўлини танлаб олди. Қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлган юртимиз яна жаҳон ҳамжамияти ва унинг ажралмас қисмига айланди.

Истиқлол қўлга киритилгач, ёш давлатимиз олдида ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш ва шу мақсадда янги давлат тузилмаларини

ташкил этиш масаласи кўндаланг турарди. Чунки, бусиз халқаро ҳамжамиятга кириб бориш мумкин эмас. Зеро, Ўзбекистон фаол ташқи сиёсат юритиш билан халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз давлатчилигини қуриши, мустақилликни мустаҳкамлаши, дунёда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши лозим эди. «Ўзбекистон йўли - жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўли» шиори илгари сурилди.

1944 йилда ташкил этилган республика Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти тубдан ислоҳ қилинди. 1992 йили Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, 1991 йили Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ташкил топди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг давлат тизими яратилди. Ташқи алоқалар соҳаси учун миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида 1992 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил қилинди. Ташқи иқтисодий ва сиёсий фаолиятни тартибга солувчи «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Қонун (1998), «Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» Қонун (2000), «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида» Қонун (1996), «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» Қонун (1995), шунингдек, Консуллик Устави, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Мана шундай назарий ва амалий қадамлар натижаси ўлароқ, бугунги кунда давлатимиз мустақиллигини 170 га яқин мамлакатлар тан олди. Уларнинг 120 нафари билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистонда 43 давлат ва 20 та йирик халқаро ташкилот миссиялари аккредитация қилинган. Ўз навбатида, Ўзбекистон 40 дан ортиқ йирик ташкилотлар ҳамда 500 дан ортиқ халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистоннинг хорижий давлатларда 200га яқин корхона ва ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон 40 га яқин давлат билан «Инвестицияларни Ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисида» шартнома имзолаган.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади ва Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида эътироф этилмоқда. Бундай обрў-эътибор тарихий давлатчилигимиз, маънавиятимиз ва олдимизга қўйган мақсадларимизга ҳамоҳангдир. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, барқарорликка асосланган ташқи сиёсатини давом эттиради. Бунинг учун етарли сиёсий, иқтисодий, маънавий имкониятлари мавжуд.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

**Тошкент – 2016**

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

### 14-мавзу: Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигида демократик тамойилларга асосланиши

<i>Талаба сони 20-50та</i>		Вақти 2 соат	
<i>Машгулот шакли</i>		Анжуман - амалий машгулот	
<i>Семинар режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.</li> <li>2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатидаги ҳуқуқий сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий асослари.</li> <li>3. Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги.</li> <li>3. ШХТ, Марказий Осиёдаги демократик жараёнлар ва ўзаро ҳамкорлик.</li> </ol>		
<p><i>Ўқув машгулотининг мақсади:</i> Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўз ташқи сиёсатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Эндиликда ташқи сиёсат мустақил тарзда амалга оширилмоқда.</p> <p>Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон-бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан тараққиётга эришган эмас. Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган «Буюк Ипак» тарихий йўлнинг марказида жойлашган Ўзбекистон бир неча асрлардан буён динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуқтаси бўлиб келмоқда.</p>			
<i>Педагогик вазифалар:</i>		<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик Жамият кўришда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигида демократик тамойилларини англаб етишга қаратилади</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигида демократик тамойиллари ҳақида хулосалар чиқариш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўриш билан боғлиқ босқичларни ҳозирги кун билан таққослаб тегишли хулосаларга чиқариш.</li> <li>• Ўзбекистонда демократик жамият кўришнинг тегишли манбаалар асосида ўрганиш, атрофлича ижодий таҳлилий баён қилиш.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш усуллари -техникаси</i>		Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат	
<i>Ўқитиш воситалари</i>		Тарқатма материаллар, слайдлар, проектор.	
<i>Ўқитиш шакллари</i>		Жамоа, тўғридан-тўғри ва гуруҳларда ишлаш.	
<i>Ўқитиш шароити</i>		Техник воситалар билан таъминланган аудитория.	
<i>Амалий машгулотни баҳолаш</i>		Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.	

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Тошкент – 2016**

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.
2. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга қўшилишидаги демократик тамойилларга асосланади.
3. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти муносабатларининг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий асослари.
4. БМТ ва Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистоннинг дунё давлатлари билан ҳамкорлиги.
5. МДҲ давлатларидаги демократик ислохотлар ва давлатлараро муносабатлар. Ўзбекистон Россия муносабатлари.
6. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидagi ўрни.
7. Марказий Осиёдаги демократик жараёнлар ва давлатлараро ҳамкорлик.
8. Марказий Осиё давлатлари ҳамжиҳатлиги, унга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори.
9. Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг истиқболлари
10. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигида демократик тамойилларга асосланиши

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”**

фанидан тайёрланган

**ГЛОССАРИЙ**

**Тошкент – 2016**

## ГЛОССАРИЙ

1. **Халқаро тизим** – халқлар, давлатлар, иқтисодий сиёсий ташкилотлар ўртасидаги халқаро даражадаги муносабатлар.
2. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий – сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости, ер усти бойликлари.
3. **Спикер** – Қонунчилик палатаси, яъни қуйи палата раиси.
4. **Сиёсат субъекти** – сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.
5. **Цивилизация** – жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
6. **БМТ** – дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш, миллатлар ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1945 йил 24 октябрда ташкил топди.
7. **Геосиёсий имкониятлар** – жўғрофий сиёсий имкониятларга айтилади. Географик ўрни, табиати, ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобга олинади.
8. **МДҲ даги демократик жараёнлар** – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ислохатлар мажмуи.
9. **Принцип** – раҳбарий ғоя, устувор йўналиш бош мақсад ва унга еришиш тамойиллари.
10. **Сиёсий таъминотлар** – сиёсий таълимотлар деганда, давлат ва ҳуқуққа инсон манфаати нуқтаи - назаридан ёндошиш ҳамда юридик анъана сифатида қадимги дунёда мавжуд бўлган таълимотлар тушунилади.
11. **Демократия** – “халқ ҳокимияти” маъносини англатади.
12. **Конституция** – тузилиш тартиб – давлатнинг асосий қонуни.
13. **Менталетет** – ақл идрок. Миллий ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний ётиқодлар.
14. **Сенат** – парламент палатаси ҳуқуқий вакиллик палатаси.
15. **Фуқаролик жамияти** – давлат жамият, ижтимоий тараққиётнинг олий демократик шакли.
16. **Иқтисодий плярализм** – мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли туманлиги.
17. **“Ўзбек модели”** – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиётини беш тамойили.
18. **Менеджер** – фирма, компания ва банкнинг бошқарув раҳбари, ёлланма бошқарув раҳбари.
19. **Маънавият** – инсонларнинг ички, руҳий олами, ирода ва ётиқодлари билан боғлиқ бўлган инсоний фазилатлар мажмуи.

20. **Маърифат** – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.
21. **Екстримизм** – ўз мақсади йўлида ҳар қандай кескин тадбир-чоралар куришга тарафдорлик.
22. **Сиёсий жараёнлар** – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.
23. **Сиёсий тизим** жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.
24. **Сиёсий ташкилотлар** – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.
25. **Тоталитаризм** – ялпи, чек-чегара билмас назарий ва зўравонлик, горизонтал тузилмаларнинг тузилиши.
26. **Авторитаризм** – ижтимоий ҳаёт соҳаларида назорат қилинмайдиган ҳокимиятнинг пайдо бўлиши, тобелик ва ҳуқуқсизлик.
27. **Замонавий модел** – яъни, “Ўзбек модели” – Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб берувчи беш тамойил тушунилади.
28. **Сиёсий ҳокимият** – кенг маъноли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, жамиятга хос бўлган сиёсий бошқорув яъни сиёсий ҳуқумронлик.
29. **Сиёсий ҳаёт** – сиёсий ҳаёт ижтимоий жараёнларнинг таъсирида давлат бошқаруви ва унинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.
30. **Кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимда** демократик жараёнлар ривожланади ва ҳуқуқий асослар кенгайиб боради.
31. **Сиёсий партия** – Ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил қилади. Сиёсий партияларнинг бирдан бир асосий мақсади, жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиш, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилишга қаратади. “Партия” атамаси латинча “нарс”, “парц”- яъни қисм, гуруҳ каби маъноларни англатади.
32. **Стратегия** – Бош йўл, узоқ муддатга мўлжалланган у ёки бу соҳадаги катта вазифалар.
33. **Сиёсий маданият** – жамият сиёсий тизимининг енг муҳим элементларидан бири кадриятлари, дунёқараши, урф-одатлар.
34. **Умумбашарий** – жамиятдаги иқтисодий ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш шахсий ва нодавлат муносабатлари мажмуасидир.

**“ФАЛСАФА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
кафедраси**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ  
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ”  
фанидан тайёрланган**

**ТАҚДИМОТ  
(Электрон шаклда)**

**Тошкент – 2016**

